

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
5 - МАХСУС СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 5**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
SPECIAL ISSUE - 5**



**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

№SI-5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5>

**Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:**

Усмонов Шамсиддин
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,
Фарғона минтақавий филиали директори, профессор

**Сўз санъати халқаро журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Word art
Международный редакционный совет журнала Искусство слова**

Утаганов Равшан
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,
Фарғона минтақавий филиали
“Театр санъати” кафедраси мудири

Акбаров Тошпўлат
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,
Фарғона минтақавий филиали доценти

Аҳмедов Рафиқ
“Фидокорона хизматлари учун” ордени,
“Шухрат” медали соҳиби

Хурсаной Умарова
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Пўлатов Джурахон
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Абдурахимов Ахмад
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Юлдашев Карм
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Хатамова Ёркиной
Ўзбекистон халқ артисти

Раҳматуллаева Шафоатхон
Ўзбекистон халқ артисти,
“Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

- 1. Tagaeva Sayyora Ulashevna**
SHE'RIYATDA ONA VASFI (NEMIS VA O'ZBEK SHOIRLARI SHE'RLARI MISOLIDA).....6
 - 2. Раҳмонова Хуршида Халиловна**
ҚИССА ЖАНРИДА РАМЗИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАТЛАМ ТАБИАТИ
(Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси мисолида).....11
 - 3. Назарова Дилдора Илхомовна**
ЖАМОЛ КАМОЛ МУҲАММАСЛАРДА УСЛУБ ВА ТАСВИР.....19
 - 4. Тўмарис Бутунбаева**
АЪЗАМ ЎКТАМ ВА МИНҲОЖИДДИН МИРЗО ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАР.....25
 - 5. Комилова Шахноза Турабудиновна**
ХИТОЙЛИК ДАРМАТУРГ СЯ ЯННИНГ “ШАНҲАЙ ТОМЛАРИ ОСТИДА”
ДРАМАСИДА ДАВР МАНЗАРИСИ.....29
 - 6. Эшанова Зилола Қўчқаровна**
АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДАГИ МУНОЖОТ-ҒАЗАЛЛАР ПОЭТИКАСИ.....35
 - 7. Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович**
НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....41
 - 8. Джалилова Зарнигор Баходировна**
ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ
ГУЛЛАР ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....48
 - 9. Қаюмов Нодир Найимович**
РЎДАКИЙ ВА БАШШОР МАРҒАЗИЙ ПОЭЗИЯСИДА ТАШХИС
САНЪАТИНИНГ ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТАРИ.....54
 - 10. Жаксымова Урзия Жумабаевна**
«ЖАҲОНША» ДОСТОНИДА ИЛМ ЎРГАНИШ ФАЗИЛАТИНИНГ АКС ЭТИШИ.....59
- ## Лингводидактика
- 11. Сирожиддин Хўжакулов**
XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА
МУСАДДАС ЖАНРИ ВА УНИНГ ЭВРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.....64
 - 12. Surmanov Sardor, Ametova Oyshajon**
IMPROVING LEARNERS READING SKILL WITH THE USE OF GRADED READERS.....70
 - 13. Xaitbayeva Nazokat Adilbek qizi**
TA'LIM JARAYONIDA PSIXOLINGVISTIK YONDASHUV.....74
 - 14. Noila Mustafoeva Ishnazarovna**
YURIST TALABALARGA RASMIY Hujjatlar bilan ishlashda yozuv
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH TAJRIBALARINI O'RGANISH.....80
 - 15. Zaure Kertaeva Saparaliqizi**
DEVELOPING STUDENTS' INTERACTIONAL COMPETENCE IN ENGLISH CLASSROOMS.....84

16. Жалолова Шахноза Муҳамеджановна, Мусаева Гавхар Исломовна ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ФЕЪЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРДАН ФОРЙДАЛАНИШ.....	90
17. Абушаев Амир Камилевич СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ И “МЕХАНИЗМЫ” В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В КАЧЕСТВЕ ИНОСТРАННОГО НА ПРИМЕРЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ТЕХНИК И СИСТЕМ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ ГОВОРЕНИЯ И ЧТЕНИЯ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ.....	95
18. Шавкиева Дилфуза Шакарбоевна ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГЕЙМИФИКАЦИЯ ЁРДАМИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ МАЗМУНИ, МЕТОД, ВОСИТАЛАРИ.....	100
19. Hafizov Abrorbek Alisher ogli CHARACTERISTICS OF TEACHING ENGLISH FOR BUSINESS PURPOSES.....	105
Тилшунослик	
20. Джумабаева Жамила Шариповна, Кушманов Жасур Баходирович ЛЕКСИК ГРАДУОНИМИЯДАН ФРАЗЕОЛОГИК ГРАДУОНИМИЯГА (ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР МИСОЛИДА).....	109
21. Камилова Дурдона Козимджановна ОСОБЕННОСТИ СЛОВООБРАЗОВАНИЯ БИЗНЕС-ТЕРМИНОВ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ.....	114
22. Abdimurodov Doston Dilmurod o'g'li, O'sarov I.K O'ZBEK(INGLIZ) TILIDA “ONA” SO‘ZIGA OID BIRLIKLAR TADQIQI.....	120
23. Jochen Hoffmann FREQUENT PRONUNCIATION ERRORS OF UZBEK SPEAKERS IN ENGLISH.....	127
24. Хасанова Гулрух Хайруллаевна ДЕЙКСИС ВА ДЕЙКТИК ИМО-ИШОРАЛАР ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	137
25. Исакова Нодира Аззамовна ЗАИМСТВОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ТЕРМИНОВ В УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ИХ ЗНАЧЕНИЯ...	142
26. Mavlonova O'g'iloy Hamdamovna КИНОЯНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ.....	148
27. Исакова Юлдузхон Зокировна ЭМОЦИОНАЛ БЎЁҚНИНГ КОНТЕКСТДА ИФОДАЛАНИШИ.....	153
28. Мирсагатова Покиза Авазбек қизи АҚЛИЙ ФАОЛИЯТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ТУРЛИ УСУЛЛАРИГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР.....	160
29. Noila Mustafоеva Ishnazarovna YURIST TALABALARGA RASMIY HUIJATLAR BILAN ISHLASHDA YOZUV КОМПЕТЕНСИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАСHTIRISH TAJRIBALARINI O'RGANISH.....	166
30. Eshtuhtarova Bibigul Bektashevna SEMANTICS OF PHRASEOLOGICAL UNITS OF THE THEMATIC GROUP “HUMAN MENTAL ACTIVITY” (B ASED ON THE MATERIALS OF THE ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES).....	170


31. Yorova Sayyora Karimovna DOKTOR VA BEMOR ORASIDAGI TIBBIY NUTQNING O'ZBEK VA INGLIZ TILLARI NUQTAI NAZARIDAN LINGVISTIK TAHLILI.....	177
32. Sadullaev Denis Bakhtiyorovich TERMINOLOGY AND TERMINOLOGICAL SYSTEM: ASPECTS OF CORRELATION.....	183
33. Агзамова Дилдора Бахадиржановна ОНТОЛОГИЧЕСКИЕ И КОГНИТИВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ КОНЦЕПТА ПАМЯТЬ.....	188
34. Алматова Феруза Авазовна ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ БАДИИЙ МАТНЛАРДА ГЕНДЕР ХУСУСИЯТИ.....	195
35. Shamsematova Barno Rixsivayevna THE PECULIARITIES OF THE CONCEPT STUDY “VALUE”, “NORM” AND “EVALUATION” IN LINGUISTICS.....	202
36. Бобораимова Мафтуна Асатулло кизи СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РУССКИХ И КИТАЙСКИХ ПАРЕМИЙ О ЗДОРОВЬЕ.....	206
37. Усаров Иброхимжон Курпашаевич ПРИНЦИПЫ СИНТАКСИЧЕСКОГО ПОВТОРА И ЕГО ВИДЫ.....	211
38. Гавхарой Исроилжон кизи, Латипова Наргиза РЕКЛАМА МАТНИНИНГ СТРУКТУРАЛ ВА ЛИНГВИСТИК ЖИҲАТЛАРИ.....	218
39. Malikova Iroda AQSH TOPONIMLARINING LUG'AVIY – MA'NOVIY TURLARI.....	223
40. Исраилова Сайёра Ташпулот кизи ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	230
41. Нигматова Лолахон Хамидовна ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	237
42. Таджибаева Маъмура Ашуралиевна, Таджибаева Гулмира Ашуралиевна ПАРЕМИОЛОГИЧЕСКАЯ СИСТЕМА ЯЗЫКА КАК ОТРАЖЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРНОЙ СПЕЦИФИКИ.....	242
43. Нигматова Лолахон Хамидовна ЖАҲОН ЎҚУВ ЛУҒАТЧИЛИГИДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИ ИФОДАСИ.....	251
44. Остонова Санам Нематовна ДУНЁ АМАЛИЁТИ ДАФН МАРОСИМИ ВА ЖАНОЗА МАРОСИМЛАРИ.....	262
45. Зияев Авазжон Ихтиёрович ИНТЕНСИФИКАЦИЯ/ДЕИНТЕНСИФИКАЦИЯ СЕМАНТИКАСИНИНГ ЛЕКСЕМА ВА ФРАЗЕМАЛАР СИНОНИМИК ПАРАДИГМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШИ.....	270

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Адабиётшунослик

Tagaeva Sayyora Ulashevna,
Samarqand davlat universiteti doktoranti

SHE'RIYATDA ONA VASFI (NEMIS VA O'ZBEK SHOIRLARI SHE'RLARI MISOLIDA)

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-1>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'zbek va nemis shoirlari Abdulla Oripov va Vilgelm Arent she'rlarida "ona" konsepti lingvomadaniy va qiyosiy tahlil qilingan. Kirish qismida asosan kontseptning nazariy asoslari keltirildi. Ushbu sohada tadqiqotlar olib borgan V. Maslova, S. A. Askoldov, A. B. Babushkin, E. S. Kubryakova va Karasik kabi bir qator tilshunoslarning fikrlari qayd etildi. Shunga ko'ra, "konsept" atamasi ko'plab ilmiy tadqiqotchilar tomonidan boshqacha talqin qilinadi. "Ona" konsepti dunyoning barcha madaniyatlarida eng muhim tushunchalardan biridir.

Kalit so'zlar: konsept, lingvokulturologiya, kognitiv lingvistika, etnolingvistik, intellektual, hissiy.

Тагаева Сайёра Улашевна,
Докторант факультета филологии
Самаркандского государственного университета

ОДА МАТЕРИ В ПОЭЗИИ (НА ПРИМЕРЕ СТИХОВ НЕМЕЦКИХ И УЗБЕКСКИХ ПОЭТОВ)

АННОТАЦИЯ

В статье дается лингвокультурный и сравнительный анализ понятия «мать» в стихотворениях узбекских и немецких поэтов Абдуллы Орипова и Вильгельма Арента. Во вводной части излагаются в основном теоретические основы концепции. Отмечены взгляды ряда лингвистов, проводивших исследования в этой области, таких как В. Маслова, С. А. Аскольдов, А. Б. Бабушкин, Е. С. Кубрякова, Карасик. Соответственно, термин «концепт» многими исследователями трактуется по-разному. Понятие «мать» - одно из важнейших понятий во всех культурах мира.

Ключевые слова: концепт, лингвокультурология, когнитивная лингвистика, этнолингвистика, интеллектуальная, эмоциональная.

Tagaeva Sayyora Ulashevna,
SamSU doctoral student

ODE TO MOTHER IN POETRY (ON EXAMPLE OF POEMS BY GERMAN AND UZBEK POETS)

ANNOTATION

This article provides a linguocultural and comparative analysis of the concept of "mother" in the poems of Uzbek and German poets Abdulla Oripov and Wilhelm Arent. In the introductory part, mainly the theoretical foundations of the concept are given. The views of a number of linguists who have conducted research in this area, such as V. Maslova, S. A. Askoldov, A. B. Babushkin, E. S. Kubryakova, and Karasik have been noted. Accordingly, the term "concept" is interpreted differently by many researchers. The concept of "mother" is one of the most important concepts in all cultures of the world.

Keywords: concept, linguoculturology, cognitive linguistics, ethnolinguistics, intellectual, emotional.

Kirish

Barchamizga ma'lumki, so'nggi yillarda konsept faqatgina tilshunoslik elementi bo'libgina qolmasdan, balki, mantiq, falsafa va adabiyotshunoslikda ham asosiy element sifatida qo'llanilmoqda. Shuningdek, konsept madaniyat va inson o'rtasidagi aloqa vositasi sifatida tan olinib, unga kognitiv tilshunoslik fanining asosiy yo'nalishi sifatida baho berilmoqda. Hozirgi kunda milliy va lingvistik-madaniy tushunchalarni tahlil qilish dolzarb hisoblanadi. Ta'kidlash joizki, tilshunoslik sohasida "konsept" atamasini talqin qilishda yagona yondashuv mavjud emas.

Tilshunoslikda konsept atamasi bir vaqtning o'zida ham eski, ham yangi hisoblanadi. 1928 yilda A. Askoldovning "Концепт и слово" maqolasida ko'proq tilga olingan. XX asr o'rtalariga kelib esa, "konsept" tilshunoslikda atama sifatida qo'llanila boshlagan.

Tilshunos olim Sh.Safarovning qayd etishicha, konseptlar inson ongida shakllanadigan turli kategoriyalarning asosini tashkil qiladi, ular uchun tayanch bo'lib xizmat qiladi. [7]

V.I. Karasik birinchi bo'lib tushunchalarni "kognitiv konsept" va "lingvomadaniy konsept" yoki "madaniy konsept"ga ajratadi. Bunda madaniy konsept til, tafakkur va madaniyatni kompleks o'rganishda qo'llaniladigan shartli mtntal birlik sifatida ta'riflanadi.[4]

N.D. Arutyunovanning fikriga ko'ra, tushunchalar "inson va dunyo o'rtasida vositachilik qiladigan bir turdagi madaniy qatlamni" hosil qiladi. Kontsept milliy an'analar, folklor, din, mafkura, hayotiy tajriba, san'at tasvirlari, hissiyotlar va qadriyatlar tizimlari kabi omillarning o'zaro ta'siri natijasida izohlanadi. [1]

Garchi konsept nazariyasi juda qiziq bo'lsa-da, ko'p tadqiqotlar va dalillarni talab qiladi. Shuni ta'kidlash kerakki, konseptlarning tarkibi va mazmuni, tasniflashning asosiy printsiplari va shunga o'xshash sirli muammolar haligacha hal qilinmayapti. Ushbu masala bo'yicha yagona, yakdil fikrning yo'qligi kontseptning ko'p qatlamli tuzilishga ega ekanligi bilan izohlanadi. Kontsept muammosi tilshunoslar orasida eng munozarali masalalardan biri ekanligi aniq bo'lib, bu olimlarning turli qarashlariga olib keladi.

Kuzatishimizcha, hozirgi zamon rus tilshunosligida yaratilgan tadqiqotlqrd konseptning turlicha ta'rifi mavjud. Bu esa konseptning yagona, umuman tan olingan ta'rifi yo'qligi, ushbu kategoriyaning ilk shakllanishi haqidagi fikrlarning tugallanmaganligi yoki xulosalanmaganligini ko'rsatadi.

Xususan, A.B.Babushkin, E.S. Kubryakova, I.A.Sternin va boshqalar tomonidan olib borilgan kognitiv tilshunoslik tadqiqotlarida "konsept" ong, qabul qilingan bilim, tajriba, inson hayotining natijalari birligi va g'oyalar to'plami sifatida qaraladi va ma'lum bir madaniyat bilan bog'liq bilimlar hisoblanadi.Ushbu faktlar "ona" konsepti masalasining dolzarbligini ko'rsatadi. "Ona" konsepti dunyoning barcha madaniyatlarida eng muhim tushunchalardan biridir.

Bir tomondan, "ona" konsepti antropik kundalik kognitiv kontseptning ibtidoiy tushunchalarini anglatadi, chunki "ona" madaniy va ijtimoiy ahamiyatga ega tushunchadir, chunki u har bir etnik guruhning etnik, estetik, pragmatik va boshqa pozitsiyalarini baholash g'oyalarini aks ettiradi. Shunday qilib, "ona" konseptining ikkilamchi mohiyati namoyon bo'ladi, bu semantik ravishda biologik-genetik (reproduktiv) va ijtimoiy-madaniy tarkibiy qismlarga bo'linadi va taqqoslanadigan

etnik-madaniy til shakllarining izomorfik va shunga mos ravishda allomorfik xususiyatlarida aks etadi [3]

«Ona» konsepti har qanday madaniyatning eng muhim qadimiy tushunchalaridan biri hisoblanadi, chunki ona har qanday tillarga hos bo'lgan insoniy mavjudotning asosiy ko'rsatkichidir. Boshqa tomondan, bu konsept lingvomadaniyatshunoslikda taraqqiy etayotgan yangi izlanishlarning paydo bo'lishiga olib keladi. Ushbu omillar uni tadbiiq qilishni insoniyat tarixiy rivojlanishning har bir bosqichida dolzarbligini ta'minlaydi, bu juda ko'p izlanishlar mavjudligi bilan tasdiqlanadi. Ularning har biri belgilangan konseptni o'rganishga o'ziga hos hissa qo'shadi. [5.] Bizning fikrimizcha, hozirgi kunda “ona” konseptini qiyosiy jihatdan tadqiq qilish muhim ahamiyatga ega.

Ona yer yuzidagi turli millatlar tasavvurida oilada muhim vazifani bajaruvchi, ma'lum bir burchga ega, mas'uliyatli shaxs sifatida gavdalanadi. Ona obrazi har qanday millat madaniyatida bir-biridan farqli ravishda, o'ziga hos tarzda talqin qilinadi.

Ona! Ushbu tabarruk so'zni aytish yoki eshitish bilan yuragimizda cheksiz mehr paydo bo'ladi. Ona shu qadar buyuk, ulug' zotki, uningdek, sevguvchi, qalbi mehr muhabbatga to'la inson bo'lmasa kerak. Shoirlarimiz o'z she'rlarida onani shunday ta'riflaydilar ki, har biri bu borada o'z qarashlariga ega. [6]

Ushbu maqolada o'zbek va nemis shoirlari Abdulla Oripovning “O'zbek onasi” hamda Vilhelm Arentning «An Meine Mutter» she'rlarida ona talqini ko'rib chiqildi. Abdulla Oripovning “O'zbek onasi” nomli she'rida barcha o'zbek onalariga ta'rif berilgan. Shoir nazdida O'zbek ayolining, onasining qay darajada mehnatkash, mehribon, kuchli, samimiy, kuyinchak, suyuqli ekanligi mohirona aks ettirilgan. Ijodkor she'rni quyidagi misralar bilan boshlagan;

Mushtipar ham o'zing, buyuk ham o'zing,

Kuyinchak ham o'zing, kuyuk ham o'zing,

Olamga tatirlik suyuq ham o'zing,

Payt keldi aytmoqqa, gapning xonasi,

Ey, O'zbek onasi, O'zbek onasi.

Mushtipar – qo'lidan bir ish kelmaydigan, ojiz, bechora ayol;

Buyuk – (bu yerda) aziz, muqaddas, mo'tabar;

Kuyinchak – har narsaga achinaveradigan, qayg'uraveradigan, kuyib tashvishlanadigan, astoydil g'amxo'rlik qiladigan;

Kuyuk – (ko'chma ma'noda) dog'-alam, dard –g'am, alamli, kuygan;

She'rning ikkinchi bandida, muallif asosan onani o'zbek millati tarixida chuqur iz qoldirgan ayollar timsolida tasvirlagan.

Seni To'maris deb, maqtaganim bor,

Sen Temur beshigin tebratgan bedor,

Sensan Bibixonim, Nodirai zor,

To'maris - Turon xalqlarining ahamoniylar bosqiniga qarshi kurashiga rahbarlik qilgan jasur ayol sarkarda.

Bibixonim - (asl ismi Saroymulkxonim) (1341 — 1408) — Amir Temurning katta xotini, Chigatoy ulusi xoni — Qozonxonning qizi

Nodira - (taxallusi; ismi Mohlaroyim) (1792, Andijon — 1842, Qo'qon) — shoira, ma'rifatparvar va davlat arbobi.

Vatanni Ona deb bekor aytilmas,

Ona buyurganda yo'ldan qaytilmas,

Sen o'zing Ka'bamsan, Baytul muqaddas,

Keyingi misralarda shoir onani vatanga, islom olamidagi eng muqaddas ziyoratgohlarga, ya'ni Ka'ba, Baytullohga qiyoslagan. Bu bilan ijodkor onaning shu qadar buyuk, takrorlanmas, qadrli inson ekanligini ta'kidlagan.

Boshingdan nimalar o'tmadi axir,

Vatandek taqdiring bo'ldi goh taxir,

Bobur shoh bo'lsa-da, qoshingda faqir

Yuqorida keltirilgan misralar orqali muallif o'zbek onalarining turli davrlarda boshidan otkazgan kechinmalari, mashaqqatlari, Bobur kabi shohlar ham ona oldida bosh egishi, faqir insonga aylanishi mumkinligi haqida so'z yuritgan.

Farzanding quvonsa – sen ham quvonding,
 Faqat bolam deding, yashading, yonding,
 Nokasi uchrasa, o'rtanding, tonding,

Ha, haqiqatan ham, har bir ona o'z farzandining yutuqlaridan shodlansa kerak. Shoir o'zbek onalarining bolasi uchun jon fido aylashini, umrining oxirigacha ularning-da tashvishi-la yashashini mana shunday go'zal misralar orqali ta'riflagan.

She'ring so'nggi qismlari quyidagicha yakunlangan.

Ey O'zbek onasi, O'zbek onasi,
 Kelajak toychog'u toyingizdadir,
 Jannat ham albatta poyingizdadir,
 Vatan-ku, Siz turgan joyingizdadir.

Abdulla Oripov she'rdagi so'zlarni shu qadar tanlaganki, uni o'qigan sayin qalbimizda onaga bo'lgan hurmat, extirom hissi uyg'onadi. Ozbek onalarining mehnatsevarligi, samimiyligi, jonkuyarligiyu, mehribonligi, buyuk kuch-qudrat sohibalari ekanligi she'rda o'z aksini topgan. Onalarni e'zozlash, qadrlash aynan o'zbek millatiga xos hususiyat ekanligi shoir tomonidan mohirona tasvirlangan.

Buyuk nemis shoiri Wilhelm Arentning «An meine Mutter» nomli she'rini tahlil qilar ekanmiz, shoir o'z onasi timsolida barcha onalarga ta'rif bergan. Se'r quyidagi misralar bilan boshlangan:

Der reinste Demant dieser Erde
 Das köstlichste, das reichste Erz
 Die schönste Sonne aller Sonnen
 Es ist das treue Mutterherz [9.]
 Der reinste Demant – eng qimmatbaho tosh, diamante, olmos
 Das Erz – ruda, mineral
 Die Sonne – quyosh
 Das Mutterherz – ona yuragi, qalbi

Shoir ona qalbini yerdagi eng qimmatbaho tosh olmosga, bahosi tengsiz rudaga, Шoir она қалбини ердаги энг қимматбаҳо тош, олмосга, баҳоси baland рудага, chiroyda tengsiz quyoshga qiyoslagan.

O Herz so tief, so unergründlich,
 O Herz so wahr, so gut, so rein
 O ewig wie der Weltenlenker
 Kann nur Mutterliebe sein! [9.]

Tief – chuqur, cheksiz, unergründlich – vafodor, ishochli, wahr – haqqoniy, gut – yaxshi, rein – toza, sof, samimiy, ewig – abadiy, die Welt – dunyo, olam, der Lenker – rul. [10]

Muallif navbatdagi misralarda ona qalbini quyidagicha ta'riflaydi: U shunday qalbki, qanchalar cheksiz, qanchalar vafodor, haqqoniy, samimiy, sof. Faqatgina ona muxabbati dunyo ustuni kabi abadiy b'lishi mumkin.

Selbstsüchtig ist sonst jede Liebe
 In ihrer Qual, in ihrem Glück.

Sie gibt ihr Herz dir hin, doch fordert
 sie auch dein Herz dafür zurück. [9.]

Selbstsüchtig – xudbin, Qual – azob, Glück – baxt. [10]bu yerda har qanday sevgi-muhabbat o'ziga xos azob-uqubatdan, baxtdan iboratligi, sevgan inson o'z qalbini tortiq qila olishi mumkinligi, buning evaziga uning qalb mehrini talab qilishi to'g'risida so'z yuritilgan.

Nur einer Mutter grosses Lieben
 Gibt sich dem Kinde ganz dahin

Und fordert nicht, o schön das Geben
 Ist überreichlich ihr Gewinn [9.]

Liebe –sevgi-muxabbat, das Kind – bola, farzand, Gewinn – g'alaba, foyda. [10]

Faqat ona o'z farzandiga buyuk muxabbatini to'liq taqdim eta oladi, evaziga hech narsa kutmaydi.

O Mutterherz, o Mutterliebe,

Wer kann dich hier ermessen doch,

Du Herz ob auch vom Kind gebrochen,

Im Sterben segnest du es noch! [9.]

Ermessen- ayblamoq, hukm chiqarmoq, gebrochen – sindirmoq, das Sterben – o'lim, segnen – duo qilmoq.[10.] Shoir she'mi juda chiroyli misralar bilan yakunlagan. Ey ona qalbi, ona muxabbati, seni kim ham ayblay oladi, farzandin qalbingni yaralagan bo'lsa-da, jon taslim qilayotib ham uni duo qilasan. Haqiqatan ham, onadek qalbi daryo, samimiy, sofdil inson bo'lmasa kerak. Ona baxti, shodligi – farzandlar quvonchidir. Ona bunday bebaxo tuyg'uni, hech kimga, hech narsaga alishmaydi. Ona har doim o'zida beqiyos jasorat, kuch topa oladigan fazilat sohibasidir.

Xulosa

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash lozimki, har ikki millat shoiri onani bebaho zot sifatida ulug'lagan, uning bebaxo hislatlarini o'z tillarida chiroyli yoritib berishgan. Abdulla Oripov onani ta'riflashda buyuk tarixiy siymolarga, vatanga qiyoslagan bo'lsa, Wilhelm Arent esa, oftob, gavhar, mohtob, mujgon, Офтоб, гавхар, мохтоб, мужгон kabi so'zlardan foydalangan. Har ikkala tilshunoslik madaniyatida ham “ona” eng buyuk va mo'tabar zot sifatida baholangan bo'lsa, ona va uning ijtimoiy munosabatlariga katta ahamiyat berilgan.

Dunyoda shunchalik ko'p millat borki, ularning shuncha onasi bor. Har bir millat farzandi o'z onasini qadrlaydi, ulug'laydi. Har bir mamlakatda onalar e'zozlanadi, ular uchun she'rlar bitiladi, qo'shiqlar kuylanadi. [6]


Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Arutyunova N.D. Выделение // Логический анализ языка. Ментальные действия. – М.: Наука, 1993.-216с.
2. Askoldov S.A. Концепт и слово // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста: Антология. – М.: Academia? 1997/-279с.
3. Avanesyan N.K. Avtoreferat. Yazikovaya obyektivasiya konseptualno – kognitivnogo freyma “mat” v angl. I russ. Yazikax. Pyatigorsk – 2012/
4. Karasik.V.I. O kategoriyaх лингвокультурологии// yazikovaya lichnost: problem kommunikativnoy deyatel'nosti: Sb.nauchn.trudov. – Volgograd.: Peremena, 2001. S.3-16
5. Gunyashova Galina Anatolyevna., kandidat filologicheskikh nauk. Koncept Familie v nemetskom yazykovoy kartinе mira: na materiale tekстов normativnogo i publitsisticheskogo diskursov. 2007. Кемерова
6. Jo'rayev A. Onajon she'rlar, uchinchi nashr/Toshkent: “O'zbekiston”. NMIU, 2018.
7. Safarov Sh. Kognitiv Tilshunoslik – Jizzax: Sangzor, 2006.
8. Sanosyan A.G., Kupchik E.V. Концепт «Родина» в поэзии С.А.Есенина и А.А.Блока. Вестник Тюменского государственного университета, 2012.№
9. Muttergedichte
https://www.mumag.de/gedichte/thema05_Muttergedichte_Muttertagsgedichte.html
10. Langenscheidt. Power Wörterbuch Deutsch.Herausgeber Professor Dr. Dieter Götz., ProfessorDr. Hans Wellmann.
11. O'zbek tilining izohli lug'ati. A.Madvaliyev tahriri ostida (2006-2008)

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Рахмонова Хуршида Халиловна
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети
мустақил тадқиқотчиси, ўзбек
филология факультети ўқитувчиси
Email: xurshida.xalilovna@gmail.com

ҚИССА ЖАНРИДА РАМЗИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАТЛАМ ТАБИАТИ (Хуршид Дўстмухаммаднинг “Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси мисолида)

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-2>

АННОТАЦИЯ

Бугунги кун қиссаларида инсон образи янгича ёндашув асосида ифодаланмоқда. Қахрамоннинг ботиний олами ва қалб жумбоқларини тасвирлаш, чуқур таҳлил қилиш асар марказида туради. Қахрамон ўз-ўзини тафтиш қилади, ўз кўнглига қамалиб олиб, тафаккурга, хаёлларга эрк беради. Ана шундай асарлардан бири Хуршид Дўстмухаммаднинг “Ҳижроним мингдир менинг” деб номланган қиссасидир. Мақолада ушбу қисса образлар бадиияти, поэтик тимсоллар, рамзлар асосида таҳлил қилинган. Асарда инсон қалби, кўнгли, инсоний ва илохий муҳаббат туйғулари ёзувчининг ғояларини ифодалашга хизмат қилган. Бадиий таҳлилда қахрамон психологиясини очишда пейзаж тасвири, портрет, оқ ранг, туш каби психологик воситалардан фойдаланилди. Бундай психологик воситалар инсон руҳиятини чуқур ва нозик ёритишда, воқеалар силсиласини ривожлантиришга хизмат қилган.

Калит сўзлар: ноанъанавий қисса, инсон кўнгли, мактуб, хотиралар оқими, ички монолог, сюжет чизиғи, адабий-фалсафий мушоҳада, метафорик ўхшатишлар, пейзаж, туш тасвири, муаллиф нутқи.

Рахмонова Хуршида Халиловна
Самостоятельный исследователь, преподаватель
университета узбекского языка
и литературы имени Алишера Навои
Email: xurshida.xalilovna@gmail.com

ПРИРОДА СИМВОЛИКО-ФИЛОСОВСКОГО СЛОЯ В ЖАНРЕ ПОВЕСТИ (на примере повести Хуршида Дустмухаммада "Мои тысячи разлук")

АННОТАЦИЯ

В современном рассказе человеческий образ выражается на основе нового подхода. Изображение внутреннего мира героя и загадок сердца, глубокий анализ находится в центре работы. Главный герой исследует себя, замыкается в своем сердце и дает волю мысли и

воображению. Одно из таких произведений – рассказ Хуршида Дустмухаммада под названием «Хиджраним мингдир менин». В статье анализируется этот рассказ на основе образов, поэтических эмблем, символов. В пьесе человеческое сердце, душа, человеческие и божественные чувства любви служили выражением идей писателя. В художественном анализе использовались психологические инструменты, такие как пейзажные образы, портрет, белый цвет, сон, чтобы раскрыть психологию главного героя. Такие психологические инструменты служили для развития серии событий в глубоком и тонком освещении человеческой психики.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: нетрадиционное повествование, человеческое сердце, письмо, поток воспоминаний, внутренний монолог, сюжетная линия, литературно-философский дискурс, метафорические аналогии, пейзаж, авторская речь.

Rahmonova Khurshida Khalilovna
Researcher of the University of
Tashkent State Uzbek language and
literature named after Alisher Navoi,
teacher of the faculty of Uzbek Philology.
Email: xurshida.xalilovna@gmail.com

THE CHARACTER OF SYMBOLIC-PHILOSOPHICAL LAYER IN THE GENRE OF STORY (ON THE BASES OF THE STORY "MY GREAT SEPARATION" BY KHURSHID DUSTMUHAMMAD).

ANNOTATION

In today's stories, the image of man is expressed on the basis of a new approach. Depicting the hero's Botanic world and soul puzzles, in-depth analysis stands at the center of the work. The hero makes a self-inspection, confines himself, gives freedom to thinking, imagination. One of such works is the story of Khurshid Dostmuhammad called "hijra is a thousand mine". In the article, these narratives are analyzed on the basis of artistry, poetic symbols, symbols. In the work, the human heart, soul, feelings of human and divine Love served to express the writer's ideas. In artistic analysis, psychological tools such as landscape painting, Portrait, white color, Dream were used in the opening of the psychology of the hero. Such psychological tools served in the deep and subtle coverage of the human psyche, the development of sets of events.

Key words: unconventional narration, human imagination, letter, flow of memories, internal monologue, plot line, literature-philosophical observation, metaphorical analogy, landscape, author's speech.

Қисса жанри ўзбек адабиётида узоқ тарихий босқичларни босиб ўтиб, тобора ўзгариб, янгилашиб бормоқда. Хусусан, XXI аср қиссаларида ёзувчининг янгиланаётган услуби, адабий-эстетик қарашлари, поэтик тили, рамзлар орқали адабий-фалсафий мушоҳадаси такомиллашиб бормоқда. Ана шундай ўзига хос услубга эга ёзувчилардан бири Хуршид Дўстмухаммаддир.

Истеъдодли адибнинг “Уч қўшиқ” деб номланган қиссаси ноанъанавий услубда ёзилган бўлиб, уч қисмдан иборат. Биринчи қўшиқ “Ҳижроним мингдир менин”, иккинчи қўшиқ “Мен – сенсиз, сен - менсиз”, учинчи қўшиқ “Гўё рўё” деб номланади. Ёзувчи бу қиссаларни ёзишда ҳам шаклий, ҳам мазмуний, ҳам услубий янгиликка интиланган. Қиссаларнинг ҳар бири ўзига хос бадиий қурилмага эга. Асарда анъанавий қиссаларда мавжуд бўладиган аниқ бир сюжет чизиғи йўқ. “Ҳижроним мингдир менин” қиссаси ошиқ йигит ва маъшуканинг мактублари, хотиралар асосига қурилган. Инсон кўнглидаги покиза туйғуларни, унинг нозикликларини тўлалигича очиб беришга уриниш яққол кўзга ташланади. Қаҳрамон кўнглида кечаётган кечмишлар, изтироблар, дардлар мактуб шаклида фалсафий мулоҳазалар орқали баён қилинган. Қиссанинг сюжети ҳам, композицияси ҳам туйғулар оқими асосида ривожланиб боради.

Хуршид Дўстмуҳаммад ушбу асарида инсон кўнглини, унинг муҳаббатга тўла туйғуларини биринчи ўринга қўяди ва инсон қалбидаги поклик, самимийлик, ўзаро меҳр унинг тафаккурини белгилайди, қалбадаги гўзаллик ҳақиқий гўзалликдир, деган шарқона хулосани асар моҳиятига сингдиради. Қалб, юрак – инсоннинг ҳақиқий инсонийлигини, одамийлигини кўрсатиб берувчи асосий тушунчадир. Асарда воқелик ҳам қалбадаги ҳис-туйғу, кечинмалар, хотиралар орқали бизга намоён бўлади. Қиссадаги ошиқ йигит дунёни фақат гўзалликларда, оқ рангларда ва оқликдан таралаётган нурда, инсонларнинг ўзаро бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатида кўради. Дунёга шоирона нигоҳ билан боқади. Адиб китобхонларни ташқи оламдан узиб олиб, кўнгил деган беадад маконга олиб киради ва кўнгилнинг турфа жилоларини, соғинчнинг аламларини, муҳаббатнинг чексиз изтиробларини ҳис қилишни, тушунишни китобхоннинг ҳукмига ҳавола қилади.

Қиссада инсоннинг қалби бевосита бадиий ижод майдони, бадиий таҳлил майдони вазифасини ўтаган. Қалб эса ўз навбатида туйғуларда намоён бўлади. Туйғулар эса хат орқали изҳор қилинади. “Хат кўнгил кўприги, бу кўприк икки киши учун бунёд этилади, унга шу икки кишидан бўлак ҳеч ким қадам босмайди ва унга бегона назар ҳам тушмаслиги керак. Чунки икки кўнгил тўридаги энг бокира, энг эрка орзу-армонлар ушбу кўприк – мактуб воситасида йўлланади”. Хат нафақат кўнгил изҳори, балки ўзининг туйғуларини, муҳаббатини ёт, бегона кўзлардан, бегона назарлардан ҳимоялашнинг воситаси ҳамдир. Рассом йигит қизга шу даражада кўнгил қўядики, унинг ҳар ҳаракатида, ҳатто сукутида ҳам ўз идеалини кўради. “Айни суҳбатга қўшилишингиз мумкин бўлган дамларда ҳам сукут сақлар эдингиз, шундай пайтда аслзода оилада тарбия кўрган кибор қизлардан бўлса-я деган ўйлар кечар эди хаёлимдан”. Қаранг, ёзувчи тасвирда ҳам метафорик ўхшатишлардан ўринли фойдаланган. Бу эса матннинг руҳий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Яъни, қизнинг аҳён-аҳёнда бир кулиб, яна ўша заҳоти жиддий тортиши – ярқ этиб ёниб ўчган чирокқа ўхшатиляпти. Адиб яна маъшуканинг ёки қизнинг юзи “дуру жавоҳирларнинг асили”, “илоҳий ҳирқат”, “чехрасидан оппоқ нур таралади” деб тасвирлайди. Айниқса, қиссада кўп ўринларда оқ рангга, оқликка ва ундан таралаётган нурга алоҳида эътибор қаратади. Мактублардан бирига эътиборимизни қаратамиз. “Чехрангиздан таралган ойдек нур асирига айландим. Бундайин нурни авайламоқ, кадрламоқ учун эса ўзим бениҳоя покиза, беғубор бўлмоғим шарт, деган қарорга келдим”. Ёки яна бир ўринда “Жозиб нурлар илоҳ назари тушган жисмда жамланади, зеро, оқ-оппоқ нурда фаришталар гўзаллиги мужассам топади. Қалби чароғон ва гўзал инсонларгина ушбу илоҳий нурни аъзои баданларига жо этадилар, шу тариқа мўъжизаларга қодир нур тоза қалб соҳиблари бўлмиш заминий хилқатларнинг муборак баданларида акс этади”. Ошиқ йигит илоҳий нурни, фаришталик тимсолини, зоҳирий ва ботиний гўзалликни маъшукда кўради. Шу сабабли ўзим ҳам қалбан покланмоғим шарт, деб ҳисоблайди ва шовқинли шаҳардан тоғу тошларга чиқиб кетади. Маъшуканинг ҳам ўз навбатида, ошиққа нисбатан меҳри, муҳаббати, ундаги фазилатларни кадрлай олиши покиза туйғулар асосига йўғрилган. Ердаги муҳаббат самовий муҳаббатга айланган. Ёзувчи ушбу қиссада инсон кўнглини, соғинчни, ҳижронни кашф этишга уринган. Ундаги қаҳрамонлар ёзувчининг эстетик идеалини ифодалаб беради. Бани башар қиссадаги рассом йигит ва қиздек самимий туйғуларга эга бўлса, бир-бирини тушунса, кадрлай билса ҳаёт бунчалар мураккаб, яшаш бунчалар қийин бўлмасди, деган концепсияни илгари суради. Бу эса ўз навбатида рус ёзувчиси Фёдор Достоевскийнинг “Гўзаллик дунёни қутқаради” машҳур ибораси замиридаги меҳр туйғусини эсга солади. Услуби ҳам “Камбағаллар” номли романинига ҳамоҳангдир.

Лекин, Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг услубига, ўзининг йўналишига эга ёзувчилардан бири. Ёзувчи қаҳрамон психологиясини ифодалашда пейзаж тасвири, портрет, оқ ранг воситаларидан қоришиқ ҳолда фойдаланган. “Тасвирий адабиётдаги табиат манзаралари пейзаж, деб юритилади. Табиат манзараси тасвирдан турли хил мақсад кузатилади. У гоҳ воқеа содир бўлган фаслни билдиради, гоҳ қаҳрамонлар кайфиятини очишга ёрдам беради, гоҳ асар воқеаларини бир-бири билан боғлаш вазифасини ўтайди”. Адиб қиссасида пейзаж қаҳрамон кайфиятини ифодалашга хизмат қилган. Тоғу тошларга

кетиб қолган йигит қамишзорга бориб қолади. "... Ёруғ дунёда мен кўрмаган-билмаган нарса йўғу, қадам босмаганим қамишзор қолгандек қадам-бақадам олдинга силжийвердим. Шунда туйқус оёғим остига қарадиму... қисғос очилган тугмача гулларни кўрдим!.. Инсон назари тушмаган қамишлар орасидаги ғира-ширада тугмача гуллар шу қадар оқ эдики!.. Уларнинг оқлигини тасаввур қилиш ва тасвирлаш учун "оқ" сўзи ожизлик қилади!.. Қорға ўхшатайми, музга, пахта ё сутга қиёслайми?... Йўқ, буларнинг ҳеч бирига ўхшамаган оқ-оппоқ гул япроқчалари!.. Беш япроқли, уч япроқли, капалак қанотидан-да нозик. Киприкларинг учи сийпаси озор етгудай!.. Банди киприк толасидан-да нафис... ". Бундай гўзалликларни, тугмача гулнинг оқлигини, нафислигини билиш, илғаш учун инсонда нозик дид, тоза қалб, тафаккур, шоирона нигоҳ керак бўлади. Гулнинг оқлигини тасаввур қилиш ва тасвирлаш учун дунёдаги оқ сўзи ҳам, дунёдаги барча оқ рангдаги ҳодисалар: қор, муз, сутга қиёслайди. Аммо тасвирдаги ўхшатиш ёзувчининг кўнглидагидек оқликни, ойдинликни тасвирлаб беришга ожизлик қилади. Ёзувчини гулларни оқ рангда тасвирлаши қониқтирмайди. Энди бу гулларнинг гўзалликларини ифодалаш учун нурга мурожаат қилади. "Митти япроқчаларнинг ранги шу қадар тиниқки, ундан сачраган нур толаси тўппа-тўғри юзингизни ёритиб юборади". Бу ерда оқ ранг, ундан таралаётган нур эзгулик, поклик, меҳр, ҳижрон рамзи бўлиб келяпти. Дунёни фақат оқ рангларда, яъни эзгуликдан иборат ҳолда кўришни истаган ёзувчи оқ рангда мавжуд бўлган рамзий маъноларни кашф эта бошлайди.

"Хаёт ва хаёл йўлларида " деб номланган телекўрсатувда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад "Агар кўнгил расмини чизиш керак бўлса, ўзи, аслида, кўнгилнинг расми йўқ. Мободо, унинг расмини чизиш керак бўлса, у нурдан иборат бўлади. Кўзни оладиган нур эмас, майин, мулойим нурдан иборат бўларди. Кўнгилнинг марказида нур туради", - деган эди. Демак, бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёзувчи нима учун нур образига тез-тез мурожаат қилгани аён бўлади. Яъни ёзувчи майин, мулойим нурни, ёруғликни кўнгилнинг асосий марказида турувчи унсур деб, билади. Демак, ёзувчи назарида кўнгил нурдан иборат экан, кўнгил майли, кўнгил меҳри тушган маъшуқа ҳам нурли бўлиши, табиий. Ёки ошиқ кўнглининг нури маъшуқа чеҳрасига тушар, эҳтимол.


Умуман олганда, Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида ранглар алоҳида рамзий маъно ташийди. Айниқса, оқ ва қора ранглар. Қора ранг "Сўроқ" қиссасининг бадиий ғоясини ифодалашга хизмат қилган бўлса, оқ ранг эса "Ҳижроним мингдир менинг" қиссасида маълум бир рамзий маънолар ташийди. Умуман, ранглардаги маъно ҳақида фикр билдирган адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул шундай дейди: "Ранглар у ёки бу халқнинг уни қуршаб олган олам, ижтимоий-маданий ҳаёт, урф-одат, маросим, адабиёт ва санъатга доир қадимий қарашлари билангина эмас, балки космогоник, мифологик, диний-илоҳий тушунча ва тасаввурлар билан ҳам боғланиб кетади. Шунингдек, одамларнинг дунёқараши, яшаш шароитлари, диний ҳаёт йўлларининг ўзгариши билан рангларга муносабат, кўзланган мақсадлар ҳам ўзгариб, баъзан бутунлай янгиланиб борган". Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, ранглар космогоник, мифологик, илоҳий тушунчалар билан боғлиқ экан, улар ифодалаган тушунчалар ҳам илоҳийлик касб этади.

Олим таъкидлаганидек, ҳар бир халқ ёки элатнинг туриш-турмуши, урф-одати, дунёқараши ўзига хос, улар узоқ даврлар мобайнида шаклланган. Бу нарса ҳатто рангга бўлган муносабатда ҳам намоён бўлади. Масалан, биз ўзбекларда оқ ранг эзгулик, поклик, софлик белгиси ҳисобланади. Бошқа миллатлар эса унга бошқачароқ баҳо бериши мумкин. Бу эса ҳар бир халқнинг менталитети, дунёқараши билан боғлиқ. Ўтмишда асир тушган ёки енгилган кўшин оқ байроқ кўтарган. . Оқ сулҳпарвар элчилар ва бетараф томонларнинг ранги ҳисобланган. Япония, Ҳиндистон, Хитойда эса бу ранг мотам ранги ҳисобланган. Адиб Хуршид Дўстмуҳаммад эса, "оқ рангни қора ранг билан солиштирганда, оқ рангда кувноқлик, шўхчанлқ, хушчақчақлик бор", - деган эди. Лекин адибнинг ушбу қиссасида оқ ранг кувноқлик маъносидан кўра, кўпроқ эзгулик, меҳр-муҳаббат, дунёдаги барча одамларга меҳр кўзи билан қарай олиш маъноларига яқинроқ тушунчани ифодалаган. Балки, шунинг учун адиб пейзажда ҳам, қаҳрамонлар портрети

тасвирида ҳам оқ рангга қайта-қайта мурожаат қилади. “Суратингизни чизганман: оч кўкиш куйлақдасиз, оппоқ гуллари бор, куюқ сочингиз елкангиз узра ёйилган, нафисгина балдоғингизда яноғингиздан таралган нур акс этипти”. Ошиқ йигит маъшуқасини расмини чизади. Унга термулиб туриб, узоқ-узоқ суҳбат куради. Бу ҳам ўз навбатида қаҳрамоннинг кечинмаларини ифодадашга ёрдам беради. Йигит хаёллар оламида яшайди. Хаёллар эса чек-чегара билмайди. Дунёни оқ рангларда кўриш, ҳис қилиш аста-секин тафаккурга кўча бошлайди. Хаёлот оламида ҳам, реал ҳаётда ҳам тафаккур ҳис-туйғудан кўра ўзининг залворли юки билан инсонни ҳамиша ўйлашга, фикрлашга мажбур қилади.

“Тушуниш азоб... Инсон чуқурроқ, нозикроқ тушунгани, ҳис қилгани сайин азоби чуқурлашаверади, изтироб ўтида кўпроқ куяверади. Ўйлаб қоламан: бундай ҳолатларда тушунмаслик, ҳиссизлик бахт эмасмикан?..” Яна қаҳрамон хотираларидаги воқеа-ҳодисаларни тафаккур ва кўнгил туйғулари билан қоришиқ ҳолда таҳлил қила бошлайди. Ошиқ йигит маъшуқага ёзган хатларининг бирида ўн уч ёшли ўспирин бола ҳақидаги ҳикояни айтиб беради. Кўча чангитиб, тўп қувиб юрган ўн уч ёшли болакай бирдан ён дафтар тута бошлайди. Кунлик воқеаларини, еган овқатини, тушларини, онасининг танбехларини, кушларнинг сайрашларини, кўшни синфдаги қизнинг юриш-туришини ёзиб боришга одатланади. Китоб ўқишга ҳаваси орта бошлайди. Одамларнинг бир-бирдан ажойиблигини мурғак нигоҳи орқали кашф эта бошлайди. Ўзига кўшни синфдаги қизнинг нигоҳи билан қарай бошлаганини ҳатто ўзи ҳам сезмай қолипти. Кунларнинг бирида ўспирин бола хотира дафтарини йўқотиб қўяди. Ҳарчанд изламасин, уни топа олмайди. Бир куни овқатдан сўнг отасининг сўзи билан ҳамма хонтахта атрофида ўтиришди. Бирдан катта акасининг қўлида йўқолган ён дафтарча пайдо бўлди ва у ўқий бошлади. “Катта танаффус... звонок чалинди... Класдан шошиб чиқдим, қарасам... ” Ҳаҳ-ха-ха” . Кундаликнинг давоми ҳам ўқилади. Ҳамма устидан кулади. Ёзганлари, туйғулари мазах қилинган бола ўзини бамисоли оёқлар остида мажақланиб эзилган майсадек ҳис қилади. Югуриб қоп-қоронғу кўчага чиқиб кетган бола аламдан кўзлари жикқа ёшга тўлади. Воқелик шу жойига келганда тугаб қолади. Муаллиф бу ҳодисадан хулосани китобхоннинг ҳукмига ҳавола қилади. Зийрак китобхон эса боланинг мурғак қалбини, болалик ҳавасини, самимий туйғуларини синдирган одамларни меҳрсизликда айблайди. Ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрларни тушунгандек бўлади. Бу ҳикоя қаҳрамоннинг нафақат ўша пайтдаги кайфиятини, балки даврнинг ижтимоий мазмунини, яъни шу даврда яшаётган одамларнинг тобора меҳрсизроқ бўлиб бораётганлигини ифодалашга хизмат қилган.

Ошиқ рассом эса яна хаёлларига эрк беради. Хаёллар эса тин олмайди. Бутун борлиқни, коинотни кезиб чиқади. Рассом йигит эса энди соғинчнинг дақиқаларини кашф қила бошлайди. “Соғинчнинг изтиробли дақиқаларида бир кашфиёт қилдим: соғинч лаҳзаларини бани башар кўниккан вақт ўлчови билан ўлчаб бўлмайди. Зеро, соғинчнинг ҳар лаҳзасида юзлаб кунларга татигулик азоб-уқубатлар мужассам топади. Ичингизда бўла туриб соғинаман, Сизни ичимда жо қилиб қўйиб – излайман... ” яна бир ўринда “Соғинч азоб, изтироб, армон, аммо борлиги барибир яхши...”, “соғинч ҳам беадад макон”. Аслида, бадий тафаккур, унинг маҳсули бўлган бадий асар қолипларга сиғмайди, чек-чегара билмайди. Лекин, биз шартли равишда мазкур қиссадаги қаҳрамонлар табиатини, соғинчнинг изтиробларини информативнинг тармоқланиш чизмаларида ифодалашга ҳаракат қилиб кўрдик.



Хуршид Дўстмуҳаммад қаҳрамон руҳий ҳолатларни ифодалашда туш мотивидан ҳам фойдаланади. Асарда тўрт ўринда туш деталдан фойдаланилган. Қиссада туш кўриш тасвири характерлар руҳиятини чуқур ва нозик ёритишда, воқеалар силсиласини жонлантиришга хизмат қилган.

Ғарб психологлари Фрейд, Юнг, Фром ва бошқалар тушни инсон руҳиятини ўрганиш ва баҳо бериш учун энг муҳим воситалар сифатида баҳолаганлар. З.Фрейд тушни инсон руҳиятининг кўз билан кўриб, эшитиб бўлмайдиган томонини акс эттирувчи кўзгу сифатида шарҳлаган эди. Фрейднинг тадқиқотида кўра туш миянинг алоҳида функциясики, унда барча нарса рамз, ниқоб билан келади. Одам ўзи англамаган истак, хоҳиш, кўркув, майл, умид, орзу, завқ, хайрат, ваҳм мияда ўрнашиб қолади. Тушда рамз сифатида вужудга келади. Ўзбек адабиётида ҳам туш қаҳрамонлар ички дунёсини, уларнинг кечинмаларини ифодалаш мақсадида ишлатилган. “Тушнинг бу хил шаклини, қаҳрамоннинг психик ҳолатларини очиб берувчи восита эканлигини ўзбек романчилигининг тўнғич асари – “Ўткан кунлар”да яққол кўриш мумкин. Асарда биргина туш тасвири бўлиб, у ҳам Отабекка тегишлидир”, - дейди адабиётшунос олим Ҳотам Умуров ва Отабекнинг тушини у бошидан кечирган кечинмалар билан бирга изоҳлайди. Шунингдек, қаҳрамоннинг келажаги коронғулик, зулматда эканлигини психологик асослайди. Шоира Исаева эса номзодлик дииссертациясида “Улуғбек хазинаси” романи асосида Мирзо Улуғбек ва Абдулатиф характерларининг руҳиятини улар кўрган тушлари асосида кенг таҳлил қилади. Асарда туш мотиви орқали ўқувчига ёвузлик, зиён-заҳмат, душман таҳдиди каби воқеа-ҳодисалар ҳақида олдиндан башорат қилади, яъни туш – қисмат даракчиси вазифасини ўтайди,- дейди олима. Худди шунингдек, жаҳон ва ўзбек адабиётини дурдоналаридан хабардор Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам устозлар изидан бориб, ўз асарларида қаҳрамонлар руҳияти очиб беришда туш деталларидан фойдаланади. “Ҳижроним мингдир менинг” киссасида туш мотиви анъанавийликни ёриб ўтиб, янгича услубда ифодаланган. Унда воқеликдан кўра тасвирийлик олдинги планга чиққан. “... ёп-ёруғ хона тўсатдан қорамтир тус олади, кўз олдиндан туман, туман эмас – қуюқ булут солланиб ўтади, ўтиб бораётган булут бошинг узра тўхтади – устингдан қулаётганга, сени мазах қилаётганга ўхшайди. Қўлларингни алмойи-алжойи ҳаракатлантириб булутни тарқатиб юборгинг, эркин нафас олгинг келади, бироқ, аксинча, қандайдир юмшоқми... қаттиқми нарса муштдек бўлиб кўксинг ичига кириб олгандек... абадул-абад шу алфозда тураверадигандек... товушинг борица бақириб юборгинг келади. “Дод!” десанг, хонанинг бир томони энлаган кенг, ёруғ дераза чил-чил синиб, жарангги қулоғингни қоматга келтирса, майли ойна синиқлари тарновдан шовуллаб тушаётган ёмғир сувидек бошингдан қўйилса... бетинг, манглайинг, лабларинг қонга беланса ва шиша ёмғири орасидан шундайин соғинч тегирмонига солиб азоблаётган Суврат кўринса...

Олам сукунат оғушига чўмади, сукунат ютиб юборай дейди. Сени ютиб юборишга ҳозир нозир сукунат навосини тинглаб ором олгинг келади”. Манзарадаги контраст ҳолат, яъни ёруғлик ва қоронғулик, босинқираш йигит қалбидаги руҳиятнинг товланишларига ишора. Тушдаги деталлар маълум маънода рамзийликка ишора қилган. Ёп-ёруғ хона – ошиқнинг тинч-осойишта ҳаёти, қорамтир қуюқ булут – қаҳрамон қалбидаги изтироб, суврат – нажот, яъни бу ўринда суврат маъшуканинг сурати маъносида қўлланилган. Сукунат навоси – маъшуқа билан ҳаёлан суҳбат қилиш. Туш давом этади. Ошиқ йигит ва маъшуқа суҳбат қуради. Баъзида туш ўнгга, рўёга айлангандек, ўнг эса тушга эвирилгандек таассурот уйғотади. “Алламаҳал чўчиб уйғондим, тепамда менга термулиб ўтирганингизга қарамай уйқуга кетганим учун ўзимдан норозиланиб сапчиб турдим. Йўқсиз... Шошиб ҳовлига чиқдим. Ҳовли саҳнига, бурчак-бурчакларига кўз югуртирдим – топмадим. Аламдан ичиб ўртанди. Шошиб, зинадан пастладим. Шунда, қийғос гуллаган гилос шохларидан-да баландроқда деворга ёйилгандек осиглик оппоқ матони кўрдим. Мисоли оқ, нурли дастурхон...

Кўзимни узолмадим. Сутдек оқ мато – дастурхон сатҳида ундан-да оқроқ, ундан-да нурлироқ Сизнинг суратингиз пайдо бўлди.

Мўъжиза эди, бу!...

Маънос, мунис, дилбар чеҳра... Турган жойимда нафас ололмадим, оёғимнинг учида чўзилдим. Вазним енгил тортди, сиз томон кўтарила бошладим... би-ир кучоқ оппоқ нур сузиб келди, келди ва мени осуда оғушига олди..." Туш ва тимсоллар ҳақида фикр билдирган адабиётшунос олим Жаббор Эшонқул: "Тушда вақт ва макон чегараси йўқ. (шу туфайли ҳам адабиётда вақт ва макон чегарасини синдиришни истаган модернистлар туш ва тушдаги каби вақт ва макон чегараси йўқ рамзларга мурожаат қилишган) Ана шулар туфайли тушга таъбир изланади. Тушни текшириш ва унинг таъбир, рамз калитини топиш қаҳрамон руҳий ҳолатини ҳақида яққолроқ тасаввур беради". Юқоридаги туш тасвирида ҳам макон ва замон чегараси бузилган. Қаҳрамон тушларида ҳам ўнгидаги каби маъшуқага бўлган чексиз муҳаббат, соғинчи ифодаланган. Туш жараёни давом эта бориб ўнгга айлангадек бўлади. Аммо, биз уни ҳаётда, инсон ўнгида юз бераётган ҳодиса десак, рўёга ҳам ўхшамайди, яъни йигит вазнининг енгиллашиб, тепага кўтарила бориши ва унинг олдида бир кучоқ оппоқ нур сузиб келиши реал ақлга унчалик ҳам тўғри келмайди. Лекин бу ҳодиса ошиқ қалбининг тобора покланиб, руҳнинг жисмдан тепага кўтарилишига, ошиқ қалби тобора покланиб, оппоқ нурлар билан бирлашиб кетаётганлигига ишора қилади. Қиссада туш жараёни шунчаки ўткинчи ва маъносиз ҳолат эмас, инсон руҳиятининг бир қисми, инсон ички дунёсининг тимсоли сифатида намоён бўлади. Инсон руҳий олами ғоят сирли жараён эканлигини кўрсатади. "Асарлардаги тушни ва ундаги рамзни таҳлил этиш қаҳрамон руҳияти ҳақида бизга яққол тасаввур беради. Зеро, тушдаги рамзларни шарҳлаш, адабий асарлардаги рамзларни шарҳлашга олиб келадик, бундан адабиёт ютади", – дейди адабиётшунос Жаббор Эшонқул. Демак, тушдаги рамзлар адабий асарнинг мазмун-моҳиятини, ёзувчининг ғоясини ифодалашда асосий муҳим омиллардан бири ҳисобланар экан. Қиссада яна бир туш жараёни пейзаж билан қоришиқ ҳолда ҳам келади. Ёзувчи табиат тасвирини худди рассомлардек поэтик нигоҳ билан чизадик, манзара ўқувчи кўз олдида жонли гадаланади. "...киш чилласи. Туни билан ёққан қор ҳолдан тойган – май-йда-май-йда элаяпти. Қор қоплаган томлар қато-ор ётганича уйкуга кетган ва ҳализамон силкиниб уйғонадиган баҳайбат жондорларга ўхшайди. "Жондор"ларнинг у ер-бу еридан қуюқ қора тутун бурқсиб кўтарилаяпти... Тонг отса-да, одамлар иссиқ уйларида ташқарига чиққилари келмайди, совуқнинг зўридан кун ҳам минг бир укубатда, эриниб ёйилмоқда. Кимсасиз, тор ва узун кўчанинг ў-ўртасида бола етаклаган жувон пайдо бўлди. Бола – ўғил бола шекилли кўзига доғур бостириб кийган, у етмагандай, оғзи-бурни аралаш шарф ўраб боғлаган.

Жувоннинг бошида оқ жун рўмол, иссиқ кўйлак устидан қора бахмал нимча. Иссиқ, гулдор лозим. Бир қўли билан ўғлининг қўлқоп кийган қўлидан тутган, иккинчи қўлини мушт қилганича кўксига босган. Нимадир гапириб келаяпти шекилли (оёғи тойиб кетмасин-да!..), оғзидан буғ чиқаяпти.

Томлар, дарахтларнинг шир яланғоч шохлари, кўча оппоқ қорга бурканган. Жувоннинг қўли, юзи қордан-да оқ... оқ жун рўмоли остидан ярқираб кўринган манглайдан таралган нур шундайига ҳам оппоқ кўчани янада ёритаётгандек.

Тонг ёғдуси шу кўчада тунагану, жувон уни етаклаб чиқаётгандек". Қиссада ёзувчи аёлни идеаллаштиради. Хаёлан пейзаж манзарасини тасвирлайди. Киш тонги, майдалаб ёғайтган қор тасвирланади. Туни билан ёққан қор атроподаги ва кўнгилдаги ғуборларни ювиб, софлик, беғуборлик олиб келганга ўхшайди. Қор билан қопланган томларнинг уйкуга кетган баҳайбат жондорларга ўхшатилиши пейзаж тасвиринг яна-да қуюқлашишига хизмат қилган. Адиб киш, қор деталлари орқали оқ рангга яна бир бор мурожаат қилган. Манглайдан нур таралган, шу оқлик қўйнида бола етаклаган аёл, рамзий маънода эзулик, ёруғлик тимсолидир. Зеро, манглайдан таралган нур инсон қалбининг аксидир. Болани эса ҳаёт давомчиси, дейишимиз мумкин.

Бундай туш манзаралари, мактублардаги туйғулар, кечинмаларнинг тасвири баъзан кўпайиб кетганга ўхшайди. Китобхонни толиқтириб қўйиши мумкин. Қиссанинг

бошланиш қисмида муаллиф томонидан шундай жумлалар битиб қўйилган. “Азиз китобхон! Қиссадаги мактубларни Сиз ёзгансиз, уларнинг бари Сизники. Ишонаверинг, қиздир, йигитдир, исталган киши бундай ишқномани битишга қодир. Фақат бунинг учун, қўнгил беғубор севги сурурию бокира муҳаббат изтиробини бошидан кечирган бўлса, кифоя”. Эҳтимол, ёзувчи айтганидек, ўқувчи бу мактубларда ўзининг қалбини, ўтмишини, бутунини, орзуларини, борингки, ўзлигини кўрар. Балки, ёзувчининг қалб кечинмалари, қалб оғриқлари ҳам шу қиссада намоён бўлгандир. Ёзувчи бош қахрамон – ошиқ образида нега айнан рассом йигит образини танлади? Ошиқ образига бошқа соҳа вакиллари ҳам танлаши мумкинми? Бу саволларга ахир, рассомлар хаёл одамлари, деб жавоб берилиши, тайин. Лекин, ундай десак, шоирлар ҳам, ижодкорлар ҳам, санъаткорлар ҳам хаёл, қўнгил одамлари. Улар ҳам ўз хаёллари оламида яшашади. Адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳаёти ва ижодини чуқурак ўрганганимиз сари, жавоблар аста-секин бўй кўрсата бошлайди. Адиб “XX аср менинг тақдиримда” номли суҳбатда мухбирнинг журнали мухбири билан бўлган суҳбатдан парча келтирамыз.

“ – Сизнинг ушалмаган орзуларингиз?

– Ушалмаган орзу... Муסיқачи, рассом бўлолмадим... Мўйқалам тутишни эплаганимда Сальвадор Далининг тушига кирмаган суратларни чизардим...” Ёзувчи ёшлигидаги орзуси рассом бўлолмагани учун ҳам ошиқ йигит тимсолига рассом образини танлагандир, эҳтимол. Маълум муддат бўлса ҳам, хаёлан рассом бўлиб яшагандир.. Ёзувчидаги поэтик тафаккур ва рассомона нигоҳ қоришгани учун ҳам асардаги туйғулар тасвири ва табиат манзараларининг жонлилиги, уйғунлиги бетакрор бадиий асар вужудга келишига сабаб бўлган, дея оламиз.

Хуршид Дўстмуҳаммад адабиёт майдонида ўз сўзига, ўз услубига эга ижодкордир. Унинг асарлари рамзий тафаккур асосига қурилган. У дунёни ўзига хос тарзда, ўзгача ракурсларда англайди ва англаганларини китобхонга ҳам англатишга уринади.


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дўстмуҳаммад Хуршид. Қиссалар. – Шарқ, 2011.
2. Дўстмуҳаммад Хуршид билан суҳбатдан. Ҳаёт ва хаёл йўлларида теледастурида-Хуршид Даврон кутубхонаси. https://youtu.be/3N_M7XzBGcM
3. Исаева Шоира . Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. Фил.фан.ном. Дисс. – Т.: 2001.
4. Умуров Ҳотам. Ўзбек романларида психологизм. – Т.: Фан, 1983.
5. Фрейд З. Сновидения. Введения в психоанализ. Лекции: - М.: Наука, 1991.
6. Хаёл ва ҳаёт йўлларида телекўрсатуvidан. Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбатдан. Хуршид Даврон кутубхонаси.
7. Худойбердиев Эркин. Адабиётшуносликка кириш. – Шарқ, 2008.
8. Эшонқул Жаббор. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши, Насаф. 2019.
9. Ҳаққул Иброҳим. Яна қора ранг талқини ҳақида. Kh-davron.uz/ kutubxona/uz saytidan.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Назарова Дилдора Илхомовна
Бухоро давлат тиббиёт институти
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси асситенти
dildoranazarova1919@gmail.com

ЖАМОЛ КАМОЛ МУХАММАСЛАРДА УСЛУБ ВА ТАСВИР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-3>

АННОТАЦИЯ

Жамол Камол ижоди шакл ва мазмуни, серкирралиги жихатидан Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Зокиржон Фурқат сингари мумтоз сўз санъаткорлари анъаналарининг давомидир. Бу, кўпроқ шоир ижодининг жанрий ранг-баранглигида кўринади. Жамол Камол мумтоз адабиётимизнинг янги адабиётдаги бетакрор давомчисидир. У болалик йилларидан Шарқ мумтоз адабиётига меҳр қўйди. Бу муҳаббат унинг болалик даврида шоир ғазалларини ёд олиш ва унинг мағзида яширинган маъноларни англашида намоён бўлган бўлса, кейинчалик ижодкор сифатида шаклланиб, танила бошлаганида йўлчи юлдуз вазифасини ўтади. У навоиёна сатрлар ёза бошлади, мустақил мухаммаслар битди, шоир ғазалларига мухаммаслар боғлади. Мазкур жараён З.Бобур, Фузулий, Машраб, Фурқат ва замонавий адабиётимизнинг улкан вакили Э.Воҳидов ғазалларига боғланган тахмис мухаммасларида янада тўлиша борди. Ушбу мақолада шоир мухаммаслари хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: ғазал, “Яна кўнглимда ул ой”, “Ёнаётган дала”, анъана, тахмис мухаммас, мустақил мухаммаслар

Назарова Дилдора Илхомовна
Бухара государство медицинский институт
Узбек тили и ассистентская литература
dildoranazarova1919@gmail.com

СТИЛЬ И ОБРАЗ В ДЖАМАЛ КАМАЛ МУХАММАС

АННОТАЦИЯ

Творчество Джамала Камал является продолжением традиций классических художников слова, таких как Алишер Навои, Захириддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Закирджон Фурқат по форме и содержанию, яркости. Это в большей степени проявляется в жанровом разнообразии творчества поэта. Джамаль Камаль-уникальный преемник нашей классической литературы в новой литературе. Он с детства увлекается восточной классической литературой. Эта любовь проявляется в запоминании поэтом Газелей в детстве и восприятии смыслов, скрытых в его сундуках, которые позже, когда сформировались и стали признаваться творческими, пассажир выступает в роли звезды. Он начал писать строки небойяна, независимые мухаммады закончились, мухаммады привязались к поэту Газалю.

Этот процесс З. Бобура, Физули, Машраба, Фурката и великого представителя нашей современной литературы Э. Вахидова пошел дальше полного в тахмисах Мухаммада, привязанного к Газанам. Эта статья посвящена мухаммадам поэта.

Ключевые слова: газель, “Снова в моей душе эта луна”, “Горящее поле”, традиция, таксмис мухаммас, независимый мухаммас.

Nazarov Dildora Ilkhamova
Bukhara state medical Institute
Uzbek tili and assistant literature
dildoranazarova1919@gmail.com

STYLE AND IMAGE IN JAMAL KAMAL MUHAMMAS

ANNOTATION

Jamal Kamal's work is a continuation of the traditions of classical word artists such as Alisher Navoi, Zahiriddin Babur, Baborahim Mashrab, Zakirjon Furqat in terms of form and content, brightness. This is more evident in the genre diversity of poet creativity. Jamal Kemal is the unique successor of our classical literature to the new literature. He has been fond of Oriental classical literature since his childhood. This love is manifested in the memorization of the poet's gazelles in his childhood and the perception of the meanings hidden in his chests, which later, when formed and began to be recognized as a creative, the passenger acts as a star. He began to write neboiyana lines, the independent muhammas ended, muhammas bound to the poet Gazals. This process Z. Bobur, Fuzuli, Mashrab, Furqat and the great representative of our modern literature E. Vahidov went further full in the tahmis muhammas, tied to the Gazans. This article focuses on the poet's muhammas.

Keywords: ghazal, “That Moon in My Heart Again”, “Burning Field”, tradition, taxmis muhammas, independent muhammas

Жамол Камол мумтоз адабиётимизнинг янги адабиётдаги бетакрор давомчисидир. У болалик йилларидан Шарқ мумтоз адабиётига меҳр қўйди. Хуршид Даврон Жамол Камолга бағишланган мақоласида бу ҳақда ёзади: «Жамол Камол бир мақоласида «Болаликдан Бобур рубойларини ёд олганман, кейин Навоий ғазалларини...» деб ёзади. Айни шу сабабдан бўлса керак, шоир ўзининг илк шеърларидаёқ «сиёсий лирика»дан йироқлигини, азалий, бобомерос туркча ва ўзбек шеърини ақидаларни эътироф этган, фақат ўзига хос оҳангу ранг топа олган миллий шуурли ижодкор эканини намойиш эта билди. Ҳақиқатан, Жамол Камолнинг моҳир мутаржим сифатида камол топишида Жалолиддин Румийнинг руҳи қандай мадакдор бўлган бўлса, шоир сифатида ўз ўрнига эга бўлишида Алишер Навоийнинг бетакрор ижоди унга пойдевор вазифасини ўтаган. «Навоий ижоди – у қуёш шўъласи тушиб турган тиниқ бир кўзгу» – дейди шоирнинг ўзи. Бу муҳаббат унинг болалик даврида шоир ғазалларини ёд олиш ва унинг мағзида яширинган маъноларни англашида намоен бўлган бўлса, кейинчалик ижодкор сифатида шаклланиб, танила бошлаганида йўлчи юлдуз вазифасини ўтади. У навоиёна сатрлар ёза бошлади, мустақил мухаммаслар битди, шоир ғазалларига мухаммаслар боғлади. Мазкур жараён З.Бобур, Фузулий, Машраб, Фурқат ва замонавий адабиётимизнинг улкан вакили Э.Воҳидов ғазалларига боғланган тахмис мухаммасларида янада тўлиша борди. Шу жиҳатдан шоир мухаммасларини иккига бўлиш мумкин:

1. Мустақил мухаммаслар («Ватан ҳақида мухаммас», «Китобсиз эл», «Дўстлар, уюшмоқ онидир», «Эй, азиз қондош-қариндош, ўзлимиз, турким менинг»).

2. Тахмис-мухаммаслар (Навоийнинг «Асру», «Қизил, сориг, яшил» радифли ғазалларига, Бобурнинг «Хазон яфроғи янглиғ» деб бошланувчи, Фузулийнинг «Ёраб, балойи ишқ» деб бошланувчи ғазалларига, Машрабнинг «Эмас» радифли, Фурқатнинг «Булбул» радифли ғазалларига боғланган).

Аввало, бу жанрда ижод қилиш – анчайин мураккаб. Қолаверса, Жамол Камол ижодининг дастлабки даврида, асосан, бармоқ вазнида шеърлар ёзди. У Шарқ адабиёти намояндлари ижодини ўрганиш жараёнида мумтоз сўз маъноларини англашга ва шу йўлда байтлар битишга ҳаракат қилди. Адабиётшунос И.Ҳаққулов бу ҳақда шундай ёзади: «Шарқона рух, ҳол, маъно ва хаёл тасвирлари унинг шеърлятида янги раанг, оҳанг ва жозоба билан шеърхон кўнглини ром этади. Шоирнинг айтарли барча шакл ва жанрдаги шеърлярида ҳассослик, ёркин бир латифлик яркираб кўзга ташланиб туради. У Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий каби салафларга издошлик масъулятини теран ҳис этади. Шу билан бирга у туркий ва форсий шеърлят орасида янги бир муҳташам кўприк яратди. Ўзбек китобхони бу кўприк орқали Фаридиддин Аттор, Мавлоно Румий, Маҳмуд Шабустарий, Абдурахмон Жомий шеърлят бўстонига сайр айлаш ва ундан баҳраманд бўлиш имконига эришди». Ана шу издошлик туйғуси шоир кўлига қалам тутқазди. Натижада ўзига хос мухаммаслар тизими бунёдга келди.

Жамол Камол Алишер Навоийнинг «Асру» ғазалига ёзилган мухаммаси мисолида фикрларимизни асослашга ҳаракат қиламиз.

Азалдин толеим рангида оқ камдур, қаро асру,
Қароликдан келур бошимга ҳар дам можаро асру,
Бўлибман бу жиҳатдин мунчаким зору адо асру,
Вафо аҳлига давру даврондин етар жабру жафо асру,
Жафосидин анинг озурдадир аҳли вафо асру.

Мухаммасда радиф бўлиб келувчи «асру» сўзи «жуда кўп, зиёда» маъносини билдиради. Дастлабки мисрада «толеим ранги» ўзига хос бадий топилма. Агар инсон ҳаёти камалакка қиёс этилса, у турфа рангларда давом этади. Лирик қаҳрамон мана шу турфа ранглар орасида оқ рангни кўрмаслиги, унинг ёруғ кунлари кам бўлганлигига ишора. Бирок қора ранг кўпроқ, дейди шоир.

Бу ғамнинг ибтидоси ҳазрати Инсондин эрмишким,
Бу савдо ихтироси лаънати шайтондан эрмишким,
Бу кулфат, бу аламлар гардиши даврондан эрмишким,
Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар, ондин эрмишким,
Бу эски тоқ аларға ёғдирур гарди бало асру.

Мазкур банд бошдан оёқ анафора асосига қурилган. Ҳазрати инсон дейилганда Одам Ато назарда тутиляпти. Инсоннинг ҳаётига, қалбига қутку солиш, уни ғам-ташвишга гирифтор этиш шайтоннинг ишидир. Шу боис, шоир назарида, вафо, садоқат аҳли ноёб бўлади, демоқчи. «Эски тоқ» дунёни ифодалаб келади. Мумтоз шеърлятда «эски айвон» дейилган. Демак, шоир бу ифодани янгилаб, ўзига хос тасвир ярата олган.

Фароғат истагин этма, машаққат йўлига юз тут,
Кўнгил дарбозасини очгил жаҳонга, бўлмагин маҳдуд,
Аламдан не самар бўлгай, фиғону ноладин не суд,
Гарон жонлиғни кўй, жон бер, тилар бўлсанг дури мақсуд,
Ки, оламда оғирдур ушбу жавҳарга баҳо асру.

Бинобарин, машаққат йўлини тутган киши фароғатга ҳам эришади. «Кўнгил дарбозаси» – шоирнинг ўзига бадий ифодаси. Яъни кўнгил дарбозасини очиш, бағрикенглик инсонни маҳдудликдан қутқаради. Алам, фиғону ноладан фойда йўқ.

Жаҳон сайёд эмишким, қўймади бу жон деган сайдин,
Тасалли истадим жонимга гоҳо нолайи найдин,
Гаҳи топдим ҳаловат кўнглим ичра шишайи майдин,
Чу кавсар жоми зикри қилмади рафъ ўзлигим қайдин,
Бу ранжима ҳамоно наф этар жоми фано асру.

Бунда дунё овчига, ундаги инсон овга қиёланяпти. Най ноласидан жон тасалли топишни истади. Шундай дамда унга шишайи май ҳаловат беради.

Фано мулкида не эрса, фаноийким, хуш эрмасдур,
Яна нафсинга не эрса давоийким, хуш эрмасдур

Жамол, бу лаззати даврон ҳавоййиким, хуш эрмасдур,
 Ҳавойи гулшани қудс эт, Навоййиким, хуш эрмасдур,
 Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру...

«Фано мулки» – бу ёруғ олам, у ўткинчи. Шунинг учун нафса берилмаслик лозим. Қолаверса, бу лаззати даврон, ҳою ҳаваслар ҳам вақтинча. «Қудс» тозалик, поклик, муқаддас деган маъноларни билдиради. Яшаб турган оламининг, ёруғ оламини покизалик, тозалик билан ўтказ, дейди шоир. Зеро, заған, яъни қузғунлар билан бу гулшанда яшаш бенаволик билан тенгдир.

2. Мустақил мухаммаслар. Жамол Камолнинг «Ватан ҳақида мухаммас», «Эй азиз қондош қариндош ўзлимиз», «Дўстлар, уюшмоқ онидир», «Китобсиз эл» сингари шеърлари бу жиҳатдан эътиборли.

Шоирнинг «Ватан ҳақида мухаммас»ини юртга бўлган қайноқ меҳрининг ифодаси, дейиш мумкин:

Хар сафар боқсам фалакка, бир ажойиб холи бор,
 Мен Ватан васфига сўз айтсам, сўзимнинг боли бор,
 Бу чаманнинг ой ила юлдуз деган тимсоли бор,
 То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,
 Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор...

Ушбу сатрларда Ватан фалакнинг ажойиб холига ўхшатишган. Зеро, бу шундай қайноқ туйғуки, у ҳақда сўзланган вақтдаги сўзлар ҳам асалдай ширин бўлади. Ватан ташбеҳлари бисёр. Шоир уларни такрорлашдан чарчамайди, чаманга, ой, юлдузга менгзайди. Бу кўтаринкилик, бу фахр ва мадҳнинг асосида юрт истиқлолига шукроналик ҳислари мужассамлашган.

Не азизлар шу Ватан деб жисму жондан кечдилар,
 Не насллар қул бўлиб, тўзғиб, жаҳондан кечдилар,
 Неча бир қирғин-қабохатли замондин кечдилар
 То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,
 Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор.

Шоир Ватаннинг кўҳна тарихига назар солади. Юрт истиқлоли, истиқболи учун курашган тарихий шахсларга, қуллик истибоддини бошидан кечирган халққа ишора қилади. Шулар эвазига қўлга киритилган истиқлолни шарафлайди.

Биз яшайлик бу жаҳонда мангу бир миллат бўлиб,
 Дилда иймон, измимизда мулк ила давлат бўлиб,
 Ярқираб ўссин насллар соҳиби қудрат бўлиб,
 То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,
 Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор.

Бинобарин, мангу бир миллат бўлиб яшаш, дилда иймонни собит қилиш орқали бу мустақилликни мустаҳкамлаш, келажак наслларнинг ярқираб ўсиши шаҳодатидир.

Эй Ватан, тенгсиз гўзал жононадирсан, эй Ватан,
 Ҳаммамизга меҳрибон бир онадирсан, эй Ватан
 Биз агарда мард эсак, мардонадирсан, эй Ватан
 То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,
 Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор.

Ватан «тенгсиз гўзал жонона», «меҳрибон она»га қиёс этилмоқда. Айтиш мумкинки, мазкур мухаммас мадҳия, қасида мазмунига эга.

Бошимиз узра Улуғбекнинг улуғ осмонидир,
 Пойимизга мард Темурбекнинг азиз Туронидир,
 Қалбимизга Мир Алишернинг муборак онидир,
 Бизга чин мерос буюкларнинг адаб майдонидир,
 Парчаланмоқ пайтимас, дўстлар, уюшмоқ онидир...

Талмеҳ билан зийнатланган юкоридаги сатрларда Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навойга ишора қилинган. Бу мухаммасда ҳам Ватан мавзуси давом эттирилган. Ҳақиқатан,

бу юрт осмони юлдузларни кашф этган Улуғбек, ягона миллат Туронни бирлаштирган Амир Темур, «черик тортмасдан» тахти фармонига олган Мир Алишер ардоқлаган заминдир. Шу боис улуғ аждодларимиз билан фахр этади ва уларга нисбатан «буюк адаб майдони» ифодасини қўлайди. Шундай юрт кишилари ҳамиша бирлашиб яшаши кераклигини уқтиради.

Не аждодлар ватанда ёвлашиб не қилдилар?
Бир-бирин топтаб, қиличлаб, овлашиб, не қилдилар
Ҳар тарафдан тожу тахтни довлашиб не қилдилар
Бизга чин мерос буюкларнинг адаб майдонидир,
Парчаланмоқ пайтимас, дўстлар, уюшмоқ онидир...

Бунда ҳам шоир тарихни ёдга олади. «Ёвлашиб», «овлашиб», «довлашиб» бандда шеърӣ оҳангдорликни таъминлашдан ташқари, ўтмишда халқимизнинг пароканда бўлган ҳолатини ҳам ифодалашга хизмат қилган. Бир қаторда саф чекиб, карвон бўлайлик барчамиз,

Бошқалардек бир тану бир жон бўлайлик барчамиз,
Шу Ватанинг дардига дармон бўлайлик барчамиз,
Бизга чин мерос буюкларнинг адаб майдонидир,
Парчаланмоқ пайтимас, дўстлар, уюшмоқ онидир...

Халқнинг бирлашуви бир қаторда саф чеккан карвонга қиёсланапти. Бу шоирнинг ниҳоятда оҳорли ташбеҳидир. «Бир тану бир жон бўлиш» ибораси ҳам образли тарзда аҳил ва иноқ бўлишни ифода этади.

Шоирнинг «Китобсиз эл» мусаддаси китобхонлик мавзусидан баҳс этади. Ҳамма замонлар илм-маърифат инсонларнинг йўлини ёритувчи маёқ бўлиб келган.

Китобсиз эл жаҳонда илми донишдан жудо бўлмай,
Бериб барбод ақлин, боридан ҳам Мосуво бўлмай,
Кейин мансабга мағрурлик, кейин кибру ҳаво бўлмай,
Эшит, халқим, сенга ўлмас Навоийдан нидо бўлмай,
Китобсизлик ҳама кулфатларингга ибтидо бўлмай,
Асрлар йиққан ул гавҳарларинг бир-бир адо бўлмай.

Шоир фикрича, китобсиз эл илму дониш, ақл – ҳаммасидан жудо бўлади. Маърифатсиз кишида эса кибр, мағрурлик илллати пайдо бўлади. бу бугуннинг даъвати эмас, балки Навоий замонидан нидо бўлиб келмоқда. Китобсизлик фожиа, у кулфат, ташвишларнинг бошланиши, асрлар давомида йиғилган ҳикмат гавҳарнинг йўқотилиши бўлади.

Жаҳонда тенги йўқ шармандалик бўлмай китобсизлик,
Худогамас бировга бандалик бўлмай китобсизлик,
Муқаррар камбағаллик, жандалик бўлмай китобсизлик,
Хунук одат, аянч бир кундалик бўлмай китобсизлик,
Китобсизликка тоқат этма, халқим, бу хато бўлмай,
Китобинг бўлмаса маймун сенга Одам Ато бўлмай.

Панд-насихат мазмунини ташувчи юқоридаги сатрлар шоирнинг мумтоз адабиётга издошлигини яна бир қарра исботлаб туради. Китобсизлик, китоб ўқимасликни шоир тенги йўқ шармандалик, деб атайди. Китобсизлик худога эмас бандага бандалик қилиш деган фикр – янги гап. Илмсиз киши, китобга ошно бўлмаган қалб маънавий руҳий қашшоқлик сари элтади. Сўнгги сатрдаги хулоса янада оҳорли. Яъни собиқ шўро замонида инсон маймундан пайдо бўлган деган бемаъни назария фаннинг асосини ташкил этганлиги рост. Мисрада шунга ишора бор. Шоир оригинал фикрлайди: китобсиз одам маймунни Одам Ато деб билади.

Юқорида таҳлил этганимиз асарлар Жамол Камолнинг мухаммас яратишда ҳам ўзига хос бадий тажриба орттирганлигини кўрсатиб туради. Тахмис мухаммасларда анъанавийлик руҳи устуворлик қилса, мустақил мухаммасларда мазмуннинг ижтимоийлашуви, қасида руҳи етакчилик қилади.


Адабиётлар

1. 1.Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд. Лирика. –Тошкент: Фан, 1992. – Б.189-190.
2. 2.Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд. Лирика. –Тошкент: Фан, 1992. – Б.173.
3. 3.Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд. Лирика. –Тошкент: Фан, 1992. – Б.173.
4. 4.Ҳаққул И. Шеър куйган изҳори. , www.kh-davron.uz.
5. 5.Қурононов Д., Мамажонов З. Ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. Тошкент: Академнашр, 2010. Б.386.
6. 6.Жамол Камол. Ёнаётган дала. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. –Б. 110. (Кейинги мисоллар шу китобдан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади).
7. 7.Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б.251.
8. Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б.251.
9. Даврон Х. Кўкси куйик шоир. WWW.Kh-davron.uz
10. Жамол Камол. Абдият остонасида. Сайланма. Олти жилдлик. 3-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 255.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Тўмарис Бутунбаева,
Самарқанд давлат университети
тадқиқотчиси
tumaris.azam@mail.ru

АЪЗАМ ЎКТАМ ВА МИНХОЖИДДИН МИРЗО ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-4>

АННОТАЦИЯ

Шеърий матндаги товуш, оҳанг, сўзлар ўзаро уйғунлашиб, бир бутун ифодавий бирликни ҳосил қилади. Мана шу яхлит оҳанглик, образлилик орқали иждоқор ўз лирик қахрамонининг хис-туйғулари, ички кечинмалари, ўй-фикрлари, руҳий-ижтимоий қарашларини ифодалайди, яъни шоир “мен”ининг тингловчи (ўқувчи)га етказмоқчи бўлган бадийий информацияси тақдим этилади. Мақолада М.Йўлдошев, Р.Кунғуров, Ҳ.Умуров, Н.Маҳмудов, ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқотларида лингвопоэтиканинг алоҳида фан сифатида ўрганилиши юзасидан қарашлар шунингдек, Мазкур мақолада таниқли шоирлар Аъзам Ўктам ва Минхожиддин Мирзо шеърларидаги ўхшатишлар тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ўхшатиш, синтактик фигура, бадийий тасвир, кўчим, бадийий нутқ

Тумарис Бутунбаева,
соискатель
Самаркандского государственного университета
tumaris.azam@mail.ru

СРАВНЕНИЕ В ПОЭЗИИ АЗАМА ОКТАМА И МИНХОЖИДДИНА МИРЗО

АННОТАЦИЯ

Звуки, мелодии и слова в поэтическом тексте объединяются, образуя единое выразительное единство. Именно через этот целостный тон и образ творец выражает чувства, внутренние переживания, мысли, психосоциальные взгляды своего лирического героя, то есть художественную информацию, которую «я» поэта хочет донести до слушателя (читателя). В статье рассматриваются взгляды М. Юлдашева, Р. Кунгурова, Х. Умурова, Н. Махмудова и многих других ученых на изучение лингвопоэтики как отдельной науки, а также сходство в поэмах знаменитых поэтов Азама Уктама и Минходжиддина Мирзо.

Ключевые слова: симуляция, синтаксическая фигура, художественный образ, миграция, художественная речь;

Tumaris Butunbayeva,
researcher Samarkand State University
tumaris.azam@mail.ru

COMPARISON IN THE POETRY OF AZAM OKTAM AND MINHOZHIDDIN MIRZO

ABSTRACT

Sounds, melodies and words in a poetic text combine to form a single expressive unity. It is through this holistic tone and image that the creator expresses feelings, inner feelings, thoughts, psychosocial views of his lyrical hero, that is, the artistic information that the poet's "I" wants to convey to the listener (reader). The article considers the views of M. Yuldashev, R. Kungurov, H. Umurov, N. Makhmudov and many other scientists on the study of linguistic poetics as a separate science, as well as the similarities in the poems of the famous poets Azam Uktam and Minhojiddin Mirzo.

Key words: simulation, syntactic figure, artistic image, migration, artistic speech;

Кириш. Бадиий нутқда, хусусан, шеърятда **ўхшатиш** тасвирий воситаси муҳим аҳамият касб этадиган унсурлардан бири бўлиб, у образлилик ва тасвирийликни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Ўхшатишда бирор нарса-ҳодиса орқали иккинчисининг белгиси, хусусияти аниқ ва бўрттириб тасвирланади. Ўхшатиш ҳам адабиётшуносликнинг, ҳам тилшуносликнинг объекти сифатида "...энг қадимги даврлардан бошлаб нутқ таъсирчанлигини таъминлайдиган алоҳида восита сифатида тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган." [6;] Ўхшатишнинг бадиий тасвир воситалари таснифидаги ўрни масаласида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, аксарият илмий манбаларда у кўчим (троплар)нинг бир тури сифатида талқин этилади. [11;10] "Ўзбек тили стилистикаси" дарслигида ўхшатишнинг синтактик ҳодиса эканлиги эътироф этилса-да, аммо кўчимлар сирасига киритилган. [11;20-25]

Лекин сўнги пайтларда бу борадаги фикрларда ижобий томонга ўзгариш кузатилади. М.Йўлдошев дастлаб ўхшатишни кўчимлар таркибига киритган бўлса,[3;15] кейинги тадқиқотларида ушбу бадиий тасвир воситасини ўхшатишли қурилма сифатида синтактик фигуралар доирасида ўрганади. [4;30]

Г.Муҳаммаджонова "синтактик ҳодиса" [7;15-20] дея тўғри баҳолайди ва унинг изоҳловчи-изоҳланмиш, оборотлар иштирокидаги ўхшатиш, кенгайтирилган ўхшатиш, ўхшатиш эргаш гаплар каби шакллари кузатади. Шу тариқа, ўхшатишларнинг поэтик нутқда қўлланувчи турларини таснифлашга уринади. Аммо Г.Муҳаммаджонованинг бу таснифида камчиликлар кузатилди. Таҳлил жараёнида изоҳловчи-изоҳланмиш шаклидаги ўхшатиш изоҳланса-да, ўхшатишнинг бу тури шаклий жиҳатдаги таснифга киритилмай қолган.

Р.Қўнғуров ўхшатишнинг структурал шакллари анча мукамал тавсифлайди.[11;6-7] Д.Худайбердиева, Г.Жуманазаровалар эса ўхшатишни лингвомаданий бирлик сифатида тадқиқ қиладилар.[1;30]

"Ўхшатишда маъно кўчиши кузатилмайди, унда, маъно кўчишининг ўхшатиш асосидаги тури бўлмиш метафорадан фарқли ўлароқ, ўхшатилаётган нарса ҳам, ўхшаётган нарса ҳам матнда сўз билан ифода этилади." [12;40-45] Демак, ўхшатишда ифодаланаётган коммуникатив-экспрессив маънолар сўз семантикасига асосланиб эмас, ўзаро ҳоким — тобе муносабати орқали боғланган синтактик қурилмалар орқали юзага чиқади. Юқоридаги фикрларга асосланиб, ўхшатишни троплар доирасида эмас, синтактик фигуралар таркибида ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Одатда, бадиий тилда ўхшатишларнинг икки тури ажратилади: анъанавий ўхшатишлар ва хусусий-муаллиф ўхшатишлари. Анъанавий ўхшатишлар жонли сўзлашув тилида ҳам, қадимдан бадиий тилда ҳам қўлланиб келиб, бугунги кунда ўзининг оҳорини

йўқотган, вақт ўтиши билан оддий нутқ бирликларига айланиб улгурган ўхшатишлардир. Масалан, кўйдаи ювош, тулкидай айёр, тошдай қаттиқ, ойдай чиройли, сомондай сарғаймоқ каби бирикмалар ўз эмоционаллигини йўқотган.

“Хусусий-муаллиф ўхшатишлари ёзувчининг ўз нигоҳи, кузатувчанлиги, бадий тахайюли, аналогия қуввати асосида халқ тилидан фойдаланган ҳолда яратган ўхшатишларидир. Бундай ўхшатишларда оригиналлик, образлилик ва экспрессивлик ҳамиша ёркин ифодаланган бўлади. Ҳар қандай ўхшатишдан мақсад тасаввур қилиниши қийин бўлган тушунчаларни конкретлаштириш, мавҳум тушунчаларни аниқлаштириш, нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатларнинг энг нозик жиҳатларини китобхон кўзи ўнгида гўзал бўёқларда гавдалантиришдан иборат бўлмоғи лозим.” [5;28]

Ўхшатишни шакллантирувчи тўрт унсурнинг номланиши борасида Низомиддин Маҳмудов вариантыни энг мақбул деб ҳисоблаймиз: “...1) ўхшатиш субъекти, 2) ўхшатиш эталони, 3) ўхшатиш асоси ва 4) ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи. Соф лисоний нуқтаи назардан бу тўрт унсур бир содда гап доирасида ифодаланар экан, гапнинг мазмун сифими ортади, тил тараққиётининг умумий тенденциясига мутлақо мувофиқ равишда асимметрик тизимли гап шаклланади, яъни кичик шакл катта мазмун ифодаси учун хизмат қилади. Бу эса шеър, умуман, бадий асар поэтикаси учун ҳам алоҳида аҳамиятлидир, чунки айни ҳолат ижодкорга турли нарса-ҳодиса, мураккаб ҳолат ва шу кабиларнинг беҳад ихчам тавсифларини, ёркин образларини яратиш имконини беради.”[8;10]

Ёркин ўхшатишлар ижодкорнинг тафаккури, дунёқараши, шоирона поэтик тасаввури, хаёлотли, бадий дидининг маҳсули сифатида юзага келади. Бундай ўхшатишлар шоир бадий нутқининг индивидуаллигини таъминловчи тасвирий восита сифатида бадий асарларда, хусусан, шеърятда алоҳида ўрин тутаяди. Замонамизнинг етук шоирлари Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърларида ҳам ўхшатишнинг ўзига хос намуналарини кузатиш мумкин.

Минҳожиддин Мирзо:

Бу кун кўнгилдай тиниқ, осмонлар бўлакчадир,

Кўздаги киприк мисол, посбонлар бўлакчадир.

Ёки:

Йиллар ўтар югурик сувдай,

Гулга кўмиб баҳорлар ўтар.

Озод юртнинг илк қалдирғочи

Бу кун Ватан сўзини битар.

Ёки:

Кўклам соҳир нафас мўъжизасидир,

Ям-яшил майсалар **кўнглиннга ўхшар**.

Алвон қизғалдоқлар **синглиннга ўхшар**.

“Ўхшатиш эталони ўхшатиш конструкциянинг поэтик қимматини, эстетик салмоғини белгилайди. Ўхшатиш эталони қанчалик оригинал бўлса, ўхшатишли қурилма ҳам шу даражада оҳорли бўлади.”[5;92-93]

Осмоннинг кўнгилдай тиниқлиги, посбонларнинг киприкдай тизилиши, йилларнинг югурик сувдай эканлиги нисбатан анъанавий ўхшатишлар деб белгиланса, майсаларнинг кўнгилга, қизғалдоқнинг сингилга ўхшатилиши шоир танлаган хусусий эталонлардир. Бунда майсадаги “юмшоқ”, “майин” семалари, қизғалдоқ сўзи семантик майдонидаги “нафис”, “ҳимояга муҳтож” семалари юзага чиқиб, экспрессивликни таъминлайди.

Минҳожиддин Мирзо ижодига мансуб шеъринг парчаларда -дай кўшимчаси, мисол кўмакчиси, ўхшар сўзи ўхшатиш воситаси вазифасини бажарган бўлса, “...ўхшатиш грамматик воситаларсиз амалга ошган ҳоллар ҳам тез-тез кузатилади”[13;40]

Аъзам Ўктам:

Тандир – ювош дуоғўй кампир.

Тераклар саф тортган йигитлар,

Маккажўхорилар бир майдон аёл –

Йўргакланган бола кучоқлаб,
Шукр намозига сафланган.

Хулоса. Тандирнинг дуоғўй кампирга ўхшатилиши шоирнинг индивидуал, оҳорли ўхшатиши бўлиб, ушбу тасвирий воситанинг юқорида санаб ўтилган унсурлардан бири – ўхшатиш воситаси тушириб қолдирилган бўлса-да, мазмунга путур етмайди. Қишлоқ тасвиридаги тераклар, маккажўхориларга нисбатан қўлланган эталонлар миллий рух, миллий колорит кабарик шаклларда намоён бўлиши ва шеърнинг эмоционал-экспрессив таъсирчанлиги куюқ бўёқларда юзага чиқишини таъминлаган. Узоқ вақт ёдда сақланиб қоладиган образлилик китобхон ҳиссиётларини уйғотади.

Минҳожиддин Мирзо:

Ялтоқлик бобида устаси фаранг,
Доим тиз чўқар у аста пойгакка.
Бир кунда минг бора эгилиб турар
Дарс бера олади, ҳатто чойнакка.

Мазкур тўртликда лаганбардор, ўз манфаати учун минг эгилиб-букилиб, ялтоқланувчи кимсалар пиёлага эгиладиган чойнакка ўхшатиляпти. Бунда ўхшатиш воситаси вазифасини одатдаги -дек, -дай кўшимчалари ёки “гўё”, “худди”, “каби”, “янглиғ”, “сингари” каби кўмакчилар эмас, балки “дарс бера олади, ҳатто чойнакка” жумласи ўтамоқда ва шу тариқа тасвир оригиналликка эришилган. Ушбу ҳолатни **контекстуал ўхшатиш** деб баҳолаш мумкин.


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Филол.фан. доктори дисс.; Худайбергана Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини филол фан. докт. дисс.автореф. Т.,– 2015 й.
2. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. Т., “Маънавият”, 2002 й.
3. Йўлдошев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. Т., 2007 й.
4. Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. Т., 2006 й.
5. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. Т. 2013
6. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири, 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи. филол.фан. номз...дисс. Т.,
7. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. - Т., Ўзбекистон, 1992 й.
8. Умунов Х. Адабиёт назарияси. Т., Шарқ, 2002 й.
9. Қўнғуров Р. ва бошқ. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т., 1992 й.; Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Т., 2007 й.;
10. Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. Т., Ўқитувчи, 1983 й.
11. Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. “Адабиётшунослик луғати”. Академнашр, 2010 й.
12. Қуронон Д. ва бошқ. “Адабиётшунослик луғати”, Тошкент, 2010 й.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Комилова Шахноза Турабудиновна
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий
адабиётшунослик кафедраси катта ўқитувчиси

ХИТОЙЛИК ДАРМАТУРГ СЯ ЯННИНГ “ШАНХАЙ ТОМЛАРИ ОСТИДА” ДРАМАСИДА ДАВР МАНЗАРИСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-5>

АННОТАЦИЯ

Мақола доирасида XX аср биринчи ярми хитой адабиётининг ривожланиш тамойиллари, ғоявий йўналиш, шаклда талай янгиланишлари, ўзгаришлари, унинг ривожига хисса қўшган адиблар ижоди, хориж адабиётининг хитой адабиётига таъсир масалалари, хусусан хитойда театр ва драматургия асрлар мобайнида миллий анъаналар ўзанида ривож хусусида фикр мулохазалар берилган. Шу билан бир қаторда ушбу мақолада драматургиянинг ривожиди салмоқли ўрин эгаллаган драматург Ся Яннинг “上海屋檐下” (“Шанхай томлари остида”) номли пьесаси таҳлил этилган. Таҳлил давомида ушбу пьесадаги давр манзарасининг бадиий талқини масалалари образлар орқали ёритиб берилган.

Калит сўзлар: “хуацзюй”, “Халқ театри”, “Пекин экспериментал театри”, “Янги Хитой”, “Жанубий подшоҳлик”, “Хуан меи тиан”.

Комилова Шахноза Турабудиновна
Ташкентский государственный университет востоковедения
Кафедры Литература восточных стран и сравнительное
литературоведение, старший преподаватель

ОТРАЖЕНИЕ КАРТИНЫ ВРЕМЕНИ В ДРАМЕ КИТАЙСКОГО ДРАМАТУРГА СЯ ЯНА “ПОД КРЫШАМИ ШАНХАЯ”

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются принципы развития китайской драматургии первой половины XX века, ее идейная направленность, значительные изменения форм литературных произведений, раскрывается творчество драматургов, внесших вклад в ее развитие, а также выявляются аспекты влияния западной литературы на китайский театр и драму, веками развивавшихся в русле национальных традиций.

Кроме того, в статье анализируется пьеса под названием «上海屋檐下» «Под крышами Шанхая» Ся Яня, сыгравшего значительную роль в развитии драматургии, и освещается художественная панорама эпохи через интерпретацию образов данного произведения.

Ключевые слова: "хуацзюй", "народный театр", "Пекинский экспериментальный театр", "Новый Китай", "Южное царство", "Хуан Мэй Тянь".

Kamilova Shakhnoza Turabuddinovna

Tashkent state University of Oriental studies
Literature of Eastern countries and comparative
literature studies, senior lecturer.

**THE IMAGE OF TIME IN CHINESE DRAMA "UNDER THE ROOFS OF SHANGHAI"
BY PLAYWRIGHT XIA YANG**

ANNOTATION

The article examines the principles of development of Chinese drama in the first half of the twentieth century, its ideological orientation, significant changes in the forms of literary works, reveals the work of playwrights who contributed to its development, and also it identifies aspects of the impact of Western literature on Chinese theater and drama which developed in line with national traditions for centuries.

In addition, the article analyzes the play "上海屋檐下" Under the Roofs of Shanghai by Xia Yan who played a significant role in the development of drama, as well as it highlights the artistic panorama of the era through the interpretation of images of this work.

Key words: "huasui", "folk theater", "Beijing's experimental theatre", the "New China", "southern Kingdom", "Huang Mei Tian".

XX аср хитой адабиётида иккита буюк кўтарилишлар кузатилди-булар XX аср биринчи ярми 20-30 йиллар ҳамда XX асрнинг иккинчи ярми 80-90 йилларни этиш мумкин.

XX аср биринчи ярми 20-30 йиллардаги ҳаракатнинг негизи империализм ва феодализмга қарши қаратилган ғоялар билан бошланган эди. Лу Син бошчилигида илғор адабиётшунослар янги хитой адабиёти учун кураш олиб бордилар. Лу Синь, Шэнь Цунвэнь, Ба Цзинь, Мао Дунь, Лао Шэ ва Чжан Айлин хитой адабиётида салмоқли ўринга эгадир.

Октябрдан кейинги даврда миллий озодлик кураши юксалганида анъанавий хитой театри эски саҳнасининг етук устозлари фаолияти туфайли миллий чегаралардан ошиб ўтди, 1920 йилда гастролга борди, бу эса хитой театрининг хориждга бўлган илк саёхати эди. Тахминан шу даврда нашрда замонавий "хуацзюй" драматургиясининг илк пьесалари чоп этилади. Бу драматургиянинг номида (сўзма-сўз таржимаси "суҳбат-драма") санъатининг мазкур тури хусусиятлари ҳамда унинг анъанавийдан кескин фарқи таъкидланган: муסיқавий драманинг қадимги синкретик шакли, шеърый монолог ариялар ижро этиладиган архаик тилдан воз кечиб, жонли замонавий тилдаги диалогга ўтиш. Нафақат бош қахрамонларнинг нутқи, балки бош тасвирий воситалар ҳам анъанавий санъатда кескин фаркланар эди: пьесаларни ва спектаклларни ҳодисалардан иборат бўлган акт ёки ҳаракатларга бўлиш қахрамонларнинг ҳаракат, имо-ишора, либослари, бу асарларда қадимги, шартли пьесаларга қарама қарши тарзда акс эттириляётган даврининг тарихий ҳақиқилиги.

Улкан ижтимоий, сиёсий, иқтисодий воқеалар билан (Ихетуаларнинг исёни, 1990 йил; 1911 йил Буржуа-демократик инқилоби; Биринчи жаҳон уруши; Буюк Октябрь инқилоби; 1919 йил "4 май" ҳаракати) тўйинган икки ўн йиллик 1900-1920 йиллар замонавий миллий драматургиясининг вужудга келиши шаклланишининг давридир. Унинг ривожланишининг кейинги йўлини англаш учун изланишларнинг иккала йўналиши – жаҳон санъатини кучайтирилган тарзда ўзлаштирилиши ва шу билан бирга анъанавий санъатни сақлаб қолиши муҳимдир.

20-йилларнинг бошида Хитойда хорижий адабиётнинг айниқса кудратли оқими кириб келди. Хорижий драматургияни ўзлаштириш Хитой учун антик даврдан замонавий давргача бўлган жаҳон санъатининг бойликларига йўл очиб бериб, барча театрлари билан маданий алмашинув имкониятини яратиб берди. Хорижий драматургия ёзувчиларни ҳам китобхонларни ҳам, томошабинларни ҳам замонавий хитой драмасига тайёрлайди.

Таржималардан ташқари Хитойга хорижий драматургия кириб келишининг бошқа шакли – миллий мослашув ҳам мавжуд эди. Унинг доирасида “асл нусхадаги асарнинг муаллифи бўлган драматургнинг асосий ғоясини тубдан ўзгартириш ва шу билан қаторда шароит, ҳолат, асар қаҳрамонларининг исмларини ўзгартириш, яъни уларнинг барча миллий хитойчага ўзгартириш мумкин эди”. Хитой драматургиясидаги бундай ҳодисалар 60-йилларнинг бошигача ҳукмронлик қилди[1.].

Шундай қилиб 20-йилларда Хитой драматургиясида унинг ривожланишининг уч йўналиши аниқ кузатилади: анъанавий театр билан боғлиқ бўлган миллий мерос сақланиб қолади. Мамлакатга тобора кенг кириб келаётган драма яратилади.

Замонавий миллий драматургия дастлабданок санъатнинг кўп қатламли ҳодисаси эди. “Хуацзюй” театри адабий асосида пайдо бўлди. Унда ҳалққа чуқур ишонган прогрессив ва демократик кайфиятдаги драматурглар илк қадамлар куйдилар. Уларни излашдаги фаоллик фарқлаб турар эди. Улар ўзга юрт маданияти ва фанини ўзлаштириш учун жасурлик билан ўзга ўлкаларга кетар эдилар (Оуян Юйсян, Ся Ян – Японияга, Хун Шен, Сюн Фуси – АҚШга ва ҳоказо). Жаҳон маданиятини идрок этиш улар эга бўлган хорижий тил, ташриф буюрган мамлакат орқали амалга ошди. Ҳар бирининг ўзига хос ижодий йўлида ким, қачон ва қай тарзда уларга таъсир этганини кузатиш жуда қийин эди. Ўзга маданият ва тарихий тажрибани ўзлаштириб, улар ўз халқлари билан маънавий-рухий алоқани узмайдилар. Ватанга қайтиб, улар халқнинг онгини уйғотишга, жамиятнинг тараққиётини жадалаштиришга ҳаракат қилдилар. 20-йилларда бир қатор адабий театр жамиятлари ташкил қилинди, улар янги санъатни тарғиб қилишга даъват этилгандилар. Уларнинг ичида энг мушхурлари – “Халқ театри”, “Пекин экспериментал театри”, “Янги Хитой”, “Жанубий подшоҳлик” (“Нан го”) эдилар.

Замонавий хитой драматургияси учун кураш адабий инқилобнинг таркибий қисмларидан бири эди. Бу кураш реалистик санъатнинг белгилари остида кенгайиб борди ва бу империализм ҳамда феодализмга қарши қаратилган эди. Драматурглар ўз ижодларида кенг ижтимоий муаммоларни ечимига урғу бера бошладилар. Хитойда империализмга қарши ҳаракатнинг кучайиши оқибатида драматургиянинг асосий тематикасига айланиб борди. Замонавий хитой драматургияси тарихида буюк драматургларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир. Го Можо, Тянь Хан, Хун Шен, Ся Ян, Лао Ше, Сао Юй ва бир қатор илк намояндлар ижоди ахамиятлидир. Уларнинг ҳар бирининг ижоди Хитой драматургияси ва театрида ўчмас из қолдирган.

XX асрнинг 30 йилларига келиб драматург Ся Яннинг бир қатор асарлари халқ орасида машхурликка эга бўлди. «Шанхай томлари остида» (1937й) дан кейин «Бир йил оралиғида» (1938й), «Қалб кўрғони» (1940й), «Шахарни эслаб соғиниш» (1940й), «Кўл ва дарёларга бой юртни мадх этиш» (1942й), «Фашист бактерияси» (1942й), «Баланд баланд кўп ўтлар» (1944й) ва «Дунёнинг нариги четидаги хушбуй ўт» (1945й) каби пьесалари нафақат хитойда балки ғарб давлатларида ҳам эътироф этила бошланди[1].

Драматурги Ся Яннинг “Шанхай томлари остида” драмасыда ёзувчининг диққат эътибори Хитой жамиятининг оддий инсонлар тақдирига қаратилади.

Драматург асар қаҳрамонларининг асардаги асосий воқеалардан, зиддият бошланишидан аввалги яшаш тарзлари, хатти-ҳаракатлари, хулқ атворлари, оилалар турар жойининг батафсил манзарасини чизади. Асарнинг экспозициясида вазият ҳақида маълумот бериш билан бирга ўқувчи ва томашбинларни бош воқеаларга тайёрлаб боради. Ся Яннинг бу маълумотларни беришдан мақсади қаҳрамонларнинг ички оламларига саёҳат қилишга йўл очиш билан вазиятнинг ички ҳаракатининг қандай ҳолдалигини тушунишга ўқувчи-томошабинларга ёрдам беришдир.

Қаҳрамонлар турар жойининг баёнидан драматург қаҳрамонлар характерини очишда, уларнинг ички оламига назар солишга, уларнинг ижтимоий-психологик қиёфаларини очишда етакчи восита сифатида фойдаланади. Ҳар бир тур ва жанрда деталлар, майда штрихлар жиддий роль ўйнаши мумкин. Бир қараганда улар сюжет оқимида, характер фаолиятини ёритишда ахамиятсиздек бўлиб кўринади. Лекин чуқурроқ назар ташласак, адиб

драманинг илк саҳифасиданоқ олдига қўйилган мақсад, хитойнинг ўрта табақа вакилларининг аянчли, фожеали ҳаётини кўрсатишни мақсад қилиб қўйганлигини билиш кийини эмас. Шундан сўнг адиб ушбу тор ва ифлос, ҳеч қандай шароити йўқ бу уйларда яшовчилар ҳақида маълумот беради.

Драмада Ся Ян “лонг танг фангзи” (“тор кўчадаги уй”)ларда яшайдиган, турли касб қор билан шуғулланадиган беш оила қисматини тасвирлайди. Булар: Иккинчи хонада яшовчи Лин Чжи, бошланғич мактаб ўқитувчиси Чжао Чжен Юн, чет эл фирмасининг ишсиз қолган собиқ ходими Хуанг Жия Мэй, юқоридаги қаватда бир ўзи яшайдиган, тушликда ҳам, кечки овқатда ҳам фақат баофан ейдиган Ши Сяо Бао исмли шахс, кўпчилик пайқамайдиган болохонада эса тез-тез майхўрлик қилиб турадиган, бироз ғалатиноқ, доимо “Li Ling Bei” хитой операсидаги ““Pan jiao’er, bu you ren...”...” сатрларини хиргойи қилиб юрадиган ва шу сабабли “Li Ling Bei” деб ном олган кекса обуначи.

Уларнинг ҳар бирининг ўз ҳаёти, ўз муаммолари бор. Бироқ, бу беш оилани бирлаштириб турувчи ягона нарса – уларнинг бир хил ижтимоий табақага мансублиги. Қаҳрамонларнинг ҳар бири турмуш зарбига учраганлар ва ҳеч кимдан нажот кута олмайдилар. Шундай бўлса-да, улар асло руҳини чўқтирмайдилар, умидсизликка тушмайдилар.

Маълумки, драмада вақт, давр, жой тасвири адабиётнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Пьеса узоқ вақтни, бир қанча даврларни қамраб олиш имкониятига эга бўлмай, балки тасвирланаётган воқеа қисқа вақтда содир бўлади. Уч пардали “Шанхай томлари остида” (1937) драмаси ўз ичига реал ҳаётни қамраб олган, Ся Яннинг реалистик қарашларини ўзида мужассамлаштирган. Бир неча ёрқин характердаги образлар ўша пайтдаги жамиятнинг замонавий ҳолатини ифодалайди, шу билан бирга эпизодик образларнинг ҳаётидаги бошдан кечирганлари ва уларнинг қаршиликлари буюк даврни намоён қилиб беради. Кичик персонажларнинг кундалик ҳаётидаги воқеаларнинг ҳақиқатлигини кўрсатиб бериш орқали инсонни янги давр орзу-умидлари кетидан қувлашга мажбур этади.

Асардаги барча воқеалар Хуан меи тиан (ёмғирли фасл) кунлари билан бошланади. Шанхайдаги барча одамлар тор кўчалардаги хонадонларига беркиниб олишган, зерикарли, муҳтожликда ўтаётган ҳаётда фожеавий муҳит ҳуқум сураб эди. Бу эса одамларнинг тушкунликка тушиб қолишларига сабаб бўлар эди. Хуанг меи (ёмғир) мавсумида, тор кўчадаги хонадонлардаги одамлар оғир аҳволда кун кечирсаларда, эртанги кунларидан умид қилиб яшар эдилар.

Одатда, “ҳар қандай ҳодиса ҳам драматик бўлавермаслиги” [2] назариядан маълум. Бироқ ёзувчи катта инқилобий воқеа, кучли конфликтларни келтириб чиқарадиган воқеани эмас, балки одатий хитой оилаларини ҳаёт тарзини қаламга олади ва улардаги драматизмни юзага чиқара олади.

Сюжет заминига инсон қайси шароитда қандай йўл топиб кетиши қўйилади. Сюжет баёнидан аниқ бўлдики, драмада асосий сюжет линияси бу: Лин Чжининг бедарак кетган дўсти Куанг Фунинг аёлига уйланиши ва кейинчалик дўстининг тирик бўлиб чиқиши билан боғлиқ ривожлантирилади.

Ҳаётда қатъиятсиз бўлган Лин Чжининг кўз олдига унинг бедарак кетган дўсти Куанг Фунинг сояси гавдаланар эди. Куанг Фунинг 8 йиллик жимжитликдан сўнг бирдан қайтиб келиши худди тушга ўхшар, лекин қандайдир мўъжиза содир бўлишига ҳеч қандай асос йўқ эди. Лин Чжи умуман дўстининг ҳаёт эканини хатто тасаввур қила олмас эди. Лекин у барибир дўсти Куанг Фунинг келишига ва у билан учрашишига ўзини руҳан тайёрлаб борар эди.

Бу ерда воқеалар бошланиб сюжет ҳаракатга тушиб кетади. Тугун экспозициянинг ривожини туфайли, даллилар орқали юзага чиқади. Икки дўст Лин Чжи ва Куанг Фу юзма-юз келишади. Лин Чжи ўзини йўқотиб, нима қилишини билмай қолди. Куанг Фу хотини Янг Сай Юй ва Бао Чженни сўроққа тутди, қаршисидаги дўстини дастлаб гап нимадалигини тушунмай ҳайрон бўлади, кейин эса шубҳалана бошлайди, Лин Чжи охир оқибат унга бор ҳақиқатни айтиб берди, у аллақачон Куанг Фунинг бу саволларига жавоб тайёрлаб қўйган

эди. Куанг Фу қаршисидаги дўстининг тавбаларини жим тинглайди, унга жавобан қалбининг тубида йиғилиб қолган дардларини айтмади. Чунки у кўп йиллик қамоқдаги ҳаёти унинг оилавий бахтидан ҳам мосуво этганини тушуниб етган эди. Куанг Фу ўзини зўрға қўлга олиб турарди, сўлгин ҳолда: “Мен бу ерга келмаслигим керак эди, ишларим борлиги учун...” дея олди холос. Бу тил бунча чегарасиз бўлса-я! Бу бардошли инсоннинг қалбида фақатгина чуқур хавотир ётар эди. Унинг қалби тубидаги айтиб бўлмайдиган дардни илғаш мумкин эди.

Лин Чжи эса худди елкасидан тоғ ағдарилгандай юрагини неча йиллардан бери кемириб келган дарддан фориғ бўлгандек ҳис қилади ўзини. У барча гапни дўстига айтгач, хотиржам Куанг Фунинг қарорини кутади.

Ўқувчи - томошабин кўнглида Куанг Фунинг аҳволи не кечади? Энди у қандай йўл тутуади деган савол ва ҳаяжон пайдо бўлади. Ёзувчи Куанг Фунинг Лин Бао Чжэнни кўришини хоҳлади, Куанг Фунинг ҳаёти ўтиб бораётгани, Янг Сай Юй ва Лин Чжининг 8 йиллик ҳаёти ҳақиқат эканлигига ишорат қилар эди. Бу Куанг Фу учун азоб эди ва унинг қўлидан ҳеч нима келмас эди.

Янг Сай Юйнинг саҳанага кириб келиши ва Куанг Фуга кўзи тушиши эпизоди билан парда туширила бошланади. Ёзувчи бу узоқ айрилиқдан кейин қайта учрашган эр-хотинларнинг фожеали кўринишини очиқдан-очиқ тарифламаган, балки кенг саҳнадаги бўшлиқни томошабини фикирлашга чорлайди. Бу ҳол сюжетдаги воқеаларнинг ривожига замин ҳозирлайди. Икки дўст ва 8 йиллик айрилиқдан сўнг эр ва хотиннинг учрашувидан кейин воқеалар янада чигаллашиб, қийинлашиб бориб, ўз гирдобига барча персонажларни тортади. Жимжитлик одамларнинг муносабати билан мос тушмайди, ҳаяжонли ҳолат, Куанг Фу ва Янг Сай Юй узоқ учрашмаганликлари билан алмашишади.

Бу ўринда адиб Куанг Фу– Янг Сай Юй, Куанг Фу– Лин Чжи учрашуви ва бу икки учрашувдан қай бир қаҳрамон қандай ҳолатга тушиши саҳнасини ниҳоятда моҳирона яратади.

“Шанхай томлари остида” характер даражасига кўтарилган образлардан бири Лин Чжидир. У асарнинг бошидан охиригача иштирок этади, муаллифнинг ғоясини бажаради. Лин Чжи – асли табиатан тортинчоқ бўлса ҳам, унинг қалби яхшилик, эзгулик, одамларнинг мушкилини осон қилиб каби самимий тилаклар билан лиммолим. Бедарак кетган дўстининг аёлига уйланиши унинг ҳаётида катта синов бўлади. Унинг фарзанди билан муроса қилиш, одамларнинг турли гап –сўзларига чидаши, энг асосийси, қалбининг туб-тубида ўртаётган изтироб: яъни дўсти олдидаги айборлик ҳисси билан курашиши унинг характерининг ўзига хос томонларини кўрсатади. Ся Ян Лин Чжи образи орқали ўша давр хитой воқелигидан ижтимоий, ахлоқий фаолиятлари аниқ кўринган, ўзига хос турмуши яққол билиниб турган, ўзида даврнинг зарур баъзи хусусиятларини мужассамлаштира олган хитой зиёлиси киёфасини ёритади. Драмадаги баркамол чиққан характерлардан яна бири Куанг Фу бўлиб, гарчи у асарда бошдан оёқ иштирок этмаса ҳам, ёзувчи унга катта ғоявий вазифани юклайди. Куанг Фу – мамлакатдаги сиёсий вазият қурбони. Шум тақдир уни 8 йил қамоқда ўтиришига мажбур қилган. Натижада, у оиласидан ажралди. Лекин шу билан бирга у худбин эмас. У қамоқдан чиққач хотини ва боласини қайтариб олиши, дўсти билан юз кўрмас бўлиб кетиши мумкин эди. Лекин у мулоҳазали инсон бўлганидан, вазиятни тўғри қабул қилди ва ўз ҳаётини янгитдан бошлашга қарор қилди. Драмада жуда кўп адиблар ижодида кўзга ташланадиган шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовут мавзуси ҳам назардан четда қолмайди. Бу мавзунинг ёритилишида энг катта вазифа, СЎЗга юклатилади. Барча турлар каби драма учун ҳам сўз – бирдан-бир бадий восита бўлиб хизмат қилади. Фақат улар орасидаги фарқ шундаки, насрчи ва назмчи ҳикоя қилиш, воқеаларни изоҳлаш, ҳодисаларни ифодалаш, характерларни тасвирлаш йўлидан боришса, драматург эса сўзларни ҳаракатга солиш, қаҳрамонларни сўзлатиб қўйиб, характерларни очиш усулидан фойдаланади.

Драма оптимистик руҳ билан суғорилган. Тақдир инсонларни не куйларга солиши, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам оқилона тўғри ечим топиш инсоннинг иродасига боғлиқлиги драма тугунининг ечими бўлиб хизмат қилади. Асардаги ечимдан ким тўғри, ким ноҳақ

деган савол туғилиши ва баҳсга сабаб бўлиши табиий. Лекин Ся Ян ҳар бир шахнинг фазилатларини ҳам, нуқсонларини ҳам ёрқин кўрсатиб бера олди, воқеалар эса муаллифнинг хоҳиши билан эмас, ҳаёт мантиғи билан, қаҳрамонларнинг ўзига хос савияси ва қилмишлари билан ривожланди.

Драматург шу ўринда сахнадаги ҳаракатлар бошдан оёқ “ёмғир ёғиши” фониди содир бўлишини таъкидлаб ўтади. Воқеалар давомида ёмғир гоҳ кучаяди, гоҳ сусаяди. Ёмғир мотивидан жуда кўп драматургларда оптимизм, кўтаринки руҳни ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Масалан, Тянь Ханнинг “Олхўрили ёмғир” асарида драматург энг эзилган аҳоли – шанхай ишчилари ҳаётини тасвирлашда ҳам сахна декорацияларида ёмғирли ҳолатга урғу берилади. Ся Янда ва Тянь Ханда шанхай ишчилари ҳаёти гавдалантирилганда уларнинг турар жойи тасвирига кенг ўрин ажартилади ва сахна воқеалари бошдан охири ёмғир ёғиши билан параллел равишда олиб борилади. Худди шундай ўхшашлик Ба Цзиннинг “Ёмғир” драмасида ҳам кузатилади. Ёмғирлар мавсуми, бу ўринда рамзий маъно касб этиб, ёмғирдан кейин одатда табиат яшнаши, тозаланиши ва ҳаво мусаффо бўлишига, кир, чиркин нарсалар ювилиб кетишига ишора берилади. Шу тариқа Ся Ян оддий хароба кулбасифат хоналарда яшаётган ишчиларларнинг қашшоқ турмушини тасвирлаш орқали унинг кетидан албатта яхшиланиш бўлишига умид билдиради. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ся Ян характерлари ўзининг яшаш тарзи, ҳаёт учун курашиши усуллари, ижтимоий-маънавий қарашлари, феъл-атвори, ўй кечинмалари билан ажралиб туради. Уларнинг ҳеч бири иккинчисига ўхшамайдиган ўзига хос характерлардир. Ҳар бири феъл атвори билан фарқ қилади. Шу сабабдан ҳам уларнинг туб моҳиятиларига ҳаётийлик, инсонийлик, табиийлик чуқур сингиб кетган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 中国现代文学经典选读” 2007 年。
2. 中国新文学大系/ 1927-1947/ 戏剧集一。 2003 年。
3. 中国现代文学史。 1917-1997。 北京/2008。
4. 中国戏剧史、北京、2015
5. 中国当代戏剧史稿- 董健/胡星亮 编- 中国戏剧出版社, 1949-2000
6. Абдусаматов Х. Драма назарияси. Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 й.
7. Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини. Тошкент 2006.
8. Исмоилов Б. Драматургнинг маҳорат сирини. Тошкент.1991.
9. Аджимомудова В. С. Смешнов Н. А. “Современная китайская драма”. М. 1990.
10. Николская Л. А. “Тянь Хан и драматургия XX века”. М. 1990 г

11. List of used literature


12. 中国现代文学经典选读” 2007 年。
13. 中国新文学大系/ 1927-1947/ 戏剧集一。 2003 年。
14. 中国现代文学史。 1917-1997。 北京/2008。
15. 中国戏剧史、北京、2015
16. 中国当代戏剧史稿- 董健/胡星亮 编- 中国戏剧出版社, 1949-2000
17. Abdusamatov Kh. The theory of drama. Gafur Gulom Literature and Art Publishing House – 2000.
18. Soliev A. Human interpretation in Uzbek dramaturgy. Tashkent 2006.
19. Ismailov B. The secret of the playwright's skill. Tashkent.1991.
20. Ajimomudova V. S. Smeshnov N. A. “Modern Chinese drama”, Moscow, 1990.
21. Nikolskaya L. A. “Tian Khan and drama of the twentieth century”, Moscow, 1990

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Эшанова Зилола Қўчқаровна

Андижон давлат университети катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори

АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИДАГИ МУНОЖОТ-ҒАЗАЛЛАР ПОЭТИКАСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-6>

АННОТАЦИЯ

Алишер Навоий ижоди асрлар оша инсониятнинг маънавий камолотига хизмат қилиб келмоқда. Шоир шеърлятида ҳамд, наът, муножот, ошиқона, орифона мавзуларидаги ғазаллар мавжуд. Муножот-ғазалларнинг мазмун-моҳиятини лирик қаҳрамоннинг худога қилган илтижо ва исифори ташкил этади.

Мақолада Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонидаги муножот-ғазалларининг манбавий хусусиятлари ва поэтикаси ёритилган. Шунингдек, унда муножот-ғазаллар лирик қаҳрамон тавба-тазаррулари руҳидаги муножот-ғазаллар ҳамда ошиқ кечинмалари руҳидаги муножот-ғазаллар каби таснифланган ҳолда ўрганилган ҳамда муножот-ғазалларни яратишдаги шоир бадий маҳорати таҳлиллар орқали кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: одоби тасниф, ҳамд, наът, муножот, лирик субъект, лирик қаҳрамон, ғазал жанри, образ, ғоя, бадиият.

Эшанова Зилола Кучқаровна

Старший преподаватель Андиганского государственного
университета, Доктор философии (PhD) по филологии

ПОЭТИКА МУНАДЖАТ-ГАЗЕЛЕЙ В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВАИ

АННОТАЦИЯ

Творчество Алишера Навои веками служит духовному развитию человека. Поэзия поэта содержит газели на темы хамд (хвала Аллаху), нат (восхваления пророку), мунаджат (молитва и покаяние богу), ашигана (на тему любви), арифана (на мистическую тему). Суть мунаджат-газелей – мольба и покаяние лирического героя к Богу.

В статье описываются источниковедческие особенности и поэтика мунаджат-газелей Алишера Навои в диване «Хазайин уль-маоний». Также, в нем мунаджат-газели классифицируются как мунаджат-газели в духе покаяния лирического героя и мунаджат-газели в духе любовных переживаний и показано в котором художественное мастерство поэта в создании мунаджат-газелей анализом.

Ключевые слова: Одоби тасниф (этикетная классификация), хамд (хвала Аллаху), наът (хвала пророку), мунаджат (молитва), лирический сюжет, лирический герой, газель, образ, идея, искусство.

Eshanova Zilola Kochkarovna

Senior Lecturer of Andijon State University,

Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

z_eshanova@mail.ru

POETICS OF MUNAJAT GAZELLES IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI

ANNOTATION

Alisher Navoi's creation has been serving the spiritual maturity of mankind for centuries. The poet's poetry contains ghazals on the themes of khamd (praise be to Allah), praise, nauhg, munojot (supplication), love, orifona (on a mystical theme). The essence of the munajat gazelles is the prayer and repentance of the lyrical hero to God.

The article describes the role of the text and the characteristics sources and poetics of monojot-ghazals of Alisher Navoi's in the lyrics of "Khazayin al-ma`ani".

Munojot-ghazals are classified as monojot-ghazals in the spirit of repentance of the lyrical hero and monojot-ghazals in the spirit of love experiences and it also showed his poetic skills in analyzing ghazals.

Keywords: classification of etiquette, praise, nauhg, munojot (supplication), lyrical subject, lyric hero, ghazal genre, image, idea, artistic.

Муножот – арабча нажа نجا феълнинг III формаси бўлиб, шивирламоқ, биров билан яширинча суҳбатлашмоқ, ким биландир юзма-юз [11. Б.558], Худога дил рози айтиш, зорланиш [8.Б.735; 10.Б.317], ялиниш, ёлвориш [6], нажот сўрамоқ, тавалло қилмоқ [7], нажот тилаш, яширинча суҳбат [1], яратган билан яширин мулоқот каби маъноларни билдиради. Куръоннинг 58-сура, 13-оятда тавба қилиб илтижо қилмоқ маъносида [11. Б.558] келган. Муножот адабий истилоҳ сифатида лирик девон куллиётлари дебчасида, эпик асарларнинг анъанавий кириш қисмида ҳамдан кейин, наъздан олдин келадиган қисм бўлиб, у девон дебчасида келишдан ташқари, алоҳида жанрлар ичидан жой олиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Мумтоз адабиётимизда жанрлар қатъий шаклланган анъанавий шаклга эга бўлган. Муножот эса маълум бир қатъий анъанавий шаклга эга бўлмагани учун ҳам бирор жанрнинг ифода шаклида берилган ва шу боис адабиётшунослик луғатларида, уни алоҳида жанр сифатида тилга олинмайди. Адабиётшуносликка оид Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ал-балоға" асарида муножотлар асарларнинг мазмуний таснифида ёдга олинади. Аҳмад Тарозий ҳамд ва наъз, муножот ва қасида каби асарлар 10 та шеър турида (ғазал, қасида, кита, рубой, маснавий, таржеъ, мусаммат, мутаввал, фард) ҳамда насрда ёзилиши мумкинлигини таъкидлайди [9.Б.32]. Муножотлар, асосан, диний, тасаввуф, фалсафий мавзулар ёзилади. Муножотлар поэтикасига хос бўлган асосий хусусиятлар архитиктоникасининг мутлоқ илоҳга мурожаат, ялиниш, ёлвориш, мадад сўраш, илтижо этиш, тасдиқлаш каби усуллар асосида қурилиши ва бошидан охиригача Яратган сифатлари орқали далиллаш асосида илтижо интонациясининг сақланиши ҳамда интихода асосий мақсаднинг берилишидир.

Профессор Ҳамид Сулаймон текширишлари бўйича айтиш мумкинки, буюк шоир «Хазойин ул- маоний» девонларини тузиш устида бир неча йил давомида тинимсиз ижодий меҳнат қилган. Куллиётнинг ҳар бир девонига 650 тада ғазал киритилган бўлиб, улуғ шоир шу даражада пишиқ, ўзаро ички мустаҳкам боғлиқлик ва қатъий мутаносибликда тузадики, уларга кейинчалик бирорта ғазал киритиш ёки бирор ғазални тушириб қолдиришигина эмас, балки ички ўрин алмаштириш имкони ҳам йўқ. Чунки ҳар қандай дахл этиш мисқолгача ҳисобга олинган мутаносибликни бузилишига олиб келади, бутунликка путур етказди.

Бизга маълумки, девонда ҳарфлар асосидаги жойлаштиришда ўша асар қофияси ёки радифи қайси ҳарф билан тугашига асосланади. Девонлардаги барча лирик жанрларда алифбо асосида жойлаштириш тартибига истисносиз амал қилинади. Девон яратиш

тартибига асосан, девон ғазал жанри билан бошланади. Сўнг қасида, мустазод, мухаммас, мусаддас, таржеъбанд, қитъа, чистон муаммо, туюқ, фард келтирилади. Ҳар бир ҳарф гуруҳи бошида аввал ҳамд- ғазал, кейин наът- ғазал келади. Борди-ю, шу ҳарф билан тугайдиган ҳамд- ғазал ҳам, наът- ғазал ҳам бўлмаса, ҳарфий гуруҳ мавъиза яъни, ваъз- насихат руҳидаги ғазал билан очилади [12. Б.3]. «Ҳазойин ул- маоний»да 10 та муножот-ғазал бўлиб, улар ҳар бир девонда, бир ўринда, яъни 4-5-47 ўринларда жойлаштирилган. «Ғаройиб ус- сиғар» девони мисолида кўрсак: девон алиф ҳарфи билан туговчи ғазал билан бошланган. Алиф ҳарfli ғазалларни жойлаштиришда ғазалнинг мавзуси асос қилиб олинган. Девоннинг 5-ғазали муножот-ғазал бўлиб, алиф ҳарfli ғазаллар туркумида ҳамд-ғазалдан кейин наът-ғазалдан олдин келган. Девонда яна 2 та муножот- ғазал мавжуд бўлиб, улар бе ва нун ҳарfli ғазаллар туркумида жойлашган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, Алишер Навоий «Ҳазойин ул-маоний» таркибидаги муножотларни муайян бир жанр доирасида бергани учун улар муножот-ғазал, муножот-рубой тарзида тартибланган. Бу асарларнинг матн хусусиятларига эътибор қаратганда, биринчи навбатда, уларнинг девон таркибида бошқа жанрлар билан уйғун келганининг гувоҳи бўламиз. Ғазал – муножот, асосан, ғазал жанрининг талабларига бўйсуниб билан бирга, у ғазал жанрининг вазн, қофия жиҳатларини ҳам ўзида акс эттиради. Девон умумий таркиби билан унга киритилаётган муножотларнинг ўзаро ҳамоҳанг келиши вазн ва қофия уйғунлигига боғлиқ. «Ҳазойин ул-маоний» таркибидаги муножотлар том маънода мустақил жанр бўла олмаганлигини кўрамиз. Шунинг учун бундай муножотларни ғазал-муножот, рубой-муножот каби шаклларда ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам, мазкур муножотлар ғазал, рубой, қитъа каби лирик жанр хусусиятларини ўзида акс эттириш билан бирга девондаги айни шу кичик жанрдаги асарларнинг қофия, вазн ва услуб хусусиятларига мос ҳолда тартиб берилган.

Муножот-ғазалларнинг мазмун-моҳиятини лирик қаҳрамоннинг худога қилган илтижо ва исигфори ташкил этади. Муножотларда мавзу қатъий шаклланган: Худога илтижо ва истиғфор. Унинг мундарижасини :

- а) Худога мурожат ;
- б) Худо васфи ва таърифи;
- с) истиғфор (дил рози) айтиш;
- д) тилак (мадад) сўраш – илтижо ташкил этади.

Муножотларда мурожат этиладиган ва таърифланадиган асосий қаҳрамон – бевосита Худонинг ўзи. Субъект — лирик қаҳрамон, объект –буюк яратувчига 2-шахс бирликда мурожат этади. Бундай мурожатлар илоҳо, подшоҳо, парвардигоро, ё раб, холиқо, каримо каби яратувчининг сифатлари орқали берилади. Шундан сўнг лирик қаҳрамон томонидан Худо сифатлари тарифланади, далилланади ва асосий мақсад — ижобат, қил, бер, сўрайман, омин каби ифодалар билан изоҳланади. Муножот-ғазаллар кўпинча мураддаф бўлиб, унда ё раб ундалмаси радиф бўлиб келади. Бу эса ғазалда акс этган пафос ва кечинмаларининг: зорланиш, илтижо қилиш, ялиниш, ёлвориш, истиғфор айтиш кабиларнинг таъкидига, таъсирчанлигига хизмат қилади. Зеро, муножот-ғазалларнинг луғавий маъноси ҳам унда ифодаланадиган кечинма ва пафос билан бир хил.

«Ҳазойин ул- маоний» куллиётининг девонлари таркибидаги муножот-ғазалларни мазмун- мундарижасига кўра (ғоявий- тематик асосига кўра) шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

1. Лирик қаҳрамон тавба- тазаррулари руҳидаги муножот-ғазаллар.
2. Ошиқ кечинмалари руҳидаги муножот-ғазаллар.

Лирик қаҳрамон тавба-тазаррулари руҳидаги муножот-ғазалларда Оллоҳ бевосита таъриф-тавсиф қилинади ва гуноҳлар учун авф тиланади. Қуйидаги муножот-ғазалда лирик қаҳрамон Оллоҳга илтижолар қилади, ундан билиб-билмай қилган гуноҳларидан кечишни сўрайди. Муножот-ғазал Яратувчи сифатлар билан бошланади:

Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро,
Санга очуғ ниҳону ошқоро

Сабур исми била қилсанг тажаллий,
Қилиб Намрудға юз минг мудоро [2.Б.28].

Худога мурожаат, Худо сифатларини далиллаш орқали илтижо ғазалнинг ғоявий-тематик асоси бўлиб, унда фалсафий мазмун билан интим кайфият уйғунлашиб кетган. Унда шоир илоҳ, подшоҳ ва яратувчи бўлган ягона зотга мурожаат қилади: сенга барча яширин ва очиқ нарсалар аён, агар Сабр исминг жилваланса – акс этса, Намруди лаъинга ҳам мулойимлик, илтифот қиласан. Биз биламизки, Намруд- афсонавий шахс бўлиб, Худо даргоҳига чиқмоқчи бўлган. Натижада ҳалок бўлган. Шоир байтда Сабр сифатига эга бўлган Худо лаънатланган Намрудга ҳам жазо беришдан тийинади, сабр қилади, (зора бу йўлдан қайтиб, тавба қилса) деган фикрни Намруд афсонавий шахсга ишораси- талмеҳ тасвир воситаси орқали беради.

Кейинги ғазал ҳам лирик қаҳрамон тавба-тазаррулари руҳидаги муножот-ғазал бўлиб, у “ё раб” ундалмаси билан бошланади.

Ё раб, ул соатки тушгай ҳажр жисму жон аро
Солғунг ойини фиروق, ул ганжу бу вайрон аро

Лирик қаҳрамоннинг жисму жон орасига ҳажр тушган соатда Яратганнинг мадакдор бўлишини илтижо қилиши ғазалнинг мазмун-мундарижасини ташкил этади. Рамали муасаммани маҳзуф баҳрида ёзилган ушбу ғазалнинг кейинги уч байти жон билан жисм ўртасига ҳажр тушган соатнинг тавсифи билан ўзаро боғланиб келган:

Сарсар ойин ҳар куюн қилгай бадан туфроғи
Жузву жузвин бир- бир ушбу гунбади сардон аро.

Жисм ва жон орасига айрилиқ тушгач, кучли шамол бадан туфроғини бўлакларини ҳар тарафга таркатади. Инсондаги тўрт унсур (сув, олов, ҳаво ва туфроқ) ҳар тарафга сочилиб, бир-бирисидан нишон топа олмайди. Инсон жисми шундай тарқалиб кетадики, бу ходисалар ақлга сиғмайди. Лирик қаҳрамонни жон ва жисм айрилиғи – ўлим кўрқитмайди, фақатгина жон иймон билан чиқса бас. Жисм қисмларининг айрилиши лирик қаҳрамонга ғам келтирмайди, ягона илтижоси шу – бу ҳижрон водийсида лутф этиб, уни ёлғиз қолдирмаса бас. Муножот-ғазалнинг лирик қаҳрамони – Навоийнинг ўзи. Ғазал матлаъсида бошланган тасвир ва лирик қаҳрамон мурожаати мақтаъгача изчил давом этган. Ғазалдаги сўз, образ, ифодалар, айниқса, қофия ва радифлар мазмун ривожига мувофиқ ҳаракатлантирилган. Жон аро, вайрон аро, иймон аро, олий шон аро қофия ва радифи – ғазалдаги мазмун ва ғоянинг силсилавий ривожини таъминлаган. Шоир ғазалда исёним тўфони, водийи ҳижрон, баҳри бепоён каби истиора, талмиҳ (Нух) тасвир воситалари орқали шеърнинг ғоявий-бадий қимматини ошира олган.

«Фавойид ул- кибар» девони таркибидаги 4-ғазал ҳам лирик қаҳрамон тавба-тазаррулари руҳидаги муножот-ғазал бўлиб, у 9 байтдан иборат, мутақориб мусаммани солим (V—V—V—V--) вазнида ёзилган. Ғазал лирик қаҳрамон мурожаати билан бошланади:

Худоё, залол аҳлига раҳнамоё,
Юзунг жилва айларга ашъё мароё,
Ангаким атоё, тилар сендин эҳсон
Наво истаганларга сендин атоё. (6.9)

Дастлабки олти байтда асосий қаҳрамон – Яратган таъриф- тавсиф этилади: йўлдан озганларга тўғри йўл кўрсатувчи бўлган, юзи жилвасига бу дунё кўзгу бўлган Худо!

Ким сендан эҳсон тиласа, ўшани ато қил.
Наво истаганларга наво бер,
Сен этмай қазо, бўлмай ижроси мумкин,
Жаҳон коргоҳида ўтган қазоё.

Мазкур байтларда таъриф-тавсиф давом этади: сен қазо этмай туриб ҳеч нарса бўлмайди, сенинг кибриёнг – улуғлигинг олдида султонлар ҳам, фуқаролар ҳам яксон. Мазкур олти байтда Яратганнинг олти сифати далиллар орқали кўрсатиб берилган: адашганларни тўғри йўлга бошлаш, ато этиш сифати, ҳидоят этгувчилик сифати, сунъи

илоҳийлиги – яратгувчилиги, тақдир – қазо қилгувчилиги, кибриёлик сифатлари. Ғазалнинг кейинги уч байтини лирик қаҳрамон – Навоийнинг юқоридаги сифатларига эга бўлган Раббисига илтижоси ташкил этади. Ғазал мақтаъсида Навоий гуноҳларини кечирувчи бўлишни Яратгандан сўрайди ва «хайрул- бароё» – одамларнинг энг яхшиси бўлган Муҳаммад алайҳиссаломнинг шафоатчилигини илтижо қилади.

Муножот-ғазалнинг кейинги гуруҳи ошиқ кечинмалари руҳидаги муножотлар бўлиб, «Хазойин ул-маоний»да жами 5 та ғазални ўз ичига олади. Лирик қаҳрамон – ошиқнинг ўз машуқаси учун энг самимий тилаклари, ўз ёри учун Яранганга илтижоси ошиқ кечинмалари руҳидаги муножот-ғазалларнинг тематик композициясини ташкил этади. Мазкур муножот-ғазалларда мурожаат этиладиган асосий қаҳрамон – Аллоҳ. Ғазалнинг мазмунини ошиқ муножоти ташкил этгани учун ҳам, ё раб ундалмаси кўп ҳолларда радиф бўлиб келади ҳамда лирик қаҳрамон мурожаати объектини таъкидлашга хизмат қилади.

Ул ойнинг гулшани хуснин хазондин арағил, ё раб,
Гулу шамшодин осибии замондин асрағил, ё раб.

Балойи ишқ ногоҳ учрар ушбу телбадин ўзга,
Улусин бу балойи ногоҳондин асрағил, ё раб.(4.Б.38)

Муножот- ғазал 9 байтдан бўлиб, ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Ошиқнинг ёр учун самимий тилаклари, жаҳон аҳлидан барча одамлар учун паноҳ тилаш ғазалнинг ғоявий-тематик асосини ташкил қилади. Лирик қаҳрамон – ошиқ ёри хуснини хазондан, мусибатли кундан асрашини Яратгандан тилайди. Ғазалнинг тоқ мисраларида хавф солаётган ҳодиса – тезис берилиб, ғазалнинг жуфт мисраларида ушбу ҳодисадан паноҳ тиланади. Ғазалнинг мураддафлиги, радифга асрағил феъли ва ё раб ундалмаси танлангани тасодифий эмас. Мазкур лексик такрорлар байтларда кузатилган фикр-мулоҳазани кучайтириб таъкидлашга хизмат қилган.

«Бадоеъ ул-васат» девонининг 47- ғазали ҳамда «Фавойид ул-кибар» девонининг 47- ғазали ҳам қиради. Мазкур ғазаллар ҳам мавзу, ғоя ва мазмунига кўра юқоридаги икки муножот- ғазалга ҳамоҳанг.

«Хазойин ул- маоний» девони таркибида муножот унсури бор ғазаллар ҳам мавжуд бўлиб, уларни биз муножот-ғазал деб айта олмаймиз. Чунки улар мавзу жиҳатидан ошиқона, ҳамд ёки орифона ғазаллар бўлиб, маълум байтидагина Яратганга мурожаат – муножот этилади. Ошиқнинг шикоят, ҳижрон азоби ғазалнинг ғоявий-тематик асосини ташкил этади. Фақатгина мақтаъдан олдинги байтда лирик қаҳрамоннинг Худога муножоти мавжуд бўлиб, бу фақат шу байтнинг мазмунини ташкил этиб, бошқа байтлар билан бевосита алоқадор.

Муножот-ғазаллар ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга. Муножот-ғазаллар Қуръон ҳамда ҳадислар, тасаввуф таълимоти ҳамда адабий таъсир каби манбалардан озикланган ҳолда шаклланди. Навоий муножот- ғазалларида ғояга мос образ танлаб, маъно, туйғу ва тасвир уйғунлигига эриша олган. Ташбех, тарсеъ, муламмаъ, талмиҳ, иқтибос каби тасвир воситалари асосида лирик қаҳрамоннинг ҳиссий-руҳий ҳолатини кўрсата олган. Туркий шеърятда муножот-ғазаллар яратиб, уни ижодий анъанага айлантирган, вазифа ва даражасини юксалтирган.

Адабиётлар:

1. Баранов. Арабско – русский словарь. – М.: Русский язык, 1985.
2. Навоий А. МАТ. Т:3. Ғаройиб ус-сиғар / Хазойин ул-маоний. – Т.: Фан, 1989. – Б.13.
3. Навоий А. МАТ. Т:4. Наводир уш-шабоб / Хазойин ул-маоний. – Т.: Фан, 1989. – Б.9.
4. Навоий А. МАТ. Т:5. Бадоеъ ул-васат / Хазойин ул-маоний. – Т.: Фан, 1990. – Б.10.
5. Навоий А. МАТ. Т:6. Фавойид ул-кибар / Хазойин ул-маоний. – Т.: Фан, 1990. – Б.10.
6. Навоий асарларининг изоҳли луғати. – Т.: Фан, 1984.
7. Персидско – русский словарь.– М., 1953.
8. Фарҳанги забони тоҷики. Т: 1. – Моква, 1969. – Б.735.


9. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Хази́на, 1996. – Б.32.
10. Энциклопедияи адабиёти ва санъати тоҷик. – Т:2. – Душанбе, 1989. – Б.317.
11. Enciclopedia DE L' ISLAM. T: 3. – Parij, 1971. – Б.558.
12. Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Т.: Маънавият, 2001. – Б.3.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович

Самарқанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори

НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-7>

АННОТАЦИЯ

Инсоннинг ахлоқий фазилатлари ҳамиша Шарқ шоирларнинг диққат марказида бўлиб келган. Муслмон Шарқида етишган шоирлар инсонни барча махлуқотларнинг афзали, шарифи деб таърифлаб, шуни ҳам уқтирадиларки, одам ўзига муносиб яхши ишлар билан шуғулланиши, ўз номини ёмон, тубан хулқ-атвор, айниқса, икки дунёсига зарар етказувчи майпарастлик билан булғамаслиги керак.

Навоийнинг салафлари Низомий, Хусрав Дехлавий, Саъдий, Ҳофиз ижодларида ҳам май ва майхўрлик ҳақида гап кетсада, лекин уларда бу нарса муҳокама мавзусига айланмаган ва каттик кораланмаган. Алишер Навоий эса Баҳром Гўр образи орқали майпараст шохнинг фожиасини кўрсатиб, Хусайн Бойқарони ундан сабоқ олишга чақирган. Бунинг сабаби шуки, майхўрлик, айшу ишратга берилиш XV асрда Ҳиротда кенг авж олади, фақат султон саройидагина эмас, бошқа жойларда ҳам ҳоким-амалдорлар, сипоҳийлар, ҳатто дин арбоблари шайху қозилар бўш вақтларини базми жамшидлар уюштириб, майхўрлик қилиш билан ўтказганлар. Бу улуғ гуманист Алишер Навоийни ташвишга солмасдан қолмасди, шунинг учун ўз асарларида бу бемаза одатга қарши чиқиб, бадмастликнинг хунук оқибатларини кўрсатиш билан фалокатнинг олдини олмоқчи бўлади.

Таянч сўзлар: тасаввуф, инсон, инсон ахлоқи, рамз, насиҳат, майпаратлик, манманлик, золимлик.

Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович

Профессор Самарқандского государственного университета,
доктор филологических наук

ОСОБЕННОСТИ ЭТИЧЕСКОГО ПРОБЛЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯ НАВОИ

АННОТАЦИЯ

Нравственные качества человека всегда были в центре внимания поэтов Востока. Поэты мусульманского Востока характеризуют человека как венца всех живых существ, и строго подчеркивают, что человек должен совершать достойные себя благие поступки, и не осквернять свое пошлыми проступками и непристойным поведением, а, особенно, пьянством, что погубит оба мира человека.

Речь о пьянстве идет и в произведениях предшественников Навои – Низами, Хусрава Дехлави, Саади, Хафиза, однако у них эта тема не являлась предметом бурного обсуждения и не сильно очернялась. А Алишер Навои на примере образа Бахрома показал трагедию

короля, пристрастившегося к вину, и призывал Хусейна Бойкаро, чтобы это стало ему уроком. Это было связано с тем, что в XV веке в Герате употребление вина и спиртных напитков усилилось не только во дворце султана, но и в других местах, правители, военнослужащие и даже религиозные деятели в свободное время организовывали пиры и вечеринки с активным употреблением вина. Это не могло не беспокоить великого ученого-гуманиста Алишера Навои, поэтому в своих трудах он выступал против этой вредной привычки и старался предотвратить беду, демонстрируя мрачные последствия пьянства.

Ключевые слова: суфизм, человек, нравственность человека, символ, наставление, приверженность к вину, высокомерие, деспотизм.

Mukhiddinov Muslikhiddin Kutbiddinovich

Professor of Samarkand State University, Doctor of Philology

FEATURES OF ETHICAL PROBLEMS IN THE WORKS OF NAVOI

ANNOTATION

Human moral values have always been the focus of attention of oriental poets. Poets who grew up in the Muslim East describe a person as the best of all creatures and say that a person should do what is good for him and not insult his name, especially with his evil behavior.

Although the predecessors of Navoi, Nizami, Khusrav Dehlavi, Saadi and Hafiz, speak of wine and drunkenness, they were not the subject of discussion and were not subjected to harsh criticism. But Alisher Navoi, in the image of Bakhrom Gur, portrayed the tragedy of the intoxicating king and urged Hussein Baykar to learn a lesson from this. The reason for this is that drunkenness and longing became widespread in Herat in the 15th century, and not only in the palace of the Sultan, but also in other places. The great humanist Alisher Navoi was not indifferent, so in his works he sang to avoid this catastrophe, challenging this habit and demonstrating the unseemly consequences of drunkenness.

Key words: sufism, person, human ethics, symbol, useful tips, drunkenness, arrogance, cruelty

Инсоннинг ахлоқий фазилатлари ҳамиша Шарқ шоирларнинг диққат марказида бўлиб келган. Адабиёт сўзининг «адаб» сўзидан пайдо бўлгани ҳам буни кўрсатиб турибди. Муслмон Шарқида етишган қайси бир шоир ижодини олиб кўрманг, унда панд-насихат оҳангидаги асарларга дуч келамиз. Қадимги адибларимиз адабиётни тарбия воситаси деб қарашган. Хоҳ соф лирик асарлар бўлсин, хоҳ воқеа-ҳодисалар, афсона-саргузаштлардан иборат эпик асарлар бўлсин, уларда «мавъиза», яъни ўғит-насихатлар характеридаги қисмлар бўлган. Алишер Навоий «Бадоеъул бидоя» девонига ёзган сўзбошида бундай дейди: «... бу девонда ҳамду наът ва мавъизадан бошқа ҳар шурангез ғазалдинким, истимоъи моҳвашларга мўжиби саркашлик ва ғамкашларга боиси мутававшлиг булғай, бирор-иккирор насихаторо ва мавъизатосо байт иртиқоб қилиндинким, аларнинг ламъайи рухсори ифбат буркаъидин кўп ташқари ломеъ бўлмағай, то буларнинг вужуди хирмани ул барқ ихроқидин билкулл зое бўлмағай, йўқким бу ғазаллар ғазолалари жилвагарлик соз, балки пардадорлик оғоз қилсалар, бу байтларнинг насихатсоз воизлари ва мавъизапардоз носихлари монёъ бўлғайлар»[1, 21].

Алишер Навоий фикрини тушунтирадиган бўлсак, мазмуни шуки, одатда ғазал ошиқона мавзуга бағишланган бўлади, ошиқлик дардининг пўртаналари китобхонни хаяжонга солади. Лекин унинг ёнида битта-иккита насихатомуз байтлар келтирилса, ўқувчи ишқ тўлқинлари билан бирга муҳим тарбиявий ҳикматлар, насихатлардан ҳам баҳраманд бўлади:

Шунинг учун дейди у, мен девонимда ҳамд-наътлардаги насихатли фикрлардан ташқари, ошиқона ғазалларимга ҳам насихат маъноли байтлар киритдим.

Бу ерда яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ахлоқий мавзудаги адабиёт ўзи алоҳида бир йўналишидир. Буни шарқликлар «панднома» деб юритганлар. «Қобуснома» (Кайковус),

«Қутадғу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб), «Ҳиббатул ҳақойиқ» (Аҳмад Югнакий), «Гулистон», «Бўстон» (Шайх Саъдий), «Маҳбуб ул-қулуб» (Алишер Навоий), «Баҳористон» (Абдурахмон Жомий), «Ахлоқи Муҳсиний», «Анвори Сухайлий» (Кошифий) шундай типдаги асарлардир. Шунга ўхшаш «Хамса»ларнинг биринчи дostonлари ҳам «панднома»ларга мазмунан яқиндир. Бироқ бу асарларда ахлоқий фалсафий-тафаккурий муҳокамалар заминидан баён этилади. Дostonларнинг тузилиши ҳам ўзига хос. Шунинг учун бўлса керак, илмий адабиётда бу дostonлар «фалсафий-ахлоқий» асарлар деб юритилади. Бизнингча, бу дostonларни «сўфиёна-фалсафий асарлар» деб номлаш маъқулроқ, чунки улардаги фалсафий қарашлар, асосан, сўфиёна дунёқарашни ифодалаб келган. Яна бир фикрни айтиш зарур. Гап шундаки, «ахлоқий асар», «ахлоқий ғоя» деганда, одатда, кўпроқ уқтириш, ўғит оҳангидаги асарларни назарда тутамиз. Назаримда, бу масалага тор қарашдир. Бутун адабиёт ахлоқий тарбия воситасидир, бу ният баъзан ўқтириш, баъзан лирик ҳиссиётларни тасвирлаш, баъзан публицистик кўтаринки, эҳтиросли шеърят, баъзан тамсил-гимсоллар «қиёфасини кўтариш орқали амалга оширилган. «Маҳзан ул-асрор», «Матлаъ ул-анвор», «Тўхфат ул-аҳрор» ва «Ҳайрат ул-аброр» дostonларида бу восита – усулларининг кўпидан фойдаланилган. Лекин ҳар бирида бу хусусият ўзгача йўлда давом этган. Инсон ахлоқи ҳақидаги улуғ шоирларнинг қарашлари уларнинг умумий фалсафий-сўфиёна фикрларидан ҳосил бўлган. Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий ва Навоий инсон ахлоқиға ўрта аср кишиси нуқтаи назаридан, ўзларигача жамланган илму ҳикмат асосида, сўфиёна маънолар талаби билан муносабатда бўлганлар.

Шоирлар юқорида айтганимиздай, инсонни барча маҳлуқотларнинг афзали, шарифи деб таърифлаб, шуни ҳам уқтирадиларки, одам ўзига муносиб яхши ишлар билан шуғулланиши, ўз номини ёмон, тубан хулқ-атвор, айниқса, икки дунёсига зарар етказувчи майпарастлик билан булғамаслиғи керак.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, Навоийнинг салафлари Низомий, Хусрав Дехлавий, Саъдий, Ҳофиз ижодларида ҳам май ва майхўрлик ҳақида гап кетсада, лекин уларда бу нарса муҳокама мавзусига айланмаган ва қаттиқ кораланмаган. Алишер Навоий эса Баҳром Гўр образи орқали майпараст шохнинг фожиасини кўрсатиб, Хусайн Бойқарони ундан сабоқ олишга чақирган. Бунинг сабаби шуки, майхўрлик, айшу ишратга берилиш XV асрда Ҳиротда кенг авж олади, фақат султон саройидагина эмас, бошқа жойларда ҳам ҳоким-амалдорлар, сипоҳийлар, ҳатто дин арбоблари шайху қозилар бўш вақтларини базми жамшидлар уюштириб, майхўрлик қилиш билан ўтказганлар. Чоғир ичиш бора-бора аҳолининг қуйи табақалари ҳаётига ҳам кириб келган, хонақоҳ, мадрасаларда тунни бедор ўтказган мастларнинг шовқин-сурони, бебошликлари кўнгилсиз воқеаларга олиб келган. Бу улуғ гуманист Алишер Навоийни ташвишга солмасдан қолмасди, шунинг учун ўз асарларида бу бемаза одатга қарши чиқиб, бадмастликнинг хунук оқибатларини кўрсатиш билан фалокатнинг олдини олмоқчи бўлади.

Майхўрликка ҳирс қўйиш ёшларнинг ҳаётини заҳарлагани, истеъдодини барбод этганини Навоий «Мажолисун нафоис»да шоирлардан Саййид Куроза, Саййид Қутб Лақаданг ва Мавлоно Ҳайдар котиб мисолида бир ачиниш билан қайд қилади. Шоир Мавлоно Ҳайдарни «чоғир андоқ мағлуб қилур эрдиким, ихтиёри ҳеч бир ишда йўқ эрди», деб ёзади. Саййид Куроза билан Қутб Лақаданг Самарқанддан Ҳиротга илм таҳсили учун борган ёшлар бўлиб, Навоий уларни ўз тарбиясига олади, мадрасага жойлаб маош тайинлайди. Бироқ бу иккиси илм ўрганиш, шоирлик маҳоратини ошириш ўрнига чоғир ичиш билан шуғулланадилар, қиморбоз, фаҳш, йўлтўсарлик каби бадахлоқ қилиқларга қўшилиб, бошқа қабих ишларни ҳам қиладилар. Навоий буларни тергаб турган бўлса-да, лекин таъсир қилмаган. Саййид Куроза охири Ҳиротда турулмай, Самарқандга келади ва Самарқанд «хамрийлари бирла заду хурд қилиб, ғолиб бўлмаса, дағи мағлуб ҳам бўлмай», авбошларга қўшилади. Қутб Лақаданг эса мастлик чоғида катта бир гуноҳ ишга қўл ургани сабабли ўлим жазосига ҳукм қилинади. Алишер Навоий аралашиб, қатл ҳукмини зиндон жазосига алмаштиради. Бироқ бу «нокасгина» миннатдорчилик билдириб, тавба-тазарруъ қилиш ва туз йўлга кириб одам бўлишни ўйламасдан яна зиндондан қочиб Самарқандга

кетади. Сайид Куроза тўдасига қўшилиб, аввалги палид ишларини давом эттиради. Маълум бўладики, Навоий сабру тоқатли мураббий сифатида турли тадбир-чора қўллаб кўрган. Аммо бу ёшлар табиатидан ёвуз, хайвоний ҳирслар буткул ғалаба қозониб, инсоний руҳларини мағлуб этганини кўргач, афсусланиб қўя қолган.

Навоий назарида майга ружуъ қилиш жаҳолат ва нодонликнинг нишонаси, инсоний фазилатлардан маҳрум, ўз кадр қимматини билмаган одамгина бу йўлга кириши мумкин. Одатда, манман, кибру ҳаво димоғини шиширган нодон кишилар кўпроқ шаробга ўч бўладилар. Уларнинг табиати май кўпигига қиёс этгулик: кўпик бир кўтарилиб, дарров йўқолгани каби сархуш кишининг ҳовлиқишлари, шердил бўлиб хезланиши бир дам хуруж қилиб, кейин сўниб қолади. Мастлик пайтида одамдаги хайвоний кучлар бош кўтаради, киши ўзини идора қилолмай, ношаръий қилиқлар кўрсатади. Шунинг учун Алишер Навоий майни барча ярамасликларнинг онаси – «уммул хабоис» деб эълон қилган.

“Жами ёмонлик андин мутаваллид булур” деб ёзади у Ҳусаин Бойқарога йўллаган мактубларидан бирида. Майхўр шоҳ раият аҳволидан беҳабар қолади, адолатни унутади. Султон нафақат бу одатни тарк этиши, балки бошқаларга ҳам буни май этмоғи лозим. Шоир «Маҳбуб ул-қулуб»да танбеҳ юзасидан дейди: «Май ичмак нахй (ман қилинган) эрур тангри қавли била, ҳар ҳол била анинг тарки авло... Ямонроқ ичгувчи анга мағлуброқ ҳар неча ямонлиғи зоҳир бўлса, анинг қошида маҳбуброқ. Бадмастка дамодам ичмоғидин не бахриким, одамийлик қатлиға ичар қадах-қадах заҳар. Ҳар охшом усруклардин хориж тарона – телба итлар улошқонидин нишона»[2, 67-68].

Демак, майпарастлик одамийликни ўлдириш, ўз-ўзини заҳарлаш билан баробар. Майнинг ҳар қатраси инсон баданидаги ҳаёт шарбатини сиқиб чиқарувчи «моддаи фасод»-дир, ҳар журъаси «селоби балоға» тенгдеб ўқтиради Навоий. Шундай бўлгандан кейин беҳад ранжу кулфат келтирадиган тириклик душмани бу касофатдан қутулиш афзал эмасмикин, ичиб, маст бўлиб юришдан нима фойда, нима ҳузур? «Ани ичмак – жигар конини ичмақдир ва мундин кечмак – бир жигаргўшадин кечмақдир. Ул бирин ютмоқдин захр ютма, бу бирин сочмоқдин наслинг тухмин қурутма»[2, 79]. Қанчалик башоратли гаплар. Майхўрлик кони зиён эканини, у саломатликнинг қушандаси, ҳаёт қатили бўлиш билан бирга, наслга ҳам таъсир этади, бора-бора бутун бир халқ миллатнинг уруғини қуритиши мумкинлигини буюк шоир ўша пайтлардаёқ ҳис этиб, одамларни огоҳлантирган, ўз нуфузидан фойдаланиб бу ижтимоий фалокатга қарши бош кўтарган, бонг урган. Бу фикрлар, бу оташин эҳтиросли сўзлар бизнинг давримизга ҳамоҳанг, ҳамдард бўлиб жаранглаётганини кўриб турибсиз. Навоийнинг улуғворлиги, унинг асарларида кўтарилган гуманистик ғояларнинг улмаслиги ва абадийлигига яна бир гувоҳ бу. Зотан, классик адабиётимизнинг буюклиги ҳам шундаки, улар ўз даври кишиларини энг кўп қизиктирган ўз замони учун актуал, муҳим ҳисобланган проблемаларни қаламга олганлар, халқнинг безовта виждони, жонкуяр, фидойи кишиси сифатида ёниб ижод қилганлар ва худди шу хусусият уларни ҳар бир давр, ҳар бир авлодга сеvimли қилиб қўяди, мақбул ва маъкул бўлиб, кўрашларига ҳамроҳлик қилади.

«Маҳбуб ул-қулуб»да Навоий заҳарханда сўзлар билан бадмастликнинг «таърифини» келтириб, ўзининг салбий фикрларини баён этган бўлса, «Ҳайрат ул-аброр»да униш умумлашма ҳажвий образни яратган. Афтидан, шоир майхонага айланган хонақоҳлар, кўча-кўйларда ичиб ғавғо кўтариб юрган сохта «ринд»ларни, олифта сатанглару сўфий қаландарларни тез-тез учратиб турган. Достоннинг «Жаҳл майининг дурдкашлари шаънидаким, салоҳ (яхшилик хирқалари масъият (гуноҳ) илқидан чок эрур ва май жаҳлнинг сархушлари бобидаким, ҳар бири майхона эшигида масту бебок юрур...»[4, 111] деб бошланувчи ўн бешинчи мақолатини ўқир эканмиз, улуғ адибнинг кузатувчанлигини, воқеанинг майда деталларгача аниқ, реал тасвирлаб, майзада бир нотавон, ожиз ва жирканч қиёфани гавдалантирганини кўриб, қойил қоламиз. Маст одам мажлисдан кўчага чиққанда, итлар ўни қуршаб олиб, базм курадилар, ёш болалар эса унга тош отиб, эрмак қиладилар. Маст эса буларнинг эса унга тош отиб, эрмак қиладилар. Маст эса буларнинг ҳаммасидан беҳабар, девонага ўхшаб хуши ўзида эмас. Оёғида тик туролмайди. Салла-дастори чувалган, боши, башараси тамға, дарахтларга урилиб, ёрилгандан қон оқиб туради. Балчиққа йиқилиб,

ағанаб олиб, кулмакдаги ҳаром сувни оби кавсар деб ичади, қусуғидан соқол-мўйлови булганган, кийимлари ифлос, иркит.

Гаҳ йиқилиб, гаҳ қўпуб ул ҳар нафас,

Маст солиб ҳар сори қўл ҳар нафас.

Май қилибон беҳуда ҳолин анинг,

Қай қилиб олуда сақолин анинг...

Қай сақолин ҳар неча нопок этиб,

Ит яламоқ бирла яна пок этиб[3, 111].

Шу аҳволда ҳам, агар мабодо бир зум ўзига келса, яна май сўрайди, деб ёзади шоир. Чунки у ўзининг инсоний қиёфасини йўқотгани, тубанлашиб, одам жирканадиган ҳайвонлар қиёфасига кириб қолганига иқрор эмас. Бунинг устига, тун ўғриси, роҳзанлар ёнидаги ҳамёни, қимматбаҳо нарсаларини шилиб кетадилар, кийимларини эса ўликдан кафанни ажратиб олгандай, асос, яъни тартиб қўриқловчи миршаб ечинтириб олиб кетади... Маст одам бўлса, совқдан дийдираб, уйини қидириб, аммо боши айлангандан ўйини ҳам тополмасдан сарсон-саргардон тонггача кўча кезиб чиқади.

Дема хумор, они дегил юз бало,

Жамъ ўлубу они қилиб мубтало[3, 112].

Бироқ ачинарлиси шуки, дея давом этади Навоий, бундай кишилар шунчалик билан изза бўлмайдилар. Тағин узларининг шарманда аҳволларини риндлик, йигитлик айёмининг шўхлиги, каллошлик (олифта чапанилик) деб оқламоқчи бўладилар. Лекин бу ғирт беъманилик, димоққа қўнган жаҳолатнинг хуружи, холос. Ахир, йигитликни кўрсатиш, жавонмардлик балчикқа ағнаб ётиб, одамларга кулги бўлиш эмас-ку, – дея хитоб қилади шоир киноя аралаш. Аксинча, бу йигитлик шаънини бўлғаш, ҳаё-номусни буткул йўқотиб, ўзни қабоҳат қучоғига оғишдир. Хўйбадга гирифтор бўлган одам мана шунақа ҳар хил баҳоналар қилади, танбеҳ-насихатлар ҳам кор қилмайди. Навоий бундай бетамиз шахсларни ҳар қанча калтак есада, қозон атрофида ўралашиб юриб, қорин тўйғизадиган беор итларга ўхшатиб, ёзади:

Итки қозон ошиға тегурди тил,

Юз қаролик биладурур юз қизил[3, 112].

Яъни: қозон ошидан еган итнинг қорин тўқлиги, юзининг яшнаб тўриши (айни вақтда калтақдан қонаши ҳам) юз қаролиғи беномуслигининг натижасидир (айни вақтда қозон кўясига сурканиб башарасининг қора бўлиши ҳам). Шундан сўнг шоир яна иккига ўхшатиш қилиб, майпараст одамнинг феъл-хўйини равшанроқ очишга муваффақ бўлган. Бириси шуки, майпараст одам ўлдиравериб, қон тўкишга одатланиб қолган жаллод мисолидир, у ўз ўғлини қатл этса ҳам хурсанд булаверади. Дарҳақиқат, бутун фикру хаёли бир култум шароб топиб ичишга қаратилган киши қотиллик қилиши, мудҳиш жиноятларга қўл ўриши ҳеч гапмас. Бундан ташқари, мастликнинг ўзи қотиллик билан баробардирки, Навоий буни очик айтганини юқорида кўрдик. Иккинчиси – майпараст мурдор ва ахлат ҳидидан таъби хуш бўладиган «амборкаш» эшак кабидир. Бўлмаса ҳаётнинг шунча нозу неъматлари, ширин шарбатлари тўрганида бадбўй, аччиқ бир нарсага ружуъ қўярмиди? Кўриниб турибдики, бадмаст одамларга нисбатан шоирнинг нафрати чексиз, бундай тубан ахлоқни кишилардан ҳазар қилганини сезиш қийин эмас. Аммо шунча ғазабу нафрат замирида гуманист инсоннинг ачинишини ҳам ҳис этамиз. Бунга қаноат ҳосил қилиш учун ўн бешинчи мақолатни охиригача ўқиб чиқиш кифоя.

Алишер Навоий шаробхўрлик касалининг ҳалокатли оқибатларини умумлаштириб, шуни таъкидлайдики, май фақат ичувчи одамнинг вужудини емириб, унинг инсоний борлигини барбод этадиган нарса бўлмай, балки оила, қолаверса, бутун жамият асосларини емирадиган дахшатли селдир, ўнинг тўғёнидан на шоҳ қасри ва на гадонинг кулбаси омон қолади. Бу офат келтирадиган селгина эмас, дўзах ўтидан ҳам кучли, «етти кўкни ёндирувчи» оловдир. Қизиғи шундаки, Навоий майпараст одамнинг тавбасига ишониш ҳам қийин деб ўқтиради – улар бир неча бор ичмасликка қасам ичиб, яна ичаверадилар. Зеро, май иродани сусайтириб, ўзига тобе этган бўлади. Лекин, барибир, улуғ мутафаккир инсон

ҳақида қайғургани, инсонни ҳалокатли ҳирслардан қутқариб, камол топтиришга интилкини учун майзада кишилардан батамом умидини ўзмайди. Уларда ўз-ўзидан нафратланиш ҳиссини уйғотиш, қалбидаги инсоний туйғуларни жонлантириш, ҳақ йўлида ҳидоят этиш билан бу касалликдан ҳалос этиш мумкин деб ҳисоблайди.

Келтирганимиз май ва майпарастлар ҳақида (қайд этамизки, майхўрликнинг касофати Низомий ва Жомий дostonларида алоҳида мавзу бўлган эмас, уларда бу ҳақда деярли гапирилмайди, бу Амир Хусрав ва Навоий ижодида долзарб касб этган мавзудир) билдирилган фикрлар Алишер Навоий ахлоқий қарашларининг бир жиҳатинигина белгилайди, ҳолос. Улуғ шоир мунофиқ, ёлғончи, такаббур ва порахўрларни ҳам шундай кизғинлик билан муросасиз танқид этгани, уларни жамиятнинг зарарли унсури сифатида кўрсатганини биламиз, лекин шуниси борки, у ушбу иллатларнинг ҳар бири устида алоҳида тўхтаб, ёрқин мисоллар воситасида ахлоқий тубанликни очиб берса-да, аммо бу ношоиста ҳислатлар бир-бири билан жуда боғланиб кетгани, бир ёмон ишни қилган одам иккинчисидан ҳам қайтмаслигини таъкидлаган. Масалан, риёкор шайх айни вақтда ишратпараст, ҳасадчи ва майхўр киши. Шу каби шаҳар қозиси ришва (пора) олишни майхўрлик ва фоҳишабозлик билан «қўшиб» давом эттиради. Ёки «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўн олтинчи мақолатида ясан-гусан қилиб юрадиган олифта эркаклар ҳақида гап боради. Бироқ шоирнинг тасвиридан маълум бўлдики, бу тоифанинг ҳам асосий машғулотиди бода ичиш, нажас ва нопок ишлар билан шуғулланиб юришдир. Бода уларнинг димоғини шунчалик кизитганки – ақлу идрокларини йўқотиб, «зоғи нажасхўрдек» бир-бирини чўқиш, бир-бирини ёмонлаш ва беҳуда, бемаъни «суҳбатлар» билан вақт ўтказишдан бошқани билмайдилар. Уларнинг такаббурлиги, мақтанчоқлиги одамларнинг жонига теккан. Алишер Навоийда танқидий руҳ, камчилик ва нуқсонларни нафратли оҳангда, реал тасвирлар орқали қабартириб кўрсатиш устун, бу уни барча ҳамсанавислардан ажратиш туради.

Шундай қилиб улуғ шоир наздида ахлоқий нуқсонларнинг ҳаммаси бирдай зарарли ва улар бири иккинчисини етаклаб, одамни нафси палид домига тортади, ёмонлик ёмонликни тўлдирди. Ваҳоланки, инсон зоти шарифдир ва бу ҳислатларнинг бирортаси ҳам унинг юксак номига муносиб эмас. Инсон нафсининг ёвуз қутқуларини енгиб, ички жасорати билан ўз-ўзини енгитиши ва маънавий камолот сари интилиб, умрини эзгу-хайр ишларига сарфлаши керак.

Маълумки, «нафс» истилоҳи тасаввуфда асосий ўрин эгаллайди. Нажмиддин Комилов «Тасаввуф аҳли барча фалокатлар, ёмонликларининг бош сабабчиси, инсонни бузадиган асосий нуқс сифатида нафсни кўрсатадилар ва нафсга қарши уруш эълон қилганлар», – деб ёзади. Дарҳақиқат шундай. Улуғ шайхлардан бирига тасаввуф нима, деб савол берганларида «Тасаввуф – шайтоний нафсни енгмоқ» деб жавоб берган экан. Шундай бўлгандан кейин, турган ҳам, тасаввуфни ўз ижодларининг бош ғоясига айлантирган учун ҳамсанавис шоирлар ҳам бу нафсга нисбатан салбий муносабатда бўлганлари аниқ. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да инсоннинг салбий ҳислатлари – майпарастлик, манманлик, золимлик ҳақида ёзар экан, булар нафс белгилари эканини унутмайди. Буларнинг ҳаммаси камолот йўлидаги ғовлардир. Бу ҳақда қаноат бобида тўхталганда яна бир фикр юритамиз, аммо бу ўринда шуни айтмоқчимизки, Навоий назарида нафс – инсоннинг энг қаттол душмани, нафсини енгган одам мардлар – сўфийлар сафига кира олади.

У дейди:

Булуб нафсингга тобеъ, банд этарсен тушса душманни,

Санга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Шундай қилиб, буюк шоирнинг инсон хилқати, ахлоқи ва бурчи ҳақидаги қарашларида ўз даври ва бугунги давр учун ҳам зарур бўлган инсон ахлоқи масаласини деярли барча асарларида кўтарган, муаммоларга жавоб берган, инсонни комил кўриш, уни ҳар-хил майда нарсалардан озод кўриш, ахлоқий юксак инсонни тарбиялаш, одамийлик ҳислатларини ҳимоя қилиб чиққан. Алишер Навоий ғояларининг асрлар давомида яшаб келаётган бугунги кунимизда ҳам бизга сабоқ бўлаётгани, айниқса кишини хурсанд қилади.


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 20 томлик, I том. «Бадойиъул-бидоя» Тошкент. «ФАН» 1991. 21-б.
2. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 13-том, Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 67—68-б.
3. Алишер Навоий. «Хамса», танкидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 и., 112-б.
4. Амир Хусрав Деҳлавий. Асарлар. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972 й. 107-108-б.
5. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969;
6. В. Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Т.: Ўзбекистон, 1970;
7. А.Қаюмов. Алишер Навоий (ажойиб кишилар ҳаёти). –Т.:1976;
8. С.Айний. Танланган илмий асарлар. – Т.: Фан, 1978;
9. Фитрат. Навоийнинг форсий шоирлиғи ва форс тилидаги асарлари тўғрисида. Танланган асарлар. 2–жилд. –Т.: 2000;
10. М.Шайхзода. Ғазал мулкининг султони. Асарлар. Олти томлик. Т.4. –Т.:1972;
11. Ҳамид Сулаймон. Алишер Навоийнинг форс тилидаги поетик мероси тадқиқотидан. „Ўзбек тили ва адабиёти“ журн. 1965, № 5;
12. А.Рустамов. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: 1979;
13. А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси. –Т.: 1961;
14. Ё.Ишоқов. Навоий поэтикаси. – Т.:1984;
15. М.Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Т.: 1983).
16. Б. Ақром. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. –Т.:1991;

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Джалилова Зарнигор Баходирова
Бухоро давлат университети,
Инглиз адабиёти кафедраси ўқитувчиси

ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-8>

АННОТАЦИЯ

Шеърят дунёсида турфа ўсимликлар билан бир қаторда гуллар инсон фазилатлари, ташки қиёфаси ва унинг табиатини тавсифлаш учун кенг қўлланилади. Ушбу иш инглиз шеърлятида инсон сифатларининг гуллар воситасида ифодаланишига бағишланган. Мақолада Франсис Томпсон, Уильям Эрнест Хинли, А.Э.Хаусман, Оскар Уайлд ва Фиона Маклеод каби XIX-XX аср инглиз адабиёти намоёндаларининг шеърлари таҳлил қилинган. Шарҳлардан олинган мулоҳазалар гул ва ўсимликлар номи аксар ҳолларда аёлларнинг гўзаллиги, ошиқнинг маъшуқасига бўлган ҳиссиётларини ифодаловчи сатрларда ҳамда ёш болаларни тавсифловчи ва ўтганларни хотирловчи байтларда қўлланилишини кўрсатади.

Таянч сўзлар: фитоним, образ, гул, рамз

Джалилова Зарнигор Баходирова
Бухарский государственный университет,
учитель кафедры Английской литературы

ВЫРАЖЕНИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ КАЧЕСТВ ЦВЕТАМИ В АНГЛИЙСКОЙ ПОЭЗИИ

АННОТАЦИЯ

В мире стихов растения наряду с цветами широко используются для характеристики человеческих качеств, внешнего вида и человеческой природы. Данная статья посвящена анализу стихотворений, в которых цветы используются для описания человеческих качеств. В статье анализируются стихи представителей английской литературы XIX-XX веков, таких как Фрэнсис Томпсон, Фиона Маклауд, Оскар Уайльд, А.Э. Хаусман, Уильям Эрнест Хинли. Анализ стихотворений показывает, что названия цветов и растений часто используются в строках, выражающих красоту женщины, чувства любовника к своей любовнице, а также в стихах, описывающих маленьких детей и воспевающих память людей, у которых есть скончался.

Ключевые слова: фитоним, образ, цветок, символ.

Zarnigor Bakhodirovna Djalilova
Teacher of English literature department,
Bukhara State University

EXPRESSING HUMAN FEATURES BY FLOWERS IN ENGLISH POETRY

ANNOTATION

In the world of poems, plants along with flowers are widely used to characterize human qualities, physical appearance and human nature. Current paper is devoted to the analysis of poems where flowers are used to describe human features. The article analyses the poems of the XIX-XXth century English literature representatives such as Francis Thompson, Fiona Macleod, Oscar Wilde, A.E.Housman, William Ernest Hinley. Analysis of the poems show that the names of flowers and plants are often used in lines expressing the beauty of women, the feelings of the lover to his mistress, as well as in the verses describing young children and glorifying the memory of the people who have passed away.

Key words: phithonym, image, flower, symbol

Кириш

Бадиий ижодда образ яратиш, фикрни поэтик кўринишда ифодалаш учун хизмат қилган фитонимлар фитопозетонимлар даражасига кўтарилади. Фитонимлар сингари фитопозетонимларда ҳам халқнинг деҳқончилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, гулчилик сингари маданиятининг лисоний бадиий ифодаси юзага чиқади.

Шеърятда фитонимлар, жумладан, гул ёки ўсимликлар номи кўчма маънода шахс сифатини ифодалаб келиши кўп кузатиладиган анъанавий поэтик ҳодисалардан биридир. Айтайлик бадиий образни яратиш ёки тавсифлаш учун гул турлари номларидан фойдаланишда унинг маъносини инсонга кўчириш, албатта, гул ва шахс орасидаги маълум ўхшашликларга асосланади. Бундай қиёслашлар эса кўпроқ шеърятда маъшуканинг ташқи гўзаллигини тасвирлашда қўлланилади.

Асосий қисм

Гулларнинг рамзий образ сифатида шеърятга кириб келиши қадимги одамларнинг эътиқодлари, илк тасаввур-тушунчалари, тотемистик қарашлари билан боғлиқ [6,573; 2,77; 3,139-181].

Шеърларда гул тимсоли баъзан умумий, баъзан конкрет номда ифодаланиб келади. Жумладан, Франсис Томпсоннинг “Daisy” – “Момақаймоқ” шеъри бу жиҳатдан фикримизга далил бўла олади:

She listened with big-lipped surprise,
Breast-deep 'mid flower and spine:
Her skin was like a grape whose veins
Run snow instead of wine [9,35].

Ушбу мисраларда шоир ёшлигида кўнгил қўйган севгилиси ҳақида сўз юритмоқда. У кенг яшил яйловда бирга чоғиб ўйнаб, болаларча беғуборлик билан суҳбатлар қурган севгилисини эслар экан, уни ўша гўзал табиат қўйнида барқ уриб яшнаган гулларга ўхшатади. Хусусан, қизнинг энди кўтарилиб келаётган кўкракларини гуллашга бош кўтарган момақаймоқ гулига менгзади. Унинг юз териси эса узум донасидек таранг эканлигига, томирларидан оқаётган қони винодек қизиллигини оппоқ қордек бадани яширишга ожизлигини таъкидлайди. Бу билан у севгилисининг ниҳоятда оппоқ, чиройли, жозибадор, соғлом эканлигини билдирмоқчи бўлади. Умуман айтганда, хотин-қизларнинг гўзал ва ёқимли чеҳрасини, момиқ ва оппоқ бадан тузилишининг бўлиқлигини момақаймоқ гули воситасида тасвирлаш жаҳон шоирлари ижодида ўзига хос анъана тусини олган. Кейинги мисраларда шоир яна ўз фикрини давом эттириб, шундай дейди:

Oh, there were flowers in Storrington
On the turf and on the spray;
But the sweetest flower on Sussex hills
Was the Daisy – flower that day! [9,35]

Шоир ёшлиқдаги муҳаббат туйғуларини хотирлар экан, ўшанда Сторрингтонда очилиб ётган кўплаб гулларни, лекин улар орасида Сассекс тепалигидаги энг ёқимли гул – момақаймоқ бўлганлигини эслайди.

Аслида daisy – инглиз тилида фитоним сифатида гулнинг бир тури бўлган момақаймоқни атаб келса-да, худди бошқа тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам гул номларининг киши номи тарзида антропоним бўлиб келиши кузатилади. Айнан бунинг далилини юқоридаги банднинг сўнгги мисрасида антропоним сифатида келтирилган Daisy исми мисолида кузатиш мумкин. Бу исм, асосан, қизларга нисбатан қўлланади. У эски инглиз тилидаги day`s – куннинг, eye – кўзи сўзлари бирикувидан ҳосил бўлган [10]. Бундай ном олишига унинг эрта тонгда куёш чиқишига қараб очилиб, кеч шомда куёш ботиши билан юмилиши сабабдир.

Момақаймоқ – сариқ тўпгулли, шамолда учиб кетадиган тўзгоқ уруғли ўт; қоқиўт. У кўчма маънода юз, бадан тузилиши бўлиқ ва ёқимли кўринишга эга бўлган аёлларга нисбатан ишлатилади [7,713].

The fairest things have fleetest end,
Their scent survives their close:
But the rose's scent is bitterness
To him that loved the rose.

Ушбу мисраларда яна бир гул – атиргул номи бир неча бор такрорланган. Атиргул ҳам дунё микёсида бадий ижодда энг кўп қўлланадиган гул фитопозитонимларидан биридир. Атиргул раънодошлар туркумининг хушманзара ўсимлик сифатида экиладиган бир қанча турининг умумий номи [7,136] бўлиб, шеъриятда кўчма маънода кўпинча гўзал қизлар ва ёш болалар образини рамзий-тимсолий ифодалашда кенг қўлланиши кузатилади. Бунга жаҳон шоирлари ижодидан ёрқин далиллар келтириш мумкин. Жумладан, инглиз шеъриятидаги Уильям Эрнест Хинлининг “A Bowl of Roses” шеъридан олинган қуйидаги мисралар ҳам фикримизга далил бўла олади:

It was a bowl of roses:
There in the light they lay,
Languishing, glorying, glowing
Their life away.
And the soul of them rose like a presence,
Into me crept and grew,
And filled me with something – some one –
O, was it you?[9,22]

Атиргулни севиш учун унинг тикони захридан ҳамда ўткир ифори таъсиридан чўчимаслик лозим. Шунинг учун атиргул воситасида кўпинча севги, маъшуқа тимсоли бадий ифода этилар экан, бевосита ошиқ муҳаббат азобларини енгишга чорланади.

А.Э.Ҳаусманнинг қуйида келтирилган “With Rue My Heart is Laden” (“Қалбимдаги афсуслар”) шеърида лаби атиргулни эслатадиган гўзал қизлар таърифланган:

With rue my heart is laden
For golden friends I had,
For many a **rose-lipt** maiden.
And many a lightfoot lad.
By brooks too broad for leaping
The lightfoot boys are laid;
The **rose-lipt** girls are sleeping
In fields where roses fade [9,39].

Қуйидаги мисраларда эса шоир Оскар Уайлд “Requiescat” номли шеърида вафот этган яқин аёлини нилуфар гулига қиёслаган. **Нилуфар** – йирик баргли, чиройли катта-катта гулли, сувда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. У халқимиз орасида хотин-қизларнинг исми сифатида ҳам учрайди [7,37]. Эътиборлиси шундаки, бундай исм инглиз халқи орасида ҳам мавжуд. Lily – нилуфар гули номи билан боғлиқ антропоним сифатида кузатилади.

Tread lightly, she is near
 Under the snow,
 Speak gently, she can hear
 The daisies grow.
 All her bright golden hair
 Tarnished with rust,
 She that was young and fair
 Fallen to dust.
 Lily – like, white as snow,
 She hardly knew
 She was a woman, so
 Sweetly she grew [9,42].

Шеърятда вафот этган инсонни гулга менгзаш ҳодисаси азалий поэтик анъаналардан бири бўлиб, унинг тарихий илдизлари қадимий анимистик ҳамда тотемистик қарашларга бориб тақалади. Хусусан, жаҳон халқлари фольклорида мавжуд йўқлов кўшиқларида бу анъана ёрқин кузатилади. Агар келтирилган шеърнинг мазмунига эътибор қаратсак, унда ҳам бевақт вафот этган аёл хотираси ёдга олинган. Шоирнинг унга нисбатан самимий муҳаббати, хурмати, соғинчи мадҳ қилиниб, ширин хотираси эъзозланган. Шоир аёл зиёратига келганларни у ётган қор остидаги тупроқни қаттиқ босмасликка, оҳиста қадам ташлашга, баланд овозда эмас, секин ва мулойим гапиришга, шу орқали мархума руҳини безовта қилмасликка, абадий уйқусини бузмасликка ундайди. Чунки унинг ҳали ҳам ўз яқинида эканлигига, ҳаммасини кўриб турганлигига, айтилаётган ҳар бир гапни эшита олишига ишонади. Фақатгина унинг бир вақтлардагидай тилларанг тусдаги гўзал сочли аёл кўринишида эмас, момақаймоқ гули шаклида намоён бўлиб турганини айтади. Шеърдаги мисралар унинг баҳор яқинлашаётганда ёзилганини кўрсатади.

Қизиғи шундаки, Марказий Осиё ва Эрон халқлари, жумладан, ўзбеклар орасида Наврўз олдида қабр бошига чиқиб, ўтганларни хотирлаш удуми ҳалигача сақланиб келмоқда[4,31;8,30-33]. Шу жараёнда қуйланадиган махсус йўқловлар ҳам яратилган. Уларда кўпинча табиатда юз бераётган гўзал ўзгаришлар, чор-атрофнинг турфа гулларга бурканиб бораётганини ўтганларнинг кўролмаётганлигига ачиниш бадий ифода қилинган. Ўзбек халқи орасида лола ва лолақизғалдоқ ўтган эски йилда ўлган мархумларнинг қонидан униб чиқади деган тасаввурларни бадий ифодалантирган афсоналар ҳам бор[4,42]. Афсоналарга кўра, ер ўлганларнинг қонини ўзига сўриб олиб, кейин уларни баҳор гуллариغا берармиш [8,32].

Шу таҳлиллар билан юқоридаги шеър мазмуни таҳлили ўзаро боғлаб мушоҳада қилинса, унда ҳам айнан мархуманинг гулга қиёслантирилаётгани бежиз эмаслиги англашилади.

Ўзбек халқи орасида ҳалигача ёш вафот этганлар ҳақида “Ўн гулидан бир гули очилмай сўлган” ибораси ишлатилади. Аёли вафот этган эркаклар хотинига “вой, гулим” дея овоз солиб, қуйидаги каби йиғи кўшиқларини қуйлашади:

Куймасин ҳеч кимнинг ҳаргиз кулба бирлан хонаси,
 Сарғаймасин, вой алам-е, ҳаргиз гулдай танаси [1,75].

Тирик ва соғлом инсоннинг танаси қизғиш тусда бўлса, мархумлар сарик тусда бўлади. Юқоридаги мисраларда шу табиий ҳолатга ўзига хос ишора мужассам. Шунинг учун “гулдай тана” ҳамшиша мадҳ қилинади.

Қабр зиёратига борганлар гул олиб бориб қўйиши одати деярли барча халқларда ҳозиргача сақланиб келмоқда.

А.Э.Ҳаусманнинг “To an Athlete Dying Young”, яъни эрта вафот этган спортчи-атлетга бағишланган шеърда шундай мисралар келтирилган:

Smart lad, to slip betimes away
 From fields where glory does not stay,
 And early though the laurel grows

It withers quicker than the rose[9,38].

Лавр – бу дафна дарахтининг япроғи. Дафна, аввало, юнон мифологиясидаги дарё маъбудининг кизи номини англатади. Яна бир томондан эса лаврдошларга мансуб дарахт номидир. Дафна Ўрта Ер денгизи худудиди ўсади. Кўринишига кўра кичик, сербарг, хушбўй, доимо яшил тусда бўлади. Қадимда Греция пойтахти Афинада ўтказилган спорт мусобақалари, олимпиадаларда ғолибларнинг бошига шу дарахтнинг барглари ва новдаларидан шўхрат, ғалаба белгиси ёки олий мукофот сифатида ғолиб кишининг бўйнига осиладиган ёки бошига кийдириладиган гулчамбар ясалган. Шоир мана шу қадимий одатни ёдга олиб, дафнанинг атиргулдан кўра тезроқ сўлишини айтади ва пойгада ғолиб бўлган атлет ҳаётини унга қиёслайди:

And round that early-laurelled head
Will flock to gaze the strengthless dead,
And find unwithered on its curls
The garland briefer than a girl's[9,35].

Шоир дафна гулчамбарли бошга ўлим эрта соя солганидан куйинмоқда.

Инглиз шеърятда ҳам кўпинча бола образи гулга қиёсланади. Масалан, Фиона Маклеоднинг “The Vision” шеъриси шундай мисралар келтирилган:

In a fair place
Of whin and grass,
I heard feet pass
Where no one was.
I saw a face
Bloom like a flower –
Nay, as the rainbow – shower
Of a tempestuous hour.
It was not man, or woman:
It was not human:
But, beautiful and wild,
Terribly undefiled,
I knew an unborn child [9,27].

Мисралар мазмунига кўра, шоира бир гулдек очилган юзни кўрдим, лекин у на эр, на аёл, балки гумона бир мурғак жон, дея ҳали туғилмаган чақалоқ тасвирини келтиришга уринмоқда.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, умумжаҳон шеърятда бўлгани каби инглиз шоирлари ижодида ҳам инсон сифатларини гуллар тимсоли орқали ифодалаш ўзига хос анъана тусини олган. Бу кўпроқ ошиқнинг ўз маъшуқасига дил изҳорларини ифодаловчи мисраларда, ёш болаларни тавсифловчи сатрларда, ўтганларни хотирлашга бағишланган байтларда ёрқин кузатилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Бўлардан учган ғазал-ай. Ўзбек халқ йиғилари ва йўқловлари. – Бухоро, 2004.
2. Зеленин Д. Тотемы-деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. – М.-Л., 1937.
3. Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы. // Древние обряды верования и культуры народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986.
4. Наврўз йўқлови // Наврўз (Наврўз билан боғлиқ қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва иримлар). Тузувчилар: Т.Мирзаев ва М.Жўраев. – Т.: Фан, 1992.
5. Пещерева Е.М. Праздник тюльпана (лола) в сел. Исфара Кокандского уезда. // Сб. «В.В.Бартольд». – Т., 1927.
6. Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – 573 с


7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Учинчи жилд. Н – Тартибли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.
8. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004.
9. Untermeyer L. Modern British Poetry. – N.Y.: The Quinn & Boden company, 1920.
10. <https://www.etymonline.com/word/daisy>

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Қаюмов Нодир Найимович

Самарқанд давлат университети таянч докторанти
электрон почта манзили qayumov.nodir@list.ru

РЎДАКИЙ ВА БАШШОР МАРҒАЗИЙ ПОЭЗИЯСИДА ТАШХИС САНЪАТИНИНГ ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-9>

АННОТАЦИЯ

Ташхис санъати адабиётнинг энг гўзал ва кўркем бадий сўз санъати бўлиб, шеъринг тимсоллар ва образларнинг яратилишида катта аҳамиятга эга. Мақолада ташхис ва жонлантириш санъатининг поэтик, назарий хусусиятлари, унинг ривожланиши, шунингдек X аср шоирлари ижод намуналари асосида форс-тожик мумтоз адабиётида қўлланилиши тадқиқ этилади. Ташхис ва жонлантириш санъатининг бадий тимсол ва образлар яратишдаги ўрни Рудакий, Башшоро Марғазий ижодиёти мисолида таҳлил этилади. Шунингдек мазкур давр шоирлари ижодида янги ва ноанъанавий бадий образлар яратилиши омиллари аниқланади.

Калит сўзлар: Санъат, ташхис, жонлантириш, адабиёт, шеър, X-аср, образ, қасида, ташбиб, шароб...

Қаюмов Нодир Найимович

докторант Самарқандского государственного университета
e-mail: qayumov.nodir@list.ru

ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЛИТЕРАТУРНОГО ПРИЕМА «ТАШХИС» (ОЛИЦЕТВОРЕНИЕ) В ПОЭЗИИ РУДАКИ И БАШШОРА МАРҒАЗИ

Литературный приём «ташхис» («олицетворение») представляет собой один из самых изысканных и плодотворных жанров художественной литературы, который играет важную роль при создании поэтических символов и образов. При помощи литературного приёма автор наделяет события и явления, неодушевленных и абстрактных предметов животных и растений человеческими качествами и обликом.

В статье рассматриваются поэтические, теоретические особенности литературного приёма «ташхис» («олицетворение»), а также его использование и применение на материале творчества поэтов X вв. Проведен анализ места и роли этого приёма при создании образов и символов в творчестве Рудаки, Башшори Марғазии. Также в статье определены факторы создание новых и нетрадиционных художественных образов в творчестве поэтов указанного периода.

Ключевые слова: искусство, «ташхис» («олицетворение»), литература, стихотворение, X вв, образ, қасида, ташбиб, вино...

Kayumov Nodir Nayimovich,
doctorate Samarkand State University.
email: qayumov.nodir@list.ru

TUPOLOGICAL FEATURES OF PERSONIFICATION IN RUDAKIY'S AND BASHSHOR MARGHAZIY'S POETRY

Personification is the most beautiful and beautiful art of expression in literature and plays an important role in the creation of poetic symbols and images. Through personification, the poet animates events and phenomena in nature, inanimate and abstract objects, animals and plants, and introduces them into the human form.

The article examines the poetic, theoretical features of personification and resuscitation, its development, as well as its application in Persian-Tajik classical literature on the basis of works by poets of the X centuries. The role of personification and animation in the creation of artistic symbols and images is analyzed in the works of Rudaki, Bashshori Margazi. Also, the factors of creating new and unconventional artistic images in the works of poets of this period are identified.

Key words: Art, personification, animation, literature, poetry, X centuries, image, poem, rhyme, wine.

Жонлантириш ва ташхис санъати дунё халқлари, мумтоз ва янги адабиётнинг поэтикасида энг кўп мурожаат этилган бадий санъатлардан биридир. Ташхис ва жонлантириш санъати гўзал ва диққатга сазовор санъат турларидан бўлиб, бадий сўз санъатларининг маънавий туркумига киради. Ташхис ва жонлантириш санъати адабиётнинг энг қадимги тасвирлаш услубларидан ҳисобланиб, илк маротаба халқ оғзаки ижоди намуналарида кўзга ташланади. «Ташхис адабиётда жонлантириш маъносида, жонсиз ва табиат ҳодисаларига жон ато этиб, уларни одам кўринишида намоён этиши, турли хилдаги ҳашарот ва паррандаларни инсон тилида гапиртиришдир. Шоир ташхис санъати билан жонсиз нарсаларга жон бағишлаб, уларни одам кўринишида намоён этади». [4:102].

Ташхис ё жонлантириш санъати тасвирлашда кенг имкониятга эга бўлиб, моддий ва маънавий унсурларни жонлантиришда кўп қўлланилади. Табиатдаги ваҳший ҳайвонлар ва қушларни тасвирлашда бу бадий санъат тури ўзига хос имкониятларга эга. Форс-тожик мумтоз адабиёти тарихида турли ҳайвонлар ва қушларни, жумладан, тулки, шер, сигир, товук, тўти, бўри, фил, от, қоплон, чумоли, қарға, ит, мушук ва бошқа жониворларнинг бадий адабиётда инсонга хос сифатларини ўзида гавдалантириб, одамлардаги характер ва сифатларни олганини кўришимиз мумкин. [6:135].

Мумтоз шеърятда табиатдаги ҳайвонлар ва қушлар кундалик юмушларида одамларга хос ҳаракатларни қабул қилган ҳолда турли амалларни бажариб, ўзларининг муносабатларини баён этадилар [10:11].

Жонлантириш ва ташхис санъати X-XII асрлар форс-тожик мумтоз шоирлари ижодида, асосан, табиат манзараларини тасвирлаш жараёнида, шароб ва майга бағишлаб битилган қасидаларда ва бошқа табиий ҳодисаларни тасвирлашда ишлатилган. Шароб тайёрлаш жараёнининг илдишлари исломдан олдинги даврларга бориб тақалади ва у қадимий анъана сифатида Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалишидан кейин ҳам, давом этиб келган. Форс-тожик адабиёт намояндаларидан Рўдакий биринчи маротаба араб халифалигининг истилосидан кейин, май (шароб) тайёрлаш жараёнини бадий адабиётга жорий этиб, мазкур оддий ишлаб чиқариш жараёнини гўзал сюжетга айлантирган. Рўдакийнинг “Модари май” қасидаси яратилганидан кейин, унинг издошлари Башшори Марғазий, Манучехрий Домғоний ва Салжуқийлар адабий муҳитининг атоқли вакили Адиб Собир Тирмизий май тайёрлаш жараёни анъаналарини давом эттириб, ўз қасида ва мусамматларида ташхис ва жонлантириш санъатидан моҳирлик билан фойдаланганлар [3:17].

Рўдакий Самарқандий ижодиётида “Модари май” (Майнинг онаси) қасидаси муҳим аҳамиятга соҳиб нотакрор манзума ҳисобланади. Рўдакийнинг мазкур қасидаси 64 байтдан

иборат ва Сиистон вилоятининг кўмондони Абўжаъфар Аҳмад бинни Муҳаммадга бағишлаб, унинг Сомонийлар давлатининг исёнкор лашкарбошиси Мокон ибни Қоқий устидан қозонилган ғалабаси шарафига мадҳия сифатида битилган [5:268]. Ҳозир биз “Модари май” қасидасининг ташбиб қисмида ташхис ва жонлантириш санъатининг ўрни ва аҳамиятини назардан ўтказамиз. Рўдакийнинг “Модари май” қасидасида ташхис саънатининг муфассал шакли воситасида май тайёрлаш жараёни ва инсон тақдирининг фожиаси тасвирланган. Шоир ташхис санъати воситасида «Май онаси» - (узум) ва «унинг боласи» (узумнинг доналари)-дан май тайёрлаш жараёнини инсон ҳаётида юз берадиган фожа тарикасида таъсирчан тасвирлайди. “Она ва бола” (онанинг боласидан ажралиши) фожиасини шоир мазмунли, сеҳрли ва моҳирлик билан бадеиятга солади ва асл мавзу узум ширасини тортиб олиш, уни хумга солиб тайёрлаш жараёнини ўқувчи кўздан пинҳон қилиб, она ва боланинг аянчли тақдирига диққатни тортади. Шундай қилиб, асл мавзу кўздан йироқда қолиб, фақат унинг образи намоён бўлади. Инсон ҳаётининг аянчли фожиаси моҳирлик билан тасвирланади, унда ўқувчи тасвир объектини унутиб инсон тақдирининг маҳзун лаҳзаларини ёдга олади ва ғамга чўмади. Масалан :

Модари майро бикард бояд қурбон,
 Баччаи ўро гирифтун кард ба зиндон.
 Баччаи ўро аз-ў гирифтун нодон,
 То-ш накўбӣ нахусту з-ў накаши чон. [7:25]

Юқоридаги байтларда зикна ва жоҳил боғбон узумнинг онасидан болаларини (узум доналарини) тортиб олиб, нобуд қилади, қонга беланган узум болаларини зиндонга (хумга) ташлайди.

Кейинги байтларда шоир узум болаларининг камолга етишган чоғлари, жоҳил боғбон томонидан она ва болани ажратилиши, узум болаларининг қамоқ ва ўлимга маҳкум этиш жараёнини таъсирчан тасвирлайди.

Чуз ки набошад ҳалол бикардан,
 Баччаи кўчак зи шири модари пистон.
 То нахўрад шир ҳафт моҳ ба тамомӣ,
 Аз сари урдибиҳишт то буни обон.
 Он гаҳ шояд зи рӯи дину раҳи дод,
 Бачча ба зиндони тангу модар – қурбон.
 Чун бисупорӣ ба ҳабс баччаи ўро,
 Ҳафт шаборўз хира монаду ҳайрон.
 Боз чу ояд ба хушу ҳол бубинад,
 Чўш барорад, бинолад аз дили сўзон.
 Гоҳ забар-зер гардад аз ғаму гоҳ боз -,
 Зер-забар ҳамчунон з-андўҳи чўшон.
 Зар (р) бар оташ кучо биҳоҳӣ полуд,
 Чўшад, лекин зи ғам начўшад чандон.
 Боз ба кирдори уштуре, ки бувад маст,
 Кафк барорад зи хашму зояд шайтон. [7:25]

Кейинги байтларда узум боласини «ҳибс»-га олиш, ва шаробнинг тайёр бўлиш жараёни тасвирланган. Рудакийнинг мазкур қасидасида деҳқон ёки боғбон атамалари «хасис эркак» таъбири тарзида ишлатилган. Қасидада узум ва унинг жувонмарг фарзанди аянчи тақдирларини ўзлари гапирмасдан, мазмун шоирнинг тилидан нақл қилинади. Рудакий «Модари май» қасидасининг насиб қисмида ташхис ва жонлантириш санъати қаторида ташбиҳ санъатидан устуворлик билан фойдаланиб, жараённи бадий жихатдан юксақоқ ифодалайди. Рудакий “Модари май” қасидасининг 21 байтида узумнинг пишиб етилиши, унинг узиб олинишидан тортиб, май тайёрлаш жараёнини бадий санъатлар, хусусан, ташхис ва жонлантириш санъати асосида тасвирлаб, ажойиб манзараларга бой воқеяликни яратган.

Рўдакийнинг “Модари май” қасидасидан кейин, Сомонийлар даври адабиётининг забардаст вакилларида Башшори Марғазий май тайёрлаш жараёнига эътибор қаратиб, ташхис ва жонлантириш санъати воситасида ноанъанавий бадий тимсоллар яратишга муваффақ бўлган. Башшори Марғазий қасидасининг қисқача мазмуни куйидагича: бир куни шоир боққа бориб узум ишқомларида “қорачадан келган яшил сочли” келинчаклар, яъни узум синчаларини кўриб завқланади. Шоирнинг назарида узум синчалари Занг (қора) шохнинг қизлари каби кўринади ва уларнинг бошлари яшил рўмол билан ўралган. Улар ҳар жой, ҳар жойда муаллақ туриб оналарини эмадилар. Шоир ҳавас ила уларнинг ҳар бирига қўл теккизиб завқланади, аммо узокдан боғбон шоирни “келинчаклар” узум навдалари билан бирга кўриб, ҳамияти кўзғиб, ғазабга минади. Боғбон шамширни қўлига олиб, келинчакларни латиф бўйнидан тутиб томирларини кеса бошлайди. Боғбон жаҳл билан келинларнинг яшил либосларини йиртиб, уларни ерга қараб ётқизади. Кейин уларни оёғи билан қаттиқ тепиб, жонларини суғуриб олишни бошлайди, шунда келинларнинг терилари шилиниб золим боғбон қўлида жон бера бошлайдилар. Кўплаб тепкилардан сўнг жони чиққан “келинлар” жасадларидан қон сизиб чиқиб, узумзор ўртасида қовланган ҳовузни қон билан тўлдирадilar. Боғбон бояги жаҳл ва ғзаби билан қатл этилган келинчакларнинг қонларини қатта тош орасига олиб бориб тўқади, ўша тош устига муҳр қўйиб маҳкамлайди ва беш ой давомида улардан бирон маротаба ҳам хабар олмайди. Шу билан табиатда баҳор айёми келиб, боғбон уйдан май ва гулоб исини туйиб, муҳрлаган тош ва ундаги ичимлик ёдига тушиб, тошдан бориб муҳрни олади.

Он хўшае бин фитода бар ў барғҳои сабз,
 Ҳам диданаш хучастаю ҳам хўрданаш лазид.
 Рўзе шудам ба раз, ба назора ду чашми ман
 Хира шуд аз аҷоиб алвон, ки бингарид.
 Дидам сиёҳрўй арўсон сабзмўй,
 К-аз ғам дилам ба дидани эшон биёрамид.
 Гуфӣ, ки шоҳи Занг яке сабз чодаре
 Бар духтарони хеш ба амдан бигустарид.
 В-эшон муаллақ аз ҳар чоёву ҳар яке
 Овехта зи модар пистон ҳамемазид.
 Ман даст ҳар даме ба яке кардамею шод-
 Будам бад-он чӣ даст –эшон ҳамерасид.
 Оғаҳ набудам, эҷ ки дехқон маро зи дур-
 Бо он бузургвор арўсон ҳамебидид.
 Бо ман зи шарм чанг наёрист кард ҳеч,
 В-аз баҳри ному нанг яке теғ баркашид.
 В-он гардани латифи арўсон ҳаме гирифт,
 Пайвандашон ба теғи бурранда ҳамебурид. [1:116]

Башшори Марғазий май-шароб тайёрлаш жараёнини тасвирлаш аъёнларини юксак бадиият билан давом эттириб, оддий ишлаб чиқариш ҳолатини ажойиб сюжетга айлантирган. Шоир мазкур жараёни Рўдакий ижодига тақлидкорона давом эттирмасдан, балки янгича ёндашув ва новаторлик билан баён этган. Шоирнинг мазкур жараёндаги янгиликлари асосан, сюжет ва услуб жиҳатдан кўзга ташланади.

Май тайёрлаш жараёни қадимий тарихга эга бўлса ҳам, X асргача мазкур жараённинг бадий талқинини шеърятда қузатилмаган. Фақатгина X асрда май тайёрлаш жараёни бевосита Рўдакий ижодиёти асосида адабиётга муҳрланди [8:26]. Адабиётшунос олим А.Бобоевнинг фикри мавзун янада яхшироқ ёритади: “Шуни айтиб ўтиш керакки, май тайёрлаш қадимий ҳунарлардан бўлиб, бу борада махсус ҳунармандлар хизмат қилишган. Бадий усул воситасида адабиётда май тайёрлаш жараёнини тасвирлашни Рўдакий ўзининг “Модари май” қасидаси билан Манучехрийдан олдин бошлаб берган эди. [2:98]

X-XI аср форс-тожик мумтоз шеърятда табиатнинг гўзал манзаралари, турли мевалару дарахтлар, ҳайвонлару қушлар ва табиатдаги воқеа ҳодисаларни тасвирлаш

типологик хусуситларга эга бўлиб, давр шоирлари турли халқ байрамлари ва табиат унсурлари ҳақидаги шеърларини Хуросон услубида бадий санъатлар воситасида маҳорат билан баён этган [9:113]. Табиат манзаралари ҳақидаги шеърларда кўпинча сўз санъатларидан ташхис, тавсиф, муболага, истиора ва ташбеҳдан фойдаланиб келганлар.


Адабиётлар рўйхати:

1. Ашъори ҳамасрони Рӯдакӣ. Душанбе: Тоҷикистон давлат нашриёти 1958
2. Асрор Бобоев . Мавзӯъ ва сабки ашъори Манучехрӣ. –Душанбе: Дониш, 1990.
3. Забехуллоҳи Сафо. Таърихи адабиёти Эрон. Душанбе–Деваштич. 2003
4. Зеҳний Т. Санъати суҳан. – Душанбе: Ирфон, 1967, 102 бет
5. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. Биринчи китоб (1). – Душанбе: Маориф, 1987
6. Мусулмонӣён Р. Назарияи адабиёт. – Душанбе: Маориф, 1990
7. Рӯдакӣ. Осори Рӯдакӣ. – Душанбе: Тоҷикистон давлат нашриёти 1958, 25 бет.
8. Рӯдакӣ. Шеърҳо. Тузувчилар: У.Каримов, С.Саъдиев. – Душанбе: Ирфон, 1973 йил
9. Ҳодизода Р. Дар бораи санъати назми Рӯдакӣ. Рудаки и его эпоха. – Душанбе: Тоҷикистон давлат нашриёти, 1958 йил
10. Ҳусейнзода Ф. Тамсил ва тавсиф. – Душанбе: 1996.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Жаксымова Урзия Жумабаевна,
Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялар
университети Нукус филиали

«ЖАҲОНША» ДОСТОНИДА ИЛМ ЎРГАНИШ ФАЗИЛАТИНИНГ АКС ЭТИШИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада қорақалпоқ халқ достони «Жаҳонша» достонининг ғоявий мазмуни ва тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Бунда достондаги Жаҳонша ботир ва унинг баркамол шахс сифатидаги хусусиятлари, унинг илм, касб-ҳўнар эгаллашга бўлган кизиқишлари ва иштиёқлари ўрганилиб, таҳлил қилинади. Муаллиф «Жаҳонша» достони воқеаларининг мураккаблиги, қаҳрамонларининг ранг-баранглиги, халқимизга хос урф-одат, анъаналарининг турли-туманлиги билан ажралиб туришини таъкидлайди. Ёш авлод достонни ўқиб фақат илм ўрганиш фазилатларини эмас, қорақалпоқ халқининг анъаналари ва урф-одатларини ўрганади.

Калит сўзлар: Достон, қаҳрамон, билимдон, донолик, образлар тизими, илм, бадиийлик, миллий характер, вариант.

Жаксымова Урзия Жумабаевна,
Нукусского филиала
Ташкентского университета информационных
технологий имени Мухаммада ал-Хорезмий

ОТРАЖЕНИЕ КАЧЕСТВА ИЗУЧЕНИЕ НАУКИ В ДАСТАНЕ "ЖАХОНША"

АННОТАЦИЯ

В статье говорится идеи и воспитательные особенности каракалпакского народного дастана «Жаҳонша». В работе анализируются особенности личность герои Жаҳонша, странствований на пути приобретения науки и профессии. Автор подчеркивает то, что дастан «Жаҳонша» отличается сложностью развития событий, многогранностью героев, традициями свойственными нашему народу, разнообразностью обычаев. Молодое поколение читая данный дастан учиться не только качествам науки, но и обычаям и традициям каракалпакского народа.

Ключевые слова: Дастан, герой, учёный, мудрость, система образов, наука, художественность, национальный характер, вариант.

Jaksimova Urzyia Jumabaevna
Tashkent information technology
university named after Muhammad al
Khwarizmi Nukus branch

REFLECTION OF STUDYING SCIENCE FEATURE IN THE EPOS "ZHAHONSHA"

ANNOTATION

The article depicts the ideas and educational features of the Karakalpak folk epos "Zhahonsha". The paper analyzes the features of longevity of the characters of Zhahonsha, wandering along the path of acquiring science and profession. The author emphasizes that epos "Zhahonsha" features multiplicity of events, variety of heroes, traditions, of our people, diversity of customs. By reading this epos the youth learn both features of science and customs and traditions of karakalpak people.

Key words: Epos, hero, scientist, wisdom, system of images, science, artistry, national peculiarities, variant.

Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлолга эришган биринчи кунлардан бошлаб тарихимизга, маънавий кадриятларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, ўзликимизни англаш бош вазифа бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу энг аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканлиги, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»[4] деган сўзи миллий кадриятларимизни тиклашда катта аҳамиятли вазифани қўйди.

Дарҳақиқат, асрлар оша сақланиб келаётган маданий ва маънавий меросимиз халқимизнинг туганмас миллий бойлиги, дурдоналари бўлиб, унинг миллат сифатидаги ўзига хослигини, бошқа халқлар орасида тутган тарихий ўрнини аниқлаш фольклоршунослик фанида долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Қорақалпоқ халқининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ оғзаки намуналари бўлган дostonлари умуммиллий маданий меросининг ажралмас бир бўлагидир. Жумладан, «Жаҳонша» дostonи воқеаларининг мураккаблиги, қаҳрамонларининг ранг-баранглиги, халқимизга хос урф-одат, анъаналарининг турли-туманлиги, тасвир услубининг гўзаллиги ва рангларга бойлиги билан ажралиб туради. Дostonда халқимизнинг босиб ўтган тарихий ўтмиши, ватанни севиши, халқ ҳамжихатлигини сақлаш ва эл тинчлиги каби масалаларнинг акс этиши ҳозирги авлодга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Шу маънода у мустақил Ўзбекистоннинг миллий мафқураси ва миллий ғоясининг шаклланишига, ривожланишига катта ҳисса қўшувчи дoston сифатида кўзга ташланади.

Бу дostonнинг миллий характери, жанр хусусиятлари, ундаги лирик қаторларнинг ранг-баранглиги қорақалпоқ халқ оғзаки ижодида алоҳида ўринни эгаллайди. Биз «Жаҳонша» дostonининг 1956 йили Курбанбой жиров Тажибаевдан ёзиб олинган варианты ҳақида сўз этмоқчимиз. Дoston ҳажми 8000 қатор бўлиб, мазмуни бўйича қаҳрамон образлари асосида касб-ҳўнар, илм-билим ўрганиш каби ғояларни ўзида акс эттирган ва ягона нусха ҳисобланади.

«Жаҳонша» дostonи қорақалпоқ халқининг бошқа дostonларидан ғоявий йўналиши, бадий хусусиятлари, ижровий маҳорати билан фарқланиб туради. Унда халқ оғзаки ижоди намуналарига хос бўлган анъанавий мотивлар бўлиб, дostonнинг шакл ва мазмуни бойитади. Дoston туркий қавмлар бир маконда яшаган даврларда қорақалпоқ халқи орасида бўлиб ўтган воқеаларга асосланади. Воқеа қазаякли уруғидан чиққан иккита тўғишган Сангилбой билан Қорабойнинг фарзандсизлиги билан бошланган. Дунёвий адабиётга хос анъанавий сюжет мотивларидан бири-фарзандсизлик бошқа қорақалпоқ дostonларида ҳам бўлган. «Жаҳонша» дostonида иккита қориндош худодан фарзанд тилаб, йиллар ўтиб улар фарзанд кўришади. Дostonда Сангилбой ўғил фарзандли бўлиб, исмини Жаҳонша, Қорабой

қиз фарзанд кўриб, исмини Ширинжон қўяди. Бошқа қорақалпоқ дostonларида бўлгани каби бу дostonдаги воқеалар ҳам изчиллик билан ривожлантирилади.

«Жаҳонша» дostonидаги асосий ғоялар - касб-хўнар, илм-билим ўрганиш бўлиб, дoston қаҳрамони Жаҳоншанинг илмга бўлган иштиёқидан бошланади. У уч ёшга тўлганда бошқалар билан эркин мулоқат қиладиган, тўрт ёшида Тангри таалога салом берган, беш ёшида дўст-душманнинг фарқига борган, тўққиз ёшида мактаб илмини эгаллаб, он бир ёшида фаҳм-фаросат илмидан сабоқ олиб, ўн икки ёшида от саралаб минадиган довьорак, ботир даражасига етган. Қорақалпоқ дostonларидаги бу каби қаҳрамон образининг яратилиши олим Н.Даўқараев таъкидлаганидек: «Қорақалпоқ халқининг эпосларидаги асосий қаҳрамонлар бошидан то охиригача ботир, кўркмас, ўжар, уруш қоидаларини етук биладиган мард ва жасур бўлиб тасвирланади. Ботирлар қандай ҳолатда бўлса ҳам олдиға кўйган мақсадидан қайтмайди» [2:197] деб кўрсатилади.

Дарҳақиқат, «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир»[4:44]. Ёшларга таълим-тарбия беришда уларнинг илм ўрганишига катта эътибор қаратмоқ даркор. Бунинг мисолини «Жаҳонша» дostonидаги қаҳрамон Жаҳоншадан кўраимиз. У савдо қарвони билан Чин юртига келиб, савдодон йиққан минг тилло тангасига илм ўрганишни бошлайди ва бир йилда илм аҳлига кўшилиб, билимдон бўлиб чиқади. Жаҳонша ботирнинг бу ҳолати дostonда:

“Ҳэр ким кирсе бул жайға,

Мың тиллани береди,

Оқыўға сонда киреди,

Он еки ай, он кунде,

Қыламан оны илимхан,

Қыламан оны билимхан,

Қыламан оны саўатхан,

Егер билимли қылмасам,

Мың тилланы өзине,

Қайтып сонда беремен” [5:14] - деган қаторлар билан берилган.

Донишманд Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг «Адибус-Соний» асарида: «Илм - билмаган нарсаларини билганлардан ўрганмоқдир. Одам боласи туғилган замонда ҳеч нарсани билмас. Ҳаттоки сўзламоқ, ёзмоқ, яхшини ёмондан, оқни қорадан айирмоқ каби энг керакли нарсалардан маҳрумлик ҳолда дунёга келур. Сўнгра оз-оз ўрганмоқ ила ҳар нарсани билур. Илм - одамнинг зехнини очар, аклини орттитар, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда бахтли ва иззатли қилур. Охиратда саодатли ва шарофатли қилур»[1:2] деб ёзиб қолдирган. Бу хислатни Жаҳонша образида кўришимиз мумкин.

Дostonида илм ўрганишга катта эътибор қаратилган бўлиб, бунда Жаҳонша ботир Чин юртига уч марта келиб, ҳар келганида ўн икки ой, ўн кун давомида ҳар хил мусиқа асбобларини чалишни, жанг сирларини, дунёвий билимларни, кураш, чатранж ўйинлари каби бир нечта хўнар эгаси бўлиб етишади. Жаҳонша ботир илм ўрганиш орқали ўзига яхши нарсаларни олади. Демак, дostonдаги қаҳрамон ҳаракатидан англаганимиздек, илм ўрганиш бу инсон учун ҳаётий зарурият, инсон ўз инсонлигини сақлаб қолиш учун илм-хўнар ўрганиши ва ўз касбининг устаси бўлиши даркор. Шунингдек, инсоннинг бахт ва саодатга эришишида илм, касб-хўнар ўрганишнинг ҳиссаси бекиёсдир. Ҳар доим ҳаётда билимли ва илмли кишилар ўз ўрнини топади. Албатта, ёшларимиз илм, билим эгаллаш орқали жамият ривожига ўз улушини қўшади.

«Жаҳонша» дostonида Жаҳоншанинг илмга бўлган қизиқишини, дунёвий илмларга деган иштиёқини, ўз юртидаги илмсизликга жон куйдиришини кўйидаги сатрлардан англаймиз:

Ата, кулақ салғыл айтқан тилиме,

Бир кун қазан урар, өлсем, гулиме,

Сапарым бар Шынымашын қалаға,

Сыя алмадым Ура Төбе елине,

Ғамлық тартып көп жылама, атажан,
 Пейли кетип, елим болыпты надан,
 Жете алмайман бул илимнің түбине,
 Рухсат берсең, оқыў излеп бараман [5:24].

Жаҳонша ботирнинг бу айтган сўзига отаси муносиб жавоб қайтариб, фарзандини кўллаб-қувватлайди:

Кетермен деп жигер-баўрым еттиң қан,
 Адамзатты көрме өзиңе душпан,
 Жасы үлкеннен ала бергил нәсият,
 Жан перзентим сеннен энди ырзаман.
 Дүньяның жүзинде жетпис өнер бар,
 Хәр оқыўдан, балам, болма бийхабар,
 Сен барарсаң Шынмашындай қалаға,
 Та көргенше хош бол, балам, аллаяр [5:24].

Албатта, достонда ўз аксини топганидек, болага илм, касб-хўнар ўргатмоқ - ҳар бир ота-онанинг фарзанд олдидаги фарзи ҳисобланади. Оилада ота-она фарзандининг феъл-атвориға катта эътибор қаратиб, маънавий муҳитни шакллантириши лозим. Чунки ушбу маънавий муҳит таъсирида фарзанднинг онги шаклланиб, дунё қараши кенгаяди. Оиладаги барча омиллар фарзанд тарбиясига ўз таъсирини кўрсатади. Оилада замон билан ҳамнафас бўлган шарқона тарбия асослари шаклланган бўлса, демак, бу ота-она ютуғидир. Чунки Афлотун ҳаким айтади: «Фарзандларингизниг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир»[6:7]. Жаҳонша ботир ҳам барча зарур илм-билимларни ўзлаштириб, касб-хўнарларни эгаллаб комил инсон даражасига эришади.

Жаҳонша ботир илм эгаллаш йўлида кўп қийинчиликларга учрайди ва ҳаммасини матонат, сабр-тоқат, жасурлик ва донишмандлик билан енгиб чиқади. Ўз мақсадига етишишда душманлари устидан ғалаба қозонишда олган илми билан ўрганган хўнари асқотади. Достон охирида:

Бул илимнің оқыўы,
 Бул оқыўдың кўшинен,
 Мийнетиниң астынан,
 Терис пикирди жоқ етип,
 Бас болып энди нешшеге,
 Ол илимди арттырып,
 Ол илимнің артынан,
 Журты болып абадан,
 Мийнет етип Жәҳанша,
 Сўрди дейди көп дәўран [5:82].

Бу қаторлардан Жаҳонша ботирнинг ақли, донолиги, маърифатпарварлиги, зукколиги сабабли ўз халқига бош бўлиб, адолатли бошқарганлигини кўрамыз. Чунки халқни маънавиятли кишилар жипслаштиради ва халқ даражасига етказида. Достонидаги илм ўрганиш ва илмнинг инсонларнинг ҳаёти давомида асқотиши ҳақидаги ғоялар ёш авлод тарбияси учун ибрат мактаби вазифасини бажаради.

Адабиётлар

1. Абдурашидхонов.М. Адибус-Соний. Тошкент, 1998, -Б. 2.
2. Айымбетов Қ. Халық даналығы. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. –Б.492.
3. Алимов А. Қарақалпақ лиро-эпикалық дастанлары. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1983. – Б.168.


4. Дәўқараев Н. Қарақалпақ әдебияты тарийхының очерклери. Т.ІІ. - Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б.197.
5. Каримов.И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент, «Маънавият», 2008 йил, - Б.44
6. Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир. // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.
7. Мақсетов Қ. Қарақалпақ қаҳарманлық дастанларының поэтикасы. –Ташкент: Фан, 1965; -Б.332.
8. Қарақалпақ фольклоры. Т.43-56. - Нөкис: Илим, 2012. – Б.14
9. Сағитов И. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1963. – Б.350.
10. Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. –Б.270.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Сирожиддин Хўжакулов

Самарқанд давлат университети тожик тили
ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА МУСАДДАС ЖАНРИ ВА УНИНГ ЭВРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-11>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада миллий маърифатпарварлик ва жаҳид адабиётида мусаддас жанрининг тадрижий такомиллиги, ушбу жанрнинг эврилиш тамойиллари, ушбу жанрнинг умумий адабий жараён ва адабий жанрлар ситемасида тутган ўрни, ундаги янгича тамойиллар, мавзу ва ғоявий мазмун янгиликлари, жаҳид ва маърифатпарвар шоирлар ижодиётидаги намуналари, Шамсиддин Шохин, Мирзо Сирож ижодиётида мусаддас жанри ва унинг анъанавий ва новаторлик белгилари мухаммас жанри билан қиёсий типологик, таҳлилий – қиёсий, тавсифий ва танқидий аспектида монографик тарзда тадқиқ этилган

Калид сўзлар: жаҳидчилик, лирик жанрлар, туркум, мусамман, мухаммас, мусаддас, мусанно, мусаллас, мураббаъ, таржеъбанд, тазмин, жанр эврилиши.

Сирожиддин Худжакулов

Специалист по таджикскому языку и
литературе Самаркандский государственный
университет, кандидат
филологических наук.

ЖАНР МУСАДДА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА И ПРИНЦИПЫ ЕГО ЭВОЛЮЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается эволюция жанра мусаддаса в отечественной просветительской и джадской литературе, принципы эволюции этого жанра, его место в общем литературном процессе и системе литературных жанров, новизна и традиционные принципы, тематическое и идейное содержание, примеры произведений современных и просвещенных поэтов Шамсиддин Шохина и Мирзо Сироджа, его традиционные и новаторские черты изучаются в основы сравнительно-типологическом, аналитико-сравнительном, описательном и критическом аспектах с жанром мухаммаса.

Ключевые слова: джадизм, лирические жанры, цикл, мусамман, мухаммас, мусаддас, мусанно, мусаллас, мурабба, тарджибанд, тазмин, эволюция жанра.

Sirojiddin Xujaqulov

is dotcent of tajik

language and literature of

Samarkand state University,

candidate of philological sciences.

THE GENRE OF MUSADDAS IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY AND THE BEGINNING OF THE XX CENTURY AND THE PRINCIPLES OF ITS EVOLUTION

ABSTRACT

The article examines the evolution of the musaddas genre in the domestic educational and modern literature, the principles of the evolution of this genre, its place in the general literary process and the system of literary genres, new and traditional principles, thematic and ideological content, examples of works of modern and enlightened poets Shamsiddin Shokhin and Mirzo Siroja, its traditional and innovative features are studied in the main comparative-typological, analytical-comparative, descriptive and critical aspects with the genre of muhammas.

Keywords: jadidism, lyrical genres, cycle, musamman, muhammas, musaddas, musanno, musallas, murabba, tarjiband, tazmin, evolution genre.

Миллий адабиётшунослик илми тарихида маърифатпарвар ва жадид адабиётининг лирик жанрлар системаси ва унинг эврилиш тамойиллари, айнан мусаддас жанрининг хусусиятлари борасида алоҳида тадқиқот иши мавжуд эмас. Мусаддас мусаммат шеърий туркумланининг бир тури ҳисобланади. Мазкур жанр хусусиятлари айнан мусамматнинг алоҳида тури сифатида Ш.Раҳмоновнинг “Мусаммат. Унинг эврилиши ва шаклланиши” [5, 58] номли монографиясида атрофлича ўрганилган. Аммо айнан маърифатпарварлик ва жадид адабиётида ушуб жанрининг хусусиятлари, эврилиш тамойиллари алоҳида тадқиқ этилмаган. Бироқ мазкур масалани ўрганиш, адабий жанрлар эврилиш тамойилларини, давр адабиётининг поэтик манзараларини ёритиш, уларни шакл ва мазмун нуқтаи назаридан таҳлил этиш ҳар бир тарихий давр адабий жараёнининг умумий манзаралари ва хусусиятларини чуқурроқ англаш учун энг муҳим омил сифатида белгиланади. Маърифатпарварлик ва жадид адабиёти поэзияси адабий жанрлар системасида мазкур жанрдан етарлича фойдаланилганлигини кузатиш мумкин. Ушбу жанрининг улуши, унинг миқдор ва ҳажми адабиёт тарихининг бошқа босқичларидан жиддий тарзда фарқланмайди. Бу давр адабиётида ғазал, маснавий ва қасида жанрлари билан биргаликда мусамматнинг турли навлари; мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, ҳамда таржеъотлар - таржеъбанд, таркиббанд ва тарих, қитъа, рубой, мустазод жанрларининг ишлатилиши кузатилади.

Дарҳақиқат мумтоз адабиёт тарихида мусаммат турукумидаги энг кўп қўлланилган, маълум ва махсус турларидан бири-мусаддас жанри бўлиб, бу жанр форс-тожик адабиёти ривожланиш тарихининг барча босқичларида, жумладан XIX аср иккинчи ярми ва XX аср ибтидоси адабиётида ўзига хос мавқеъга эга. Мумтоз адабиёт аъёнлари асосида мусаддас жанрининг умумназарий ва тарихий хусусиятлари қуйидагилардан иборат. **Мусаддас** олти мисрали бандлардан иборат бўлган алоҳида жанр. Унда биринчи банддаги мисралар ўзаро қофиядош келади. Кейинги бандларда эса аввалги беш мисра ўзаро қофияланади. Олтинчи мисра биринчи банд билан қофиядош бўлади. Бундай ҳолларда мусаддаснинг композицион схемаси ҳзига хос, мисраъларнинг қофияланиш формуласи қуйидагича: “аааааа, ббббба, ввввва” ва ҳоказо. Мусаддас жанри ўзининг жанрий хоссалари ва композитсион тузилишининг мутаносиблиги билан ҳам XIX аср охири ва XX аср бошлари адабиётининг сермахсул жанрларидан бири ҳисобланади. Давр шоирлари мазкур жанрининг турли хилдаги қофия комбинатсиясидан фойдаланган. Маълумки, мазкур жанр кенг қўламли фикр ва мулоҳизалар, катта муаммо ва масалалрни ҳалли ва ҳаётий воқеаларни ифодалашда ўзига хос имкониятларга эга. Садриддин Айнийнинг “Тожик адабиёти намунаси” тазкирасининг иккинчи ва учинчи қисмларида муаллиф билан замондош бўлган шоирлар шеъриятидан 6 мухаммас ва 3 мусаддас келтирилган. Бироқ мазкур давр буюк шоирлари ижодиёти тадқиқи

шундан далолат берадики, бу давр ижодкорлари қаламига мансуб бўлган мухаммас ва мусаддаслар миқдори бу кўрсаткичдан анча фарқ қилади. Шамсиддин Шоҳин куллиётида 4 мусаддас, Ҳайратнинг танланган асарларида 1 мусаддас, Нақибхон Туғрал танланган асарларида 5 мусаддас (иккита мустақил мусаддас, битта тазмин мусаддас ва иккита таржеъбанд мусаддас) ва С.Айний куллиётида 5 мусаддас борлиги маълум. Бироқ мазкур давр барча шоирларининг ижод намуналари бизнинг замонгача тўлиқ тарзда етиб келмаган. Шамсиддин Шоҳин куллиётининг тўрт мусаддасидан фақатгина биттаси бизнинг эътиборимиз марказидан жой олди. Зеро бу мусаддас ўзининг янги мазмуни, баён услуби, янги тимсолари ва ноёб тасвирлари билан муаллифнинг бошқа замондош шоирлари ижод намуналаридан жиддий фарқ қилади. Мазкур мусаддаснинг биринчи банди бу фикримиз исботидир:

3-ин сон ки хоҳиши даҳр чуз шўру шар набошад,
 Бадтар дар ин замона айб аз ҳунар набошад,
 Суди матои дониш ғайр аз зарар набошад,
 Чое равам, ки гардун боли сар набошад,
 Аммо чӣ метавон кард, чои дигар набошад?! [10, 278]

Мазмуни: Даҳрнинг хоҳиш иродаси шўру шардан иборат бўлганлиги, замонда энг оғир гуноҳнинг “ҳунар” эканлиги, илмнинг кони фойдаси зарардан ўзга нарса эмаслиги боис, шундай жойга боришим лозимким, у жойда бошим узра осмон бўлмасин, аммо на қилай мен, бошқа бирон паноҳ топгувчи жой йўқ.

Бу мусаддас умумий тарзда 7 банд ва мутаносиб равишда 42 мисрадан таркиб топган. Бу шеър таржеъбанд мусаддаси қолипида яратилган бўлиб, ҳар бир банднинг охирги байти тўрт мисрадан кейин айнан такрор бўлиб келган. Мазкур мусаддас “музореъи мусаммани ахраб” (ахраб мусамманининг музореъ) вазнида (мафъўлу, фоилотун, мафъўлу, фоилотун; - - V / - V - - / - - V / - V - -) ёзилган. Айни мана шу мусаддас мазмуни асосида аслида анъанавий равижда шеърлар ижод қилган Шамсиддин Шоҳин дунёқараши ва мафқурасининг тадрижий равишда ижтимоийлашуви, теран ва янгича фикрларнинг ривожланиши, шоир танқидий фикрларининг адреслиги ва унинг мисолида давр ижтимоий тафаккурини тадрижий такомиллашини мушоҳада этиш мумкин. Зеро ҳар бир банд мисраларининг умумий мазмуни мантиқан мусаддаснинг фикра байти моҳиятига тобеъ бўлиб, шоир айнан мазкур байт атрофида, мисраълар ва байтлар теграсида ўзининг янги танқидий ва ижтимоий қарашларини баён этишга муяссар бўлган. Шоир ҳар бир байт ва мисраларда “шўру шар будани хоҳиши даҳр” (даҳрнинг хоҳиш иродаси шўру шардан иборат бўлганлиги), “дар замона айб будани ҳунар” (замонда энг оғир гуноҳнинг ҳунар эканлиги), “кони зарар будани суду матои дониш” (илмнинг кони фойдаси зарардан ўзга нарса эмаслиги), “сармойи малолат будани эътибор” (эътиборнинг маломат сармойи эканлиги), “хобу хаёл будани уммеди роҳат” (роҳат ва фароғатдан умид қилиш хом хаёл эканлиги), “дар машом рехтани ғубори андўх” (андўх ғуборининг димоққа тўкилиши), “омодаи завол будани ҳар як давлати оянда” (курилажак ва бунёд этилажак давлатнинг заволга юз тутиши), “тиратар аз шом будани субҳи умед” (умед тонгининг зулматдан торлиги) каби истиоравий ва мажозий таркиблардан фойдаланиб, замон ҳолатини, ижтимоий вазъиятни ва тарихий шароитини воқеий фактлар асосида тасвирланган ва бу ҳолат мазкур мусаддаснинг ўта юксак бадият замирида танқидий характер касб этишига асосий омил бўлган. Бу мусаддас ўз даврида янги ва тоза танқидий ғояларни қамраб олиш билан бирга, юксак бадият ва шоир ижодкорлик маҳоратининг ноёб намунаси бўлиб, мазкур давр шоирлари шеърятидан Шоҳин бадий маҳоратининг поэтик имкониятларининг устунлигига ишорадир. Таъкид жоизки, маърифатпарвар адиблари шеърят ғоясининг мазмун ва мундарижа жиҳатдан ўзгариш даврини айни мана шундай шеърый намуналарда мушоҳада этиш ва кузатиш мумкин.

Аҳзмад Дониш, Шамсиддин Шоҳин, Қорий Раҳматуллоҳ Возеҳ ва Мирзо Сирож маърифатпарвар қарашларини этироф етган Абдурауф Фитрат, Эрон ва афғон жадидчилари, жумладан, Зайнулобиддини Мароғайӣ, Абдурахим Толибов, Маҳмуди Тарзий ва бошқалар мумтоз адабиёти лирик шеърятининг консерватив хусусиятлари ҳамда ғоя ва мавзуларнинг

махдудлигини жиддий танқид остига олади. Демак мусаддас ва бошқа шеърӣй шакллар нафақат давр идеологиясининг ифода воситаси, балки ижтимоӣй, сиёсий, фалсафӣй, назарӣй, адабий-эстетик қарашларини ифодаловчи муҳим аслаҳа сифатида ҳам муайян қийматга эга. XX аср бошлари таниқли маърифатпарвар шоир ва ёзувчи, ўткир қаламли публицист Мирзо Сирож Ҳаким Бухорӣй классик адабиёт анаъналаридан фойдаланишда, хусусан, ғазал, рубоӣй, китъа, қасида, мухаммас, маснавий ва шунга ўхшаш бошқа адабий жанрлар шакли ва мавзусида ўзига хос янгилик ва тоза услуб кашф этиш ва киритишга муяссар бўлган. Бунинг яққол мисоли шоирнинг Ҳофиз Шерозӣй, Абдулқодир Бедил ва Шамсиддин Шохинларнинг бир-бирига ўхшаш ғазалларига тақлидан мусаддас шаклида ижод қилган “Ёд бод...” шеърӣ бўлиб, унда янги ижтимоӣй мазмунлар, шаклий ўзгаришлар ва тоза ва ноанаънавӣй услубни кузатамиз:

Ёд бод, эй дил, ки мо ҳам обрўе доштем,
 Дар гулистони тамаддун рангу бўе доштем,
 Солу моҳи саъд, айёми накўе доштем,
 Дар тараққӣ чидду чаҳду чустучўе доштем.
 Доимо будем мо дар тавсани давлат савор,
 Эмин аз қайди замини аз чафои рўзгор.

Чаҳлу нодонӣ кунун аз он ҳама авчи камол,
 Дар замин андохт морову намуда поймол,
 Рафт аз каф илму фазлу донишу иқболу мол,
 Мондаем акнун парешону забуну гунгу лол.
 Орзуҳо чумлагӣ гашта ба маъюсӣ бадал,
 Дода селоби чаҳолат бар бинои мо халал. [4, 3]

(Мазмуни: Эсада тут, бир замон обрўю эътиборимиз бор эди, бул тамаддун гулистонида рангу бўйимиз бор эди, ою йиллар, яхши бир давру давронимиз бор эди, тараққӣеда ўзига хос жиду жаҳдимиз бор эди. Биз доим тожқу давлат ва тахтга эга эдик, ҳар хил бало ва қазолардан эмин эдик... Ул камолотдан бугун бир нишона “жаҳл” ила “нодонлик” қолди ва бу иллат бизни ер билан яқсон айлаб, поймол қилди, қўлимиздан илму фазлу иқболу мол кетди, бугун паришону ҳайрону тилсиз ва лол қолдик. Орзуларимизниг бари ғаму кулфатга бадал бўлди, бу жаҳолат селобаси қурган биноларимизга халал берди.)

Айнан ушуб типдаги мусаддас намунасини даврнинг бошқа шоирлари ижодиётида учратмадик. Шеър асосий ғояси ўзликни, тарихий ва миллий ўтмишни англашга даъват этишдан иборат. Зеро шоир шеър мазмунида ўз халқи ва авлодининг буюк ўтмиши ва таърихи тўғрисида гап очиб, мусаддаснинг иккинчи бандида буюк ва тамаддун посбонлари бўлмиш миллату қавмининг бугунги хаста ва парешон ҳоли сабабларини жоҳиллик, ғофиллик ҳамда илму адабдан бебаҳра ва беҳабар еканлигида билади. Мазкур шеър бир қарашда анаънавӣй мусаддас шаклида келтирилган бўлиб, унинг ҳар бир банди 6 мисрадан ташкил топган. Бироқ икки бандининг охириги байтлари қофия тарзи таркиббанд қофияланишига ўхшаш. Аммо шеърнинг охиригача таркиббанд қофия тарзи ҳам риоя етилмаган. Бу қофияланиш тарзи таржеъбанд жанрига ҳам хос емас. Зеро худди мазкур икки бандда мушоҳада қилганимиздек ҳар бир банднинг фикра байтлари ўзгариб туради. Бир қарашда шеър шаклидаги бундай жузий ўзгаришлар оддий ҳолатдек кўринади. Демак мазкур давр адабий жараёнида айнан шу туркумдаги ва мустаҳзодга ўхшаган адабий жанрлар асосида янги шакллар ва янги шеърӣ қолиплар юзага келганлигини англаш қийин эмас. Шунга ўхшаб «шеърӣ нав» (янги шеър) адабий жанрларнинг тоза ва янги тури сифатида биринчи бўлиб кичик лирик жанрларнинг синтезлашуви асосида вужудга келганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз [6, 71]. Сирожийнинг ҳам бу саъю ҳаракатлари янги ва ноанаънавӣй адабий шаклларни вужудга келтириш билан изоҳланади. Зеро бизнинг назаримизда мазкур шеърда мусаддас, маснавий, таркиббанд ва таржеъбанд жанрлари унсур ва шаклларининг синтезлашуви ва адабий жанрларнинг ўзаро интеграцияси ва ё адабий жанрларнинг трансформацияси ҳодисаси вужудга келган. Мирзо Сирож мазкур шеърини уша давр умумий

адабий жараёнида расмиятга айланган таркиббанд жанрига нисбат бериш ҳақиқатга яқиндир. Зеро шеърнинг тарихий ва умумназарий асослари тақозоси, мисраъ ва байтларнинг такрор келиши, мазкур шеърнинг ички тузилиши ва композитсияси, ҳар бир банд охиридаги фикра байтларнинг қофия жиҳатдан мутаносиблиги нуқтаи назаридан таркиббанд жанри талаблари ва қоидаларига мувофиқ келади. Мазкур шеър услуб ва баён, мазмун ва мундарижа жиҳатдан XX аср ибтидосида бошқа янги давр маърифатпарвар шоирлари шеърятти билан мутаносиб тарзда яратилган. Бу шеърни бошқа банди ҳам мавжуд бўлиб, муаммони янада жиддийроқ назардан ўтказиш учун ушбу бандни ҳам келтирамиз:

Боиси ин дарди бедармон намедонам, кӣ шуд?

Соия ин чумлагӣ нуқсон намедонам, кӣ шуд?

Ҳодии ин роҳи бепоён , намедонам, кӣ шуд?

Мучтабои ин ҳама нодон, намедонам, кӣ шуд?

Эй худо! Моро ту аз хоби гарон бедор кун,

Масту беҳушем, аз фазлу карам ҳушёр кун.

Аз камолоту улуми аср бархурдор кун,

Ақлу донишро музайян, бахтро ҳам ёр кун,

В-аз карам боби тариқатро ба рӯи мо кушой,

Бар сироти мустақим (шав) илми моро раҳнамоӣ. [4, 22]

Мазмуни (Бу бедармон дарднинг боиси ким, билмадим, бу нуқсонлар бари сояси нима, билмадим, бу бепоён йўлнинг ҳодийси ким, билмадим, бу нодонларни танлаган ким, билмадим. эй худоё бизни бу оғир ғафлат уйқусидан турғиз, мастмиз, беҳушмиз, фазлу карам ила ҳушёр кил, янги аср улуми ва камолотидан огоҳ кил, ақлу билимларимизга сайқал бер, бахтга ёр этгил, карамдан тариқат йўлини бизга кўрсат, Сироталмустақмда бўл, бизларнинг илмимизга раҳнамоӣ бўл!)

Агар чуқурроқ назар солинса, бу бандни Ҳақ субҳоноҳу таоллоҳга муножот эканлигини пайқаш қийин емас. Аммо бу жиҳат ҳам мавжудки, давр шоирлари шеърят бобида ҳамиша қўлланиб келинган, аслида давр ҳукмронларига қаратилган анаъанавий ҳамд, наът ва муножотларни моҳият ва сифат жиҳатдан ўзгартириб, уларнинг мотивларини ҳаётнинг аслий ҳолати ва воқеий нуқсон иллатларини фош этишга, қалб армонларини ифодалашга қаратганлар. Мирзо Сирож ижодиёти таҳлил ва тадқиқи шундай натижа берадики, унинг адабий мероси XX аср ибтидоси адабий жараёнида ўзига хос мавқега эга. Зеро ижтимоий жиҳатдан ривожланган ғоя ва қарашлар, танқидий руҳ, илм ва маърифат ташвиқоти, ҳаётий воқеалар тасвири, миллий ва маданий урф одадларни қадрлаш каби масалалар шоир шеърятининг энг муҳим аспект (хосса) ларини ташкил этади. Шоир ўз шеъряттида адабий анаъаналарини қўллаш билан бирга янги мавзулар, жадидона образлар ва замонавий услуб унсурларидан унумли фойдаланишга катта эътибор беради. Бу масала Х.Мирзозода, С.Ҳожиев ва Ҳ.Боқиев каби олимлар тадқиқотларида муайян даражада ўз ҳаллини топган. Биз илова тарзида таъкидлашимиз мумкинки, Мирзо Сирож ва унинг замондошлари томонидан замон шеъряттида шакл ва мазмун жиҳатдан қилинган янги ўзгаришлар XIX аср охири ва XX аср ибтидоси адабий жараён эврилишида жиддий ўзгаришларни вужудга келтирган бўлиб, буни янги давр адабиётига ўтиш марҳиласи сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Аммо шеърнинг бошқа муҳим ва фавқулудда афзаллик жиҳати шундаки, унинг иккинчи банди худди анаъанавий шеърятда мавжуд бўлгани каби Худо ва ё Парвардигорга муножот тарзида келтирилиб, бало ва қазо гирдобидан нажод топиш ҳамда ғафлат ва жоҳилият уйқусидан уйғониш масалаларига бағишланган.

Шу тариқа, мусаммат шеърый туркумларидан саналмиш мусаддас жанри ҳам XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари адабиёттида ўзига хос ўрин ва мавқеъга эга бўлиб, ушбу жанр адабий жараённинг ўзига хос тамойиллари асосида муайян йўналишларда баъзан анаъанавий қолиплар ва услублар замирида, баъзан эса янгича ғоялар ва мазмунлар касб этган ҳолда жиддий ўзгаришларга юз тутди, муайян эврилишларга эришди, жадид миллий

шеъриятнинг вужудга келиши учун замин яратди ва замонавий даврий матбуотда маърифатправрлик ғоялари талқини ва уларнинг ёйилишини таъминлади.

Фойдаланган адабиёт:


1. Афоқова Н. Жадид лирикасида мусаммат. –Тошкент: Фан, 2005. - 24 б.
2. Мусулмониён Р. Назарияи адабиёт. – Душанбе: Маориф, 1990. – 334 с.
3. Жим («Бухорои шариф», №42, 19 апрели, 1912)
4. Мирзо Сирочи Ҳаким. Ёд бод! //Ойна. – Самарқанд: 1913, № 2. – С. 3.; Рўзномаи «Омўзгор», 14 августи соли 1990.
5. Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърияти жанрлари. – Тошкент: ЎзФА. Фан, 2006. – 352 б.
6. Раҳмонов Ш. Мусаммат. Ташаккул ва таҳаввули он. – Душанбе: Дониш, 1987. - 170 с.
7. Раҳмонов Ш. Сухане чанд аз лирикаи форсии тоҷикӣ. – Душанбе: Шарқи озод, 1999. – 133 с.
8. Табаров С. Чаҳони андешаҳои Абдуррауфи Фитрат. Ҷилди I – Душанбе: Дониш, 2008. – 714 с.
9. Фитрат Абдуррауф. Тавофи ватан” (Бо пешгуфтор ва таҳияи луғатнома ва тавзеҳоти Муҳаммадсӯф Имомов ва Масрур Абдуллоев). - Душанбе: Шарқи Озод, 2013. - 46 с.
10. Шукуров М. Нигоҳе ба адабиёти тоҷикии садаи XX. –Душанбе: Пайванд, 2006. 455 сах.
11. Шохин. Куллиёт. – Душанбе: Адиб, 2006. -640 с.
12. Ҳайрат. Мунтахаб ашъор. –Душанбе: Нардавтож, 1964, 190-бет 234 бет.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Лингводидактика

**Surmanov Sardor
Ametova Oyshajon,**
EFL lecturers,
Tashkent state university of law
Email: o.ametova@tsul.uz

IMPROVING LEARNERS READING SKILL WITH THE USE OF GRADED READERS

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-12>

ANNOTATION

The article is devoted to the main points in teaching reading in a foreign language, considering some ways of developing reading skills. Reading is a process of thinking: the reader approaches the interpretation of texts with his baggage of knowledge and experience, which explains the unequal interpretation of the meaning of the same text by different readers. In the course of teaching to read, students try to exchange their thoughts about what they have read, learn to ask questions. The teacher, in turn, acts as a kind of mediator between students and the text. At the same time, you need to read more for your own pleasure, with the opportunity to discuss what you read with people who are able to competently recreate the language models necessary in learning a foreign language. Apply interactive lessons that target specific reading skills with the ability for students to express their thoughts.

Key words: Teaching to read in a foreign language, mastering reading and writing skills, language models, vocabulary, reading speed.

**Сурманов Сардор
Аметова Ойшаджон,**
преподаватели английского языка,
Ташкентский государственный юридический университет
Email: o.ametova@tsul.uz

УЛУЧШЕНИЕ НАВЫКОВ ЧТЕНИЯ УЧАЩИХСЯ С ПОМОЩЬЮ ОЦЕНИВАЕМЫХ ЧИТАТЕЛЕЙ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена основным моментам обучения чтению на иностранном языке, рассмотрены некоторые способы развития навыков чтения. Чтение - это процесс мышления: читатель подходит к толкованию текстов со своим багажом знаний и опыта, что объясняет неодинаковое толкование значения одного и того же текста разными читателями. В процессе обучения чтению ученики стараются обмениваться мыслями о прочитанном, учатся задавать вопросы. Учитель, в свою очередь, выступает своеобразным посредником между

учениками и текстом. В то же время вам нужно больше читать для собственного удовольствия, с возможностью обсуждать прочитанное с людьми, которые способны грамотно воссоздать языковые модели, необходимые для изучения иностранного языка. Применяйте интерактивные уроки, которые нацелены на определенные навыки чтения с возможностью учащихся выражать свои мысли.

Ключевые слова: обучение чтению на иностранном языке, овладение навыками чтения и письма, языковые модели, словарный запас, скорость чтения.

Surmanov Sardor
Ametova Oishadjon,
ingliz tili o'qituvchilari,
Toshkent davlat yuridik universiteti
Email: o.ametova@tsul.uz

BAHOLANGAN O'QUVCHILAR YORDAMIDA O'QUVCHILARNING O'QISH MAHORATINI OSHIRISH

ANNOTATSIYA

Maqola chet tilida o'qishni o'rgatishning asosiy nuqtalariga bag'ishlangan, o'qish ko'nikmalarini rivojlantirishning ba'zi usullari ko'rib chiqilgan. O'qish tafakkur jarayonidir: o'quvchi matnlarni izohlashga o'zining bilim va tajribasi yuklari bilan yondashadi, bu esa bir xil matnning ma'nosini turli o'quvchilar tomonidan tengsiz talqin qilinishini tushuntiradi. O'qishni o'rganish jarayonida talabalar o'qiganlari haqida fikr almashishga, savol berishni o'rganishga harakat qilishadi. O'qituvchi, o'z navbatida, o'quvchilar va matn o'rtasida o'ziga xos vositachi vazifasini bajaradi. Shu bilan birga, chet tilini o'rganishda zarur bo'lgan til modellarini malakali ravishda qayta yaratishga qodir bo'lgan odamlar bilan o'qiganlaringizni muhokama qilish imkoniyati bilan siz o'zingizning zavqingiz uchun ko'proq o'qishingiz kerak. O'quvchilarning fikrlarini ifoda etish qobiliyati bilan aniq o'qish ko'nikmalariga yo'naltirilgan interaktiv darslarni qo'llang.

Kalit so'zlar: chet tilida o'qishni o'rgatish, o'qish va yozish qobiliyatlarini o'zlashtirish, til modellari, so'z boyligi, o'qish tezligi.

Effective reading is the foundation for the successful acquisition of foreign language skills. First of all, reading is the foundation in all aspects of language learning: using textbooks for language courses, writing, developing vocabulary, acquiring grammatical skills and controlling them. Including reading of instructions is included in every language teaching program. It should be taken into account that while learning a second language, both a child and an adult who have acquired some general reading skills in their native language (using graphic code to recreate elements of the language) do not experience problems when the graphic code of the target language is based on principles that correspond to the native language.

Reading is a conscious or unconscious process of thinking. The reader uses many strategies to reconstruct the meaning that was laid by the author; in this case, the reader resorts to comparing information from the text with his own personal experience and knowledge.

Иностранных языков по естественным направлениям

Бухарский Государственный Университет

dagotys@mail.ru

ПРИМЕНЕНИЕ И ЗНАЧЕНИЕ ИРОНИИ

АННОТАЦИЯ

В статье определены функции иронии в тексте, лексико-прагматические аспекты изменения контекстно-иронического значения слова. Изучена, что ирония является важной концептуальной категорией художественного текста, позволяющей автору выразить эмоционально-оценочное отношение к представляемой реальности.

Большинство определений иронии сходны с идеей о том, что ирония предполагает противоречие между внешним видом и реальностью. Другими словами, разница между тем, что должно быть правдой, и тем, что реально. Ирония - один из многих литературных приемов, которые этот писатель может использовать в своем творчестве по разным причинам, будь то юмористические или курьёзные ситуации. Литературный инструмент

также полезен для внимания и понимания, но следует признать, что нет четкого определения иронии.

Ключевые слова: смысл, прагматика, бесчеловечность, интимизация (речевой метод), коммуникативный, самоуправление, лингвопрагматическая основа.

Mavlonova Ugiloy Khamdamovna

Senior Lecturer of the Department
of Foreign Languages in Natural Sciences
Bukhara State University
dagotys@mail.ru

THE USE AND SIGNIFICANCE OF IRONY

ANNOTATION

The article defines the functions of irony in the text, the lexico-pragmatic aspects of changing the context-ironic meaning of the word. It has been studied that irony is an important conceptual category of a literary text, which allows the author to express an emotional and evaluative attitude to the presented reality.

Most definitions of irony are similar to the idea that irony involves a contradiction between appearance and reality. In other words, the difference between what should be true and what is real. Irony is one of the many literary techniques that the writer can use in his work for various reasons, be it humorous or curious situations. A literary tool is also useful for attention and understanding, but it must be admitted that there is no clear definition of irony.

Key words: meaning, pragmatics, inhumanity, intimization (speech method), communicative, self-government, linguapragmatic basis.

КИРИШ

Киноя ходисаси ўзига хос маъноси ва уни амалга ошириш воситаси сифатида инглиз, рус ва ўзбек тилларида тилшуносликнинг турли соҳаларида бир неча бор тадқиқот объектига айланиб улгурди. Киноянинг энг муҳим таърифи бу маъно шаклларида бирида тақдим этилишидир, бунда одатда, шакли ва мазмуни ўртасидаги асимметриянинг акси сифатида ёки мазмун режасини ифода режаси билан тўлиқ қамраб олмаган ҳолда кўриб чиқилади. Киноя бу нутқнинг шундай шаклики, унда сўзларнинг мўлжалланган маъноси уларнинг ҳақиқий маъносидан фарқ қилади. Бу, умуман олганда, қутилганидан анча бошқача тарзда тугайдиган ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Оддий қилиб айтганда, бу ташқи кўриниш ва ҳақиқат ўртасидаги фарқ (<https://literarydevices.net>>irony).

Кишилар кўпинча суҳбатдан кўнгил ёзиш ёки умуман бировга масҳараомуз қилиб гап едириш учун киноядан фойдаланадилар. Киноя ишлатилган сўзларнинг аниқ маъноли мақсадидан ташқари ифодаланган келишмовчилик ёхуд зиддиятни англатадиган риторик восита ёки адабий усул, ёки вазиятдир.

Киши ўзи айтмоқчи бўлган нарсага умуман қарама-қарши нарсани мулойимлик билан аниқ айтганда оғзаки киноя содир бўлиши мумкин. Бундан ташқари, томошабинлар нима юз бераётганини аниқ билган ҳолда, қаҳрамонлардан бири атрофда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлмаса, бу драматик киноя бўлиши мумкин; ушбу концепция кўпинча драмалар билан боғлиқ. Ҳақиқий натижа аслида қутилганга қарама-қарши бўлиб чиқса, вазиятли киноя содир бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қандай грамматик жиҳат бўлишидан қатъи назар, киноя, истехзо мунтазам мулоқотнинг ажралмас қисмига айланди. Келинг, ушбу концепцияни яхшироқ тушунишингизга ёрдам берадиган бир нечта кинояга оид мисолларни кўриб чиқайлик: Доктор давоси йўқ касалликка чалинди (Аслида бу касб эгасининг ўзи касалларни даволайди).

Ўт ўчирувчилар биноси ёниб кетди (Ўт ўчирувчиларнинг вазифаси биноларни ёнгиндан сақлаш бўлса-да, ўзининг биноси ёниб кетган).

Қассобхона эгаси вегетариан (Бу касб эгаси ўзи гўшт сотади, лекин ўзи умуман гўшт истеъмол қилмайди).

Этиқдўзнинг оёғидаги пойафзали йиртилган эди (Аслида унинг ўзи оёқ кийимларини ямайди).

Луғатдаги “қиска” сўзининг изохи жуда ҳам узун еди.

“Вафодорингман” кўшиғини куйлаган кўшиқчи аёл аслида уч марта турмушга чиққан (Кўшиқчининг куйлаган кўшиғи билан қилган амали тўғри келмайди).

Парашютда юқоридан сакраган учувчи кўркувдан юрагини ҳовучлаб, кўм-кўк майсалар устига тушди (Аслида баланд фазода фаолият бажарадиган кишининг сакрашдан кўрқиши мантиққа тўғри келмайди).

Мия тадқиқотлари шуни кўрсатадики, одамларнинг атиги йигирма фоизда киноя туйғуси бор, демак, дунёнинг саксон фоизи ҳамма нарсани асл қиймати билан қабул қилади. – Doug Coupland (Tulika Nair. Irony Examples in Literature that is Just Perfect for a Lazy Day).

Киноя кўп йиллар давомида нутқда, санъатда ва кундалик ҳаётда ишлатилган адабий усул ва риторик воситадир. Гарчи киноя узоқ вақтдан бери ишлатилган бўлса-да, шу ўтган йиллар давомида унга оид аниқ таърифлар мавжуд эмас эди, аммо умумий келишув куйидагича: Киноя– бу кутилган ва аслида содир бўладиган нарсалар ўртасидаги зиддият ёки номувофиқлик бўлган нутқ шакли.

МЕТОД ВА ТАҲЛИЛ

Чунончи, ушбу атаманинг ўзига хос маъноси ҳақида кўпинча келишмовчиликлар мавжуд бўлса-да, киноя таърифларининг аксарияти шу йўналишлардаги бирор нарса бўлиб ҳисобланади. Оддий киноя таърифини баён қилиш бироз чўчитиб қўйиши мумкин. Бу жуда ҳам катта тушунча, аммо кинояни учта катта асосий тоифага ажратиш мумкин. Биз мазкур учта асосий киноя турларини ҳар бирини аниқлаймиз ва пьесалар, қисса, эссе ва шеърлардан унинг турларига мисоллар келтираемиз.

Демак, киноянинг учта тури мавжуд: оғзаки, вазиятли ва драматик. Оғзаки киноя бу сўзларни инсоннинг аслида айтадиган сўзларидан фарқли маънода ишлатишдир. Оғзаки киноя, гапирувчининг нияти у айтаётган нарсага тескари бўлганда содир бўлади. Масалан, кўчада чанг-тўзонни кўриб, “Қандай ажойиб об-ҳаво!” деганда кузатилади (чанг-тўзонли об-ҳаво ҳеч қачон ҳеч кимга ёқмаган ёхуд ажойиб бўлмаган. Бунда сўзловчи ўзи айтганига тескари об-ҳавони назарда тутди).

Оғзаки истехзонинг уни бошқа турдаги киноялардан ажратиб турадиган асосий хусусияти шундаки, у сўзловчи томонидан атайлаб ишлатилади. Бу суҳбат давомида юзага келади, бу ерда киши ўз сўзлари асл маъносидан тўғридан-тўғри фарқ қиладиган маънони тушунтиришга интилади. Оғзаки истехзога куйидаги мисолни келтириш мумкин:

“Катта раҳмат сизларга! Ҳеч қайси жадвал тўлиқ тўлдирилмаган, қандай қилиб мен ҳозир буни бошлиққа топшираман?” (ҳеч бир ишни қойил қилмаганларга раҳматнинг айтилиши).

Юқоридаги мисолда кишининг кўркуви ёки умидсизлигини ифодалаш учун киноя ишлатилган. Оғзаки киноя икки хил ҳолатда:

- Ортиқча баҳолаш – одам бирор нарсанинг моҳиятини бўрттириб кўрсатганда;
- Тушунмовчилик – одам бирор нарсанинг хусусиятига путур етказганда юзага келади (<http://typesofirony.com/#google>).

Аксарият ҳолларда истехзо ва оғзаки киноя бир-бирининг ўрнида ишлатилади. Бироқ, иккаласи ўртасида аниқ фарқ бор. Истехзо кўпгина ҳолларда кимдир ҳақорат қилиш ёки хафа қилиш учун ишлатилади: “Шу ҳам санъат асарими?” – деди у заҳархандалик билан. Оғзаки киноя аслида тилга олинган нарсанинг тескари маъносини назарда тутса, истехзо эса асосан хафа қилиш учун мўлжалланган каттиқ ва тўғридан-тўғри баёнот сифатида ишлатилади.

Вазиятли киноя нима содир бўлиши кутилган ва ҳақиқатда нима содир бўлиши ўртасидаги номувофиқликни ўз ичига олади. Мисол учун, кимдир ўзини ҳимоя қилиш учун

қурол сотиб оладиган вазият бўлиши мумкин, аммо ўша қуролни бошқа бир одам унга шикаст етказиш учун ишлатади. Қурол унинг хавфсизлигини таъминлайди деб кутиш мумкин, лекин аслида қурол унга жароҳат етказган. Бироқ, вазиятли киноя ва тасодиф ёки омадсизлик ўртасида фарқ бор. Бирор киши деразаларини яхшилаб тозаласаю, бирдан ёмғир ёғса, бу шунчаки омадсизлик; ёмғир ёғади деган фикр уни хаёлига ҳам келмаган. Бироқ, телевиденида об-ҳаво ҳақида ахборот берувчи бошловчи бирдан кутилмаган бўронга тушиб қолса, бу жуда кулгили, кинояли, чунки у об-ҳавонинг аниқ ўзгаришини билиши керак. Вазиятли киноя кўпинча ситком(вазиятли комедия)ларда ишлатилади. Масалан, фарзандлар оналарига қанчалик ғамхўрликларини кўрсатиш мақсадида унга кутилмаган туғилган кунни нишонлашга кўп вақт ва пул сарфлашни режалаштиришган. Бироқ оналарининг туғилган кунни кейинги ой бўлиб чиқади ва уларнинг ҳеч бири аниқ санани билмайди. Натижада она ҳеч ким унинг туғилган кунни санасини эсламаганидан ғазабланади.

Драматик киноя фильмлар, китоблар, шеърлар ва драмалар каби асарларда машҳур. Томошабинлар спектакль, фильм ёки роман қаҳрамонлари билмайдиган асосий маълумотларни билиб туришса, драматик киноя вужудга келади. Драматик кинояга шаҳарда содир этилаётган жиноятлар учун жавобгар жиноятчи ўзининг шериги эканлигини билмаган изкувар ҳақидаги фильмни мисол келтириш мумкин. Бироқ, томошабинлар бу ҳақиқатни аллақачон англаб етишган ва қаҳрамон буни билиб қолганда, нима бўлишини интиқлик билан кутишмоқда.

ШАРҲ ВА МУҲОКАМА

Драматик киноянинг уч босқичи мавжуд:

- Ўрнатиш – томошабинларга персонаж билмайдиган нарсалар ҳақида ахборот бериш;
- Эксплуатация – томошабинлар ўртасида қизиқувчанликни орттириш мақсадида шу ахборотдан фойдаланиш;
- Қарор – қаҳрамон ниҳоят нима бўлаётганидан хабар топса нима содир бўлади?(<http://typesofirony.com/#google>)

Tragic irony occurs when a character in a play does or says something that communicates a meaning unknown to her but recognized by the audience.

Драматик киноянинг махсус тоифаси – бу фожиали киноя. Фожиали киноя, спектаклдаги қаҳрамон ўзи учун номаълум, амма томошабинларга таниш маънога эга бўлган нарсани айтганда ёки қилганда содир бўлади. Қаҳрамон ўзини ўлдириш учун заҳар қўшилган овқат буюрганида томошабинлар унинг тақдирида заҳарли овқатдан ўлиш борлигини билишади. Бу эса фожиали кинояга мисол бўлади.

Қадимги Юнонистон афсоналаридаги ҳаёт тасвирланган драмаларда фожиали киноя кенг тарқалган эди. Томошабинлар спектаклни кўришдан олдин ундаги қаҳрамонларнинг тақдирини аллақачон билишган. Буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг энг машҳур “Отелло”, “Ромео ва Жульетта”, “Генрий XII”; ўзбек драматургларида Абдурауф Фитратнинг “Арслон”, “Чин севиш” драмалари драматик кинояга бой бўлиб, уларни ўқиган сари уларнинг рангли ифодалари китобхонни ўзига жалб қилаверади.

ХУЛОСА

Хўш, ёзувчилар нима учун ўз асарларида киноядан фойдаланишади? Чунки киноя бизнинг умидларимизни ўзгартиради, биз учун кутилмаган бурилишни яратиши мумкин: ҳазил ёки ҳикоя якунида биз кулиб хурсанд бўламиз ёки йиғлаймиз. Оғзаки киноя кулгили бўлиши мумкин, вазиятли киноя кулгили ёки фожиали бўлади, драматик киноя эса кўпгина ҳолларда фожиали бўлади. Хуллас, киноя ёзувчиларнинг драмаларини ғоявийлигини ва бадиийлигини оширади, энг муҳими, уларнинг халқчиллиги ва таъсирчанлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати


1. <https://literarydevices.net>irony>
2. Ironyexamples.iloveindia.com

3. Tulika Nair. Irony Examples in Literature that is Just Perfect for a Lazy Day
4. <http://typesofirony.com/#google>
5. Mavlanova Ugiyoy Khamdamovna, Ruzieva Dilfuza Salimboevna, Babaeva Vasila Toshpulatovna. Irony in dramatic works//International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. 3.
6. Mavlonova U. K., Maxmurovna M. K. THE INTRODUCTION OF IRONY IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 4-4.
7. Ugiyoy Khamdamovna Mavlonova, Dilfuza Salimboyevna Ruziyeva. THE USE OF IRONY IN LITERATURE // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2020. – Issue 04, Volume 84. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS
8. Mavlonova Ugiyoy Khamdamovna. Similarities and Differences between types of Comic // International Journal on Integrated Education. September 2020, Volume 3, Issue IX. <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.596>
9. Mavlonova U.K., Makhmurova M.Kh., Kodirov T.D. DESCRIPTION OF ART MEDIA IN LITERATURE // LXIV International Correspondence Scientific and Practical Conference “EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY» June 5-9, 2020. London, United Kingdom
10. Sharipova D.Sh , Mavlonova U.Kh., Ibatova N.I. BEHAVIORAL LANGUAGE ETIQUETTE IN UZBEK PROVERBS AND SAYINGS // ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ № 11(89). Часть 3. 2020. P: 51-53
11. Mavlonova U Kh, RA Akhmedova. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN EXAMPLES FROM GENERAL CASES. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 24-26

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Исақова Юлдузхон Зокировна,
Кўқон давлат педагогика институту,
Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

ЭМОЦИОНАЛ БЎЁҚНИНГ КОНТЕКСТДА ИФОДАЛАНИШИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-27>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фалсафий тушунча бўлмиш баҳо категориясининг тилшуносликда ифода этиши, баҳо турлари ва уларнинг нутқ жараёнида сўзларда акс этиши хусусида фикр юритилган. Нейтрал сўзларнинг контекст доирасида кўплаб ўринларда эмоционал-экспрессив маъно англатиши ҳамда микроконтекст ва макроконтекст доирасида сўзларнинг тескари – зид услубий бўёқ ифодаланиши ва бу орқали сўзнинг англатган янги маъноси тўғрисидаги фикрлар келтирилиб, айtilган фикрлар бадиий адабиётлардаги бир қанча мисоллар билан изоҳланган.

Таянч сўзлар: баҳо, объектив ва субъектив баҳо, диалектика, контекст, микроконтекст (тор контекст), макроконтекст (кенг контекст), нейтрал сўз, интонация, услубий бўёқ, тескари услубий бўёқдорлик, киноявий маъно.

Исакова Юлдузхон Зокировна,
Кокандский государственный педагогический институт,
преподаватель кафедры Начального образования.

ВЫРАЖЕНИЕ ЭМОЦИОНАЛЬНОЙ КРАСКИ В КОНТЕКСТЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается лингвистическое выражение категории оценивания, представляющей собой философское понятие, виды оценивания и их отражение в словах в речевом процессе. Нейтральные слова имеют эмоционально-выразительное значение во многих местах контекста, а в контексте микроконтекста и макроконтекста - обратная стилистическая окраска слов и, следовательно, новое значение слова.

Ключевые слова: оценка, объективная и субъективная оценка, диалектика, контекст, микроконтекст (узкий контекст), макроконтекст (широкий контекст), нейтральное слово, интонация, стилистическая живопись, обратная стилистическая живопись, сатирический смысл.

Isakova Yulduzkhon Zokirovna,
Kokand State Pedagogical Institute, teacher
of the Department of Primary Education

EXPRESSION OF EMOTIONAL PAINT IN CONTEXT

ANNOTATION

This article discusses the linguistic expression of the category of assessment, which is a philosophical concept, the types of assessment and their reflection in words in the speech process. Neutral words have an emotionally-expressive meaning in many places within the context, and in the microcontext and macrocontext context, the inverse stylistic coloring of words, and thus the new meaning of the word.

Key words and expressions: assessment, objective and subjective assessment, dialectics, context, microcontext (narrow context), macrocontext (broad context), neutral word, intonation, stylistic painting, inverse stylistic painting, satirical meaning.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши билан барча жабҳаларда бўлгани каби тилшуносликда ҳам улкан ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берди. Анъанавий тилшунослик ўзбек тили луғавий бирликларини изоҳлаш, луғат тартиб бериш билан шуғулланган ва бу соҳада улкан ютуқларга эришган бўлса, мустақиллик шароитида тилнинг бирча сатҳларини хилма-хил методлар асосида чуқур ўрганишга кенг имконият яратилди. Методологик плюрализм майдонга келди.

Натижада ўзбек тилшунослигига системавий-структур тилшуносликнинг тадқиқ методлари кириб келди. Лексема маъноларини компонент таҳлил асосида ўрганишнинг йўлга қўйилиши шу давргача лексема маъноларининг эътибордан четда қолган қирраларини очиш имконини берди. Ана шундай қирралардан бири лексема семемаси таркибидаги эмоционал семадир.

Сўзлар контекстда келганда уларнинг янада кўп функция бажаришини сезиш қийин эмас. Айрим ўринларда нейтрал бўлган сўзлар ҳам нутқда экспрессив бўёққа эга бўлиб қолиб, салбий ёки ижобий маъноларни билдиради ва улар эмоционал сўзга айланиши мумкин. Бундай ҳолатда нейтрал сўз ижобий ёки салбий маънога ўтиб қолган сўзларга нисбатан зидланади. Сўзнинг дастлабки илк маъноси унга боғлиқ бўлган кейинги маънолар билан оппозицияга киришади.

Ҳис-ҳаяжон ҳар бир киши онги ва жонли мулоқоти жараёнида мавжуд бўлади. Сўзнинг нейтрал ҳолатдаги кўриниши ва кишилар нутқига кўчиб, турли эмоционал маънолар англатиши аввалдан мавжуд ҳодиса ҳисобланади. Шу сабабли биз луғатларимизда мавжуд бўлган эмоционал сўзларни ва айрим сўзларнинг ҳеч қандай эмоция ифодаламасдан баъзан айрим шахслар нутқидагина ҳис-ҳаяжонли бўлиб қолиш ҳолатлари мавжудлигини эътироф этишимиз мумкин, яъни бу жараёнда сўзларга баҳо муносабати қўшилиб қолиши мумкинлиги кўринади.

Баҳо фалсафий-мантиқий категория саналади. Фалсафада баҳо инсон фаолиятининг барча турдаги кўринишлари ва унинг таркибига кирувчи табиий ҳолатлар баҳо муносабатини, баҳо предметини ташкил этади. [1] Н.Д.Арутюнова баҳони формал логиканинг категорияларидан бири сифатида эътироф этади. [2]

Ҳар қандай мантиқий муносабат тил бирликлари орқали ифодаланади. Шу қаторда баҳо муносабатлари, уларнинг объектив борлиқда мавжудлиги, тушунча сифатида инсон онгида пайдо бўлиши, унинг турлари, мезонлари каби масалалар аксиологик муаммо бўлиб, файласуфлар ва мантиқшуносларнинг ўрганиш объекти саналса, баҳонинг тилда намоён бўлиши, уни ифодаловчи фонетик, лексик, морфологик, синтактик, паралингвистик воситалар, баҳо семантикаси каби масалалар тилшунослар томонидан ўрганилади. [3] Агар воқелиқда инкор ва тасдиқ, ижобий ва салбий муносабатлар мавжуд бўлса, тилда инкор ва тасдиқ гаплар, бўлишли ва бўлишсиз, ижобий ва салбий бўёқдорлик, антоним, оксюморон муносабатлар мавжуддир.

Маълумки, баҳо таърифи икки хил:

1. Субъектив баҳо.
2. Объектив баҳо.

Субъектив баҳо номидан ҳам кўриниб турибдики, субъектга, шахсга боғланади. Баҳоланаётган нарса баҳоловчи назаридан кўрилади. Яъни бу ўринда субъект (баҳоловчи)нинг дунёқараши, объект (баҳоланувчи)га шахсий муносабати, баҳолашдан кутилган нияти баҳолаш жараёнини бошқаради. Ўз-ўзидан маълумки, бу хил баҳолаш натижасини рационал дейиш қийин. Таърифлашда субъективликка асосланиш икки жиҳатдан талабга жавоб бермайди:

1. Субъектив баҳода нарсанинг асл хусусиятларидан кўра унга субъект томонидан боғланган хусусиятлар устунлик қилади.

2. Натижада битта объектга бир неча субъект томонидан бир неча хил баҳо берилади. Шунинг учун баҳолашда баҳоловчи (субъект) эмас, баҳоланувчи (объект) хусусиятларига суяниш зарур. Баҳолашда бу йўлдан бориш объективлик деб аталади. Объективлик диалектика – қиёсийнинг асосий тамойилларидандир. [4]

Объективлик нарсани ўзи қандай бўлса шундайлигича, субъектнинг унга қарашларидан ҳоли акс эттиришдир. Диалектик (соҳиб қиёс) лар объективликни субстанциаллик тамойили билан боғлиқликда кўрадилар. Субстанциаллик шуни назарда тутадик, “... нарса ҳақиқий нарсадир, у ўз-ўзича мавжуд, унда нимаики мавжуд бўлса, унинг ўз моҳиятига кўра, мутлоқ бошқа нарсалар таъсирисиз мавжуддир” [5]

Яъни нарса (объект) баҳоловчиси баҳолагунга қадар ҳам, ундан кейин ҳам ўз-ўзича мавжуд (нарса ўзида. Хегель). Баҳоловчи уни баҳолайди холос. Баҳоловчининг баҳоси объект учун аҳамиятсиз, унинг онтологик табиатини ўзгартира олмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, амалда субъективизмнинг бутунлай ҳоли бўлиши деярли мумкин эмас. Шунинг учун мутлоқ объектив таъриф мавжуд бўлолмайди. Объективлик ҳам нисбийдир. Нисбийлик – қиёсийнинг яна бир тамойили. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, нарсанинг айрим хусусиятларини (аслини олганда ҳаммасини) фақат шу нарсанинг бошқа нарсалар билан муносабатида кузата оламиз. Кузатувчи (субъект) нуқтаи назаридан бу хусусият унда айнан шу муносабатда юзага келгандек. Аслида бу хусусият унда доимий мавжуд эди. Қулай шароит туғилиши билан у юзага чиқади. [6]

Масалан, **-лар** кўшимчасида таъкид ва кучайтиришни ифодаловчи сўзларнинг айрим гуруҳлари (якка предметлар) билан боғланганда юзага чиқади: Кўнгилларим айниб кетди, азобларим тугади. Аммо бу мутлақо –лар да маъно кучайиш хусусияти айни луғавий гуруҳлар туфайли юзага келди дегани эмас, балки ушбу хусусият шу (кучайтириш) гуруҳларида юзага чиқади дейиш мумкин. -лар да ҳам маъно кучайтириш ҳолати доим сақланиб туради [7]. Яъни ҳар қандай объект (аниқ, мавҳум, моддий, ғоявий, ...) уни ўрганувчининг ихтиёридан ташқарида, ўз-ўзича мавжуддир. Шунинг учун уни ўрганиш ўрганувчининг эмас, нарсанинг табиати – унинг объектив мавжудлиги, субстанциаллигига асосланган бўлиши керак. Объективлик – нарсанинг субстанциал мавжудлигини тан олиш тамойилидан чекиниш берилаётган баҳони ноилмий қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам Хегель мантикий фикрларининг асоси “... ўзида нарса жиддий равишда мавжуд” лигини тан олиш деб кўрсатади.[8]

Юқоридагилардан келиб чиқадики, “тил бирлигига объектив баҳо беришнинг асосий шarti уни субстанциал (зотий) тушунишдир. Субстанциал тушунилган тил бирлиги ўзининг бутун хусусиятларига эга бўлган материя (борлик) сифатида талқин этилади. Унинг бу хусусиятлари бошқа тил бирликлари билан муносабатида очилади, лекин мутлоқ бу муносабатларда юзага келмайди”[9]. Баҳо тилнинг турли сатҳлари доирасида намоён бўлади. Яъни ижобий ва салбий муносабат турли хил формалар (морфологик), айрим сўзлар (лексик), конструкциялар (синтактик), форма ва сўзнинг кўшилиши (лексик-морфологик), интонация (фонетик) ёрдамида ифодаланаши мумкин.[10]

Бундай ифодаланишлар бадиий адабиётларни кузатганимизда ёки жонли оғзаки нутқ жараёнида жуда кўплаб учрайди. Лекин айрим вақтларда нейтрал сўзларни ўз маъносидан кўчириб, бошқа маънода қўллаганимизда ҳеч қандай эмоцияси бўлмаган сўз ҳам ҳис-ҳаяжон ифодалаб, яъни баҳо муносабати кўшилиб келишини кўришимиз мумкин бўлади. Услубий жиҳатдан нейтрал бўлган сўз контекстга киритилиб ўз маъносини эмоционал тарзда

билдириши мумкин. Бу усулда эмоционал сўзларни ҳосил қилиш С.Ғойибов фикрича, қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

“1. Стилистик бўёғи нейтрал бўлган сўз стилистик бўёқ касб этади.

2. Аслан стилистик (эмоционал-экспрессив) бўёқдор бўлган сўз ўз стилистик бўёғига зид стилистик бўёқ касб этади.” [11]

Услубий жиҳатдан нейтрал бўлган сўзнинг эмоционал-экспрессив бўёқдор бўлиб қолишига қуйидаги мисолни келтириш мумкин бўлади: Ўз қилмишидан ўзи уялгандек, пайтавадек увада, искирт булутлар орқасига яширинди. (Ў.Ҳошимов) Гапдаги увада нейтрал сўзининг асл маъноси эски, титилиб кетган пахта маъносини англатса, ушбу гапда салбий маъно ифода этиш учун қўлланган, яъни хунук, титилган, ёйилган маъносини англатган ва салбий бўёқдор бўлиб келган. Гапдаги салбийликни бўрттириш мақсадида искирт сўзи ҳам келтирилган. Ушбу қўлланган сўзлар қаҳрамоннинг салбий вазиятда бўлган воқеаларнинг тасвирлаётганини ифода этиш учун ишлатилган.

Энди кейинги мисолга эътиборимизни қаратсак, Мен совуқдан сақланиш учун увадаси оқиб ётган кўрпа-тўшакларга ўралиб олар эдим. (Ҳ.Турсункулов) Ушбу гапда қўлланган увада сўзи асл лексик маъносини сақлаган ва ҳеч қандай кўчирилишларсиз, эмоционал-экспрессивликдан ҳоли – нейтрал ҳолатда келтирилмоқда. Демак, тилдаги бир қанча сўзлар сўзловчи хоҳишига кўра бўёқдор тарзда гап ёки матн доирасида қўлланилиши кўп учрайдиган ҳодисадир ва бундай вазиятларда сўзловчи истагига кўра сўзлар баҳо семасига эга бўлиб қолади. Бундай гаплар орқали бадий матнларда кучли тасвир воситалари яратилади.

Бу сўзнинг нейтраллиги ва салбий бўёқдор бўлиб келишига мисолларни кўриб ўтдик. Лекин баъзан айтиш шундай сўз кўчма маъноли бўлиб, ижобий бўёқдор бўлиб келиши ҳам мумкин экан. Масалан: ...ҳаммаси ўткинчи, ўзинга олма, шусиз ҳам увадасан, ҳали яхши кунлар ҳам келади... (М.М.Дўст) Мисолдаги увада сўзида бир қарашда салбий маъно мавжудга ўхшайди, аммо гапга диққат билан эътибор қилинса, маънонинг тескарисига алмашилишини кўриш мумкин, яъни гапда салбий эмас, балки ижобий маъно мавжуд. Бу ўринда увада сўзи орқали қарамоннинг руҳий ҳолати тасвирланмоқда, яъни унинг эзилган, тўкилган, қашшоқ, ниҳоятда камбағал вазиятда экани шу сўз билан ифода этилган. Кўринадики, бу сўзда ачинаш ижобий маъно оттенкаси мавжуд.

Итялоққа ёвғон сарқит солди. (Т.Мурод) мисолидаги сарқит сўзини кузатар эканмиз, бу сўзнинг бировдан қолган овқат ёки қолдиқ таом маъносини, нарсага берилган ном, предмет эканлигини англашимиз табиий. Сўзда ҳеч қандай баҳо семаси мавжуд эмас, эмоциялардан ҳоли. Лекин айрим вазиятларда бу сўзда салбийлик маъноси пайдо бўлиши ва бу маъно орқали гапга салбийлик оттенкаси қўшилиб қолиши мумкин. Масалан, Баъзи бир сарқит одамлар бўладики, бирон арзимас баҳонани топсалар, кишини оёқ остига олиб тепкилайдилар. (С.Зуннунова) Бу гапда эса сўзнинг асл – бош маъносидан фарқли равишда сўзга салбий маъно оттенкаси қўшилган ва сўзнинг предметлик маъноси ҳам йўқолиб, унга белги маъноси қўшилган, яъни бу сўз ёмон, разил, бефаҳм кимсаларга нисбатан қўлланилган. Бу орқали гап мазмунидаги эмоционал тасвир бўёғи кучайтирилган ва гапга салбийлик маъноси шу сўз орқали қўшилган.

Эмоционал-экспрессив бўёқнинг контекстуал ифодаланиши бўйича аслида услубий жиҳатдан бирор бир бўёғи мавжуд бўлган сўзнинг ўша бўёққа нисбатан зид услубий бўёқ ифода этиши бўйича С.Ғойибов ўз изланишларида бундай ифодаланишни иккига ажратади: Аслан эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзнинг ўз стилистик бўёғига зид стилистик бўёқ касб этиши макроконтекст (кенг контекст)да ва микроконтекст (тор контекст) доирасида содир бўлади [12], дейилади.

Макроконтекст доирасида ўз услубий бўёғига зид баҳо семасининг касб этиши дейилганда бир сўзнинг бутун матн доирасидаги маълумотларни ўқигандан кейингина ана шу зидлик маъносини билиб олиши тушунилади. Бу каби ҳодисага мисол қилиб, ижобий маънога эга бўлган бир нечта сўзларнинг матн доирасида баъзан салбий маъно англатиб келиши ёки бўлмаса аксинча вазиятни кўрганимизда ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Масалан: - Мана, кошонага етиб келдик! (О.Ҳайит) мисолидаги кошона сўзи ҳашаматли, чиройли, кўркам, катта уй маъносини билдиради, лекин ушбу гапда ва бундан олдинги матн доирасида тасвирланишича, бу уйдаги нарсаларнинг пала-партиш ва исқирт эканидан ҳатто қадам кишининг қадам босгиси ҳам келмайдиган даражада салбий белгига эга эканига кичик бир кўримсиз уй эканининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бир қарашда бу гапнинг ўзинигина ўқиган киши тасаввурига катта, чиройли уй келса, матн доирасидан эса бунинг акси эканини англаш мумкин.

- Ана қаҳрамон, мана қаҳрамон! – деди раисимиз. (Т.Мурод) Қаҳрамон сўзи мард, жасур, ботир ва довюраклиги билан шуҳрат қозонган мардлик қилиб ўзини кўрсатган кишига нисбатан қўлланилади. Бу сўзни эшитганда унда мавжуд бўлган ижобий бўёқни англаш қийин бўлмайди. Сўзнинг матн доирасида ҳам, гап ичида ҳам ижобий маънода келишини биламиз. Лекин айрим ўринларда бу сўзнинг ҳам ўз услубий бўёғига зид бўлган услубий маъно, яъни салбий маънода ҳам келиб қолишини ҳам учратишимиз мумкин. Масалан, - Ҳа, қаҳрамон, - милиционерлардан бири машинадан тушиб келиб Йўлдош ўтирган томоннинг эшигини очди. (О.Ҳайит) Берилган гапда қарамон сўзига умуман сўзининг маъносига умуман зид бўлган маънони матн ўқиш жараёнида билиб оламиз. Ушбу келтирилган ўриндаги қаҳрамон сўзи ўз маъносига тескари услубий маъно – салбий муносабат билдириш учун қўлланилган, яъни асардаги персонажнинг «қўлингдан ҳеч нарса келмади-ку, ҳеч нарсани эплолмадинг-ку», дегандай кулгуни англатиш мақсадида унинг устидан кулиб, уни калака қилиб, сўзни асл маъносига тескари зид маънода қўллаб гапирган. Бу эса асардаги тасвир бўёғини кучайтириўга олиб келади.

Бетамизликни бошқа жойга бориб қиласиз. (М.М.Дўст) Бетамиз сўзининг луғавий маъноси тамизи дид-фаросати йўқ, ақли, фаросати билан иш қила олмайдиган, бефаросат, бефаҳм кишига нисбатан қўлланилади. Бу сўз шахснинг салбий белгисини англатиш учун хизмат қилади. Юқоридаги гапда шу сўз асосида ясалган бетамизлик сўзи белги оти бўлиб келган. Бу сўз юқоридаги бефаҳмлик белгисига хос бўлган хатти-ҳаракат маъносини англатса, худди шу сўз каби салбий белги мавжуд бўлган сўз ҳисобланади.

Зиёд мумсик-мумсик кулимсинади. (Т.Мурод) Мумсик сўзи аслан салбий маъноли сўз бўлиб, зикна, ўтакетган хасис маъносини англатади. Лекин бу ўринда ижобий маънода зўрға маъносидан келган. Қаҳрамон Зиёднинг ачинарли ҳолатда экани ва берилган гапда унга нисбатан ижобий муносабатнинг мавжуд эканини биз асарни ўқиб, ўша ўринда берилган тасвир орқали тушунишимиз мумкин.

Бой ўйлаб-ўйлаб, бу “бетамиз” йигитнинг адабини бериш йўлини топибди. (Ў.Ҳошимов) берилган ушбу гапда эса салбий маъно билдирувчи бетамиз сўзининг ўз маъносидан матн доирасида кўчирилиб, ўз услубий бўёғига зид – ижобийга бўёққа ўтганининг гувоҳи бўламиз, яъни берилган матн доирасида йигитнинг ҳаракатлари ва бажарадиган ишларининг ижобийлиги ва сўзнинг қўштирноқ ичида келтирилиши ҳам унинг услубий жиҳатдан зид услубий бўёқ билдираётганини англатмоқда. Бу маънони, албатта, матнда берилган аввалги фикрлар орқали англаш мумкин бўлади. Шу сабабдан ушбу мисолда макроконтекст доирасида кўчирилиш содир бўлганининг гувоҳ бўлиш мумкин.

Микроконтекст доирасида сўзнинг зид маъно касб этиши эса гапнинг ўзидангина унинг пичинг ёки кесатиқ тарзда қўлланилганини англаш мумкин бўлади. Сўзнинг аслий услубий бўёғига зид услубий бўёқ ифода этаётгани гап мазмунининг ўзиданигина англашилиб туради. Бир “бечора”ни “жазолаш” бўлса, шунчалик бўлади-да!! (Ў.Ҳошимов) Мисолдаги бечора сўзи ижобий маъноли лексема бўлса-да, гап ичида унинг қўштирноқ ичида берилиши пичинг, кесатиқ, киноя маъносининг гапда мавжуд эканини англатади. Аслида бечора дейишга арзимайдиган ёлғончи, муттаҳам кишига нисбатан бу сўз қўлланилган ва унда салбий маъно оттенкаси ифода этилган. Жазолаш сўзининг ҳам қўштирноққа олингани бу сўзнинг ҳам акс маънода қўлланилаётганини англатади. Демак, қўштирноқ орқали микроконтекст доирасидаги аслан услубий бўёғига зид маънода қўлланилган сўзга мисол кўриб ўтдик.

- Бечоралар! – дейди. – Бу йил ҳақидан бор-йўғи беш кун ўқибди-я! (Т.Мурод) гапида эса бечора сўзи нейтрал вазиятдаги ачиниш маъносини англатган сўз бўлиб қўлланилган, холос.

Лекин унинг ўринбосари «ношуд» чиқиб қолди. (Н.Анорбоева) Ношуд сўзи қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган, ҳеч қандай ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган кишиларга нисбатан қўлланилувчи белги англатувчи сўз ҳисобланади. Лекин берилган мисолда сўзнинг акс маъноси ишлатилган бўлиб, матндаги ўринбосар ишбилармон ва тадбиркор бўлганидан барча ишнинг уддасидан чиқувчи шахсдир. Бундай шахсга нисбатан ушбу парчада сўз акс маънода услубий бўёқ касб этган, яъни салбий маъно англатувчи сўзнинг тескари маъноси орқали ижобий бўёқдор бўлиб ношуд сўзи қўлланган ҳамда сўз қўштирноқ ичида берилган. Энди қуйидаги мисолга эътибор қаратсак: Пешанам шўр бўлмаса, шу ношудга тегармидим?! (Ў.Ҳошимов) Бу мисолдаги ношуд сўзи эса салбий бўёқдор бўлиб ўз маъносида қўлланилган.

Шундай сўзлар ҳам бўладики, улар ўз услубий бўёғига зид ҳолатда қўлланилишидан ташқари, ўз маъносидан бошқа маънога контекст доирасида ўтиб қолади ва услубан зид бўёқдор бўлиб ишлатилади. Масалан: ... ана шу муваффақиятларим бош айбори, ҳаммамиз учун ҳурматли ва азиз ўртоқ Дадабоевга миннатдорчилик билдираман! (Т.Мурод) гапидаги айбдор сўзида услубан салбийлик бўёғи бирмунча мавжуд бўлса-да, берилган гапда айбдор сўзи бошқа сўз ўрнида ижобий бўёқни ифода этиш учун қўлланилган, яъни гапда бу сўз сабабчиси сўзи ўрнида қўлланилган. Лекин гапга услубан бўёқ кўшиш мақсадида бу сўздан фойдаланилган ва сўзда ижобий бўёқ кучайтириб ифодаланган. Ижобий бўёқнинг кучайтирилганини гапнинг кейинги қисмидаги ҳурматли, азиз, миннатдорчилик билдирмоқ каби ижобий бўёқдор сўзларнинг қўлланилиши орқали ҳам билишимиз мумкин.

Ҳаммасига манави жодугар айбдор! (Ў.Ҳошимов) Ушбу мисолда эса айбдор сўзи салбийлик муносабатини ифода этган ва айби бор, гуноҳ иш қилган кишига нисбатан қўлланилган.

Ўргилмоқ сўзининг луғавий маъноси қурбон қилмоқ, фидо қилмоқ, бутун борлигини бахш этмоқ бўлса, кўп ўринларда сўзни салбий муносабат англатиш учун сўзлашув нутқи жараёнида қўллаймиз. Бунда сўзнинг асл маъноси ҳам ўзгариб, салбийликни кучайтириш учун қўлланилади: Ўргилдим олифтагарчилигиндан. (Ў.Ҳошимов) Бу ўринда ижобий маънога эга бўлган ўргилмоқ сўзи салбий маъно билдирган. Маъновий жиҳатдан менсимаслик, жаҳли чиққанлик каби мазмунга эга бўлмоқда. Ҳе, ўргилдим каллангдан! Савияни қаранг, кишанбанд бўлиб озод юраверар эмишлар! (А.Аъзам) мисолида ҳам худди юқоридаги изоҳда берилган ҳолат содир бўлмоқда ва салбийлик бўёғи кучайтирилмоқда.

– Вой амманг ўргилсин сендан! – У пилдираб келиб мени бағрига босди. (Ў.Ҳошимов) Ушбу гапда эса ўргилмоқ феъли асл маънода келган ва унда ижобийлик бўёғи кучли ифода этилган. Эрқалаш, суйиш маъносини кучайтириш учун қўлланилган.

Шу феъл асосидан ҳосил бўлган ўргилай ундов сўзида ҳам юқорида кўрилган вазиятдагидек ҳолат учрайди, яъни сўзнинг аслан ижобий маъно англатишдан ташқари айрим ўринларда матнда унинг акс маънода қўлланилишини учратишимиз мумкин. Масалан: – Вой, посонингдан ўргилай-э, вой, виждонинг ситилиб кеткур-э, ўлиб қоласанми йўлдан ташлаб ўтсанг, шунақаларни закон кўтарса-ю, башарасига қора суртсанг. (С.Аҳмад) Гап мазмунига эътибор қиладиган бўлсак, унда салбийлик бўёғининг мавжуд эканини кейинги гап таркибидаги салбий маъноли ибора (виждонинг ситилиб кеткур) ва башара салбий бўёққа эга бўлган сўз орқали англаб олсак бўлади. Демак, сўз асл ижобий мазмун билдирадиган маъносига зид тарзда салбий муносабат ифода этган ва бу микроконтекст доирасида содир бўлган.

– Ўзимнинг ширин ўғлимдан ўргилай, яхши ўтирибсанми? (Ў.Ҳошимов) мисолида эса асл ижобий бўёқ ўргилай ундов сўзида келтирилган. Бундан ташқари, ширин сўзида ҳам услубий бўёқни кучайтирувчи восита мавжуд экани яққол кўринмоқда.

- Ие, ойимқиз, сизам шу ердамисиз? – деди ғабдан кўзлари ёниб. (Ў.Ҳошимов) Ойимқиз сўзи оксуяқларга хос бўлган қизларга нисбатан эрқалаш маъносида нозанин, чиройли каби мазмунда ишлатилувчи сўз бўлиб, кўп ўринларда шахсларга нисбатан аччиқ

пичинг, кесатик маъносини англаторувчи сўз ҳисобланади. Ушбу берилган гапнинг кейинги қисмида эса ғазабдан кўзлари ёниб бирикмасини ўқиганимиздаёқ бу сўз ҳам пичинг, кесатик маъносини англадиб келаётганини билишимиз мумкин.

Юқорида келтирган мисолларимиздан кўриниб турибдики, макроконтэкст ва микроконтэкстда ҳам сўзнинг акс услубий бўёқ касб этиши зидланиш асосида амалга оширилади. Мана шу зидланиш асосида эса эмоционаллик сўзлар доирасида пайдо бўлиб боради ва бадий матн салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Макроконтэкстда умумий келтирилган бир қанча матнлар орқали сўзнинг акс маънода қўлланилаётганини тушунсак, микроконтэкстда эса берилган гап таркибидаги сўзнинг тескари маънода қўлланилаётганини кейинги сўзлар орқали билишимиз мумкин ва бу асосда сўз тескари маъноли эмоционал сўзга айланади.

Контэкстда услубий бўёқдорлик ҳосил қилган сўз бадий адабиётда, одатда, жуда кучли бадий тасвир воситаси бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ивин А.А. Основания логики оценок.-М.: Изд-во МГУ, 1970, - С.76
2. Арутюнова Н.Д. Об объекте общей оценки. //Вопросы языкознания.- 1985. №3. - С.13
3. Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Номз.дисс.автореф. Т.; 2008, Б. 9.
4. Кабулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик тадқиқи. Номз.дисс. Тошкент, 2000, - Б. 18.
5. Гегель. Система науки. Феноменология духа. // Соч. Т. IV. – М., 1959, - С. 65.
6. Навоий А. Лисон – ут тайр. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 464.
7. Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида. Филол.фанлари номзоди...дисс. Самарқанд. 1993. – Б.140.
8. Гегель. Наука логики. Т. 2. – М.: Мысль, 1971, - С. 248.
9. Шаҳобиддинова Ш. Ўша асар, Б. 30.
10. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. Т.: Фан, 1980. - Б. 42.
11. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Фан, 1981. – Б.175.
12. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Фан, 1981. – Б.176.

Фойдаланилган бадий адабиётлар:


13. Т.Мурод. Отамдан қолган далалар. Тош.: “Шарқ”, 1994.
14. Ў.Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар. Тош.: “Шарқ”, 2010.
15. Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси. Тош.: “Меринус”, 2011.
16. М.М.Дўст. Галатепа қиссалари. Мустафо. Тош.: “Ёш гвардия”, 1985.
17. О.Ҳайит. «Аждаҳо» чангалида. Қисса. Тош.: «Меринус», 2009.
18. Зуннунова С. Танланган асарлар. Тошкент: Шарқ, 2001.
19. Н.Анорбоева. Гоҳи шодлик, гоҳи ғам. Қисса. Тош.: 2012.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Мирсагатова Покиза Авазбек қизи

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети,
Хорижий филология факультети, Қиёсий тилшунослик
кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: mirsagatovapokiza@mail.ru

АҚЛИЙ ФАОЛИЯТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ТУРЛИ УСУЛЛАРИГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-28>

АННОТАЦИЯ

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларида ақлий фаолиятнинг таркибий-лексик феълларининг ўхшашликлари ва фарқлари таҳлил қилиниб, ушбу тоифадаги сўзларнинг маълум семантик маълумотларига алоҳида эътибор қаратилади. Танланган семантик хусусиятларга асосланиб, инглиз ва ўзбек тилларида ақлий фаолият феълларининг таснифи берилган. Семантик хусусиятларни таҳлил қилишда фрейм усули доирасидаги ақлий феъллар бадий матнда шарҳланади ва янги жиҳатлари очиб берилади. Ўзбек тилида умумий фикрлаш даражасига эга бўлган феълларнинг семантик хусусиятлари батафсил кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мақолада семантик эквивалент феълларнинг семантикасини инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳаракатлар билан таққосланади.

Калит сўзлар: ақлий, рамка усули, стереотип, семантик хусусиятлар, синоним қатор, стилистик бирикма.

Mirsagatova Pokiza Avazbek Qizi

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Faculty of foreign philology, Senior teacher of
the department of Comparative linguistics and theory of translation
E-mail: mirsagatovapokiza@mail.ru

APPROACHES TO DIFFERENT METHODS OF MENTAL ACTIVITY VERBS

ANNOTATION

The article analyzes the similarities and differences in the structural-lexical verbs of mental activity in English and Uzbek. Semantics are one of the leading theoretical disciplines in modern linguistics. Questions of lexical semantics are the focus of linguistic research. Hence, special attention is paid to the definition of semantic features of this category of words. On the basis of the selected semantic features, the classification of verbs of mental activities in English and Uzbek is described in detail. Semantic features of verbs with the general meaning of “think” in Uzbek are described. In the article the semantics of semantic equivalent verbs are compared in English and Uzbek.

Key words: mental, frame method, stereotype, semantic features, synonymic series, stylistic connotation.

Мирсагатова Покиза Авазбек кизи

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека,
Факультет зарубежной филологии старший преподаватель кафедры
“Сравнительная лингвистика и теория перевода”
Электронная почта: mirsagatovapokiza@mail.ru

ПОДХОДЫ К РАЗЛИЧНЫМ МЕТОДАМ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются сходства и различия структурно-лексических глаголов ментальной деятельности в английском и узбекском языках. Семантика представляет собой одну из ведущих теоретических дисциплин современной лингвистики. Вопросы лексической семантики находятся в центре внимания лингвистических исследований. Следовательно, особое внимание уделено определению семантических особенностей этой категории слов. На основе выбранных семантических признаков дана классификация глаголов ментальной деятельности на английском и узбекском языках. Подробно описаны семантические особенности глаголов с общим значением «думать» на узбекском языке. В статье семантика семантических эквивалентных глаголов сравнивается действиями на английском и узбекском языках.

Ключевые слова: ментальный, фреймовый метод, стереотип, семантические особенности, синонимические ряды, стилистическая коннотация.

Ҳозирги кунга келиб, республикамизда хорижий мамлакатлар билан маданият, иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожланиши натижасида, албатта, тилшуносларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Давлатлар ўртасидаги ҳарқандай алоқа тил орқали амалга оширилганлигисабабли ҳалқимизга, айниқса ёшларга чет тилларни ўргатиш муҳим вазифалардан бири эканлиги барчамизга маълумдир.

Шу боис, кўпчиликда “қандай қилиб чет тилини тез ўрганса бўлади?” деган савол туғилади. Баъзилар “кўпроқ сўз ёдла” деган фикрни илғор сурадилар. Афсуски, фақат сўз ёдлаб ўзингиз таржима қилмоқчи бўлган матнни маъносини тўғри тушунтириб беришингиз жудда мураккаб. Ягона бир сўзнинг турли маънолари ўртасидаги фарқ унчалик катта бўлмасада, баъзан бу таржимада маъно мазмунини ўзгаришига сабаб бўлади.

“Бундай шароитда чет тили билан она тилини қиёсий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади, чунки чоғиштирма тилшунослик чет тилини ўрганишдаги асосий қийинчилик ва осонликларни “тиллараро интерференция” (она тилининг чет тилини ўрганишда салбий таъсири) ва “тиллараро фацилитация” (она тилининг чет тилини ўрганишда ижобий таъсири) тушунчалари ёрдамида очиқ беради”. [1; 6 б.]

Ушбу мақолада инглиз тилидаги ақлий фаолият феълларининг семантик ўзига хослигини фреймусули ёрдамида энг муҳим қирраларини очиқ берилди. Фрейм усули тасодифан танланмаган бўлиб, айнан у универсал ҳисобланади. Фрейм бу билимлар бирлиги, унда баъзи тарқибий қисмлар ва улар ўртасидаги муносабатлар ёритиб берилди. Шунингдек, фрейм - бу стереотипик вазиятни акс эттириш учун маълумотларнинг егиндиси ҳисобланади.

- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

“Матн мазмунини англаш шароитида фрейм таҳлилига икки усулда муурожаат қилинади. Биринчисида матннинг луғат ва грамматик тарқибни тингловчининг онгида маълум фреймларни уйғотади. Чунки грамматик ва лексик шакллар ва категориялар фрейм кўрсаткичлари сифатида мавжуд бўладилар. Иккинчисида эса, тингловчи маълум бир фрейм воситасида матннинг мазмуний яхлитлигини тасвирлайди. Моддий тарқибни акс эттирувчи

фреймнинг тингловчи яратаётгандан фарқи шундаки, таҳлил бу турдаги фреймларга асосланганида, мазмунини тушунишга бўлган эҳтиёж бутунлигича қондирилади” [2; 245 б.]. Шундай қилиб, муайян вазиятга эътибор қаратадиган бўлсак, матннинг маъноси яратилган фрейм шаклида ифодаланиши мумкин бўлади. Фрейм билим турига боғлиқ бўлиб, матннинг семантик тузилишига киритилган маълумотларни тушуниш учун зарурдир. Фрейм усулининг моҳияти сўз бирикмаларини тизимлаштиришдир. Унинг марказида унда вужудга келган воқелик парчасининг ақлий модели ётади, маълум бир вазиятни келтириб чиқаради ва уни тушунтиришга ва башорат қилишга хизмат қилади. Фрейм усули лексик гуруҳларни ажратиб кўрсатишга йўналтирилган, бир бутун вакил ҳисобланади.

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Демак, биз инглиз ва ўзбек адабиёти асарлари асосида ақлий фаолият феъллари семантикасининг кичик гуруҳини ўрганамиз, хусусан, think, ponder, muse, meditate, reflect шулар жумласидандир. Ушбу феълларнинг таҳлил қилиш жараёнида, фрейм моделининг концептуал таркибининг қайси қисми ўзбек тилига таржима қилинганида акс эттирилганлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бизнинг мақсадимиз асл ва таржима тиллари ёрдамида фрейм таркибий қисмларини янгилаш механизмларидаги фарқларини аниқлаш бўлади. Ақлий фаолият феълларининг функционал-семантик соҳасининг асосини ақлий фаолият жараёнида умумий тушунчани янгилашнинг турли жиҳатларини қамраб олувчи "Ақлий" фрейм ташкил этади. Фикрлаш феъллари ақлий фаолият феъллари сифатида ҳаракат қилганда муҳим рўл ўйнайди, чунки уларнинг семантикасида аллақачон фикрлаш жараёнининг асосий параметрлари мавжуд бўлади. Ақлий фаолият феълларининг функционал-семантик соҳасининг тузилиши унинг шахсий намоёнлари "Ақлий" фрейм парчаланиши асосида яратилади. "Ақлий" фреймкечимини маълум бир режа - қуйидаги сценарий асосида тасвирлашга ҳаракат қилинди:

"Ақлий жараён " фикрлар ичига шўнғиш ";

"Ўйлаш ҳолати";

"Узоқ ва чуқур мулоҳазадан сўнг қабул қилинган қарор"

Айрим илмий манбаларида таъкидланишича "Ақлий" фреймлар таркиби мажбурий ажратилган компонентлар ва мажбурий бўлмаган компонентлар таркибининг ўзгармаслиги билан тавсифланади. Мажбурий компонентлар таркибий қисмларга қуйидагилар қиради: 1) Субъект - ақлий фаолият билан шуғулланадиган шахс (фикрловчи, акс эттирувчи); 2) объект - ақлий фаолият субъекти; 3) Ҳаракат - бу фикрлаш жараёни. Рамканинг мажбурий бўлмаган компоненти Субъект муносабатининг Объект фикрига кўра, "Фикрнинг бор ёки йўклиги" ҳисобланади. [3; 2 б.]

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Биз ўйлашнинг, фрейм тузилмаси think ва унинг синоним феъллар қаторидаги калит сўзларга қаратилган. Уларнинг аниқ маълумотларини ўрганиш, тилда акс эттирилган ақлий фаолиятга тегишли асосий, концептуал ва мазмунли хусусиятларини кўрсатадиган муҳим семантик хусусиятларни очиқ беришга имкон беради. Шу сабабли, инглиз тилида to think феълини аниқ тавсифлаш мақсадида "Oxford learner's dictionary" луғатидан асосий манба сифатида фойдаланилди. [4; 1608 б.]. Ушбу манбага асосан биз қуйидаги маъноларини беришни жоиз деб билдик:

Oxford learner`s dictionary изохли луғати	Ўхшашлик (+) Фарқ (-)	Ўзбек тилидаги изохли луғат
1. to have a particular idea or opinion about something /somebody; to believe something I think this is their house, but I'm not sure.	+	Фикр-мулоҳаза юритмоқ; фикрламоқ Тоқайгача шу кепатада юрасан, болам, ахир менга ҳам жон керак, ўйласан бўлмайдимми? (Э.Раимов, Ажаб қишлоқ)
2. to use your mind to consider	+, -	Хаёлидан кечмоқ (кечирмоқ),

something, to form connected ideas, to try to solve problems , etc. Stop and think for a moment before making any decisions.		хаёл қилмоқ. У баъзан ўғлининг соғ-саломат жангдан қайтишини тилаб... юртда тинчлик бўлса, умри боқий бинолар қуриб беришини уйларди. (Мирмуҳсин, Меъмор)
3. to have ideas, words or images in your mind You're very quiet. What are you thinking?	+	Ёдга олмоқ, эсга келтирмоқ; хотирламоқ. Лекин мен бояги йигитни ўйлаб, юрагим эзилиб кетяпти. (П.Қодиров, Қора кўзлар)
4. to form an idea of something; to imagine something Just think how nice it would be to see them again.	-	Бирор кимса ёки нарса манфаати юзасидан иш тутмоқ; шунинг дардида бўлмоқ. Кўзим очиклигида кизимнинг тўйини кўрай, деб ўзимни ўйлабман-у, бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйлабман. (А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар)
5. to expect something I never thought you would carry out your threat.	-	Хаёл қилмоқ, тахмин қилмоқ, ...деб ҳисобламоқ, тушунмоқ. Зайнаб сиз ўйлаган келинлардан эмас... худога шукур, ақл-хуши жойида. (А.Қодирий, Ўтган кунлар)
6. to think in a particular way or on a particular subject If you want to make money, you've got to think money		
7. used in questions to show that you are angry or surprised What do you think you're doing?		
8. used to make something you say sound less definite or more polite Do you think you could open the window?		
9. to intend something; to have a plan about something I'm thinking in terms of about 70 guests at the wedding.		
10. to remember something; to have something come into your mind I can't think where I put the keys.		

Инглиз тилидаги to think феълнинг ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда берилишини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги манзара кузатилди. Инглиз ва ўзбек тилидаги to think феълнинг чоғиштирганда бир қанча ўхшашликлар ва фарқлар аниқланди. Хусусан, to think феълни икки тилда қийёсланганда инглиз тилидаги изоҳли луғатда 10 маъноси берилган бўлса, ўзбек тилидаги изоҳли луғатда 5та маъносини кўриш мумкин. Юқорида келтирилган мисолда to think феъл 1 ва 3 умумий изоҳларда ўзбек ва инглиз тилида маъноларнинг ўхшашликлари аниқланди. 2 умумий изоҳда қисман тўғри келиб, инглиз тилидаги to try to solve problems (муаммони ҳал қилмоқ) маъноси ўзбек тилидаги изоҳда берилмаганини кўриш мумкин. 4 ва 5 умумий изоҳларда ўзбек ва инглиз тилидаги маънолар тубдан фарқлиниши кузатилди.

Шунинг билан бирга, think феъли-прототипик феъл бўлиб, ўйлаш ва фикрлашни англатади. Бу феълга синоним ҳисобланган - think, ponder, muse, meditate, reflect семага эга бўлиб ақлий фаолиятни англатиб келади. Ҳар бир феъл кўшимча семанинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Ушбу қатор ақлий феълларнинг синонимлари концепция билан боғлиқ бўлган интеллектуал фаолиятнинг ўзига ҳослигини "Фикрлар" тушунчаси билан акс эттиради. Ушбу хусусият фрейм таркибий қисмлари орқали янгилашиши ва расмий ифодасини олиши мумкин. Қуйида феълларнинг луғавий таърифини келтириб, семантика кўрсатмаларини ўз ичига олувчи асосий фикрлаш жараёнинг таркибий қисмини кўрсатиб берамиз.

reflect – to turn one's thoughts (back) on, to fix the mind or attention on or upon a subject; to ponder, meditate on; think of. Also occas. with over. Кўпинча, олд кўшимча over билан бу феъл “ақлан орқага қайтиш”, “эслаш”, “ўйлаб олиш, ўйлаб кўриш” маъносини билдиради.

consider – to contemplate mentally. Consider сўзи “ақлан тахмин қилмоқ”; “бирор нарса ҳақида фикрни бир жойга жамламоқ”; “бирор нарса яхшилаб ўйлаб кўрмоқ”; “бирор нарса ҳақида фикр юртмоқ”; “бирор нарса ҳақида чуқур ўйлаб кўрмоқ”; “бирор нарсага ёки кимдурга эътиборни яхшилаб қаратмоқ”, “маълумот учун бирор нарса қабул қилмоқ” маъноларини англатиб келади.

Натижада, сарлавҳачалар энг муҳим тижорат фикрини узайтиришга хизмат қилади. Ўқувчи бошқа ўқишни истамаслигини ҳисобга олиш зарур. [Огилви Д.,2009]. Бу ерда сарлавҳада айтилган нарса ривожлантирилади. Сарлавҳачаларда информациянинг энг муҳим мазмуни – рақамлар, фактлар акс этган бўлиши мумкин. Асосий матн у информацияни тўлиқ камраб олади. Мазмун тижорат руҳида бўлиши даркор ва майда ҳарф билан ёзилади. Асосий матнга 5 та талаб: Бош ғояни таъкидлаш зарур; Товар ўрнини аниқ кўрсатиш лозим; Истеъмолчиларга унинг фойдали эканлиги таъкидлаш керак; Савдо маркасининг номи таъкидланади ва мустаҳкамланади; Матн аниқ ва лўнда ёзилади. Рекламанинг сарлавҳаси “яхши сарлавҳа рекламанинг 75 фоиз муваффақиятини таъминлайди, чунки у диққатни жалб этади, демак эълонни ўқишади. Сарлавҳа лўнда (кўпи билан 7-8 сўз) самарадор бўлиши, шиор каби кўзга ташланиши лозим” [Фарби Э.Д., 2004,123.]

Шу ўринда, реклама структуравий қурилишида турли услубни ёки бошқа оригинал жанрни қўллаш мумкин. Матн 4 та асосий элементдан иборат: Кириш абзаци; Ички абзацлар; Оралиқ коди; Код кабилар. Кириш абзаци ўқувчи қизиқишини товарга бўлган қизиқишга айлантиради; Ички абзацлар товарга бўлган қизиқишни кучайтиради, бунинг учун реклама ҳаққоний бўлиши, ишонч уйғотиши лозим. Оралиқ абзацлар оралиғида буюртма бериш истагини тўлдиришни англатади. Яхши реклама матнида бундай усуллар бир нечта бўлади. Код – реклама эълони сўнггида истеъмолчига мурожаат баён этилган бўлиб, уни қандай

бажариш айтилади. Рекламадаги бу жой, том маънода олганда, товарни сотадиган пунктнинг ўзгинасидир. Код тўғридан-тўғри ёки билвосита яширин таклиф ёки буйруқ тарзида бўлиши мумкин. Вставка (киритма) ва рамкалар... шиорлар... муҳр, логотиплар ва дастхатлар. Бу нуфузли бўлиши бежиз эмас рус стилистикаси бўйича мутахассис Н.Н. Кохтев реклама услубини «сифатида илмий ва амалий интизомни ўрганиш реклама тилида ишлаш услублари, воситалари, композит блоklar, уларнинг самарадорлиги, ишлаш учун самарали фойдаланиш нутқни қабул қилувчига нисбатан ҳаракатлар ва вазифа сифатида ушбу услублардан фойдаланишни ўрганиш билан ажралиб туради турли хил нутқ воситаларининг рекламасида, уларнинг турли хил вариантларни танлаш ва баҳолаш, тақдим этиш реклама олувчига энг катта таъсир кўрсатади. [Н.Н. Кохтев, 1991й.].

Хулоса. Шундай қилиб, улар тегишли бўлиб кўринади, шошилишчи равишда кўплаб масалаларни ҳал қилишни талаб қилмоқда реклама матнини лингвистик таҳлил қилиш (турлари, усуллари, таҳлил усуллари ҳақида, назарий баъзи ва унинг амалий натижалари ва соҳалари илм-фан ва бизнесдаги ушбу натижалардаги ўзгаришлар ва бошқалар). Ушбу масалаларни ҳал қилиш мумкин, тартибга солиш назариясининг асослари (етақчилардан бири матннинг коммуникатив стилистикаси йўналишлари, сифатида тартибга солишни кўриб чиқиш асосида йўлни ақс эттирувчи тизимли матн сифати, матннинг хусусияти, ўқувчига таъсир кўрсатиши, йўналиши ўзининг таржимонлик фаолиятини олиб бориш ва турли хил матнларни дискурс таҳлиллари назарияси коммуникатив ва услубий табиати борасидаги тадқиқотларида ўз фикрларини айтиб ўтишган. Юқоридаги услубият қонуниятларидан келиб чиқиб, Хулоса қилсак, рекламада матн аниқ, сермазмун, қизиқарли, ишонарли, ҳаяжонли, нафис ва эсда қоладиган қилиб ёзилиши керак. Умумий гаплар ҳеч кимда ишонч ҳосил қилмайди. Истеъмолчига аниқ информация зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Болотнова Н.С., Бабенко И.И., Васильева А.А. и др. Коммуникативная стилистика художественного текста: лексическая структура и идиостиль. Томск, 2001.
2. Болотнова Н.С. Филологический анализ текста. Томск, 2006.
3. Баженова Е.А., Протопопова О.В. Язык и стиль рекламы // Стилистический энциклопедический словарь русского языка / Под ред. М.Н. Кожинной. М., 2003.
4. Фещенко Л.Г. Структура рекламного текста. СПб., 2003.
5. Фарби Э.Д. Как создать успешную рекламу. СПб., 2004.–123 с.
6. Фещенко Л.Г. Проблемные вопросы изучения рекламного текста в свете новейшего рекламоведения (полемиические заметки) // Вторая Всероссийская научно-практическая конференция «PR-Универсум 2006»: Сб. мат-лов. Томск, 2006.
7. Максимова В.И., Стилистика и литературное редактирование.– Москва, 2004. –С.158.
8. Медведева Е.В. Рекламная пропаганда, или “почем опиум для народа”//Вестник МГУ. Сер.19.№1. 2003. -С.27.
9. Макаров М.Л. Основы теории дискурса. М., 2003.
10. Кохтев Н.Н. Стилистика рекламы. М., 1991.
11. Красных В.В. Основы психолингвистики и теории коммуникации: Курс лекций. М., 2001.
12. Ученова В.В., Старых Н.В. История рекламы. СПб., 2002.
13. Орлова О.В. Художественный и рекламный текст: принципы регулятивности // Вестник. Томского гос. пед. ун-та. 2006. Вып. 5 (56). Серия: Гуманитарные науки (Филология).
14. Огилви Д. Тайны рекламного двора. 2009. -145 с.
15. Розенталь Д.Э., Кохтев Н.Н. Язык рекламных текстов. М., 1981.
16. www.koob.ru. Разработка и технологии рекламного продукта: Учеб. / Под ред. Л.М. Дмитриевой. М., 2006.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Malikova Iroda

Samarqand davlat chet tillar instituti ingliz tili
nazariyasi va adabiyoti kafedrasini ingliz tili o'qituvchisi

AQSH TOPONIMLARINING LUG'AVIY – MA'NOVIY TURLARI

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-39>

ANNOTATSIYA

Maqolada Amerika toponimiyasi tasnifi masalasiga bag'ishlangan bir qator ishlar tahlil qilingan. Toponimlar, asosan, apellyativlar asosida hosil bo'ladi. Apellyativ leksika atoqli otga qarama-qarshi qo'yiluvchi, atoqli ot yasash uchun lisoniy baza hisoblanuvchi oddiy leksemalar ekanligi qayd qilingan. Toponimikaga doir ko'plab dissertatsiyalarda toponim va uning turlari qay tarzda tasnif qilinganligi masalasi tadqiq qilingan. Toponimlarning shtat nomlari misolida qo'yilishi, antroponimlar asosida yasalishi holati haqida ma'lumotlar berilgan. Toponimlar til birligi bo'lib, u joy nomlarini nomlashdan oldin ham sistemaning asosiy mexanizmi sifatida mavjud bo'lishi, ammo toponimlarga ko'chgandan keyin yangicha nom hosil qilishi ilmiy asoslangan.

Kalit so'zlar: Toponimlar, apellyativ, leksika, atoqli ot, oykonim, geografik nomlar, tog'lar, daralar, suv ob'ektlari, mikrotoponimlar.

Маликова Ирода

преподаватель по английскому языку кафедры
теории английского языка и литературы
Самаркандского государственного
института иностранных языков.

ЛЕКСИКО-СМЫСЛОВЫЕ ТИПЫ ТОПОНИМОВ США

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется ряд работ по классификации американской топонимии. Топонимы обычно формируются на основании обращений. Апелляционная лексика - это простая лексема, в отличие от существительного, которое является лингвистической основой для образования существительного. Во многих диссертациях по топонимии изучалась классификация топонимов и их типы. Информация о состоянии топонимов на примере названий государств, на основе антропонимов. Топонимы - это лингвистические единицы, которые существуют в качестве основного механизма системы еще до наименования географических названий, но с научной точки зрения они образуют новое название после перехода к топонимам.

Ключевые слова: топонимы, наименования, лексика, прозвище, ойконом, географические названия, горы, ущелья, водоемы, микротопонимы.

Malikova Iroda

is teacher of english
language at the department of
english language theory and literature,
Samarkand state Institute of foreign languages

THE LEXICAL-MEANINGFUL TYPES OF THE USA TOPONYMS

ABSTRACT

The article analyzes a number of works on the classification of American toponymy. Toponyms are usually formed on the basis of appeals. Appellate lexicon is said to be a simple lexeme as opposed to a noun, which is the linguistic basis for making a noun. Many dissertations on toponymy have studied the classification of toponyms and their types. There is information about the state of toponyms on the example of state names, on the basis of anthroponyms. Toponyms are linguistic units that exist as the main mechanism of the system even before naming place names, but it is scientifically based to form a new name after moving to toponyms.

Keywords: toponyms, appellation, lexicon, nickname, oikonom, geographical names, mountains, gorges, water bodies, microtoponyms.

Toponimlar, asosan, apellyativlar asosida hosil bo'ladi. Apellyativ leksika atoqli otga qarama-qarshi qo'yiluvchi, atoqli ot yasash uchun lisoniy baza hisoblanuvchi oddiy leksemalardir. Iste'moldan chiqib ketgan yoki kichik bir hududda uchraydigan so'zlar ko'pincha geografik nomlar shaklida saqlanib qolgan bo'ladi.

Amerika toponimiyasi bilan onomastikada toponimlar tasnifi masalasiga bag'ishlangan bir qator ishlar amalga oshirilgan. Toponimikaga doir barcha dissertatsiyalarda toponim va uning turlari tasnif qilingan. Natijada toponimlarning lisoniy tasnifiga doir turli nazariy qarashlar va amaliy talqinlar yuzaga keldi. Xususan, Duckert A.R. [1.21], Gilpin G.H. [2.200], Gudde E.G. [3.495], Matthews C.M. [4. 370], Mixeeva N.F. [5.186], Герознак В.П. [6.516], Martinenko I.A. [7.230], Leonovich O.A. [8.247] larning ishlari e'tiboga molik.

Insonning atrof-muhit, makon bilan muloqoti, eng avvalo, uning yashash muhitiga bo'lgan munosabatida namoyon bo'ladi. Makon manzarasi, tasviri kishi ongida eng e'tiborli nuqtada mujassamlangan holda namoyon bo'ladi. Bu ahamiyatli nuqta muayyan hududning reliefi, shakli, geografik tarkibi, rangi kabi xususiyatlaridan iborat bo'ladi.

Toponimlarni, jumladan, oykonimlarni tizimli tadqiq qilish nafaqat joy nomlarining kelib chiqishi, balki ushbu hududda yashovchi xalqlarning tili, tarixi, etnografiyasi, turmush tarzi, urf-odatlarini, milliy qadriyatlarini, kasb-kori kabi bir qator masalalarni oydinlashtirish imkonini beradi. Toponimlarda milliy qadriyatlarini, urf-odat, rasm-rusumlarni ifoda etadigan qator birliklar mavjudki, ularni lingvokulturologik tushuncha sifatida baholash mumkin.

Geografik nomlar ham aslida so'zlardir. Bu so'zlar tilshunoslikda so'z, toponim sifatida, geografiyada geografik obyekt nomi sifatida tushuncha ifodalaydi. Shuning uchun ham toponimiya bilan shug'ullanuvchi kishi tilshunoslikdan ham, geografiyadan ham xabardor bo'lishi shart, chunki toponimlar o'simlik nomlari, tog'ning nomi, soy, hayvon nomlari, kishi nomlari va boshqa birliklar bilan ifodalanadi. Shu bilan birga joylarga nom berilganda o'ziga xos milliy-madaniy xususiyatlar ham e'tiborga olinadi.

Tog'lar, daralar, suv obyektlari nomlari tasodifiy hosil bo'lgan bo'lmagan, balki necha yillik kuzatuvlar asosida, geografik qonuniyatlarning ustuvorligi natijasida kelib chiqqan nomlardir. Joy nomlarini sinchiklab o'rganishda analogik holatlar kuzatilishi mumkin.

Toponimiya, ya'ni joy nomlari majmui tilning boshqa leksik qatlamlaridan o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Toponimlarning yashovchanligi, ko'p komponentlilik, bir necha tarkibiy qismlardan iborat bo'lishi, tilning ichki qonuniyatlariga ko'ra ularning yasashida apellyativlarning ishtirok etishi muhim belgilardir. Toponimlarni yasashda shu til uchun xos bo'lgan lisoniy vositalardan

foydalaniladi. Shu bilan birgalikda har bir tilda toponim yasovchi o'ziga xos vositalar paydo bo'ladi, ya'ni muayyan suffikslar va so'zlar faqat toponimlar yaratishga ixtisoslashib qoladi.

Toponimlar jamiyatning iqtisodiy-siyosiy hayotidagi o'zgarishlar natijasida yangilanib borgan. Bu hududdagi joy nomlarini o'rganishda toponimik metod va usullardan, yozma va og'zaki manbalardan, faktik materiallardan, etnografik ma'lumotlar, lug'atlardan o'rinli foydalandik.

Bilish murakkab dialektik jarayondir. Bu jarayon toponimlarni o'rganishda ham namoyon bo'ladi. Jonli muloqotdan abstrakt tafakkurga va undan amaliyotga o'tish orqali toponimlar genezisi, shakllanish omillari tahlil qilindi.

Toponimik materiallarni to'plashda, o'rganishda, aholidan so'rash usulidan ham foydalanildi. Bunday usul bilan eng chekkadagi daralar, kichik soy va anhorlar, jarliklar, tog'lar, tepaliklar, ko'llar miqdori, ularning nomlanish sabablari o'rganildi.

Geografik nomlar uzoq tarixga ega, shuning uchun ham ma'lum hududdagi u yoki bu xalqning tili uning tarixi haqida ham guvohlik beradi. Jizzax toponimlarini tahlil qilishda o'rganilayotgan joyning tabiati, urug', qabila, elatning yashash tarzi, madaniyati, dunyoqarashi, urf-odat, an'analari e'tibor qaratildi. Toponimlarning ma'nolarini aniqlashda o'sha joyning geografik holati, tarixiy manbalar asosida tahliliy o'rganish, ya'ni joy nomlarini shu o'lkada yashovchi aholining tarixi, madaniyati bilan bog'liqligini yoritish mental xususiyatlarni ajratishda muhim o'rin tutadi.

Toponimlarni qiyosiy-tarixiy usulda o'rganish, tadqiq qilish muhimdir. Har bir hodisani tilning tabiati, talabi bilan bog'liq holda, til sohibining qiziqishlari, dunyoqarashi, qadriyatlarini negizida o'rganish dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi.

AQSH shtatlari nomlari ham turli tillardan olinganligi bilan xarakterlidir. Amerikada 51 shtat bo'lib, ayniqsa ispancha, lotincha, fransuzcha nomlarning ko'pligi ma'lum bo'ldi. Biz quyida shtatlar nomlarini qiyoslash imkoniyati tug'ilishi uchun jadvalga solib berishga harakat qildik.

1-Jadval. AQSH shtatlari nomlari.

English name	O'zbekcha nomi	English name	O'zbekcha nomi
Alabama	Alabama	Montana	Montana
Alaska	Alyaska	Nebraska	Nebraska
Arizona	Arizona	Nevada	Nevada
Arkansas	Arkanzas	New Hampshire	Nyu-Gempshir
California	Kaliforniya	New Jersey	Nyu-Djersi
Colorado	Kolorado	New Mexico	Nyu-Meksiko
Connecticut	Konnektikut	New York	Nyu-York
Delaware	Delaver	North Carolina	Severnaya Karolina
District of Columbia	Kolumbiya okrugi	North Dakota	Shimoliy Dakota
Florida	Florida	Ohio	Ogayo
Georgia	Djordjiya	Oklahoma	Oklaxoma
Hawaii	Gavayi	Oregon	Oregon
Idaho	Aydaxo	Pennsylvania	Pensilvaniya
Illinois	Illinoys	Rhode Island	Rod-Aylend
Indiana	Indiana	South Carolina	Yujnaya Karolina
Iowa	Ayova	South Dakota	Yujnaya Dakota
Kansas	Kanzas	Tennessee	Tennesi
Kentucky	Kentukki	Texas	Texas
Louisiana	Luiziana	Utah	Yuta
Maine	Men	Vermont	Vermont
Maryland	Merilend	Virginia	Virdjiniya
Massachusetts	Massachusets	Washington	Vashington
Michigan	Michigan	West Virginia	G'arbiy Virdjiniya
Minnesota	Minnesota	Wisconsin	Viskonsin
Mississippi	Missisipi	Wyoming	Vayoming
Missouri	Missuri		

Amerika Qo'shma Shtatlari bo'ylab tarqalgan boshqa tillardan o'zlashgan joy nomlariga: nemischa (Harrisberg / Garrisberg, Andreas / Andreas, Baden / Baden, Bressler / Bressler, Enhout / Enhaut, Oberlin / Oberlin), Gollandcha (Amsterdam / Amsterdam, Spuyten Duyvil / Spuyten Duyvil, Staten oroli / Staten oroli), Koney-Aylend / Van Buren), Fincha (Lepland / Laplandiya, Finlar-Poynt / Finns-Poynt, Mullika / Mullica) kabi joy nomlarini ko'rsatish mumkin.

Amerika kashf qilingandan keyin, yangi dunyoga nom qo'yuvchilar faqatgina noma'lum hududlarga rahbarlik qilishmagan. Ular juda puxta o'ylab nomlarni qo'ygan. Yangi dunyo tadqiqotchilari nomlarni puxtalik bilan tanlaganini sezamiz, ko'pincha ular nomlarda odat va g'oyalarni ifodalashga harakat qilgan [9. 163].

Buni quyidagi misollarda ko'rishimiz mumkin: Axilles (Virjiniya), Ajax (Janubiy Dakota), Apollon (Pensilvaniya), Argo (Texas), Atlantik Bich (Florida), Atlanta (Jorjiya, Aydaho, Illinois, Indiana, Kanzas, Luiziana, Michigan, Missuri, AQSh), Nebraska (Nyu-York, Texas), Atlantika (Ayova, Shimoliy Karolina, Pensilvaniya, Virjiniya), Atlas (Kanzas, Michigan), Atlantik Siti (Nyu-Jersi), Atlantik Bich (Nyu-York, Shimoliy Karolina), Atlasburg (Pensilvaniya), Kalipso (Shimoliy Karolina), Clio (Alabama, Kaliforniya, Ayova, Michigan, Janubiy Karolina, G'arbiy Virjiniya), Klyo (Jorjiya), Korinf (Kentukki, Missisipi, Nyu-York, Texas, Vermont), Krit (Illinoys, Nebraska), Gektor (Arkanzas, Kaliforniya, Nyu-York), Xomer (Alyaska, Jorjiya, Illinois, Indiana, Luiziana, Nebraska, Nyu-York, Ogayo), Xomervil (Jorjiya), Sharqiy Gomer (Nyu-York), Xomervil (Ogayo shtati), Itaka (Nebraska, Yangi York, Ogayo shtati, Parfenon (Arkanzas), Eros (Luiziana, Arizona), Gerkules (Kaliforniya), Rodos (Ayova), Tibes (Illinoys), Phoenix (Arizona, Merilend, Nyu-York, Oregon, Virjiniya), Feniksvill (Pensilvaniya).

Joy nomlari, xususan, mikrotoponimlar ichida antropotoponimlar, ya'ni kishilarning ismi, familiyasi hamda laqablari bilan ataladigan toponimlar son jihatidan etnotoponimlardan keyingi o'rinda turadi.

Shaxslar nomini joylarga qo'yish katta tarixiy tajribani talab etib, unda shaxsning kelib chiqishi, ta'lim-tarbiya, ijtimoiy-iqtisodiy, moddiy-ma'naviy, harbiy-siyosiy, jamiyat taraqqiyotida tutgan o'rni, aql-tafakkuri, Vatan va mahalliy hudud rivojiga qo'shgan hissasi alohida o'rin tutadi. Shaxs ismi bilan yuritiladigan toponimlar, ya'ni antropotoponimlar mashhur shaxslar, millatning taniqli ijodkorlari, buyuk mutafakkirlar yoki shu hudud aholisining ijtimoiy-siyosiy, madaniy hayotida muhim o'rin tutgan shaxslar nomiga qo'yiladi.

Antropotoponimlardan hosil qilingan toponimlar shaxsning joy (obyekt) bilan aloqadorligi, bog'liqligi asosida vujudga keladi.

Amerika toponimik areali bo'yicha to'plangan antropotoponimlarni qanday obyektga ifodalashiga ko'ra quyidagi besh guruhga bo'lish mumkin:

- 1) antropooykonimlar;
- 2) antropogidronimlar;
- 3) antropooronimlar;
- 4) antroponekronimlar;
- 5) antropoagronimlar.

Antropooykonimlar shaxs otlari bilan ataluvchi tuman, shahar, qishloq, ko'cha nomlaridir. Antropogidronimlar – kishi nomlaridan hosil qilingan suv obyekti nomlari. Manbalarda kanal, ariq, soy, buloq, quduq, hovuz, ko'l, jilg'a, to'g'on, koriz, kechuv, orol, zovur, sardoba, anhor nomlarining shaxs ismlari bilan nomlangani kuzatiladi.

Antropooronimlar kishi ismlaridan hosil qilingan dovon, tog', tepa, cho'qqi, g'or, dara, qoya, qir, o'r nomlaridir.

Keltirilgan antropotoponimlarning har biri nomlanish tarixi, motivi va lug'aviy asosiga ega. Shaxslar nomini qo'yishda quyidagilarni ko'zda tutish maqsadga muvofiqdir:

1. Geografik joy nomlariga shaxslar nomi istisno tariqasida beriladi.
2. Shaxs nomini joy nomiga qo'yishda yetarli darajada tavsiyalar ishlab chiqilib, tarixiy-ijtimoiy jihatdan asoslanmog'i kerak.

3. Davlat ahamiyatiga ega bo'lmagan mayda ishlab chiqarish korxonalari, firmalar, fermerlar, savdo do'konlari, kichik jamiyatlar xalqning buyuk siymolari, jahonga mashhur shaxslar nomi bilan atalmasligi lozim.

4. Shaxs nomi joylarga uning vafotidan keyin kamida 5 yil o'tgach yoki shaxsning obro'-e'tibori kamida chorak asrlig muddatga bardosh bergandagina qo'yilishi mumkin. Bunga Vatan, ozodlik va mustaqillikni ta'minlashda jasorat namunasini ko'rsatgan milliy qahramonlar, sarkardalar, davlat arboblari, buyuk siymolar, allomalar, fan-madaniyat arboblari, mashhur olimlar, xalq manfaati, Vatan obodligi yo'lida fidokorona mehnat qilganlarni kiritish mumkin.

Kolumb tomonidan Amerika kashf etilgandan keyin, uning sharafiga paydo bo'lgan joy nomlari Amerika toponimiyasining o'ziga xos xususiyatlaridan biri hisoblanadi. Bu antropotoponimlarning geografik nomlar uchun keng qo'llanilishi odat tusiga aylangan. O'rta asrlarda Yevropada Amerikaning mavjudligi 1492 yilda, Kristofer Kolumb G'arbiy Hindiston orollariga tashrif buyurganidan keyin va 1493 yilda ikkinchi safarida shaxsan AQShga tegishli bo'lgan Puerto-Riko oroliga shaxsan kelib qo'ngandan keyin ma'lum bo'ldi. 1791 yilda kashfiyotchi sharafiga, shtat deb hisoblangan butun tuman Kolumbiya deb nomlandi. Bundan tashqari, Qo'shma Shtatlarda Tinch okeaniga oqadigan suv deb nomlanuvchi daryo (Kolumbiya daryosi) deb ataldi. Daryoning og'zi 1792 yilda Amerika kashfiyotchisi Robert Grey tomonidan Kolumbiya kemasida ochilgan bo'lib, uning sharafiga bu daryoga ham Kolumbiya nomi berilgan. Oregon shtatida Kolumbiya nomli keng platosi joylashgan.

AQSh shtatlarining deyarli yarmida Kolumbiya yoki Kolumbus nomli joy nomlari bor. Buni biz quyidagi jadvalda ifodalaymiz.

2-jadval.

Toponim	Kolumbiya	Kolumbus
Shtatlari	Merilend	Arkanzas
	Alabama	Illinoys
	Konnektikut	Indiana
	Illinois	Kanzas
	Tennessi	Shimoliy Karolina
	Pensilvaniya	Ogayo
	Kentukki	Texas
	Luiziana	Pensilvaniya
	Virjiniya	
	Janubiy Dakota	
	Missisipi	
	Nyu-Jersi	
	Janubiy Karolina	

AQSh hududidagi eng ko'p aholi yashaydigan joy, geografik nomlar, toponimlar Kolumbiya Kolumbus nomi bilan ataladi. Kolumbiya (Missuri), Kolumbiya (Merilend), Kolumbiya (Pensilvaniya) va Kolumbiya (Tennessi). Ushbu toponimlardan biri dengizchi nomining ispancha versiyasini takrorlaydi. Shuningdek, bu doirada Christofor (Texas) toponimik birligi kabi H.Columbus familiyasining tarkibiy qismlarini qo'shishdan ko'plab qo'shma toponimlar ham hosil bo'lgan. Nyu-Yorkdagi eng katta universitet Kolumbiya universiteti deb nomlanadi.

Til hamisha soddalikka intiladi, soddalikni sevadi. Murakkablikdan qochadi. Shu sabab ham shtat nomlarini to'liq aytish o'rniga qisqartirib aytish rasmga kirgan. Qisqartirib aytish qulay, bo'lgani uchun shtat nomlari ellipsis holatda quyidagicha aytiladi.

3-jadval. AQSH shtat nomlarining qisqartmasi.

AL – Alabama	KS – Kansas	NV – Nevada	RI – Rhode Island
AR – Arkansas	KY – Kentucky	NH – New Hampshire	SC – South Carolina
CA – California	LA – Louisiana	NJ – New Jersey	SD – South Dakota
CO – Colorado	ME – Maine	NM – New Mexico	TN – Tennessee
CT – Connecticut	MA – Massachusetts	NY – New York	TX – Texas
DE – Delaware	MI – Michigan	NC – North Carolina	UT – Utah

FL – Florida	MN – Minnesota	ND – North Dakota	VT – Vermont
GA – Georgia	MS – Mississippi	OH – Ohio	VA – Virginia
ID – Idaho	MO – Missouri	OK – Oklahoma	WA – Washington
IL – Illinois	MT – Montana	OR – Oregon	WV – West Virginia
IA – Iowa	NE – Nebraska	PA – Pennsylvania	WI – Wisconsin
			DC – District of Columbia

AQShdagi ingliz-ispán qo‘shma joy nomlarining asosiy qismi ingliz komponentlari ishtirokida shakllangan: Creek - "park", Canyon - "kanyon", Mountain - "tog", Beach – plyaj, Peak – "Cho‘qqi", Valley - "vodiy", Springs - "buloq", River - "daryo". Toponimning tarkibiy qismida qatnashgan ispancha so‘zlar tabiatning boyligini ham aks ettiradi. Toponimga birinchi bor nom berayotgan davrda tarixiy ahamiyatga ega bo‘lgan odamlarning ismlari hisobga olinadi. Masalan: El Cerro Monterey Park, San Carlos Park, Buena Park, Villa Park, Moreno Valley, Amargosa Valley, Pismo Beach, Redondo Beach, Hermosa Beach, Solana Beach, Oro Valley, Allegros Mountains, Big Burro Mountains, Little Burro Mountains, Orejas Mountain, Pelado Mountain, Sangre de Cristo Mountains, Coyote Canyon, Animas Peak, Burro Peak, Cebolleta Peak, Alamo Peak, Gallinas Peak, Manzano Peak, Tres Orejas Peaks, Blanca Peak, Andrecito Creek, Manzanito Creek, Mangas Creek, Maquina Creek, Quien Sabe Creek, Sabado Creek, Macho Creek, Bonita Springs, Santa Fe Springs, Pagosa Springs, Poncha Springs, Lisboa Springs, Moreno River, Alamosa River, Ruidoso River, Hondo River, Jemez River, Puerco River (River Puerco), Seco River va boshq.

Amerikalik hindularning tillari o‘zlarining majoziy va metaforik manbalarida, shuningdek toponimik nomlarda aks ettirilgan bo‘lib juda xilma-xildir. Tub amerikaliklar tillarining hozirgi holati Yevropa mustamlakasi va keyinchalik ko‘p bo‘lmagan tub joy kishilarining tillari sifatida rivojlandi. Shunga qaramay, hozirgi sharoitda mustamlakadan oldingi davrda yuzaga kelgan ijtimoiy va demografik vaziyatning holati aniq ko‘rinib turibdi. Amerika Qo‘shma Shtatlarining toponimik xaritasi ushbu mamlakatning davlat hududini shakllantirish bilan bir vaqtda shakllandi. Shuning uchun, Yevropacha nomlangan nomlar qatlamiga kelsak, u, birinchi navbatda, ingliz, ispan va frantsuz tillari elementlaridan tashkil topgan. XVI asrda yangi yerlar to‘g‘risida ma‘lumotlar to‘planib bo‘lindi, hujjatli manbalar ko‘plab Yevropa tillariga tarjima qilindi. Ispaniya kashshoflarining chuqur ta‘siriga qaramay, AQShning Yevropacha nomlangan toponimiyasining asosiy qismi inglizcha nomlardir. Tog‘lar, daralar, suv obyektlari nomlari tasodifiy hosil bo‘lgan bo‘lmagan, balki necha yillik kuzatuvlar asosida, geografik qonuniyatlarning ustuvorligi natijasida kelib chiqqan nomlardir.

Ularni zamonaviy ingliz tilining leksikosemantik manbalaridan osongina bilib olish mumkin: Blue Mountains - "moviy tog‘lar" Beaver Creek - "go‘zal oqim" Rock Springs - "toshli oqim" White River - "oq daryo" va boshqalar Ispancha nomlar AQShning janubi-g‘arbiy qismi va Floridada joylashgan. S.N.Basikning so‘zlariga ko‘ra, bu yerda Ispancha nomlar juda ko‘p. Masalan, Arizona va Kaliforniya shtatlarida 50% gacha toponimlar ispancha [10.191]. Ispancha toponimlar bu yerda Meksikaning Yevropa qismi toponimiyasiga o‘xshaydi. Ko‘p toponimlar diniy tushuncha nomi va tabiiy tuzilishga ko‘ra atalgan joy nomlarini tashkil qiladi. Masalan Florida - "gullaydi", Los-Anjeles - "farishtalar", Santa-Monika, San-Diego, San-Antonio, Santa-Barbara, Sakramento - "muqaddas", Sangre De Xristo - "Masihning qoni", Santa-Fe - "muqaddas imon"; Kolorado - "bo‘yalgan", Rio Grande - "katta daryo", El-Paso - "o‘tish joyi", Alamo Gordo - "qalin eman" va boshqa nomlar fikrimiz dalili bo‘la oladi. Frantsuzcha nomlar asosan AQShning janubida - Luiziana shtatida ko‘p uchraydi. Misol sifatida Nyu-Orlean / Nyu-Orlean, Baton-Ruj / Baton-Ruj, Dupont / Dupont, Belle Fuj / Belle Fursch, Sharlot / Charlotte, Lafayette / Lafayett kabi frantsuzcha nomlarni keltirishimiz mumkin. Ularning aksariyati frantsuz qiroli Lui XIV nomi bilan bog‘liq. Luiziana / Luiziana shtatining nomi, xaritada biz shuningdek, Luisvil / Luisvilning bir nechta shaharlarini, ya‘ni "Lui shaharlari", Sent-Luis / Sent-Luis va boshqalarni ko‘ramiz. Vermont shtati nomi ham frantsuzcha bo‘lib «yashil tog‘» demakdir.

Tabiiy-geografik toponimlar ob'ektning tabiati, o'simlik, hayvonot dunyosi va relef xususiyatlari motivatsiyasi asosida hosil qilinadi. Toponimlarning bu turi ham, albatta, xalqning kuzatishlari, qarashlari, tajribasi natijasida yuzaga keladi.

Tabiiy-geografik toponimlar o'zi ifodalayotgan hududning tabiati, iqlimi, nabotot va hayvonot olami, joylashish o'rni, relf tuzilishiga doir boy ma'lumotlarni tashishi bilan tilshunoslik fanidan tashqari tarix, geografiya, o'lkashunoslik, botanika, zoologiya, geologiya fanlari uchun ham muhim ilmiy va amaliy ahamiyatga ega.


Foydalangan adabiyotlar:

1. Duckert A.R. Place nicknames // Names, September 1973. Vol. 21.
2. Gilpin G. H. Street-Names in San Antonio: Signposts to History // Names 18 (1970) – p. 191-200.
3. Gudde E.G. California Place Names. The Origin and Etymology of Current Geographical Names. Fourth edition, revised and enlarged by W.Bright. University of California Press, 1998. 495 p.
4. Matthews C. M. Place names of the English-speaking world. NY: Scribner, 1972. 370 p.
5. Михеева Н.Ф. Испанский язык на территории юго-западных штатов Америки: Монография.М.: Изд-во РУДН, 2002 г. 186 с.
6. Нерознак В.П. Топонимика: Лингвистический энциклопедический словарь. М.:Советская энциклопедия, 1990. С. 515-516.
7. Мартыненко И.А. Испаноязычные топонимации США: лингвопрагматический анализ Дисс...канд. филол. н. М., 2015. 230 с.
8. Леонович О.А. Топонимы США. М.: Высшая школа, 2004. 247 с.
9. Matthews C. M. Place names of the English-speaking world. NY: Scribner, 1972. 163 p.
10. Басик С. Н., Шафран В. В. В мире географических названий материков северного полушария. Минск: Народная асвета, 2000. 191 с.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Исраилова Сайёра Ташпулот кизи
Ўз.ДЖТУ, мустақил тадқиқотчиси

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-40>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тилшуносликда халқ эртаклари ва унинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш масаласи замонавий илм-фанда етарлича тадқиқ этилмаганлиги, кўпгина олимларимизнинг фольклор саънатининг ажойиб жанри бўлган эртақ хақидаги таснифлари, эртакларини ўрганишнинг лингвокультурологик хусусиятлари масалаларига боғлиқ муаммолари, миллатнинг бадий жиҳатдан тараққий топиш жараёнини босқичлари ва унда эртақнинг тутган ўрни хақида баён қилинади. Эртақлар фольклор жанр бўлиб, қадим замонлардан то ҳозирги кунгача бўлган хронологик давр мобайнида асрлар аро халқларни маданият занжири орқали боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилади.

Таянч сўзлар: лингвокультурология, эртақ, мифология, тилшунослик, фольклор, лингвистика.

Исраилова Сайёра Ташпулот кизи
Соискатель, Уз.ГУМЯ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы изучения народных сказок и их лингвистических особенностей в языкознании, недостаток исследований в современной науке, классификации многих наших ученых по сказкам, великому жанру народного творчества, проблемам лингвокультурологических особенностей сказок, этапам художественного развития нации и роль сказки внем.

Сказки - это фольклорный жанр, творческий и образный продукт человечества который служит мостом между веками народов через цепочку культур на протяжении хронологического периода от древних времен до наших дней.

Ключевые слова: лингвокультурология, сказка, мифология, языкознание, лингвистика, фольклор

Israilova Sayyora Tashpulotovna
UzSWLU, researcher

ANNOTATION

The article deals with the study of folk tales and their linguistic features in linguistics, the lack of research in modern science, the classification of many of our scientists according to fairy tales, the

great genre of folk art, the problems of linguacultural features of fairy tales, stages of the artistic development of the nation and the role of the fairy tale outside.

Fairy tales are a folklore genre, a creative and imaginative product of humanity that serves as a bridge between centuries of peoples through a chain of cultures throughout the chronological period from ancient times to the present day.

Key words: cultural linguistics, fairy tale, mythology, linguistics, a folklore genre

Эртақ ва унинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш масаласи замонавий илм-фанда ханузгача етарлича тадқиқ этилмаганлиги боис фольклор саънатининг ажойиб жанри бўлган эртақ таснифи ҳамон катта қийинчиликларни юзага келтиради. “Келиб чиқишига кўра адабиёт мифология ҳамда фольклор билан узвий боғлиқ ҳисобланади.” – дея қайд этади Э.М. Мелетинский ўзининг “Мумтоз миф турлари” номли асарида [1]. Фольклор қадим замонлардан то ҳозирги кунгача бўлган хронологик давр мобайнида асрлар аро халқларни маданият занжири орқали боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилади.

Ибтидоий жамоа тузуми даврида илдииз отган, энг қадимий образлар ва мотивларни ўзида сақлаб қолган эртақлар ҳар бир даврда янги мазмун билан бойитилиб, доимо замон ва маконга монанд аҳамият касб этишга қодир саналади. Сехргарлик эртақлари кўп киррали бўлиб, сиртдан улар содда, мураккаб эмасдек туюлади, аммо эртақларда чуқур ва яширин ички тузилиш мавжуддир. Эртақларда энг қадимий жамоа тузуми даври, ўша даврдаги эътиқод ва урф-одатлар акс этганлиги боис, эртақларнинг келиб чиқиш тарихига чуқурроқ кириб борганимиз сари, инсоният тарихига теранроқ назар ташлаймиз. Эртақлар орқали инсоният тафаккури қай тарзда шаклланиб, ривожланганлигини ўрганишимиз мумкин.

Эртақ сўзи дастлаб XVII асрда лирик фантастика билан тавсифланадиган оғзаки ижод намуналарини билдирувчи атама сифатида учрайди. XIX аср ўрталарига қадар эртақлар фақатгина жамиятнинг қуйи қатламларига ва болаларга муносиб “бир кўнгил очар асар” сифатида кўрилган.

Умуман олганда, замонавий тилшуносликда “эртақ” тушунчаси ҳали тўлиқ ўрганилмаган, чунки улар асосан жанр (адабий жанр) нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Шунинг эса тутиш керакки, эртақ — бу инглиз миллатини рус ёки америкаликдан бетакрор тарзда ажратиб турадиган инсониятнинг ижодий ёхуд хаёлот маҳсулидир.

Мифологик мактаб аъзолари ўз тадқиқотлари давомида биринчи навбатда таниқли немис олимлари ака-ука Вилгельм ва Якоб Гриммларнинг таълимотларига таянишади. Гриммлар таълимоти “Немис мифологияси” [2] китобида акс этган бўлиб, ушбу таълимот асосида афсоналар ибтидоий фикрлаш тарзидан бошқа нарса эмас деган ғоя ётади. Мифлар, ака-ука Гриммлар таъкидлаганидек, дунёнинг инсон томонидан табиий равишда акс эттирилишидир.

Ўша даврдаги мифологик таълимотда икки назария – инглиз филологи М. Мюллернинг “соляр назарияси” ҳамда немис олими А. Куннинг “метереологик назарияси” устун ҳисобланган. Улар ибтидоий одам, яъни шахсни ёхуд куёш, юлдузлар ва турли табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириши билан фарқ қилар эди. Табиий омиллар ҳисобланган куёш, юлдузлар, шамол, бўрон, чакмоқ, момақалди роқ ва шу қабила бутун Ер сайёрасига хос бўлиб, унинг ҳар бир бурчагида ўзини турли йўсинда намоён қилади. Бу иккисини таққослаш орқали турли халқларга хос бўлган табиат ва атрофдаги олам ҳақидаги қарашларида намоён бўлган миллий-маданий хусусиятларининг пайдо бўлиши — сабаблар назарияси учун асос бўлди.

Россия мифологик мактабининг энг йирик вакилларида бири бўлган Ф.И. Буслаев таълимотининг асосини тил ва миф (афсона), тил ва умумхалқ анъаналарининг ажралмаслиги ғояси ташкил қилади. Ф.И. Бусаев, ўз навбатида, ҳар бир миллатнинг бадиий жиҳатдан тараққий топиш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлиб чиқди.

1. Биринчи босқичда мифология ҳар қандай индивидуал фантазияни йўққа чиқарди ва ўзига бўйсундирди. Лирик бойлик бутун бир миллатга, халққа тегишли эди. Мифологик дostonларнинг гуллаб-яшнаши айни шу даврга тўғри келади.

2. Инсоният цивилизациясидаги иккинчи босқич, ҳар бир инсон ўзини яратувчи сифатида англай бошлаганда, турли объект, ҳодиса ва ҳаракатларни яратувчи номаълум кучлар билан бир қаторда одамлар ўзларининг ҳаётидаги воқеалар асосида афсоналарнинг пайдо бўлиши даврига тўғри келади. Халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамонлик дostonлари ушбу даврни акс эттиради.

3. Эволюциянинг учинчи босқичида инсон турли табиат кучларига бўйсунганини ҳамда мифологик қаҳрамонлар ёхуд худоларга сизинишни тўхтатади. Ушбу жараён эса мифологик афсоналарда акс этади.

4. Эволюциянинг тўртинчи босқичи қаҳрамонлик дostonларининг парчаланишига ва ундан эртақ жанрининг ажралиб чиқишига олиб келди [3].

Ф.И. Буслаев нуқтаи назаридан, мифология инсонлар дунёқарашининг асосини, миллий ва маънавий ўзига хослигини белгилайди. Фольклор асарларни ўрганишнинг бундай ёндашувида бошқа халқлар ғояларини, бадиий образларини, асар сюжетларини ўзлаштириш омиллари ҳисобга олинмаган эди. Шу сабабли, кейинчалик миллий адабиётни шакллантиришда ўзлаштириш омили сезиларли роль ўйнайдиган илмий изланишлар даври юзага кела бошлади.

Бу даврда мифологик таълимот эвфимизм назарияси билан тўлдирилди, унга кўра, худолар инсон томонидан турли хил ғойибона кучлар ва табиат ҳодисаларининг эмас, балки инсонлар орасида таниқли бўлган одамларнинг ўзлари илоҳийлаштирилиши натижасида пайдо бўлган. Дунёнинг турли халқлари фольклорини ўрганиш натижасида тўпланган материалларни умумлаштириб, олимлар бутун инсониятга хос бўлган мантиқ ва психология қонунлари, кундалик ҳаётда ва оилада содир бўладиган ҳодисалар, маданий урф-одатлари халқ оғзаки ижодида ҳам худди шу тарзда акс эттирилиши керак деган хулосага келишди. Сюжетларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиш назарияси ёки антропологик назария шу тарзда пайдо бўлди. [4].

Бир мифологик мактаб ичидаги турли хил назариялар, ушбу назарияларнинг барчасидан фойдаланиши ва уларни ўзаро бирлаштириши мумкин бўлган методни талаб қилди. Бу усул тилшуносликда дастлаб қўлланилган фольклор асарларни қиёсий тарихий ўрганиш принципи бўлиб, қиёсий мифология мактабини фольклор асарларни ўрганишда қиёсий тарихий методни қўллаган олимлар шакллантирди.

Ушбу мактаб вакиллари қуйидаги жиҳатлар устида изланишлар олиб борди:

- афсонанинг моҳияти ва унинг тарихий аҳамияти;
- афсонанинг келиб чиқиши ва уни ўрганиш методлари;
- қадимий мифологик тушунчаларнинг моҳияти.

Ф.И. Афанасьевнинг фикрига кўра, инсониятнинг цивилизациягача бўлган давридаги уни ўраб турувчи ҳаёт ҳақиқатларини тушуниш ҳамда тушунтиришнинг универсал шакли бўлган афсоналар инсонлар томонидан ҳақиқатда мавжуд бўлган тарихий ҳодисаларни акс эттиришда қўлланилган. Натижада, афсона ва тарих ҳақиқати бирлашиб, бўрттирилган поетик образларни юзага келтиради: “Тарихий ҳаёт бошқа барча халқлар сингари славянлар орасида ҳам қадимий афсонавий мифларга ўз таъсирини кўрсатади”.

Халқ хотирасида сақланиб авлоддан авлодга ўтиб келаётган эпик турдаги афсоналар реал ҳаётдан маълум бир ўзига хос хусусиятларни ўзлаштиради ва уларни қадимий воқеа билан уйғунлаштиради, афсона ўз қаҳрамонларини оддий руҳлар ўрнига татарлар ва бошқа кўчманчилар гуруҳларига қарши курашишга мажбур қилади; баҳор момақалди роқлари вакили сифатида бир улуғвор рицар ёки “Қазақлар озодлиги” тимсоли тақдим этилган” [5].

Афанасьевнинг фикрига кўра, “эпик кўшиқларни, яъни дostonларни ўрганиш, тадқиқотчилар таққослаш услубига риоя қилинган тақдирдагина қатъий хулосаларга олиб келади, улар турли ёдгорликлар ва халқ афсоналари билан уларнинг қўшлаб нусхаларини батафсил ўрганиб, сўнгги хулосаларни аниқлайдилар, тарихий ўзгаришларни олиб ташлайдилар ва афсонанинг энг қадимги асл матнини тиклайдилар” [5]

Лекин айнан шу жараёни қиёсий-тарихий метод вакиллариининг ёндашувидаги муҳим камчиликлардан бири деб ҳисоблаш мумкин, чунки улар у ёки бу халқ оғзаки

ижодининг ҳар қандай жанри, сюжети, қаҳрамони учун “афсонавий” аналогни топишга интилдилар. Шунга қарамай, ишонч билан айтиш мумкинки, мифологик мактаб халқ оғзаки ижодининг улкан қатламларини яратди, бошқа адабий мактабларнинг шаклланишига туртки берди.

Маданий-тарихий мактабда эса машҳур француз олими Ипполит Тейннинг услубига асосланиб, адабиётга фақат халқ тараққиётини, унинг характерини акс эттирган асарлар киритилган. Адабиётни халқларнинг тарихий ҳаёти ва ривожланишининг акси сифатида тушуниш маданий-тарихий мактабнинг энг муҳим хусусиятларидандир.

Рус адабиёти тарихи, адабий танқид методологияси, славян халқлари адабиёти, палеография, этнография, фольклоршунослик, рус тарихи каби турли йўналишлар бўйича бир қатор илмий ишлар муаллифи А.Н. Пипин адабиёт ва ҳаёт ҳақиқати ўртасидаги узвий боғлиқлик мавжудлиги ҳақида таъкидлади. У эртақнинг этник хусусияти тўғрисида шундай ёзган эди: “Мукамал рассомни, қабила ва ижтимоий муносабатлардан айро шахс сифатида тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ҳар қандай адабиёт маълум “миллат”, яъни ижтимоий хусусиятларини ва идеалларини ўзида мужассам этади... Бусиз адабиёт ўлик бўлиб, ҳеч кимда қизиқиш уйғотмайди” [6].

А.Н. Пипинни, энг аввало, адабий ҳодисаларнинг тарихий аҳамияти қизиқтирар эди, улар орқасида кимнингдир ҳаёлотдаги фантазия ва мавҳумликнинг тасодифий натижаларини эмас, балки ҳаётини ҳақиқатларни кўрарди. А.Н. Пипин тарихий-адабий тадқиқотлар кўламини кенгайтди, қадимги рус апокрифик адабиёти, қадимий рус эртақлари ва ҳикоялари каби тадқиқотнинг янги йўналишларини бошлаб берди.

Бундан ташқари, А.Н. Пипин ўз тадқиқотида адабий тараққиётнинг изчиллиги ва узлуксизлигини талаб қилди, унда “янги ҳодиса одатда узоқ вақт давомида тайёрланиб, ўзини фақат аҳамиятсиз белгиларда намоеён қилади, бу фақат маълум бир пишиб етиш давридан кейин фаол кучга айланади: бир давр фактлари аллақачон тайёрланмоқда ва бу охиргиси, бошқа томондан, аввалгисининг фактлари ҳаётда давом этмоқда”

А.Н. Веселовский илгари сурган назарияда, санъат жамиятнинг доимо ўзгариб турувчи тарихий воқеликларининг акси сифатида тушунилган. А. Веселовский ака-ука Гриммлар назариясидан келиб чиқиб, халқ оғзаки ижоди ва мифологиясига асл бадий асарлар, “шоҳ асарлар” сифатида қарайди. Веселовскийнинг фольклоршуносликни ўрганиш йўлидаги биринчи илмий изланишлари унинг “Соломон ва Китоврас ҳақида Славян эртақлари ҳамда Мо-ролф ва Мерлин ҳақидаги Фарб афсоналари” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўз аксини топади. А.Н. Веселовский ишининг асосини Аржи-Боржи ҳақидаги монгол халқ ҳикоялари, Талмуднинг Соломон ҳақидаги ҳикоялари ҳамда буддистлар ва эрон халқ афсоналарининг таҳлили ташкил этади. Ушбу афсоналар V асрдаёқ аллақачон Муқаддас китоб номи билан Европага кириб борди, кейинчалик ушбу дostonлар мусулмонларга кириб боради ва улардан шарқ афсоналари билан ўзаро бойитилган, ўзгартирилган ҳолда Европага қайта кириб келади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, даставвал бу афсоналар Византиядан жанубий славянларга ўтиб келган эди ва ниҳоят, айти шу дoston асосида Европада Қирол Артур ва Афсунгар Мерлин ҳақидаги афсона-ю асотирлар юзага келади.

Эртақларнинг, аввало, халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, оммавий жанрларидан бири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас, улар яратилиши жиҳатдан ўта олис ўтмишга бориб тақалиши, бадий-эстетик томонлама ранг-баранглиги, ғоявий-бадий юксаклиги, барча этник қатлам вакиллари учун бирдек ардоқли адабий мерос сифатида кўрилиши билан бошқа жанрлардан алоҳида ажралиб туради. Ушбу бебаҳо оғзаки бадий мерос ажодларимиз томонидан сайқалланган ва бугунги авлод кўлига етиб келган мумтоз адабиётимизнинг энг нодир асарлари, санъат ва мусиқий меросимиз ҳамда меъморчилик санъатининг тенгсиз намуналари қаторида эъзозланади. Шу билан бирга, эртақларнинг асл моҳияти заминида эзгулик ва ёвузлик, соддалик ва айёрлик, сахийлик ва бахиллик, тўғрилиқ ва эгрилик, муҳаббат ва нафрат, бойлик ва камбағаллик каби бутун инсониятга хос қатор ғоялар ётади.

Эътиборли жиҳати шундаки, эртақлар мазмунан халқларнинг ўтмиши, ижтимоий келиб чиқиши, ҳаёт тарзи, меҳнат ҳўжалиги, турли касб-ҳунарни эгаллаганлик тажрибаси, уй-рўзғор буюмлари, қурол-яроғи, табиат, атроф-муҳитга бўлган муносабати, диний ва дунёвий билимлари ҳамда миллий-маданий қадриятлари, урф-одатлари билан ўзаро ҳамбарчас боғлиқ ҳолда тасаввур этилади. Кўринадики, эртақлар ўз тингловчиларини маълум бир халқнинг миллий-маданий турмуш тарзи, ўзига хос менталитетидан боҳабар қилувчи юксак маънавий воситалардан бири ҳисобланади. [7]

“Адабий энциклопедик луғат”да эртақ тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “халқ оғзаки фольклор ижодининг асосий жанрларидан бири, афсона, асосан, фантастикага йўналтирилган сеҳрли, саргузашт ёки кундалик характердаги прозаик адабий асар”. Эртақнинг жанр хусусиятларини аниқлаш муаммосининг асосий мураккаб жиҳати шундаки, эртақ оғзаки насрнинг турли хил жанрлари сифатида гавдаланади, масалан, эртақ, ривоят, афсона ва бошқалар. Шундай қилиб, эртақ афсонадан фарқли ўлароқ уйдурма ва ҳаёлий тўқима элементларни ўз ичига олмайди.

Бошқа бадиий эпик турларидан эртақнинг фарқи шундаки, эртақчи уни ҳикоя қилиб беради, тингловчилар эса уни биринчи навбатда поетик ижод маҳсули ўйини сифатида қабул қилишади. Аммо, бу қараш эртақнинг ғоявий мазмуни, тили, сюжет моҳияти, мотивлари, ундаги образларни белгилайдиган воқелик билан боғлиқлигини инкор этмайди. Кўпгина эртақларда ибтидоий жамоа тузуми муносабатлари, илк дунёқараш шакллари, тотемизм, анимизм ва шу қабилар акс эттирилган.

Феодализм даврида юзага келган эртақлар учун подшоҳ, шаҳзода, рицар, қирол-киролича каби образлар характерли бўлиб, кўпчилик эртақчиларнинг пул ва савдо тематик гуруҳидаги эртақларга бўлган қизиқиши, айниқса, феодализм даврида ўта кучайди, шу боис қашшоқлик ва бойлик ўртасидаги зиддиятлар айни даврдаги эртақларда тасвирланган. Эртақларнинг яна бир хусусияти уларнинг оптимистик руҳда яратилганлигидир, яъни эртақларда ҳамиша ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қозонади, ёвуз кучлар эса мағлубиятга учрайди ва эртақнинг бош қаҳрамонлари бахтли яқун топишади.

Дунё халқлари эртақларида ўхшашликнинг кўплиги турли миллат вакиллари ҳаёт тарзининг ўхшашлиги, миллий-маданий ва тарихий хусусиятлари билан изоҳланади. Замонавий илм-фанда эртақларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар;
- романтик;
- сеҳргарлик (сеҳрли);
- саргузашт;
- уй ҳўжалиги;
- уйдурма эртақлар.

Сеҳргарлик эртақларнинг ўзига хос хусусияти фантазия бўлиб, эртақ қаҳрамонлари ўз қонуниятлари асосида яшайдиган маҳсул сеҳрли дунёни яратади. Масалан, бунда Ялмоғиз Кампир (Баба Яга), Оппоғой (Svow White / Белоснежка), Ўлмас Кашшей (Кощей Бессмертный / Koschey the Immortal), Уч бошли аждар (инглизларда Seven-headed dragon; русларда Семиголовый Дракон), Қовокбош Жек (Jack-o-Lantern / Джек Тыквенная Голова), элфлар, гномлар, парилар (fairy / фея) каби реал ҳаётда мавжуд бўлмаган персонажлар юзага келади. Дастлаб баъзи сеҳргарлик эртақлари афсоналар (мифлар) билан алоқадор бўлиб, улар сеҳрли моҳиятга эга ҳисобланган. Дунё бўйлаб ёвузларга қарши курашиш, ўғай она ва ўғай қиз, беҳисоб бойликка эришиш, ҳазина илинжида турли синовларни енгиб ўтиш ва шу каби воқеалар тафсилотида бағишланган эртақлар кенг тарқалган. Шуниси эътиборлики, эртақда содир бўлаётган воқеалар реал ҳаётда содир бўлиши мумкин эмас. В.Й. Пропнинг фикрига кўра, эртақ реал ҳаётни акс эттиради ва ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда юзага келади, бунда ҳар бир воқеа “иккинчи даража” характерига эга (Проп 1992, 434-бет).

Эртақда турли хил ҳийла-найранглар натижасида қиёфа ўзгартиришлар (трансформациялар) пайдо бўлиши мумкин: “бўрига айланибди”, “у ўнг қулоғидан тортибди — ювинган, таранган, озода ҳолга келибди; чап қулоғидан тортибди — ясанган ва ҳатто

олдингидан ҳам кўркамоқ бўлибди”, “қурбақага айланиб қолибди” (мисол учун, trick / трюк / хийла; enchantment / волшебство / сеҳр; witchcraft / колдовство / жодугарлик; magic / магия / афсун; charms / чары / сеҳр учқунлари; flight / полет / парвоз қилиш; miracle / чудо / мўжиза).

Эртақнинг асосий мазмуни худди “уйку майдони” каби алоҳида, шартли ва нореал ҳисобланади [8].

Аллақачон айтиб ўтилгандек, эртақ махсус тилда, аниқроғи, махсус лингвистик воситалар орқали тасвирланади. Бизнинг назаримизда, эртақ тили ўзига хос мета тил, яъни, айни шу жанрагина учрайдиган махсус тилдир. Бундан ташқари, мета тилда эртақ қахрамонларининг номлари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин:

Ўзбек тилида: олтин балиқ, Зумрад ва Қиммат, подшо, вазир, тиланчи, деҳқон, ўтинчи, шер, аждар, бўри, айиқ, тулки, қароқчилар, балиқчи, хон, девлар (Қизил дев, Сарик дев), ялмоғиз кампир/Мастон кампир, таъбирчи, алплар/пахлавонлар;

Рус тилида: леший (гоблин), русалка (сув париси), оборотень (бўри одам), гусилебеди (ғоз-оққушлар), Крошечка-Хаврошечка, Снегурочка (Қор қиз);

Инглиз тилида: dwarf (гном), giant (баҳайбат махлук), elf (элф), mermaid (сув париси), werewolf, turnskin (бўри одам), vampire (вампир), dragon (аждар), gnomes (гномчалар), house-elf (уй элфлари). Шунингдек, эртақ тили махсус турғун иборалар, ўзига хос клишелар ва фразеологик бирликлар билан ажралиб туради ва, шу ўринда, паремиологик бирликлар ҳам кенг миқёсда қўлланилади. Масалан: “қадим бир подшоликда”, “чекка бир кишлокда” (рус тилида “за тридевять земель”, “в тридесятом государстве”; инглиз тилида “far, far away”). Эртақ — халқ оғзаки бадий ижодининг ажойиб намунасидир. Фольклоршунослар, умуман олганда, тилшунос олимлар эртақни турлича талқин қилишади. Улардан баъзилари ишонч билан афсонавий фантастикани воқеликка боғлиқ бўлмаган деб тавсифлашга интилишади, бошқалари эса эртақлар мазмунида халқ ҳикоячиларининг атрофдаги воқеликка бўлган муносабати ётганлигини изоҳлашга уринадилар. Илм-фанда ҳар қандай фантастик ҳикояни эртақ деб ҳисоблаш ёки халқ оғзаки насрида ва унинг бошқа турларида эртақ бўлмаган матнни ажратиш кўрсатиш масалалари долзарб ҳисобланади. Эртақларнинг ҳеч бирида акс эттириб бўлмайдиган хаёлий фантастикани қандай изоҳлаш мумкин? Бу тадқиқотчиларни узоқ вақтдан буён мулоҳазага чорлаётган муаммолардан биридир. Изланишларимиз давомида «эртак» тушунчасининг замонавий тилшуносликда ҳамон етарли даражада ўрганилмаганлиги аён бўлмоқда, сабаби ушбу концепт, асосан, адабий танқид нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Яна бир рус тилшуноси Э.Ю. Ласкавцеванинг фикрига кўра: “эртак ўзига хос муқаддас мифологик матн сифатида махсус белги ва хусусиятларга эга бўлиб, ханузгача тўлиқ лингвистик таҳлил объекти ҳамда предметига айланмаган” [9].

Баъзи рус тилшунос олимлари эртақни “халқ оғзаки ва шеърый ижодининг асосий жанрларидан бири, асосан, насрда ёзиладиган фантастик, саргузашт ёки кундалик воқеалар тасвирланган, бадий адабиётга йўналтирилган оғзаки турдаги асар” деб ҳисоблашади [10].

2. At an early stage in the formation of a funeral cult, all the dead were considered dangerous until the corpse decomposed. Belief in the soul, as a beginning independent of the human body, arose later, which was convincingly proved by Yu. Semenov, analyzing ethnographic descriptions of funeral rites of peoples at the early stages of cultural development. "The soul initially represented nothing more than the licking of a corpse (emphasis added. - MV). The fear of the soul is rooted in the fear of the corpse. The deceased continued his earthly existence, remained a "grave soul", "a living deceased", a "walking dead", could harm the living. As it decayed, it lost its vital energy, turned into a beetle, butterfly, mouse, fly and left the ground [7, p. 52; 56-57; 190-191; 286-287, etc.]. To protect oneself from unwanted encroachments of the deceased on the lives and affairs of the survivors, amulets were adopted that were extremely diverse. In the emerging memorial and protective rites, a contradictory, ambivalent attitude towards the deceased is manifested: the desire to appease the deceased and, thus, to get his favor, help. 3.B. Tylor called this "a childish disregard for death <...>, a childish desire to assure himself that the dead can continue to act as before" [8, p. 246]. The deceased child was placed in the coffin clothes "for growth", for adults - things that served them during life. The philosophical basis of belief in the afterlife of E.B. Tylor considered animism, the endowment of both man and the living and inanimate world around him with a soul [8, p. 246]. The dead and the living are united by inseparable ties: the deceased gives his life energy to his family, family, and the living, honoring and fearing the dead, take care of them, performing certain rituals. The "image" of the soul has various ethnic incarnations. The soul is an independent substance. Regardless of a person's desire, she can leave his body during sleep, with the death of a person, she remains incorrupt and migrates to the "other world", to the "land of souls". The soul is something weightless, steam, breath, shadow. When a person dies, it comes out of the mouth. New Guineans see the soul in the water; among the natives of Fiji, the soul is a bird, a butterfly; the Chinese have a shadow [8, p. 246].

According to Slavic folk ideas, as noted by A.N. Afanasyev, the soul has many symbolic images:

The soul is "the power of light and warmth" - fire ', a person lives as long as the fire burns in his heart. The expression "extinguished life" means death; no fire, no life.

The soul is a star that lights up at the moment a person is born and goes out at the time of his death. A star is falling - "someone's soul is rolling." The soul is steam.

The soul is a breeze, a breath, a shadow. On the eve of parental Saturday, a person who has fasted for three days can see the shadows of the dead in the cemetery relatives, their souls, as well as souls-shadows of those who will die this year.

The soul is a larva from which a butterfly, a fly, a bee hatch. "In minute of death flew out of there (from the cocoon - M.V.), like a light-winged butterfly..."

The soul is a bird.

The soul is an atmospheric phenomenon. "When the winter <...> there is a sudden thaw, Russian villagers express themselves about it this way: the parents sighed," that is, the souls of the dead blew a warm wind [9, p. 352-360].

Souls can reincarnate, taking on a different zoomorphic appearance. After forty days of commemoration, the late husband:

"From the hut I went as a parinochka,
Let me walk along the bridge as a kitty,
Yes went down the street as a chicken,
Yes, I went across the pole,
And on the zapozh - an ermine "[10, p. 71].

The souls of the dead, according to folk tales, visiting relatives in a dream in the same human form, give useful advice, make requests, warn of danger, trouble.

The story of Olga Rufovia Khovrintseva, 27 years old:

"A few days after my mother died, I had a dream. She dreams that her mother came, unhappy, and says to me: "Olya, send me dry clothes, I'm all damp, I'm lying in the water from your tears. Cross the suit with the man. " I ask: "How, mom, can I find him, where does he live? How, mom, can you get it over? " She (mother), says the address, the name of the man named the date when the suit should be handed over, and left. I really did everything: I collected the suit, went to the address on the specified day. And there a man really died. I asked permission to hand over the suit, put it in a coffin. And so they transported it " [11].

The custom of communicating with deceased relatives through the newly deceased, his soul, pretty steady. It has been preserved in both narratives and lamentations. The deceased's wife gives the instructions "to the next world to the future":

"You confess, the sun is red,
To my dear mother,
Bow down low to her.
Give her a deep bow
Yes, pray again "[12, p. 120].

"The wife of the deceased was replaced by other persons, first relatives, and then neighbors and acquaintances <...> One of those present at the funeral, <...> saying goodbye to the deceased, asked him to convey greetings to her long-dead relatives and tell them various village news: "Say that Annushka got married, but tell mine that I'm sick, I guess I'll die soon, we'll see him" [12, p. 121,126]. The belief in the immortality of the soul to some extent coincides both in the mythical interpretation and in the Christian doctrine, but it is impossible to put an equal sign between them, they are not equal and not identical. The "pagan soul", as it were, repeats the life-form of a person, his deeds: it is mobile - it walks, flies in, wants to eat, drinks, washes, wipes itself with a towel, bathes in a bath, gives advice to relatives in a dream, rejoices, yearns, makes requests, etc. etc. It seems to us that a successful generalization about the soul according to popular superstitions is made by Marina Vlasova: "The soul <...> is not so much an ideal substance leaving a body doomed to decay, but a set of life-time (emphasized by us. - M.V.) changing in a certain way after the death of a person's states "[13, p. 393]. In the orthodox interpretation, the soul is something incorporeal,

ideal, it is a "spiritual and immortal being," after the death of a person it returns to God. "And the dust will return to the earth, which it was, and the spirit will return to God who gave it" [Ecclesiastes, CP: 7]. "The soul is the immortal image of God, enclosed in man. Man is a being formed by the union of body and soul"[14, p. 46].

As can be seen from the comparison of concepts, the Christian idea dominates, but the folklore characteristic of the soul is more concrete and evident.

3. The departure of a person from life, from "his" world to his "foreign" is associated with his exclusion from society. In archaic times, the custom was formed not to call the deceased by name. A man passed away and his name went with him, since the name was identified with its bearer. The custom arose out of fear to disturb the deceased, to provoke his return. The Indians changed the names of all members of the tribe if one of the tribesmen died. They were confident that death had a list of survivors and would return for a new victim.

The magic of the name is associated with the magic of the word. On the island of Bali, the name was buried along with the deceased, writing it on the shroud. In China, the name was written on paper and burned during the funeral. The person received the name at the time of initiation. He did not distinguish himself from the natural world. The name marked not only the age status, but also the individual qualities that the initiate displayed during the initial ritual. "The so-called zoomorphic names belonged to the group of the most ancient" [15, p. 192] - Wolf, Bear, Deer, among the Indians - "Wolf feather", "Hawkeye". With the death of a person, the name was not pronounced. The animal also lost its name, it was given a new name [16, p. 235-237]. Zoomorphic names have become nicknames, appellatives.

4. The combination of animistic and moral philosophy turns into practice in the ritual in the veneration of deceased ancestors. Primitive ideas, one should agree with E.B. Tylor, retain their place even in the high strata of culture [17, p. 213].

The funeral rite cannot be understood without connection with the cult of ancestors and the memory of deceased relatives. These are quantities of different orders. The cult of ancestors took shape in mythological times, in the "era of destructiveness." The first ancestors are sacred characters endowed with supernatural powers: cultural heroes who taught people useful things, ancestors-eponyms, who gave the names of tribes, clans, groups. At an early stage of the development of culture, the first ancestors were deified, their veneration was of a collective nature. They turned to them for help, made sacrifices. [18, p. 114-174.]

In the period of decomposition of the primitive communal organization, social differentiation is outlined. Ancestral gods become objects of state cult, patrons of city-states. In Rome, such a cult figure was the deceased emperor Julius Caesar. Caligula announced himself a god during his lifetime. A cult of leaders is formed, endowed with the qualities of the first ancestors - magical power and capabilities. The mediators between the ancestor chief and the people are priests who convey the requests of community members to the spirit of the ancestor-leader. Ancestor worship-leaders were ubiquitous [19, p. 48-49], which was expressed in special types of burials - in the construction of "houses of the dead" - mausoleums, sarcophagi, tombstones, in ideas about the life of ancestral leaders in the next world in the image and likeness of their earthly life. The archetype of the cult of ancestors has survived to this day in surviving forms. The chronological interval made its own adjustments to the custom of veneration, deprived it of its magical meaning, linking the idea of veneration and memory with national and ethnic history, imprinted in the names of cities, streets, personal anniversaries, which have become national and international holidays dedicated to outstanding people. The veneration of deceased relatives, whom over time, as the sacred ancestors were forgotten, also began to be called ancestors, is of a family nature. IN AND. Dahl calls the ancestors of the most ancient ancestors in lineage from previous generations, "usually further than grandfather or great-grandfather" [20, p. 387], emphasizes their position in the "other world" with the popular saying: "Ancestors are in God's hands." They remembered better the recently deceased who had not yet lost contact with members of the family group.

Speaking of the funeral procedure and its historical evolution, it is also necessary to mention the historical and philosophical analysis of the problem of its meaning. From the historical and

philosophical analysis of the problem of meaning, first of all, a high degree of identity of some characteristics of meaning should be noted, which should testify to their materiality and significance for the definition of this concept. But this identity, unfortunately, does not extend to all the cases we have examined: in logical and philosophical works, some characteristics are common, in linguistic ones, others. With a big stretch, the common intersection point can be to consider that meaning is correlated with information, knowledge. But for the logical-philosophical approach, it is characteristic to correlate this information with conceptual systems, knowledge structures, social and individual experience of an individual, who is an active subject of cognition [24, p. 128-136].

Analysis of existing concepts (both articulated quite clearly in different versions of the ontological philosophy of history, and often implicit, implied in the sciences about culture and serving as the basis of scientific works on history) allows us to distinguish such general and gradually established in modern culture signs, criteria of historicity, such as humanity (correlation with a person, a person is a central element, an atom of history; the world of history is the world of man), sociality (history does not study a lonely person, but the diverse phenomena of people's life together, their connections and relationships), spirituality (certainty, constitutionality by consciousness, reason, ideas; immateriality of a number of components of this real notion), variability (processuality, formation, development), temporality, concreteness, individuality and belonging to the past [25, p. 627-631].

5. It is with this category of ancestors-relatives that the funeral cult rituals are associated, which, as V.Ya. Propp, to influence the harvest [21, p. 22]. The deceased was a part of the earth, which in the worldview of the Slavic peoples embodied both the image of a mother (the mother of the earth), and the unity of the worlds ("this" and "another"), and the entire human race; was the source of life, the center of all living things. The direct connection of the deceased with the earth formed a conviction in his unlimited physical possibilities of influencing the earthly affairs of his descendants, determined their dependence on deceased ancestors and pushed them to practical actions, to the desire to protect themselves from the influence of death.

In this context, the system of commemoration of deceased relatives plays an important role. "Commemoration of the dead is a complex complex of rituals and ceremonial actions," EE enumerates. Levkievskaya.

This is "the church commemoration of the deceased (the performance of a requiem, the magpie, the commemoration of the deceased by a priest during the proskomedia, etc., an offering to the church with money, linen, food); family commemoration (home prayer for the deceased, arranging memorial meals in the circle of close relatives, visiting the grave, distributing food and clothing alms to the poor, etc.), public commemoration ... "[22, p. 229]. The first commemoration takes place immediately after burial and is supported on the third, sixth, ninth, twentieth, fortieth days and one year after death. It is believed that the deceased is present at all these commemorations, sits at the table, treats himself, after the memorial meal, the remnants of food are left on the table until morning, the deceased is seen off. For all commemoration, special ceremonial food is prepared: kutya, pancakes, cereals, jelly, eggs, honey. Memorial ceremonies for the first year are individual.

After the annual memorial cycle, the deceased finally moves to an eternal settlement in the "other world", acquires a new status, is included in the total number of ancestors, the commemoration for which is determined by the church, timed to calendar periods and church holidays. Before Shrovetide, there is a Universal Parental Saturday with feeding of deceased parents. On Forgiveness Sunday, they asked for forgiveness not only from each other, but also from the dead. The Saturday in Holy Week before Easter was popularly called "Easter of the dead". On the eve of Easter, the Lord opens heaven and hell and releases the souls of all the dead from the "other world" so that they can visit their homes and celebrate their Easter. On this day, the royal gates were opened in the church - the way to "the next world", they believed that every deceased on this day goes to heaven. The Church did not approve of the "Passover of the Dead" on the eve of the Resurrection of Christ. According to popular beliefs, the life of the dead is a reflection, a repetition of the life of the living. They also need food, warmth, care, companionship. As in life, they

celebrate Christian holidays. Interesting information about how the dead celebrate Easter is given by A.V. Nikitin. "On Bright Fours (Maundy Thursday), the dead rise from their coffins and gather in church at the sound of the bell, which strikes only once. Gathering together, they stand in front of the temple. A priest comes out from among them and loudly says some kind of prayer, at the end of which the doors open by themselves. After this, the dead enter the temple, and the council of priests begins the liturgy. During the liturgy, a row of children who are holding in their hands a red egg filled with a "shred", i.e. linseed litter. At the end of the liturgy, the dead return to the cemetery" (Recorded by A.V. Balov, 1903) [23, p. 215-216].

References

1. Zhirmunsky V.M. Folklore of the West and the East: Comparative and Historical Essays. - M., 2004. p. 354.
2. Gennep Arnold van. Rites of passage: A systematic study of rites. - M., 1999.
3. Afanasyev A.N. Poetic views of the Slavs on nature. - M.; SPb., 2008 (hereinafter - PVSP); Afanasyev A.N. Notes on the afterlife according to Slavic legends // Archive of historical and legal information relating to Russia, published by N.V. Kalachov. - M., 1861, book. 3, dep. 6; Zelenin D.K. East Slavic ethnography. - M., 1991; Levy-Bruhl L. Primitive thinking. - M., 1930; M., 1994; Lipa Julius. The origin of things: From the history of human culture. - M., 1954; Levi-Strauss Claude. Primitive thinking. - M., 1999; Fraser James George. The Golden Bough: The Study of Magic and Religion. - Ed. 2nd. - M., 1986; Taylor E.B. Primitive culture. - M., 1989; Semenov Yu.I. How humanity came into being. - M., 1966; Tokarev S.A. Religion in the history of the peoples of the world. - M., 1976; Tokarev S.A. Early forms of religion. - M., 1990; Eliade Mircea. Sacred and secular. - Ed. Moscow State University, 1994; Caillois Roger. Myth and man. Man and the sacred. - M., 2003.
4. Semenov Yu.I. How humanity came into being. - M., 1966. -- p. 385.
5. Skvortsov-Stepanov I.I. Selected atheistic works. - M., 1959. -- p. 245.
6. Lipa Julius. The origin of things: From the history of human culture. - M., 1954. -- p. 348, 386-387.
7. Gura A.V. Animal symbolism in the Slavic folk tradition. - M., 1997, - p. 52, 56-57, 190-191, 280, etc.
8. Taylor E.B. Primitive culture. - M., 1989. - P. 246, 251.
9. Afanasyev A.N. The tree of life: Selected articles. - M., 1982.- p. 352-360.
10. Gromova Anna. Funeral and memorial ceremony in the Paninsky village council of the Belozersky district // Izvestia VOISK. - 2004. - Issue. XIII. - P. 71 (studio "Matitsa", Cherepovets).
11. Archive of the Department of Literature of VSPU. Materials of the 2009 folklore expedition. Record of the student of the Faculty of Philology VSPU O.A. Serovoy 07.07.09, Sokol.
12. Archive of the Vologda State Local History Museum-Reserve. 31970/5. - F. 155. - Op. 10. - D. 8. - pp. 120-121, 126. - S. Vashki, Vologda region. Recorded by A.K. Supinsky, 1946, from B. Granovsky (hereinafter - Supinsky). 13. Vlasova Marina. Russian superstitions. - M., 2001. -- S.393. 14. Shipov Yaroslav. Orthodox dictionary. - M., 1998. -- P. 46.
13. Yu.I. Chaikina The history of the vocabulary of the Vologda land (Belozerye and Zavolochie). - Vologda, 2005. -- p. 192.
14. Fraser JJ. Golden branch: Studies of magic and religion. - Ed. 2nd / Ed., Afterword and commentary by prof. S.A. Tokarev. - M., 1986. - p. 201-202, 235-237.
15. Lamentations of the Northern Territory, collected by E.V. Barsov. - M., 1872. -- Vol. 1. Crying funeral, funeral, gravestone. - FROM. p. 213.
16. Azadovsky M.K. Lena lamentations. - Chita, 1922. - S. 113, 114-116, 118-120; Lena lamentations // Articles about literature and folklore. - M.; L., 1960. — p. 114-174.
17. Bernova A.A. Tribal beliefs of small peoples of Indonesia (late 19th - early 20th centuries) // Symbols of cults and rituals of peoples of foreign Asia. - M., 1982. —p. 46-49.


18. Dal V.I. Explanatory Dictionary of the Living Great Russian Language. - In 4 volumes. - M., 1982. - T.Z. - P. 387 (reprinted edition).
19. Propp V.Ya. Russian Agrarian Holidays: Experience of Historical Ethnographic
20. research. - M., 2000 .-- p. 22.
21. Levkieskaya E.E. The cult of the dead // Slavic antiquities: Ethnolinguistic dictionary / ed. N.I. Tolstoy. - M., 2004 .-- T. 3. - p. 227-231.
22. Nikitina A.V. The dead: "ours" and "strangers" // Russian demonology.
23. Ed. St. Petersburg State University, 2006. - p. 215-216 . __
24. Denis Bakhtiyorovich Sadullaev, "problems of understanding philosophical text as a linguistic phenomenon", journalnx - a Multidisciplinary peer reviewed journal, volume 6, issue 6, issn: 2581-4230, page no. 128-136
25. Sadullaev, D. B. Philosophical understanding of terms and concepts by an author as an object of linguistic investigations / D. B. Sadullaev. - Text: direct // Young scientist. - 2020. - No. 22 (312). - p. 627-631. - URL: <https://moluch.ru/archive/312/71010/>

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Зияев Авазжон Ихтиёрович

Кўқон давлат педагогика институти,
инглиз тили ва адабиёти кафедраси
доценти, филология фанлари доктори

ИНТЕНСИФИКАЦИЯ/ДЕИНТЕНСИФИКАЦИЯ СЕМАНТИКАСИНИНГ ЛЕКСЕМА ВА ФРАЗЕМАЛАР СИНОНИМИК ПАРАДИГМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-45>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола тилдаги микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунининг ҳар бир миллий тилда ўзига хос тарзда акс этишини ўрганишга бағишланади. Ҳар бир тилнинг лексик сатҳида интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида лексема ва фраземаларнинг синонимик парадигмалари ҳосил бўлади. Бу янги сўзлар ва лисоний бирликлар шакллантиришнинг семантик усули саналади, яъни интенсификация / деинтенсификация синонимик иборалар ва вариант иборалар парадигмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Синонимик муносабат нафақат фразема билан фразема орасида, балки лексема ва фразема орасида ҳам мавжуд бўлиши мумкин, бунда лексема маънони меъёрий ҳолатини ифодаласа, фразема эса, маълум бир образ орқали аниқ, равшан, кучайтириб ифодалайди.

Таянч сўзлар: сифат, микдор, кучайтириш, кучсизлантириш, лексема, фразема, синонимия, кискалик-узунлик, қаттиқлик-юмшоқлик, кучлилик-кучсизлик, баландлик-пастлик.

Зияев Авазжон Ихтиёрович

Доцент кафедраси ангийского языка и литературы
Кокандского государственного педагогического института,
доктор филологических наук

ФОРМИРОВАНИЕ СИНОНИМИЧЕСКИХ ПАРАДИГМ ЛЕКСЕМ И ФРАЗЕМ НА ОСНОВЕ СЕМАНТИКИ ИНТЕНСИФИКАЦИИ/ДЕИНТЕНСИФИКАЦИИ В ЯЗЫКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуется своеобразное отражение закона перехода количественных изменений в качественные в каждом национальном языке, в результате которого на лексических уровнях каждого языка на основе интенсификации/деинтенсификации формируются синонимические парадигмы лексем и фразем. , который представляет собой семантический способ образования новых слов и языковых единиц. Интенсификация/деинтенсификация служит для формирования парадигм синонимичных фраз и вариантных фраз. Синонимические отношения могут существовать не только между фразовым глаголом и фразовым глаголом,

но также между лексемой и фразовым глаголом. В этом случае значение лексемы в норме, а фраза выражена ярко, ярко через определенный образ.

Ключевые слова: количество, качество, интенсификация, деинтенсификация, лексема, фраза, синонимия, фразовый глагол, краткость-длина, твердость-мягкость, сила-слабость, высота-низкая.

Ziyayev Avazjon Ikhtiyorovich

Associated professor of Kokand State Pedagogical Institute

Doctor of philological sciences

THE FORMATION OF SYNONYMIC PARADIGM OF LEXEMES AND PHRASEMES ON THE BASIS OF CATEGORY OF INTENSIFICATION/DEINTENSIFICATION IN THE LANGUAGE

ANNOTATION

This article explores the peculiar reflection of the law of the transition of quantitative changes to qualitative ones in each national language and as a result of which synonymic paradigm of lexemes and phrasemes are formed on the lexical levels of each language on the basis of intensification/deintensification, which is a semantic way of forming new words and language units. Intensification/ deintensification serves to form paradigms of synonymous phrases and variant phrases. A synonymic relationship can exist not only between a phrasal verb and a phrasal verb, but also between a lexeme and a phrasal verb. In this case, the meaning of the lexeme is in the norm, and the phrasema is expressed strongly, vividly through a certain image.

Key words: quantity, quality, intensification, deintensification, lexeme, phraseme, synonymy, phrasal verb, shortness-length, hardness-softness, strength-weakness, height-lowness.

Маълумки, белги миқдорининг ўзгариши, аслида, ундаги сифат хусусиятнинг кўпайиши ёки озайиши билан боғлиқ. Ана шу кўпайиш/озайиш бир сифат йўналиши, иккинчи сифатнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун, бизнингча, озайиш/кўпайиш инвариант ҳодиса бўлиб, у бошқа, яъни қисқалик-чўзиқлик, қаттиқлик-юмшоқлик, тезлик-секинлик, кучлилик-кучсизлик, баландлик-пастлик каби ўз сифатларига ҳам эга бўлган вариант ҳодисалар учун асос вазифасини бажаради. Бошқача айтганда, кучайиш/сусайиш, кенглик-торлик, секинлик-тезлик каби жуфтликлар таркибида муайян белгининг озлиги ёки кўплиги семаси мавжуд: улар “озайиш” ва “кўпайиш” семалари асосида шаклланган. Биз ушбу семик ҳолатни назарда тутиб, интенсификация/деинтенсификация атамасини юқорида келтирилган тур-вариантларини ўзига қамраб олувчи жинс (родовое понятие) мақомидаги атама сифатида қўллаймиз.

Объектив борлиқдаги нарса-ҳодисаларга хос бўлган миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши номинация жараёни орқали сўзларда акс (инъикос) этади ва шу асосда тилда интенсификация/де-интенсификация семантикали лексемалар ҳосил бўлади [1; 14]. Ҳозирги даврда белги миқдори, сифати, даражаси, улар тўғридан тўғри ўрганилаётган денотат (вокелик) нинг хусусияти (белгининг кучайиши, озайиши) ҳақида маълумот беради, белги миқдори ўзгариши ҳодисаси билан боғлиқ ҳолат ҳақида тушунча беради. Интенсификация/деинтенсификация яъни “кўшалок” атама ҳозирги даврда кучайтириш/кучсизлантириш, ортиқлик/камлик, баландлик/пастлик, тезлик/секинлик каби ҳолатларни ифодалаш учун ҳам кенг маънода қўлланмоқда.

Интенсификация/деинтенсификация синоним фраземалар ва вариант фраземалар парадигмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Биз вариант фраземалар дейилганда, бир фраземанинг турли шакл трансформацияларини, кўринишларини тушунамиз. Улар бир фразема таркибида бир сўзни синоним ёки яқин маъноли сўзлар билан алмаштириш, бир иборани турли шакл ясовчилар (асосий маъно, семемаси ўзгармаган ҳолда) қўлланишини тушунамиз. Вариант фраземалар ёки аллофраземалар бир образ (тушунча) асосида

шакланган бўлади. Синоним иборалар эса турли образлар заминиди субъектив баҳо (бўёк) маънодаги кучли-кучсизлик семалари асосида вужудга келади [1; 15-17].

От туркумига кирувчи фраземалар кам учрайди. Бунинг сабаби бу туркумда тасвирий ифодаларнинг: оқ олтин (пахта), қора олтин (нефт), ақл гимнастикаси (шахмат) мавжудлиги бўлса керак.

Белги билдирувчи (сифат) фраземаларнинг семантик гуруҳларида интенсификация/деинтенсификация воситасида синоним фраземалар шакланган.

1. Баҳо билдирувчи фраземалар системасида: бир пуллик → бир чақалик қатори ҳам шу тарзда берилган [7; 43]. Бунда пул ва чақа пул birlikлари орасидаги озлик-кўплик муносабатларида интенсификация/деинтенсификация ҳосил қилишда фойдаланилган: бир пуллик одам → бир чақалик одам (бўлдим).
2. Бир оғиз → бир-икки оғиз → тўрт оғиз да ҳам шу тарзда берилган [7; 41]; икки оғиз – бир-икки оғиз тарзида берилган [7; 112]; тўрт оғиз – уч-тўрт оғиз; ўн оғиз → эллик оғиз [7; 252] ҳам шу тарзда берилган; икки энли → тўрт энли [7; 239] тўрт энли – икки энли тарзида берилган бўлиб, ушбу синонимик қаторлардаги сонлар миқдорини ошиб бориши орқали ҳосил қилинган. Бу фраземалар отга боғли бўлса ҳам, уларнинг умумий (фразеолологик) маъноси қандай? (сифат) сўроғига жавоб бўлади: икки оғиз гап, бир-икки шингил гап, тўрт энли хат каби.
3. Кишининг феъл-атвори, бошқа кишиларга салбий муносабатини билдирувчи фраземалар синонимиясини ташкил этишда интенсификация/деинтенсификация учрайди: бағри тош → юраги тош → кўнгли тош [7; 179] кўнгли қаттиқ – бағри тош – юраги тош тарзида берилган: ичи қора → кўнгли қора [7; 117] да ҳам шундай берилган: юраги қора → кўнгли қора → дили сиёҳ [7; 173] кўнгли қора – юраги қора – дили сиёҳ тарзида берилган.

Кишиларни кайфият, руҳий азобланишларини билдирувчи синонимик фраземаларни ташкил этишда: вақти чоғ → димоғи чоғ [7; 62] да ҳам шундай берилган; бағри қон → юраги қон → юрак-бағри қон [7; 34] бетда ҳам шундай берилган.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини ифодаловчи фраземалар ҳам интенсификация/деинтенсификация воситасида боғланиб синонимик парадигмани ҳосил қилиши мумкин: икки букилиб → етти букилиб [7; 110] да юқоридаги тартибда берилган. Уларда хушомаднинг кучли-кучсиз ҳолатлари акс этган: жони хиқилдоғига келди → эси чиқиб кетди → жон-пони чиқиб кетди [7; 102] да интенсификация/деинтенсификациянинг ошиб бориши йўналишига мос равишда берилган: юрагини ҳовучлаб → жонини ҳовучлаб [6; 100] да: жонини ҳовучлаб - юрагини ҳовучлаб тарзида берилган.

Иш-ҳаракатнинг пайтини билдирувчи фраземалар ҳам вақт миқдорининг ошиб боришига кўра боғланиб, парадигма ҳосил қилади: кўз очиб юмгунча → ҳа-ҳу дегунча → ҳаш-паш дегунча [7; 147] да кўз очиб юмгунча – ҳаш-паш дегунча – ҳа-ҳу дегунча тарзида берилган.

Иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги тўлиқлик, бутунлик тушунчаларини ифодаловчи фраземаларнинг маънодошлик бўйича боғланишида: ипидан игнасиғача → қилидан куйруғиғача → миридан сириғача [7; 114] да ипидан игнасиғача – миридан сириғача – қилидан куйруғиғача тарзида берилган; олти яшардан олтмиш ёшгача → етти яшардан етмиш ёшгача [7; 86] да етти яшардан етмиш ёшгача, олти яшардан олтмиш ёшгача тартибда берилган.

Фарқлилик даражаси бўйича: от билан туяча → ер билан осмонча [7; 196] да ҳам шу тартибда берилган. Бунга асос шуки, от билан туя орасида ҳайвон белгиси бўйича ўхшашлик бор, ер билан осмон ўртасида эса ўхшашлик умуман йўқ. Фраземалар формал структурасига кўра гапшакл ва сўз бирикмаси кўринишларига эга. Бу шакллар (гап, сўз бирикмаси) синтактик қийматга эга эмас. Зеро фраземалар бу икки турдаги синтактик шакл асосида, уларнинг кўчма (фразеологик) маъно (мазмун) касб этиши натижасида вужудга келган. Албатта гап асосида шакланган фразема маъноси билан сўз бирикмаси асосида шакланган фразема маъноси орасида муайян даражада фарқ бор. Гап предикатив мазмун ёки хабар

ифодалайди. Сўз бирикмаси, хусусан, феълли бирикмалар, аввало, мураккаб тушунча ифодалайди, сўнг эса феълга кўшимча кесимлик аффикслари, замон, шахс-сон, модаллик кўрсаткичлари орқали гаплик хусусиятига ҳам эга бўлади. Масалан, тўлиқсиз, бир бош бўлакли гаплар. Шунга қарамай, эга + кесим структурасидаги гап эгасиз гапларга нисбатан тасдиқ/инкорни, хабарни икки бош бўлакли/субъект/эга – предикат/кесим гапчалик тўлиқ намоён эта олмайди. Ана шу фарқ сўз бирикмаси ва гап шаклидаги фраземалар маънолари орасидаги тафовутни келтириб чиқаради. Қиёсланг: дунёни сув босса тўпиғига чиқмаслик (ўтакетган беғам) – бурнини кўтармоқ (гердаймоқ). Қуйида гапшакл асосида вужудга келган фраземаларнинг семантик гуруҳларида интенсификация/деинтенсификация асосида вужудга келган синонимик парадигмаларни кўриб ўтамиз.

Кишининг салбий руҳий ҳолатлари, хусусиятларини ифодаловчи фраземалар интенсификация/деинтенсификация асосида боғланиб, синони-мик парадигмаларни ҳосил қилган: таъби хира бўлмоқ → таъби тирриқ бўлмоқ → таъбини хуфтон қилмоқ [7; 220]; кўнгли ғаш – юраги ғаш – ичига чироқ ёкса ёришмайди [7; 173] ичини мушук таталаяпти – ичини ит таталаяпти [7; 116] аччиғи келмоқ – ғазаби келмоқ; ўтакаси ёрилди – ўтакаси ўнга бўлинди – ўтакаси ўттиз иккига бўлинди [7; 287; кайфи бузилмоқ – таъби тирриқ бўлмоқ; юраги шув этиб кетди – юраги шиғ этиб кетди [7; 273]; таъби хира – дил(и) сиёх – бағр (и) қон [7; 96]; ўз соясидан ҳам кўрқадиган – чумчук пир этса, юраши шир этадиган [7; 251]; эси чиқиб кетмоқ – жони ҳалқумига келмоқ – жон-пони чиқиб кетмоқ [7; 106]; сочи тикка бўлди – тепа сочи тикка бўлди – сочлари типпа-тик бўлди [7; 225]; юзи шувут бўлмоқ – бети ғамгин бўлмоқ [7; 265]; юрагига ғулғула солмоқ – юраги ваҳима босмоқ [7; 269]; юраги ёрилгудай бўлди – юраги тарс ёрилгудай бўлди [7; 276]; кайфи бузук – таъби хира – таъби тирриқ [7; 124]; кўзининг пахтаси чиқди – кўзларининг пахтаси чиқди – кўзи косасидан чиқа ёзди [7; 115]; бурнини кўтармоқ – бурнини бир қарич кўтармоқ – бурнини осмонга кўтармоқ – димоғи кўтарилмоқ [7; 58] ; дунёни сув босса тўпиғига чиқмаслик – дунёни сел олса тўпиғига чиқмаслик [7; 76]; биров безовта қилмайди – биров мушугини пишт демайди – ўзига хон -, қўланкаси майдон [7; 183]; ўзини қўйгани жой тополмаслик- ўзини қаерга уришини билмаслик; хуши бошидан учмоқ – хуши йўқолмоқ.

Синонимик муносабат нафақат фразема ва фразема, балки лексема билан фразема орасида ҳам бўлиши мумкин. Бунда лексема маънони меъёрда, фразема эса муайян образ орқали кучли, ёрқин ифодалайди. Лексема ва фразема орасидаги синонимик муносабат сифат, равиш ва феъл туркумларида учрайди. Ҳар бир туркумдаги синонимик муносабат муайян семантик кўламга (гуруҳга) мансуб бўлади. Қуйида лексема-фраземали синонимияни шу нуқтаи назардан тавсифлаймиз.

Шахснинг кайфияти, сезгирлик ҳолатини ифодаловчи лексема ва фраземалар орасида интенсификация/деинтенсификация асосида синонимия-нинг шаклланиши: хурсанд – оғзи қулоғида – ўз терисига сиғмай кетмоқ – ўзини еттинчи осмонда ҳис қилмоқ [6; 248]; (хурсанд, хушвақт, шод, хуррам, хушнуд, масрур, сарафроз, [6; 216] хафа – юрагига қил сиғмайди [6; 268]; хушёр – ер тагида илон қимирласа биладиган, хомуш – қовоғидан қор ёғади [6; 252].

Кишининг руҳий ҳолатлари, феъл-атвори, инсонийлик (одамийлик) даражаси, меҳнатга муносабати кабиларни ифодаловчи лексема-фраземаларнинг интенсификация / деинтенсификация асосида синонимия ҳосил қилиши: мўътадил (нейтрал) ва ижобий бўёқ (коннотация) билан: мард – юрагида ёли бор [6; 268]; уддабурон – юлдузни бенарвон урадиган [6; 287]; сахий – қўли очик [6; 301]; шўх – ерга урса кўкка сакрайди [6; 81]; ювош – қўй оғзидан чўп олмаган [6; 295]; салбий бўёқ (кўшимча маъно билан): хасис – қишда қор сўраса ҳам бермайдиган [6; 252]; муғомбир – илонни ёғини ялаган [6; 113]; эпашанг – тепса тебранмас [6; 295]; анқов – оғзинг қани деса қулоғини кўрсатадиган [6; 200]; кўрқоқ – қуён юрак [6; 304]; бўшанг – оғзидан ошини олдирадиган [6; 190]; ландовур (ҳеч бир ишни урдалай олмайдиган) – аммамнинг бузоғи [6; 26]. Лапашанг, лаванд (лаванг), эпашанг, бўшанг, ландовур, ношуд, сўтак, бўш-баёв, латта [6; 133].

Эстетик баҳо ифодаловчи лексема-фразема муносабатида кучли – кучсизлик асосида синонимликнинг шаклланиши: чиройли – бир қошиқ сув билан ютиб қўядиган [6; 44]; истарали – истараси иссиқ, юлдузи иссиқ [6; 115]. Жисмоний ҳолат ифодаловчи лексема-фразема семантикасида интенсификация / деинтенсификация орқали синонимиянинг вужудга келиши: озгин – эти суягига ёпишган [6; 262]; камкувват – бурнидан тортса йиқиладиган, бурнига чертса йиқиладиган [6; 58]; бакувват – тоғни талқон қиладиган [6; 236].

Ҳаётни яхши билмаслик, фаолият малакасига эга эмасликни англатувчи семантикада кучайтириш орқали лексик-фраземик синонимия-нинг ҳосил бўлиши: тажrabасиз – она сути оғзидан кетмаган [6; 201].

Кишиларнинг ижтимоий табиати, ҳамкорлигини ифодаловчи: иноқ – ораларидан қил ўтмайди [6; 193]; аҳил – апоқ-чапоқ [6; 28].

Ақлий ҳолат ва ақл билан амалга оширадиган ҳолатни ифодаловчи лексема, фраземаларда интенсификация/деинтенсификация билан синонимия ҳосил қилиши: тентак – мияси айниган [6; 181]; осон – хамирдан қил суғургандай [6; 247].

Дуч келиш, учратиш ҳолатини ифодаловчи лексема+фраземаларнинг кучли-кучсизлик асосида синонимия ҳосил қилиши: камёб – анқонинг уруғи [6; 27].

Пайт белгисини ифодаловчи лексема, фраземада интенсификация/-деинтенсификация орқали синонимия ташкил этилиши: қадимий – дакёнусдан қолган, алмисоқдан қолган [6; 28]. Юқорида феъл кесимли гап шаклидаги фраземалар семантикаси асосидаги синонимияни кучли-кучсизлик белгиси нуқтаи назаридан алоҳида тавсифлаган эдик. Энди сўз бирикмаси шаклидаги таянч сўзи феълдан иборат бўлган фраземаларга эътибор қаратамиз. Ҳоким қисми феълдан иборат бўлган фраземалар, асосан, мураккаб тушунчага эга бўлган ва шу асосда фразеологик маъно шаклланиган. Тўғри, кўп ҳолатларда феъл кесим кенгайиб кетса, гарчи эга мавжуд бўлмаса ҳам, бу типдаги конструкциялар гап шаклга яқинлашиб, ўхшаб қолади. Зеро содда гап турлари ичида бир бош бўлакли, тўлиқсиз каби эга иштирок этмаган турлар ҳам мавжуд. Хуллас, гап шакл ва сўз бирикмаси шаклидаги фраземалар мазмуни ўзининг салмоғи, образ миқдорига кўра фарқ қилади. Қуйида сўз бирикмаси шаклидаги фраземаларнинг интенсификация/деинтенсификация воситасида синонимик парадигмалар ҳосил қилишини уларнинг семантик кўлами (турлари) мисолида кўриб чиқамиз.

Улар ижобий ва салбий коннотацияга эга бўлиши мумкин. Киши руҳий ҳолатини ифодаловчи лексема ва фраземалар семантикасининг интенсификация/деинтенсификация орқали синонимия ҳосил қилиши: хурсанд бўлмоқ – дўпписини осмонга отмоқ [6; 77]; хурсанд бўлмоқ – кўнгли тоғдай кўтарилмоқ [6; 152]; ёқтириб қолмоқ – юрагидан урмоқ [6; 269]; севинмоқ – оғзининг таноби қочди – оғзи қулоғига етди – боши кўкка етди [6; 203]; суюнмоқ – елкасидан тоғ қуламоқ [6; 78]. Шунингдек, психик ҳолатнинг кучсизланиши ва психик ҳолатга кучсиз даражада эга бўлмоқ семантикаларида: тинчланмоқ – ўпкасини босиб олмоқ [6; 284] мизғимоқ – қўзи илинмоқ [6; 136].

Салбий баҳо бўёкли руҳий ҳолат, жараён ифодаловчи лексема, фраземаларнинг кучли-кучсизлик асосида синонимия ҳосил қилиши: уялтириб қўймоқ – юзини ерга қаратмоқ – уятномусдан бош кўтара олмай диган бўлиб қолмоқ [6; 264]; сиқилиб кетмоқ – юраги қон бўлди – юрак бағри хун бўлди [6; 276]; куйинмоқ – ичи ачимок – раҳми келмоқ [6; 116]; кўркиб кетмоқ – кайфи учмоқ – капалаги учмоқ [6; 124].

Кишига ижобий баҳо бериш, номақбул ҳаракати учун чора кўриш ҳаракатларини ифодаловчи лексема, фразема семантикаларидаги интенсификация/деинтенсификация орқали синонимик қаторларнинг вужудга келиши: мактамоқ – кўкка кўтармоқ – кўкларга кўтармоқ [6; 151]; жазоламоқ – терисига сомон тикмоқ [6; 227]; жазоламоқ – бурнини ерга ишқамок [6; 57]; жазоламоқ - онасини учқўрғондан кўрсатмоқ [6; 192].

Шунингдек, турли семантик тур (гурух) ларга кирувчи: хайдаб юбормоқ – думини туғиб юбормоқ [6; 71]; танқид қилмоқ – пўстагини қоқмоқ [6; 209]; тузалмоқ – ёстикдан бош кўтармоқ [6; 89]; лақиллатмоқ – қўйини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ [6; 209]; енгмоқ – бир чўқишда қочирмоқ [6; 44].

Лексема, фраземалардаги синонимик муносабат ҳам улардаги кучли-кучсизлик коннотацияси асосида шаклланган. Интенсификация/деинтен-сификация асосида шаклланган лексема – фразема синонимлар равиш сўз туркумида ҳам учрайди. Иш-ҳаракатнинг ҳолатини билдирувчи лексема, фразема семантикасида кучайтириш маъноси синонимик қаторни вужудга келтиради: кўққисдан – томдан тараша тушгандай [6; 235]; зимдан – енг ичида [6; 70]; тез – оёғи олти, қўли етти [6; 188].

Лексема-фразема орасидаги синонимик муносабат миқдор билдирувчи лексема, фразема маъноларидаги кучли-кучсизлик маънолари асосида ҳам бўлиши мумкин: озгина – икки оғиз [6; 70]; оз – дарёдан томчи [6; 70].

Шундай қилиб, лексик сатҳдаги лексема, лексема ва фраземаларнинг градуал антонимик, синонимик ва вариант қаторлари тизими таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг шаклланишида муайян белгининг кучли-кучсизлик, ортиқ-камлик даражалари иштирок этган. Луғавий сатҳнинг фразеологик бирликлари гуруҳида фраземаларнинг градуал синонимлар ва вариантлар парадигмаси шаклланган. Булар фразеологик белги (сема) нинг кучли-кучсизлиги, ортиқ-камлиги, тўлиқ-тўлиқсизлиги заминида шаклланган бўлиб, уларнинг ўзларига хос мавзу (семантик) гуруҳлари мавжуд. Градуал синонимлик фразема ва лексема муносабатида ҳам мавжуд. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, тилларда интенсификация/деин-тенсификация семантикаси лексик бирликлар махсус тизимини, яъни лексик парадигмасини шакллантира олиши умумлисоний қонуниятдир.

Адабиётлар

1. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Тошкент: Фан, 1995, 132 б.
2. Бозоров О. Градуонимиянинг антонимия ва синонимияни шакллантиришдаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. № 2. Б.-62-64
3. Bolinger D. Degree Words. – The Hague - Paris, 1972. – 154 p.
4. Нурмонов А., Махмудов Н., Собиров А ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, Илм зиё, 2015, 575 б.
5. Орифжонова Ш.А. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1996. – Б. 13-15.
6. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент Ўқитувчи, 1974, 307 б.
7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 405 б.
8. Раҳматуллаев Ш.У. Некоторые вопросы узбекской фразеологии: Автореф. докт. филол. наук. – Ташкент, 1966. – С. 15 - 25.
9. Раҳматуллаев Ш.У. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Mumtoz so'z. 2010. – 208 б.
10. Исаева И. А. Градуальная семантика глагола в современном русском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Саранск. 2008. – 24 с.

References

11. Bozorov O. Graduonymy in Uzbek language. Tashkent: Fan, 1995, 132 p.
12. Bozorov O. The role of graduonymy in the formation of antonyms and synonyms // Uzbek language and literature. 1996. № 2. B.-62-64
13. Bolinger D. Degree Words. – The Hague - Paris, 1972. – 154 p.
14. A., Mahmudov N., Sobirov A and others. Modern Uzbek literary language. Tashkent, Science, 2015, 575 p.
15. Orifjonova Sh.A. Lexical graduonymy in Uzbek language: Philol. fan. nomz. diss. ... avtoref. - Tashkent, 1996. - B. 13-15.
16. Hojiev A. Annotated dictionary of synonyms of the Uzbek language. Tashkent Teacher, 1974, 307 p.

17. Rahmatullaev Sh. Annotated phraseological dictionary of the Uzbek language. - Tashkent: Teacher, 1978. - 405 p.
18. Rahmatullaev Sh.U. Some questions of Uzbek phraseology: Author's abstract. doct. philol. sciences. - Tashkent, 1966.-- S. 15 - 25.
19. Rahmatullaev Sh.U. Modern Uzbek literary language. - Tashkent: A classic word. 2010. - 208 p.
20. Isaeva IA Gradual semantics of the verb in modern Russian language. Author's abstract. dis. ... Cand. philol. sciences. - Saransk. 2008.-- 24 p.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 - МАХСУС СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
SPECIAL ISSUE - 4**

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000